R 547

ISSN 2010-5517

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Iyul – 2019

jahonadabiyoti@list.ru



Павел Филонов. *«Надфас»*

R 577

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Эмз
№ 1

Жамоатчилик кенгаши:

Сирожиддин САЙИД
Наим КАРИМОВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Эркин АЪЗАМОВ
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Абдураҳим МАННОНОВ
Шуҳрат РИЗАЕВ
Комилжон АЛЛАМЖОНОВ
Алишер ҚОДИРОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ
Муҳиддин ОМОН

МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Журнал 1997 йил июндан чика бошлаган

Бош муҳаррир:
Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Амир ФАЙЗУЛЛА
Муҳиддин РАҲИМ
Назира ЖЎРАЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОЕВ
Даврон РАЖАБ
Жамила АСҚАРОВА
Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. Ҳар кўнгл ороми. *(Рус ва инглиз тилларига Е.Аксельрод, Қ.Маъмуров тарж.).* 3

МУҲАРРИР МИНБАРИ

А.МЕЛИБОЕВ. Сирли келишув бўлганмиди?....8

НАСР

Л.ТОЛСТОЙ. Иблис. Қисса. *(Рус тилидан М.Раҳим тарж.).* 15
К.КАРИМОВ. Зардушт. Роман. *(Қорақалпоқ тилидан Ф.Абдураимова тарж.).* 58
Т.ПЎЛАТОВ. Ўлимни қолдир доғда. Қисса. *(Рус тилидан Ш.Аҳмад тарж.).* 102
С.ЦВЕЙГ. Кристина. Роман. *(Рус тилидан А.Пардаев тарж.).* 144

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

И.ЮСУПОВ. Шеърлар. *(Қорақалпоқ тилидан О.Тоҳир тарж.).* 53
О.ВАЦИЕТИС. Эйнштейннома. Достон. *(Рус тилидан Ш.Қўшназаров тарж.).* 138

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

Г. ИСОҚОВА. Юнон иборалари француз тилида. 194

Жаҳон хандаси. 199
Муқовамизда. 201
Қомус. 203
Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни. 206

NAVOIY SABOQLARI

Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

ҲАР КЎНГУЛ ОРОМИ...

Ҳар кўнгул ороми чун бўлмиш дилоромим менинг,
Ул сабабдин йўқтурур кўнглумда оромим менинг.

Дуди оҳим сарвдек чиқтию гулгун бўлди ашк,
Қилғали тарки вафо сарви гуландомим менинг.

Нега кўргузди шафақдин шуъла, кавкабдин шарор,
Гар эмас ғам дўзахи бу субҳи йўқ шомим менинг.

Дилраболар аҳдиға ҳеч этмасунлар эътимод,
Эй сабо, ишқ аҳлиға еткур бу пайғомим менинг.

Ошиқ отиға кириптур кўнглуму топмас висол,
Фосиқи маҳрумтек бўлмиш бу бадномим менинг.

Донаи тасбиҳ майли айламас кўнглум қуши
Риштаи зуннори зулфунг бўлғали домим менинг.

Эй Навоий, мендек ул бут кўйи сори кирмаким,
Куфр ила бўлди бадал бу йўлда исломим менинг.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 352-ғазал)

ЛУҒАТ:

Дуд – тутун
Гулгун – қизил, гул рангли
Шарор – учқун
Кавкаб – юлдуз
Эътимод – ишонч
Пайғом – хабар

Фосиқ – фисқ ишлар билан шуғулланувчи, аҳлоксиз
Дом – тузоқ
Зуннор – ғайридинлар белига боғлайдиган ип
Бадал – алмаштириш, айрибошлаш, эваз

Байтларнинг насрий баёни

Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи

1. Менинг дилоромим ҳар қандай кўнгилга ором бағишлайди, шу сабабдан менинг дилимдан ором кетган.
2. Оҳларимдан чиққан тутун сарв дарахти каби баландликка кўтарилди-ю, кўз ёшларим гул рангидек қизил бўлдилар, чунки сарви гуландомим бевафолик қилмоқда.
3. Агар тонг отмайдиган бу оқшомим ғам дўзахи бўлмаса, нега шафақдан шуъла, юлдузлардан учқун чиқиб, кўкни ёндирмоқда?!
4. Эй сабо, ишқ аҳлига менинг бу хабаримни етказ: дилраболарнинг ваъдасига ҳеч қачон ишонмасинлар.
5. Кўнглим "ошиқ" номини олибди, лекин висолдан бебаҳра, бу бадном дилим фосиқлардек маҳрум бўлиб қолган.
6. Кўнглим қуши тасбиҳ донасига майл этмаяпти, чунки сенинг зулфинг зуннори менга тузоқ бўлди.
7. Эй Навоий, ул бут манзилига бора кўрмаким, бу йўлда исломим куфр билан алмашди.

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали мавзу жиҳатидан ошиқона, услубан шарҳи ҳол йўналишига мансуб. Ғазалда мумтоз адабиётдаги анъанавий мотив: ёрнинг бевафолигию, ошиқнинг жонфидолиги юксак пардаларда талқин қилинади. Матлаъдаёқ гўзал дилором кўплаб ошиқлар орзусию хаёлида эканлиги, бундан лирик қаҳрамоннинг кўнгли ўз оромини йўқотганлиги маълум бўлади:

Ҳар кўнгул ороми чун бўлмиш дилоромим менинг,
Ул сабабдин йўқтурур кўнглумда оромим менинг.

Байтда "дилором"нинг "ором" билан *иштиқоқ* (ўзакдош сўзлардан фойдаланиш) санъатини вужудга келтириши, бир пайтнинг ўзида бу сўзнинг "кўнгул ороми" бирикмаси билан маънодошлик ҳосил қилиши юксак мазмун билан уйғунлашиб, байтнинг *ҳусни матлаъ* даражасига кўтарилишини таъминлаган.

Иккинчи байтда ошиқ ҳолининг изҳори ва бевафо ёрдан ёзғириш кайфияти давом этади:

Дуди оҳим сарвдек чиқтию гулгун бўлди ашк,
Қилғали тарки вафо сарви гуландомим менинг.

Ошиқнинг оҳларидан чиққан тутун сарв дарахти каби баландликка кўтарилади, кўз ёшлари гул рангидек қип-қизил тусга киради, чунки унинг сарви гуландоми бевафолик қилмоқда. Шоирнинг бадиий маҳорати шундаки, у лирик қаҳрамоннинг ҳолатини тасвирлашда ҳам таносубни сақлашга интилади: ошиқнинг кўз ёшларини гул рангига, оҳининг тутунини ёрнинг тик қомати янглиғ сарвга менгзаб талқин қилади ва пировардида бу китобхонда ёрдан ранжиш эмас, балки унинг гўзаллигидан завқланиш ҳиссини пайдо қилади.

Учинчи байтда *ҳусни таълил* (чиройли далиллаш) санъати воситасида бетакрор манзара яратилган:

Нега кўргузди шафақдин шуъла, кавкабдин шарор,
Гар эмас ғам дўзахи бу субҳи йўқ шомим менинг.

Ошиқ шундай тушкун ҳолатдаки, ҳатто одатий табиат ҳодисалари, само жисмлари ҳам унинг руҳиятини кўрсатаётгандек гўё: тунда осмоннинг юлдузларга тўлиши, юлдузларнинг учқун каби нур сочиши унинг ғам дўзахига ўхшаш тонги йўқ оқшомини эслатади.

Кейинги байтда шоир сабога мурожаат қилиб, ундан дилраболарнинг ваъдаларига ишонмаслик хабарини ишқ аҳлига етказишни илтимос қилади:

Дилраболар аҳдиға ҳеч этмасунлар эътимод,
Эй сабо, ишқ аҳлиға еткур бу пайғомим менинг.

Лирик қаҳрамон "ошиқ" номини олгану, лекин висолдан бебаҳра, унинг бадном кўнгли фосиқлар каби маҳрум бўлиб қолган:

Ошиқ отиға кириптур кўнглуму топмас висол,
Фосиқи маҳрумтек бўлмиш бу бадномим менинг.

Маълумки, фосиқ бу ўзи билган нарсаларга амал қилмайдиган киши бўлиб, бундай одам ҳидоятга эришмайди, унинг қилган эҳсонини Аллоҳ қабул қилмайди. Навоий байтда шунга ишора қилиб, "номим ошиқу, лекин кўнглим висолдан бебаҳра, бу ҳолимда худди маҳрум фосиқларга ўхшайман" демоқчи.

Сўнгги икки байтни тасаввуф таълимотига таянмасдан шарҳлаш имконсиз:

Донаи тасбиҳ майли айламас кўнглум қуши
Риштаи зуннори зулфунг бўлғали домим менинг.

(Мазмуни: Кўнглим қуши тасбиҳ донасига майл этмаяпти, чунки сенинг зулфинг зуннори менга тузоқ бўлди).

Эй Навоий, мендек ул бут кўйи сари кирмаким,
Куфр ила бўлди бадал бу йўлда исломим менинг.

(Мазмуни: Эй Навоий, яна ул бут манзилига бора кўрмаким, бу йўлда исломим куфр билан алмашди).

Маълумки, *зуннор* насронийларнинг белбоғи бўлиб, устоз Н.Комиловнинг ёзишича, у тасаввуфда тариқат йўлида хизмат қилиш, Худога бандаликда мустаҳкам туриш учун аҳду паймон қилиш, риёзату камолотга бел боғлашни билдиради. *Зулф* эса илоҳий юзни (манбани) беркитиб турувчи моддийлик, дунё билан бир қаторда мутлақ жамолнинг тажаллиётини ҳам билдиради. Шу маънода зулф куфр белгиси ҳисобланади, чунки *куфр* сўзининг маъноси "беркитиш, ёпиб қўйишдир". Лекин Навоий ғазалларида куфр орқали чин ваҳдатга эришиш назарда тутилади. Зеро, дунёни англаш, унда акс этган тажаллиёт нурида Аллоҳ сифатларини идрок этиш билан Ваҳдат оламига яқинлашиб борилади. Байтларнинг мазмунига кўра, ёрнинг зулфи зоҳиран ошиқ учун тузоқ бўлиб, динни куфрга айлантирган бўлса-да (зулф айни вақтда зуннор ҳам), аслида у Аллоҳ ваҳдатига яқинлаштирувчи воситадир. Демак, ушбу ғазалнинг сўнгида маълум бўладики, унинг лирик қаҳрамони ишқда камолга эришган, Аллоҳнинг сифатларини идрок этиш орқали ваҳдатга етишган ошиқ тимсолидир.

Ғазал рус тилига мутаржим Елена Аксельрод томонидан ўгирилган. Таржимада аслият ҳажми, қофияланиш тизими (аа-ба-ва...) ва радиф ("менинг" – "моя")нинг сақланганлиги унинг бадиий муваффақиятини таъминлаган. Гарчи ғазалнинг баъзи байтлари (4-5-байтлар)да мазмундан бироз четга чиқиш кузатилса-да, мутаржим ғазалнинг умумий моҳиятини русийзабон китобхонга етказиб беришга муваффақ бўлган.

Ғазалнинг русча таржимаси

Таржимон – Елена АКСЕЛЬРОД

Всех влюбленных покоя лишила царица моя.
И поэтому грудь беспокойством теснится моя.

Вздохов дым – кипарис, цвета розы ручьи моих слез,
Потому что лишь с розой царица сравнится моя.

О, зачем светят звезды, сверкают зарницы в ночи,
Если ясной зарей ночь не может смениться моя?

Ветер, людям любви поскорее ты весть принеси,
Что коварна краса, беспросветна темница моя.

Как распутный старик, обесславлено сердце мое,
Так как страсти моей сторонится царица моя.

Сетью пойман я – это зуннар твоих черных кудрей, –
К зернам четок пока не склоняется птица моя.

Не поддайся кумиру – совет мой прими, Навои,
А не то может вера нечестьем смениться моя.

Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Қосимбой МАЪМУРОВ

EACH SOUL'S PLEASURE

For each soul my beloved provides pleasure,
For this reason, I've lost my soul's true leisure.

As cypress rose my wow's smoke, tears blossomed,
For my cypress flower's disloyalty has me doomed.

Why then dawn comes with light, stars sparkle bright,
If it were hell's grief wouldn't my night turn to light,

The beloveds' promise should never be relied upon,
Hey wind, take my message to lovers' companion.

My soul has taken lover's name, but no dating found,
This bad soul of mine remains a miscreant on ground.

My soul's bird is not inclined to count praying pearls,
As if to become my ringlet trap the belt of your curls.

Hey Navoi, do not go to that idol's residence again,
On this path into disbelief my Islam turned in vain.

СИРЛИ КЕЛИШУВ БЎЛГАНМИДИ?

Дунё тушунарли ва тушунарсиз нарсалардан иборат десак, хато бўлмас. Бир қарасанг, ажабланадиган нарсанинг ўзи йўқ: кимнинг кимлиги, ниманинг нималиги кундай аён. Аммо кутилмаганда шундай ҳолатлар юзага келадики, одам зоти ўзини, ён-атрофидагиларни, ҳар куни эртадан кечгача бирга бўладиганларни ҳам тушуна олмай қолади. Жумбоқ устига жумбоқ.

Бошқа бир ҳолатда эса бунинг аксига дуч келамиз: кутилмаган янгилик ёки эшитгулик сизни бирор сирдан воқиф қилади, кимдир қулоғингизга бир нимани шипшийди, кўзингиз тушади, ақл-идрокингиз муҳим бир нарсани фаҳмлаб қолади ва... ҳамма нарса ўзгаради. Дўст-душманни ажратасиз, узоқ йиллар ишончингизга кириб, ёнингизда қуллуқ қилиб юрган киши аслида кимлигини осонгина билиб оласиз. Кўзингиз ярқ очилади, хурсанд бўласиз дейиш қийин, аммо, кўп ҳолларда соддасўтаклигингиздан ўзингизни ўзингиз койиб кетасиз.

Ҳаётнинг мураккаблиги шунда. Ҳамма нарса очиқ осмон остида ётмайди. Тилла ёки марварид қидиргандек, неча бор пастга "шўнғиш"га тўғри келади. Негаки, одамларнинг ички дунёсини билиш осон эмас: бирор касб ёки мартабали мансабда, сиёсат, ижод ёки савдо-сотиқда эришган ютуқлари, дўст-қадрдонликдаги саҳоватли ишлари ҳам улар тўғрисида тўла маълумот бера олмайди. Йиллар ўтиб, кўп нарсалар ойдинлашади, аммо бу билан ҳам иш битмайди.

Америкалик машҳур тижоратчи, миллиардер, филантроп, консерватив қарашларга эга сиёсатдон, 1992 ва 1996 йиллари АҚШ Президентлигига номзод Росс Перо (баъзи манбаларда Перрот деб ҳам ёзилади) шундай сирли, ўзини тўла ошкор қилмаган, аммо тадбиркорликни, яшаш учун курашни, каллани ишлатиб пул топишни қойил қилиб қўйган инсонлардан бири эди. У шу йилнинг 9 июлида 90 ёшида Далласдаги уйида хотиржам оламдан ўтди. Ундан қанча мерос қолганини айтиш қийин, аммо бу ғаройиб инсоннинг ҳаёти ва сиёсат чорраҳаларидаги фаолияти хусусидаги саволларга ҳали кўп вақт жавоб қидиришга тўғри келади. Америкача таомилга кўра, вақт ўтгани сайин кўпайса кўпаядики, асло озаймайди. Янги-янги саволлар, тахминлар, бир-бирини инкор этувчи фактлар пайдо бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Росс Перо катта сиёсат майдонига кутилмаганда чиқди, дейиш мумкин. Лекин, ушбу воқеага америкача назар билан қаралса, бунинг кутилмаган ҳеч жойи йўқ. Чунки, океан ортидаги "сеҳрли диёр"да кенг ёйилган фикрга кўра, "Америкада хоҳлаган киши Президент бўлиши мумкин". Аммо бошқа бир (йиллар синовидан ўтган) хулоса бу ишга ҳаваскор бўлишликни бир зумда кескин пасайтиради: "Америкада сиёсат эмас, Президент ўзгаради".

Тадбиркорлик билан шуғулланиш Перонинг қонида бор эди. Аризона штатининг Тексаркана шаҳарчасида истиқомат қиладиган ота-онаси чоққина дўкончаларида газлама сотиш билан шуғулланишган. Айтиш керакки, бундай дўкончалар АҚШда ҳозир ҳам жуда кўп. Кўплар Американи фақат осмонўпар бинолардангина иборат деб ўйлайди. Аслида эса, машҳур рус публицистлари В.Песков ва Б.Стрельниковлар ёзишганидек ва ўзим гувоҳ бўлганимдек, Америка ям-яшил ўтлоқлар, экин майдонлари, гилам янглиғ фермер хўжаликлар, шаҳар ва шаҳарчаларга туташиб кетадиган бир қаватли шинам, бир жойдан иккинчи жойга бемалол кўчирса бўладиган уйлардан, савдо дўкончаларидан иборат. Осмонўпар бинолар Нью-йорк, Вашингтон, Чикаго каби йирик мегаполисларга тегишли.

Росс Перо ёшлигидан савдо-сотиққа, мустақил равишда пул топишга қизиқади, у тўғридаги манбаларда айтилишича, Перонинг савдогарлик маҳорати мижозларни тўғри танлашда ва улар билан музокара олиб боришда намоён бўлган. Росснинг таъсирчан сўзлари, зарур ўринларда қатъиятли фикрлаши, вазиятни реал таҳлил қила олиши кўп ҳолларда икки томонлама келишувларни оиласи фойдасига ҳал этишга олиб келган.

Перо ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, 1949 йили турмуш қуради, IBM компаниясининг савдо-сотиқ бўлимида ишлай бошлайди. Ишчанлиги билан ҳаммани ҳайратга солади. Алоҳида маҳорат кўрсатиб, икки ҳафта ичида бир йиллик режани бажаради. 1962 йили шу соҳага доир маълумотларни таҳлил қилувчи шахсий EDS компаниясини тузади. Компания фаолиятини йўлга қўйишда Перо ходимлар олдига жуда кўп шартлар қўяди. Уларнинг айримлари: ҳар бир ходим иш вақтидан унумли фойдаланиши, ишга бир дақиқа бўлсин кечикмаслиги, иш пайти шахсий муаммоларини ҳал қилмаслиги, ишда можаро чиқармаслиги, майда-чуйда гапларга эътибор бермаслиги, шунингдек, шим кийган аёллар ишхонадагина эмас, компания биноси атрофида ҳам кўринмаслиги, юзига ортиқча бўёқ сурмаслиги, кийими билан ўзини кўз-кўз қилмаслиги керак. Перо бу талабларга қатъий амал қилинишига эришади. Матбуотда ёзилишича, у тўфон туфайли ишга кеч қолган ходимини ҳам қаттиқ жазолаган.

Компания ишлари юришиб кетгач, Перо сиёсатга яқинлашиб, АҚШнинг Вьетнамда олиб бораётган урушига қарши чиқади, бу урушнинг самарасизлиги, мамлакат иқтисодиётига салбий таъсири хусусида ошкора фикр юритади. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Вьетнам ҳукумати билан ҳамкорлик қилади. Уруш даврида асирликка тушган америкаликлар ҳақида маълумот тўплайди, уларнинг сони ҳукуматнинг расмий ахборотларида келтирилаётганидан анча кўплигини маълум қилади. Бу билан у ўзига нисбатан жиддий қизиқиш уйғотади.

1984 йили Перо EDS компаниясини "General Motors" корпорациясига 2,5 миллиард долларга сотиб юборади. Орадан тўрт йил ўтгач, ахборот-технологиялари инфраструктурасини ташкил этувчи янги "Perot Systems" компаниясини тузади ва уни моҳирлик билан бошқаради. Савдо ва ишлаб чиқариш ишлари кутилганидан ҳам яхши даражада юришиб кетади. Шахсий пули 1,5 миллиард доллардан ошади. Орадан бир йил ўтар-ўтмас Dell корпорацияси "Perot System"га харидор бўлиб, уни 3,9 миллиард долларга сотиб олади. Ушбу ва яна шунга ўхшаш кўплаб фактлар Росс Перо савдо-тижорат соҳасида шунчаки оддий олибсотар эмас, АҚШ ша-

роитида узоқни кўра олувчи йирик ишбилармон эканлигини кўрсатади. Перонинг ўзи бу хусусда "Америкада яшашнинг бирламчи шарти – пул топиш санъатини эгаллаш", деган эди.

Ҳеч ким сиёсатчи бўлиб туғилмайди, албатта. Ҳаётнинг ўзи уларни тарбиялаб вояга етказади. Яна бошқа гап ҳам борки, унга кўра, одамлар сиёсатга икки ҳолатда яқинлашадилар: тижорат ишлари фавқулоддa юришиб, даромад кўпайганда ва ҳаёт уларни оғир синовларга дучор қилганида. Бу фикрнинг қанчалик тўғрилигини айтиш қийин, аммо 1992 йили миллиардер Перо мустақил равишда ўз номзодини АҚШ Президентлигига қўяди, кўплар "Ҳа, шунақа бўлиши керак ўзи" дейишгани рост. "Бўёқчининг ишига сувоқчи аралашибди-да, охири бахайр бўлсин", дея ажабланганлар ҳам бўлган. Бундай деяётганимнинг боиси бор, албатта.

1992 йилнинг октябрь ойида мени "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг бош муҳаррири сифатида АҚШга таклиф этишди. Машҳур адабиётшунос олим Эдвард Олворт газетамизни "Марказий Осиёдан эсаётган бир қултум тоза ҳаво" деб баҳолаган пайтлар. Колумбия, Оҳайо, Индиана, Медисон, Жоржтаун университетларида ўзбек тилини ўрганаётган ёшлар билан (улар орасида ёши олтмиш-етмишдан ошган кекса ёшлилар ҳам бор) мустақил Ўзбекистоннинг илк қадамлари, дастлабки ютуқ-камчиликлари, янги ҳукуматнинг диндорларга ва, айниқса, матбуотга, адабиёт ва санъатга муносабати хусусида ўзбек тилида суҳбатлар ўтказдим, рус тилида расмий маърузалар ўқидим.

Ўша кунлари АҚШда навбатдаги Президентлик сайловига саноқли кунлар қолгани боис, учта номзод – ота Буш, Арканзас штатининг ёш губернатори Билл Клинтон ва техаслик миллиардер, мамлакатдан ташқарида номи кўпчиликка деярли маълум бўлмаган Росс Перо телебаҳсларда иштирок этиб, мамлакат Президенти билан деярли бир хил маош оладиган машҳур журналистнинг бири иккинчисидан ўткир саволларига жавоб қайтарар, ҳар бир номзод ўзига ажратилган бир дақиқа ичида режаларини аниқ баён қилиш ҳаракатида эдилар.

Сафарим давомида бундай дебатларнинг икккитасига гувоҳ бўлдим. Уларда айтилган баъзи жабтовур, "тишли-тирноқли" фикрлар ҳалиҳануз қулоғим остида жаранглаб туради.

Маҳаллий матбуотнинг унча якдил бўлмаган фикрича, биринчи дебат арафасида Президентликка номзодларнинг "аҳволи" бир-биридан жиддий фарқ қиларди: амалдаги Президент Бушда етарли даражада сиёсий тажриба бор, аммо у мамлакатни бошқаришда эски қолиплардан, анъанавий усуллардан узоқлаша олмади. "Саҳродаги бўрон" (Қувайтни озод этиш) операцияси ҳаммага ҳам бирдек маъқул келгани йўқ. Бунинг устига, бир учрашувда "Мен карам солинган таомларни унча хуш кўрмайман" дегани университетларнинг карамхўр талабаларига ёқмай, улар карам баргини бошларига соябон қилиб, тенгдошларини республикачи номзодни қўлламасликка даъват этишди. Росс Перони ёқловчилар унда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўзгартириш нияти борлигини, яъни икки партиялик тизимни бекор қилишга, сиёсатда янги давр бошлашга бел боғлаганини маъқуллашар, учрашувларда "қолип"дан чиқиб кетиб, озроқ масхарабозлик қилишини эса мамлакат сиёсий ҳаётида "узоқ кутилган эркинлик"ка йўйишарди.

Республикачилар демократларнинг ёш номзоди Билл Клинтонни писанд қилмай, “Оқ уй”га ёш болани қўйиб бўлмайди, адашиб қолиши мумкин”, дея ҳажв қилишдан чарчашмасди. Оҳайо университети биносига кираверишда (1992 йил 12 октябрь) йўлакка Маркс, Ленин ва... Клинтоннинг яқин сафдошлардай бир-бирларига елка тутиб турган суратларини ёпиштириб қўйишганини кўрдим. Маъносини сўрасам, демократик партия тарафдорлари бир овоздан “Бу – ярамас республикачиларнинг иши, бундан бошқа яна нима ҳам қўлларидан келарди”, дейишди.

Орадан икки-уч кун ўтгач, навбатдаги телебаҳс бошланди. Талабалар билан ҳайҳотдай монитор ёрдамида томоша қилдик. Саҳнада уч номзод: Жорж Буш, ўртада Росс Перо, чеккада хушбичим Билл Клинтон. Баҳсни олиб борувчи журналист ҳар бир кишига жавоб учун бир дақиқа (вон минута) берилишини эълон қилади. Номзодлар регламентни деярли бузишмайди.

Амалдаги Президент Буш ўзини вазмин, саҳнада ёлғиз тургандай тутади. Иккинчи муддатга сайланса, Америкaнинг иқтисодий қудратини ошириш учун яна нималар қилиши мумкинлиги тўғрисидаги тезисларини қисқа-қисқа баён қилади ва бунда “яна” сўзига урғу беради. Янги иш ўринларини яратиш, солиқ тизимини ислоҳ қилиш каби умумий вазифаларга, ташқи сиёсатда Европа ва яқин Шарқ мамлакатлари билан муносабатларни яхшилаш, НАТОнинг тинчлик дастурини янада самарали қўллаб-қувватлаш зарурлигига тўхталади. Йўл қўйган хатолари ҳақида ҳеч нима демайди. Бу билан рақибларининг ғашига тегади.

Шу ўринда айтиш керакки, катта Буш пайтида дунёда мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Совет иттифоқи таркиб кетди. Берлин девори қуларди. Беловеж ўтлоғида уч раҳбар – Елсин, Кравчук ва Шушкевич АҚШнинг собиқ Президенти Рональд Рейганнинг ибораси билан айтганда, “Ёвузликлар салтанати”нинг фотиҳасини ўқишгач, биринчи бўлиб, тугаётган мамлакатнинг раҳбари Михаил Горбачёвга эмас, Жорж Бушга қўнғироқ қилишгани кўп нарсадан далолат беради.

Перо бу фактларни эсламай, рақибларини менсимаган ҳолда улар устидан ошкора кулди. Шундай гапларни айтдики, номзодлар орасида Евгений Петросян ҳам бордай, залда гуррас-гуррас кулги кўтарилади, қўллаб-қувватловчи ҳайқириқлар эшитилади. Ёдимда қолгани: Перо ёш Клинтонга қарайди ва залга бурилиб дейди: “Мана бу пўрим йигитчани кўриб қўйинглар. Президент бўлгилари кепқопти. Губернаторликни эплай олмаган бола-я! Мен унинг мамлакатнинг янги раҳбари бўлишини ҳатто тасаввур ҳам қила олмайман. Чунки Техасдаги ранчомда яшаётган кучукчам бугунги дунё сиёсатини Арканзас штатининг губернаторидан яхши билади...”.

Зал ларзага келади. Перонинг илҳоми жўшади, кейинги бир дақиқалик навбатида Бушга қараб дейди: “Шу мункиллаб қолган чол Америкадай қудратли давлатни бошқара оладими? Оқ уйга келиб нима иш қилди ўзи? Ҳеч нима? Ҳаммаёқ расво бўлди. Солиқлар бўғзимизгача етди. Дунёда мамлакатимизга бўлган ишонч пасайиб бормоқда. Ички низоларни айтмаса ҳам бўлади. Яқинда Техасда қизимнинг тўйи бўлаётган эди, бушчилар келиб туппа-тузук тўйни бузишди-я, ярамаслар. Мана сизларга номзоднинг кимлиги. Менга овоз беринглар! Ҳаммаларингизни бахтли қиламан, орзу-умидларингизга етасизлар, чўнтакларингиз қаппайиб туради”.

Бундай очиқ-ошкора баҳсни биринчи бор кўраётганим учун ўзимча Буш ҳам, Клинтон ҳам мана ҳозир Перонинг таъзирини беришади, пўстагини қоқишади, сен ўзи кимсан, алмойи-алжойи гапларинг билан катта сиёсатда нима қилиб юрибсан?" дейишади, дея тахмин қилдим. Аммо... бундай бўлмади. Ҳар иккиси ўзларини гўё унинг ҳақоратомуз сўзларини, одам зил кетадиган писандаларини эшитмагандай, баҳсни давом эттириб, "Агар менга ишонч билдирсангиз...", дея режаларини баён қилишди. Бундай бепарволикдан жаҳли чиққан Перо янада жўшди, айтмаган-демагани қолмади. Сайлов натижаларига кўра эса Билл Клинтон мамлакатнинг амалдаги раҳбари устидан ишончли ғалаба қозонди. Мамлакат бошқаруви демократлар қўлига ўтди. Сиёсий ҳаётда жиддий ўзгаришлар бошланди. АҚШнинг ташқи қарзи озайиш йўлига ўтди, ишсизлик паст даражага тушди. Американинг бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиши Рейган ва Жорж Бушлар пайтидагига нисбатан бирмунча камайди. НАТО ҳарбий альянсининг Шарқ томонга кенгайиш жараёни шу пайтга тўғри келганини демаса, демократлар ёмон ишлашгани йўқ. Кузатувчилар Билл Клинтоннинг Оқ уйга келишида унинг ўзидан кўра Перонинг ҳиссаси катта бўлганини таъкидлашади. Бу фикрга қўшилмаслик мумкин эмас.

Орадан йиллар ўтиб, мамлакатимизда кўппартиявийлик пайдо бўлганида ўшанда Буш ва Клинтон Росс Перога қараб: "Ҳой, фалончи, сен нималар деб алжираяпсан ўзи, нега мени ҳақорат қилаяпсан?" демаганининг сабабини тушундим. Оддийгина сабаб экан: ҳар бир номзодга бор-йўғи бир дақиқа вақт берилади. Бир-бирлари билан тортишишса, вақтдан ютқазар эканлар. Иккинчиси, икки юз йилдан ошиқ вақтдан бери дунё харитасининг муҳим стратегик жойини эгаллаб турган ушбу мамлакатда баҳс-мунозара борасида ўзига хос ички "маданият" шаклланган бўлиб, бир-бирини кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ номзодлар баҳс пайти, гарчи рақибларига шердек ташланишса ҳам, якунда худди ҳеч нарса бўлмагандек, самимий кўл олишиб, бир-бирларига омад тилашлари оддий ҳол экан. Бу удум ғарб дунёсида биз ўрганишимиз зарур бўлган жиҳатлар оз эмаслигидан далолат беради. Сиёсий партияларимиз вакиллари сайловлар пайти, аввалги йиллари ошкора кўзга ташланганидек, фақат ўзларининг йўли тўғри эканлигини уриғулайвермай, рақибга ҳурмат билан қарашлари, маъқул ишларини эътироф этишлари, ҳамма нарсани ўз номи билан аташлари, керакли ўринларда саъй-ҳаракатларни бирлаштиришлари зарур бўлади. Жамият баҳс-мунозаралар, фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланади. Шундай экан, бошқа томонни эшитишга ўрганиш, Перонинг сиёсатдон кучукчасини истисно қилганда, ёмон иш эмас экан.

1992 йилги Президентлик сайловининг сайловчилар психологияси билан боғлиқ бир муҳим жиҳати бор. Дунё мамлакатларида бўлаётган кўпдан-кўп сайловлар мисолида айтиш мумкинки, баъзан икки номзоддан бирига унинг мутлақо устунлиги учун эмас, танлаш имкониятининг йўқлиги учун овоз берилади. Буни ён-атрофларимизда айни шу кунларда бўлаётган сайловлар натижаларида ҳам кўриш мумкин. Ўшанда Оқ уйда тўрт йил ўтирган республикачилардан ҳафсаласи пир бўлган сайловчилар, дастлаб губернатор Клинтонга ишонишмади, Жорж Буш-

нинг яна тўрт йил раҳбар бўлишини эса мутлақо хоҳлашмади. Шу боис, бошланғич сайловларда кўплар сиёсат майдонида кутилмаганда пайдо бўлиб қолган бой ва қизикчи Росс Перони қўллай бошладилар. Унинг ўринли-ўринсиз қочиримлари, ноанъанавий фикрлаши, дангалчилиги ёш сайловчиларга маъқул келди. Буш даври ниҳоясига етаётгандай эди. Кузатувчилар Перонинг якуний ғалабасига саноқли кунлар қолганини башорат қила бошлашди. Американи ростакамига янгилаш, сиёсатни ислоҳ қилиш мақсади билан майдонда от сураётган Перонинг зафарли юришлари дунё сиёсатдонларини ҳам жиддий ўйлантириб қўйди. Наҳотки янги лидер туғилаётган бўлса? Токи шундай экан, уни ҳозирданоқ ёқлаш, Америкининг бўлажак раҳбари билан яхши муносабатлар ўрнатиш зарур эмасми?!

Перо тарафдорларининг сафи кун сайин ўсиб борарди. Аммо... кутилмаганда ақл бовар қилмайдиган воқеа юз берди: Росс Перо Оқ уй учун курашни тўхтатиб, номзодлар сафидан чиқди. Республикачилар енгил тин олишди, демократлар курашни кучайтиришди. Мана сизга, хавфли бурилиш. Орадан беш ой ўтиб, бу бурилиш яна такрорланди – Перо кураш майдонига қайтди. Лекин Клинтон фойдасига анча тиниқлашиб қолган вазиятни ўзгартира олмади. Поезд йўлга тушиб бўлганди.

Билл Американи икки муддат бошқарди. Унинг Президентлик даври ишқий можароларга бой бўлган бўлса-да, мамлакат тарихида яхшигина ном билан қолди. Фақат... Перо ўзи тайёрлаган улуғ ғалаба нафаси эса бошлаган бир пайтда, сайлов кампаниясига сарфлаган 57 миллион доллар пулини ҳам унутиб, нега сафдан чиққани-ю, сайлов тақдири деярли ҳал бўлганида яна курашга отлангани ҳамон сир бўлиб қолмоқда.

Перонинг номзодлар сафидан чиқишига нима сабаб бўлгани тўғрисида тахминлар кўп. Баъзи кузатувчилар “маълум таъсирлар” боис Перонинг яқин маслаҳатчилари уни тарк этишганини ёзишади. Бошқалар эса оёғи остидаги ер аста ҳаракатга келаётганини сезган катта Буш Перо ва унинг тижоратчи сафдошларига тазйиқ ўтказган, икки ўртада сирли келишувга эришилган, деган тахминларни айтишади. Борди-ю, шундай бўлса, Перо нега қайтди? Балки, ғалаба ўз томонларига оғаётганини сеза бошлаган демократлар ҳам жим туришмагандир?

Аниқ бир нарса дейиш қийин. Чунки дунёнинг энг катта сайловларидан бирида бундай воқеанинг содир бўлиши чиндан ҳам ғайритабиийдир. Балким, бунинг сирини Перо жанобларининг ўзи очиб кетгандир. Шу маънода унинг йиллар давомида сўзлаган нутқи, ўтказган суҳбатларидан олинган қуйидаги иқтибосларни журналхонлар ҳукмига ҳавола этамиз:

“Кўпчилик одамлар ғалаба остоналарига яқинлашган пайтда курашни тўхтатадилар. Бунинг боиси шуки, улар аксарият ҳолларда остонада нима турганидан бехабар бўладилар”.

“Шундай одамлар борки, улар финиш чизиғига атиги бир метр қолганда курашдан тўхташади. Нега шундай қилишганини ўзлари ҳам билишмайди”.

“Боксда дастлабки ўн тўрт раундни бой бериш ҳали мағлубият дегани эмас. Ўн бешинчи раундда рақибни ерга босиб, атиги ўн дақиқа ушлаб тур – сен оғир вазнда жаҳон чемпионисан”.

"Карьерам давомида нималарнидир бошқалардан кўра бирмунча яхшироқ бажарган бўлсам керак. Кўплар уларни бошқаларнинг қўлидан келмайдиган иш деб билишади. Бундай эмас. Одам бажарган ишни одам бажара олади".

"Бирор ишни қойилмақом қилиб бажариш ёки бажара олмаслик режангиз қандайлигига эмас, кутилмаган пайтда юзага келадиган муҳим имкониятдан қандай фойдаланишингизга боғлиқ. Мен эришган жамики ютуқлар шунга асосланган, дея айта оламан".

"Ҳаёт барча бурчаклари бир-бири билан сўзсиз боғланадиган ноёб тўрдир".

"Маглубият тиззани бирор жойга уриб олишдек оғриқли, аммо жуда юзаки касаллик".

"Бургутлар ҳеч қачон тўда бўлиб учишмайди. Уларни алоҳида-алоҳида қидириш керак".

"Савдода менга омад келтирган омиллар сиёсатда аксинча натижа берди. Буни ҳеч қачон рад этган эмасман".

"Ёнингда кимлар тургани сенинг тақдирингни ҳал қилади. Бунга доимо эътибор билан қараш зарур".

"Қон совимай туриб ҳаракат қил. Фақат шундагина бир нималарга эришиш мумкин".

Бир қарашда, кўп нарса ойдинлашгандай. Аммо асосий сир эмас. Американинг сеҳрли диёрлиги шундаки, бу ерда Жон Кеннедининг ёки актриса Элизавет Шортнинг ўлими каби кўп нарса, россиялик журналист Владислав Листьевнинг ўлими каби сир бўлиб қолаверади.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

NASR

Лев ТОЛСТОЙ

(1828–1910)

ИБЛИС

Қисса

Рус тилидан
Муҳиддин РАҲИМ
таржимаси

Ҳар бир ўқувчи бадиий асарни ўз ҳаётий ва адабий тажрибаси асосида идрок этади. Шу боис бир ўқувчининг идроки бошқасиникига айнан ўхшамайди. Бадиий идрок билан боғлиқ бу турфалик, аслида, бизга ато этилган ажойиб неъмат. Шунга кўра, буюк рус адиби Лев Толстойнинг "Иблис" қиссаси таржимасига ёзилган ушбу сўзбошидан мурод ҳам муҳтарам журналхоннинг шундай муқаддас ҳуқуқига дахл қилмоқ эмас, албатта. Биз атиги даҳо сўз санъаткори мазкур қиссасини қандай яратгани ҳақида баъзи муҳим маълумотларни эслатиб қўймоқчимиз, холос. Зеро, бу маълумотлар "Иблис" қиссасини тўғри тушуниш, тўғри талқин этишда ҳар бир ўқувчига асқотиши шак-шубҳасиздир.

XIX асрнинг 80-йиллари охири – 90-йиллари бошида Толстой "Крейцер сонатаси", "Тирилиш", "Авлиё Сергий" каби қисса ва романлар устида зўр илҳом билан ишлайди. Шуниси эътиборга лойиқки, мазкур асарларнинг барчасида муаллифнинг диний-ахлоқий қарашларида муҳим ўрин тутувчи масала – зино ва унинг инсон тақдирига ҳалокатли таъсири бадиий тадқиқ этилади. "Иблис" қиссаси ҳам худди шу даврда қоғозга туширилган ва худди шу мавзуга бағишланган. Демакки, уни Толстойнинг юқорида зикр этилган уч асари билан уйғун идрок этиш айни муддаодир.

"Иблис" қиссаси икки ҳаётий манбага таяниб, қоғозга туширилган. Биринчи манба – тулалик суд терговчиси Николай Фридерихснинг ишқий можаролари бўлиб, у зино гирдобига тушиш оқибатида бутун ҳаётини барбод этади. "Иблис" қиссаси, сюжет нуқтаи назаридан, шу фожеий қисматга тўлиқ мувофиқ келади. Айни чоғда, Толстой қиссага ўз ҳаёти лавҳаларини ҳам сингдириб юборганки, бу эса "Иблис" учун иккинчи ҳаётий манба бўлиб хизмат қилган. Зотан, Толстой ўз биографи Павел Бирюковга ғўр ёшлик йилларида икки зино – икки гуноҳга йўл қўйгани ва шу разил қилмиши ўзини тоадаб азоблажаги ҳақида сўзлаб берган эди.

Хуллас, мазкур икки ҳаётий манба "Иблис" қиссаси учун ўриш ва арқоқ бўлиб хизмат қилади. Толстой асарни ёзиб тугатгач, уни ёзув столи ғаладонида сақлайди. Чунки турмуш ўртоғи Софья Андреевна тасодифан қиссани топиб олса, унинг эски рашки яна аланга олиши ва иккови ўртасидаги жанжал катталашиши аниқ эди. Бироқ ҳар қанча эҳтиёт чоралари кўрилмасин, 1909 йил 13 майда қўлёзма Софья Андреевнанинг қўлига тушиб қолади. Лев Николаевич ўша кунги сана билан кундалигига хотини "Иблис"ни топиб олгани-ю,

бундан кучли ларзага тушганини қайд этади. Йигирма йил сир сақланган қисса, ниҳоят, 1911 йилда, Толстой вафотидан сўнг илк бор чоп этилади.

Энди қиссага доир баъзи хусусиятларга изоҳ бериб ўтсак. "Иблис"нинг бир неча жойида ўзаро номувофиқликлар кўзга ташланади. Русча нашрларда бундай номувофиқликлар сақлаб қолиниб, уларга изоҳ бериш билан кифояланилади. Лекин биз ўзбек китобхонига осон ва ўнғай бўлсин деган мақсадда уларни таржимада тузатиб кетишни лозим топдик. Масалан, асосий персонажлардан бири – Степанида келин бўлиб тушган оила қисса аввалида Печниковлар деб аталса, ярмидан бошлаб Пчельниковларга "айланади". Биз қиссанинг аввалидан охиригача Пчельниковлар деб ўгиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Қолаверса, Толстой қисса якунини икки вариантда яратган. Иккинчи вариант дастлабкисидан бирмунча кейин ёзилган. Русча нашрларда иккинчи вариант ҳар доим қиссага илова этилади. Биз ҳам шу усулни тўғри деб топиб, қисса якунининг кейинги вариантини ҳам ўзбекчалаштирдик. Шуниси ҳайратга сазоворки, Толстой бир қиссага икки муқобил якун ёзиб, орадан эллик-олтмиш йил вақт ўтгач юзага келувчи постмодернизм адабиётига хос гиперматнлиликка тамал қўйгандек гўё.

Таржимондан

"Лекин мен сизга айтаман: ким бир аёлга шаҳват назари билан қараса ҳам, аллақачон кўнглида у билан зино қилган бўлади.

Агар сенинг ўнг кўзинг гуноҳ қилишингга сабаб бўлса, уни сугуриб ташла. Чунки бутун баданинг жаҳаннамга ташланишидан кўра, аъзойингдан бирининг нобуд бўлгани сен учун яхшироқдир.

Агар сенинг ўнг қўлинг гуноҳ қилишингга сабаб бўлса, уни чопиб ташла. Чунки бутун баданинг жаҳаннамга йўлиқишидан кўра, аъзойингдан бирининг нобуд бўлгани сен учун яхшироқдир". (Инжил, Матто – V: 28, 29,30)

I

Евгений Иртеневни олдинда катта амал-мартабалар кутарди. Бунинг учун қанча фазилат зарур бўлса, бари унда бекам-кўст ҳам эди. Иртенев оиласида жуда ажойиб тарбия кўрган, Петербург университетини якунлаб, юрист дипломини олган, яқинда қазо қилган отаси сабаб аслзодалар даврасида анча-мунча таниш орттирган, бундан ташқари министрликда шахсан министрнинг ҳимоятида хизматни ҳам бошлаб юборган эди. Яна каттагина ер-мулки ҳам бор эди-ю, аммо бу ер-мулк сал шубҳали эди. Отаси онаси билан бирга умрини аксар чет элда ва Петербургда ўтказар, икки ўғли – Евгений ва унинг кавалергарддаги[1] акаси Андрейга ҳар йили олти минг рублдан чўнтак пули бериб турарди. У фақат ёзда икки ойга ер-мулкига келар, шунда ҳам хўжалик ишларига бош қўшмас, барча ваколатни келгинди ишбошига топшириб қўйган, ишбоши эса хўжаликни ўз ҳолига ташлаб қўйган-у, аммо хўжайин унга батамом ишонарди.

Оталари вафотидан сўнг ака-ука ўртасида мерос тақсимланадиган бўлганда марҳумнинг шу қадар кўп қарзлари борлиги юзага чиқдики,

[1] Кавалергард – Россия империясидаги алоҳида ҳарбий тузилма бўлиб, дастлаб императорнинг фахрли соқчилари вазифасини бажариш учун ташкил этилган.

марҳумнинг ишончли вакили охири уларга бувиларининг юз минг рубль турадиган ер-мулкини сақлаб қолиб, мероснинг бошқа қисмидан бутундай воз кечишни маслаҳат берди. Аммо кекса Иртеневга берган насия пулини сўроқлаб, қўлида вексель билан келган қўшни помешчик, гарчи қарзлар кўп бўлса-да, каттакон ер-мулкни сақлаб қолиш ва оёққа турғизиш мумкинлигидан сўз очиб қолди. Унинг фикрича, ўрмонни ва бўш ётган тақир ерларни сотиб, асосий сердаромад жой – Семёновскийни тўрт минг десятина унумдор қора тупроғи, шакар заводи ва икки юз десятина яйлови билан сақлаб қолинса, ўз ҳаётини шу ишга бағишлаб, қишлоққа кўчиб келинса-да, ақл ва тадбир билан хўжайинлик қилинса, кифоя эмиш.

Евгений баҳорда ер-мулкига келди-ю (отаси қишда – рўзада қазо қилганди), уни бошдан-оёқ кўздан кечиргач, хизматидан истеъфо беришга, қишлоққа онаси билан кўчиб келиб, асосий ер-мулкни сақлаб қолиш учун хўжалик билан шуғулланишга қарор қилди.

Ўзи кўпам дўст-иноқ бўлмаган акаси билан эса қуйидаги битимга келди: унга ҳар йили тўрт минг рублдан пул бериб туради ёки бирйўла саксон минг рубль тўлайди, акаси эса бунинг эвазига меросдаги улушидан воз кечади.

У, ростдан ҳам, қишлоққа кўчиб келди-да, онаси билан кенг-мўл уйга жойлашиб, хўжалик ишлари билан қизғин, айни чоғда эҳтиёткор шуғуллана бошлади.

Одамлар қариларни консерватор, ёшларни эса новатор бўлади, деб ҳисоблашади. Ваҳоланки, бу мутлақо нотўғри фикр. Аслида, карилар эмас, ёшлар консерватор бўлади. Улар яшашни жуда хоҳлайди-ю, аммо қандай яшашни мулоҳаза қилмайди ёки бунга вақти ҳам бўлмайди. Шунинг учун одамлар уларгача қандай яшаган бўлса, шундай яшаб кетаверади.

Евгений ҳам худди шундай қилди. У қишлоққа кўчиб келди-ю, отасининг давридаги эмас – чунки отаси нўноқ хўжайин эди – бобосининг замонидаги ҳаёт тарзини қайта тиклашга бел боғлади. Евгений бу турмуш тарзини уйда ҳам, боғда ҳам, хўжаликда ҳам, албатта, янги замонга мослаб қайта тиклаш – катта-катта харжлаб, бадавлат, тўқ яшаш, ҳар ерда батартиблик ва сариштalик ўрнатиш учун ўзини ўтга-чўққа урарди. Ўшандай ҳаётни оёққа қўйиш учун бир дунё ишни бажариш лозим эди: ҳақдорлар ва банкларнинг талабини қондириш, бунинг учун ерларни сотиш ва қарзларни чўздириш, тўрт минг десятина унумдор ерга ва шакар заводига эга Семёновскийдаги каттакон хўжаликнинг бир қисмини ижарага бериб, бир қисмини эса ўз кучи билан экиб, сақлаб туриш учун ҳам озмунча пул керак бўлмасди! Ёт кўзларга ташландиқ ҳолга келиб, заволга юз тутгандек кўринмасин учун уйни ҳам, боғни ҳам бир нави парваришлаб туриш зарур эди.

Евгенийнинг ишлари бошдан ошиб-тошиб ётарди-ю, бироқ унинг куч-қуввати – хоҳ жисмоний, хоҳ руҳий бўлсин – ҳар қанча юмушга етиб ортарди. У йигирма олти ёшдаги ўрта бўйли, мускуллари бўртиб чиққан, бақувват, хушчақчақ, таъсирчан ва чаққон йигит бўлиб, икки юзи қип-қизил, тишлари садафдек оқ, лаблари жуда хушбичим, сочлари сийракроқ, майин ва жингалакка мойил эди. Унинг яккаю ягона камчилиги кўзи узоқни кўрмаслиги бўлиб, кўзойнакка ружу қўйганидан бу ка-

салини зўрайтириб олган, энди пенснесиз юролмайдиган бўлиб қолган, шу матоҳ бурнининг дўнгчасига ботиб, кўкиш из қолдириб ҳам улгурган эди. Унинг жисмоний қиёфаси ана шундай эди. Руҳий қиёфаси эса янаям ажойиб, уни кимки қанча кўпроқ билса, шунча кўпроқ ёқтириб қоларди. Онаси илгаритдан уни бошқалардан кўпроқ авайлар, эри қазо қилгандан кейин эса нафақат бор меҳри, балки бор ҳаётини ҳам унга атаган эди. Аммо уни бу қадар севган фақат онасининг ўзи эмас эди. Гимназия ва университетда орттирган ўртоқлари ҳам уни севар, айни чоғда ҳурмат ҳам қиларди. У еттиёт бегона одамларга ҳам худди шундай таъсир кўрсата оларди. Иртеневнинг оғзидан чиққан бирортаям гапга ишонмаслик мумкин эмас эди. Ахир, ҳалоллик акс этиб турган бундай очиқ юз, янаям тўғрироғи, кўзга боқиб, ундан алдов, ёлғон кутиш мумкинми?!

Умуман, йигитнинг ҳалоллиги унинг ишларида кўп бор асқотган эди. Қарз берувчилар бошқаларнинг илтимосини рад этса ҳам, унга йўқ деёлмасди. Ишбоши, оқсоқол, мужиклар ҳам ҳар кимга қабиҳлик қилса, ҳар кимни алдаса-да, хушфеъл, содда, янаям муҳими, ичи билан таши бир бу йигитни чув тушуришни эсдан чиқариб қўярди.

Май ойининг охирлари эди. Евгений бекор ётган тақир ерларини бир савдогарга сотадиган бўлиб, уларни гаровдан чиқаргани шаҳарга борди-ю, бу бошоғриғидан бир амаллаб кутулгач, хўжаликнинг ашқолдашқоллари, яъни отлар, ҳўкизлар ва араваларни янгилаш, янаям муҳими, хуторда баъзи қурилишлар қилиш учун ўша савдогарнинг ўзидан қарз кўтарди. Ана шундан кейин ишлар жонланиб кетди. Тахта-ёғочлар ташиб келтирилди, дурадгорлар ишга киришди, саксонта арава гўнг ташишга қўйилди, аммо ҳаммаёқ путурдан кетган, ликқиллаб омонат турарди.

II

Шу чоп-чоплар орасида, гарчи муҳим бўлмаса-да, аммо Евгенийни беҳаловат қилган бир вазият юзага келди. У ҳам ёшлигини барча навқирон, соғлом бўйдоқ йигитлардек кўтказар, яъни ҳар турли аёллар билан алоқада бўлиб турарди. Уни бузуқ деб бўлмасди-ю, аммо ўзи тан олганидек, роҳиб деб ҳам бўлмасди. Евгений бунга, унинг ўз ибораси билан айтганда, жисмоний соғлиғи ва ақлий эркинлиги қанча талаб қилса, фақат шунча майл кўрсатар эди, холос. У ўн олти ёшидан ана шу йўлга кирган, ҳозиргача бари кўнгилдагидек борарди. Кўнгилдагидек дегани шу маънода эдики, у бузуқликка берилиб кетмади, бирортасига телбаларча элакишмади, яна касал-пасал ҳам оттирмади. Петербургда охирги марта бир чевар қиз билан ишқибозлик қилиб юрди, аммо кейинги пайтда қизнинг ахлоқи бузилди, шунда у билан дарҳол орани очиқ қилди. Ҳартугул, қизни пул билан таъминлаб қўйганидан, ортиқча ҳижолат ҳам тортиб ўтирмади.

Лекин қишлоққа кўчиб келганига, мана, икки ой бўляптики, бу борада қандай йўл тутишни билмай, боши қотар эди. Ўзини мажбуран тийиш йигитнинг мазасини қочириб борарди. Наҳотки, шугинани деб шаҳарга тушиш керак бўлса? Хўш, шаҳарга тушмаса, қаерга борсин? Қандай қилиб бетоқат ҳирсини қондирсин? Уни фақат шу саволлар қийнар, чунки шундай қилмасам бўлмайди, деб ҳисоблар эди. Хаёлида зарур деб билгани ҳаётида ҳам зарурга айланди, шу асно у эрки қўлдан кетгани, ҳар бир аёлга ҳирс билан қараётганини пайқаб қолди.

Евгений шу қишлоқдан бирор маъшуқа топишни ножоиз деб биларди. Одамлардан эшитишича, отаси ҳам, бобоси ҳам, бошқа помешчиклардан фарқли ўлароқ, ўз уйида ҳеч қачон ҳеч қандай деҳқон аёл билан ошиқ-маъшуқлик қилмаган экан. Аввалига у ҳам бундай иш қилмасликка қарор берди. Аммо кейин шу нафси бедавога қанчалик боғланиб қолганини тушуниб етиб, шаҳарда бошига қандай кўргуликлар тушишини даҳшат-ла кўз олдига келтириб, ҳозир крепостнойлик бекор қилинган, демак, шу ерданам жазман топсам бўлади, деган фикрда тўхталди. Фақат шундай иш тутиш керакки, ҳеч ким буни пайқамасин, яна бузуқлик учун эмас, соғлиқ учун қилсин, у ўзига нукул шундай деб гап уқтирарди. Йигит шу қарорга келди-ю, безовталиги баттар ортди. У оқсоқол биланми, бирор деҳқон ёки дурадгор биланми гаплашиб қолса, ўзиям сезмаган ҳолда гапни аёллар мавзусига бурар, шу хусусда сўз очилди дегунча эса гўё мум тишлаб оларди. Йигит аёлларга янаям кўпроқ қарайдиган бўлиб бораётганини пайқади.

III

Аҳд қилиш бошқа гап экан-у, уни бажариш бошқа гап экан. Ўзи бирор аёлга гап отай деса, барин деган номига сира тўғри келмайди. Қайси аёлга, қаердаям гап отсин! Бировни ўртага солсинми ёки? Аммо кимдан илтимос қилади буни?

Бир гал чанқоғини бостиргани қоровулхонага кирди. Қоровул – отасининг собиқ овчиси Данила чол эди. Иртенев чолни гапга солганди, қоровулнинг кулфи дили очилиб кетди – аввалларн ов пайти хўбам шароббозлик қилишганидан сўзлай кетди. Шунда йигитнинг хаёлидан ўша сабилни шу қоровулхонада ёки ўрмонда қилинсами, жуда бопта бўлар эди, деган фикр ўтди. Аммо бунинг иложини қандай топса бўлади? Дарвоқе, Данила чол шу ишни бўйнига олмасмикан? "Балки буни илтимос қилсам, чолнинг аччиғи чиқар, ўзим эса шарманда бўларман? Балки оппа-осон рози бўлар". У Данила чолнинг ҳикоясига қулоқ тутар экан, хаёлидан ана шу фикрлар ўтар эди. Данила Пряничков билан дьячиханинг овбоп даласига қандай бориб қолишгани-ю, шеригини ўша хотин билан қандай қовуштириб қўйганидан сўзларди.

"Чолга айтсам бўлар", деб ўйлади Евгений.

– Жойи жаннатда бўлгур отангиз ҳеч бунақа аҳмоқона ишлар қилмасди.

"Йўқ, айтиб бўлмайди", деб ўйлади бу гапни эшитиб Евгений, аммо бир синаб кўриш учун тавакқал сўз бошлади:

– Ўзинг нега бунақа чатоқ ишлар қилгансан унда.

– Бунинг нимаси чатоқ экан. Аёли тушмагур ҳам хурсанд, Фёдор Захаровичнинг-ку оғзи қулоғида. Яна ҳамёнга бир рубль тушиб турибди. Нима қилсин ўша бечораям. У ҳам тирик жон! Эҳтимол, шароб ичар!

"Ҳа, айтса бўлади", деб ўйлади Евгений ва дарҳол сўз бошлади:

– Сенга айтсам, Данила, – у шундай деди-ю, дувва қизарди, – жуда қийналиб кетдим. – Данила унга кулимсираб қараб турарди. – Роҳиб эмасман, ахир, тарки одат...

У гапи аҳмоқона чиққанини англаб, уялди-ю, аммо Данила маъқуллаб турганини кўриб, суюнди.

– Илгарироқ айтмайсизми шу дардингизни, иложи йўқ иш эканми бу! Сиз фақат фалон жувонни десангиз, бас.

– Оҳ, рости, менга фарқи йўқ. Фақат кўҳлик, соғлом бўлса, дегандим.

– Тушундим, – деди лабини қимтиб Данила. У ўйга толганди. – Ҳа, жуда кетворган биттаси бор, – деб бирдан гап бошлади у. – Ўтган кузда эрга чиққан, шуни синаб кўрсангиз-чи? – Данила бу ёғига шивирлашга ўтди. – Эри ҳеч нима қила олмайди. Овчига шуям қайғу бўлибди-ю!

Евгенийнинг юзи уятдан бурушиб кетди.

– Йўқ, йўқ, – деди у шоша-пиша. – Менга бунақаси керак эмас. Менга шунақаси керакки, ўзи кўҳлик ҳам соғлом-у, аммо ташвиши озроқ бўлсин – аскарликка кетган бирортасининг хотиними ёки бошқа шунга ўхшаганими...

– Топдим! Демак, сизга Степанида боп экан. Эри пул топгани шаҳарга кетган, аскарнинг хотини, деса ҳам бўлаверади. Лекигин ўзи кўҳлик, соғлом жувон. Кўнглингиз, албатта, тўлади. Бир оғиз бор десам, ўзи келаверади...

– Хўш, қачон?..

– Хоҳланг, эртагаёқ! Тамакига борганда, кириб ўтаман. Туш пайти шу қоровулхонага ёки ҳовли этагидаги ҳаммомга келинг. Ҳеч ким ҳалал бермайди. Ҳамма тушки уйқуга кетган бўлади.

– Майли, мен – рози!

Уйга қайтаётганида Евгенийни қаттиқ ҳаяжон босди. "Эртага нима бўлади энди? Қанақа жувон ўзи у? Бирор тасқара бўлса-чи? Йўқ, қишлоқи жувонлар кўҳлик бўлади, – хаёлидан ўтказди у ўзи ортидан кўз узолмай қараб қолган ёш аёлларни эслаб. – Аммо унга нималар дейман, қандай қўл теккизаман?"

Евгений кун бўйи ҳардамхаёл бўлиб юрди. Эртасига соат ўн иккида қоровулхонага келди. Уни эшик олдида жим қаршилаган Данила боши билан ўрмон тарафга маъноли ишора қилди. Евгенийнинг юраги дукиллаб уриб кетди, у юраги овозини эшитган кўйи ҳовли этагига қараб юрди. Аммо бу ерда ҳеч ким кўзга ташланмас эди. Ҳаммомга яқин борди – бу ерда ҳам ҳеч зоғ йўқ. Ҳаммомни кўздан кечириб, ташқари чиққан ҳамоно новданинг "қирс" этиб синган овозини эшитди. Йигит овоз келган тарафга қараган эди, жар ортидаги бутазорда бир жувонга кўзи тушди. Евгений жар оша ўзини ўша ёққа отди. Аммо жарда қичитқи ўсиб ётган экан, ҳовлиқишда буни пайқамабди – бутун бадани ачишиб-қичишди-ю, бурнидаги пенснесини ҳам тушириб, яна ортига чопиб чиқди. Жувон каштагулли оқ фартук, тўқ қизил тивит юбка, оч қизил рўмолда ялангоёқ турар, дуркун, соғлом, чиройли эди. У ўша ерда турганча, ҳайиқиброқ кулиб қарарди.

– Ўша ерда айлана сўқмоқ бор, шундан юра қолсангиз-чи, – деди у Евгенийга. – Биз келганимизга ҳийла бўлди. Йўғ-ей, кўп эмас.

Евгений жувоннинг ёнига борди, бирров кўз ташлади ва секин қўл теккизди.

Чорак соатдан сўнг улар икки тарафга қараб кетдилар. Евгений пенснесини қидириб топди-да, Даниланинг олдига кирди. Унинг "Мамнунмисиз, барин?" деган саволига жавобан индамай бир рубль узатди-да, уйига қараб кетди.

У мамнун эди. Аввалига бироз уялди. Кейин уят ўтиб кетди. Бари кўнгилдагидек эди. Энг муҳими, энди ўзини енгил, хотиржам, тетик ҳис

қиларди. Жувонга эса тузукроқ разм ҳам солмади. Эсида қолгани – шу: у покиза, соғлом, кўҳлик ва оддийгина эди.

"Кимнинг хотини экан-а бу, – дер эди у ўзига-ўзи. – Данила, Пчельниковнинг дегандек бўлувди-я? Қандай одам экан ўша Пчельников? Пчельниковлар – бир эмас, икки оила. Афтидан, Михайла чолнинг келини бўлса керак. Ҳа, аниқ ўшаники. Чунки ўғли Москвада юради. Ўрни келганда, Даниладан сўрарман".

Шу кундан бошлаб Евгенийнинг ҳаётидаги ўша кўнгилсизлик – ўзини ўзи тийилишга мажбурлаш барҳам топди. Энди ҳар хил фикрларга чалғишдан ҳам қутулиб, ўз ишлари билан бемалол шуғуллана бошлади.

Евгений бошлаб қўйган ишни енгил деб бўлмасди: унга баъзан ўзининг бу ишга иродаси етмайдигандек, охири ер-мулкини сотишга мажбур бўладигандек, бутун меҳнати чиппакка чиққани бир сира, яна ҳеч бир ишни эплолмайдиган ландовурга чиқиб қоладигандек бўлиб кўринарди. Уни ҳаммасидан ҳам шу ҳадик кўпроқ азоблар эди. Евгений энди бир тешикни ямадим деганда, бошқа ерда дарров янгиси пайдо бўларди.

Бу орада отасининг, ўзига илгари номаълум бўлган, қанча янги қарзлари чиқиб қолди. Отасиям умрининг охирида ким тўғри келса, ўшандан қарз кўтараверган кўринади. Евгений май ойида – мерос тақсимланаётганда отамнинг ҳамма қарзларини биламан, деб ўйлаганди. Бироқ ёзнинг ўрталарида унинг қўлига бир хат келиб тегди, унда отаси бева аёл Есиповадан ўн икки ярим минг рубль қарз кўтаргани битилган эди. Қарз олингани ҳақида вексель йўқ, оддий тилхат бор эди, холос. Адвокатнинг айтишича, бу тилхатни тан олмаса ҳам бўларди-ю, лекин шу важдангина отаси чиндан ҳам олган қарздан бўйин товлашни Евгений хаёлига ҳам келтиролмас эди. У фақат бу чинданам қарзми ё тагида бошқа гап борми, шуни билгиси келарди.

– Ойи, Калерия Владимировна Есипова деганлари ким ўзи? – деб сўради у онаси билан тушлик қилиб ўтиришганда.

– Есиповами? У – бобонгнинг асрандиси. Нима эди?

Евгений онасига хат ҳақида сўзлаб берди.

– Ҳайронман, наҳотки бу аёл уялмаса? Отанг унга қанча пул берган эди-я, – деди онаси.

– Ўзи қарздормизми ундан ёки йўқми?

– Буни сенга қандай айтсам экан. Қарздорликка қарздор эмасмиз-а, аммо отанг азбаройи валинеъматлигидан...

– Ҳа, бироқ отам буни ўзига бурч санарди.

– Рости, бирор йўл кўрсатолмайман. Бошим қотган. Ахир, сенга ҳозир шундоғам оғир...

Марья Павловна нима деярини ҳам билмай каловланиб турар, бу кайфияти ўғлига ҳам юққан эди.

– Бундан чиқди – қарз, уни узиш керак, – деди Евгений. – Эртагаёқ уникига бораман-да, муҳлатни узайтиринг, деб илтимос қиламан.

– Оҳ, сенга шунақаям раҳмим келяптики... Лекин, биласанми, яхшиси, унга айт: озроқ кутиб турсин. – Онаси ўғлининг қароридан кўнгли тинчиб ва ғурури жўшиб ана шундай деди.

Онаси ўғли билан бирга яшаса-да, унинг аҳволини тушунмаслиги Евгенийни ниҳоятда азоблар эди. Марья Павловна умрбўйи дабдабали яшаб ўрганганидан, бугун ёки эртага ишлар буткул орқага кетиб, ер-мулкидан

ҳеч вақо қолмаслиги, ўғли бор-будини сотиб қарзларни узгач, ўзини ҳам, онасини ҳам давлат хизматидан олажак маоши ҳисобидан боқишга мажбур бўлиши, ўғлининг мавқеидаги одам учун эса бу маош йилига икки минг рублдан ошмаслигини хаёлига ҳам келтира олмасди. У ҳозирги вазиятдан фақат ҳар бир ерда харажатларни қисқартириш эвазига қутулиб қолиш мумкинлигини тушунмас, шу боисдан Евгений ҳар хил майдачуйдалар, масалан, боғбонлар, извошчилар, хизматкорлар ва ҳатто дастурхонга тортилажак ош-овқатлардан ҳам тежаб сарфлашга ийманаётганини пайқамасди. Бундан ташқари у, кўпчилик бева аёллар каби, марҳум эрининг хотирасини шунчалар эъзозлар эдики, унинг ўзига тириклигида бу қадар эъзоз кўрсатмаганди. У марҳумнинг қилган ишлари-ю, ўрнатган тартиблари нобоп деб топилиб, ўзгартирилиши мумкин деган фикрни эса хаёлининг яқинига асло йўлатмас эди.

Евгений боғ ва гулхонани икки боғбони, отхонани ҳам бир жуфт извозчиси билан сақлаб тураман, деб жонини жабборга берарди. Марья Павловна эса соддадилларча ошпаз чол дастурхонга тортаётган ош-овқатдан ҳам, хиёбондаги баъзи йўлкалар тозаланмай қолаётганидан ҳам, гумаштлар ўрнига биттагина болакай қолганидан ҳам нолимаётганини жонфидо она ўғли учун нимаики қилиши мумкин бўлса, барини адо этишга йўяр эди. Евгений буниси энди жуда ортиб тушди-ку, дея зўрға бўйнига олган бу қарзга ҳам Марья Павловна ўғлига ўз олийжаноблигини кўрсатиш учун бир баҳонаи сабаб деб қаради. У Евгенийнинг моддий аҳволидан унча ташвишга тушмаётганининг яна бир сабаби – агар ўғлига тузуккина сепли келин топса, бари яна аввалги изига тушиб кетишига ишониши эди. Марья Павловна ўғлига айнан шундай келин топишига сира шубҳа қилмасди. У қизини Евгенийга жон-жон деб қўшқўллаб топширишга шай бир неча оилаларни биларди. Она ўғлини иложи борича тезроқ уйлантириш тараддудига тушиб қолганди.

IV

Евгенийнинг ўзи ҳам уйланишни орзу қиларди-ю, аммо унинг орзуси онасиникига ўхшамас эди. Уйланиш ҳисобидан аҳволини ўнглаб олиш унга қабиҳлик бўлиб кўринарди. У кимга бўлмасин, ҳалол йўл билан, севиб уйланишни истарди. Евгений ўзи тўқнаш келган қизларни кўз остига олар, улар ўзининг тенгими-йўқми чамалар, аммо бу борада ҳали толейи кулмай турар эди. Шу орада, ўзиям кутмаган ҳолда, Степанида билан пинҳона учрашувлари давом этар, ҳатто барқарорлашиб борарди. Евгений бузуқликдан йироқ эди, шунинг учун яширинча иш қилаётганидан азобланар, бу қилмиши ҳаккилигини ҳис этар ва ҳатто илк учрашувдан кейиноқ Степанидани бошқа кўрмасликка умид боғлаган эди. Аммо бироз вақт ўтгач, йигит яна бетоқат бўла бошлади ва ўз аҳволини яна ўша “эски дард”дан деб билди. Бу гал энди унга ким бўлса ҳам барибир эмасди. У айнан ўша порлаб турувчи қора кўзларни, ўша паст, майин овоздаги “Йўғ-ей, кўп эмас!” деган сўзларни, ўша бадандан таралаётган ширин, ўткир ҳидни, ўша пешбандни туртиб турган дуркун кўкракни, яна буларнинг барини ўша қуёш чарақлаб турган маҳал ёнғоқ ва заранг буталари орасида кўришни хоҳларди. Ҳар қанча хижолатли бўлмасин, у яна Данила чолга мурожаат қилди. Учрашув бу гал ҳам туш пайтига, ўрмонга тайин

этилди. Эндиги учрашувда Евгений жувонга тикилиброқ қаради, жувон унинг кўзига жозибали кўринди. Евгений уни гапга солиб, эри ҳақида сўради. Чиндан ҳам, эри – Михайла чолнинг ўғли экан, ҳозир Москвада извошчилик қиларкан.

– Ҳар қалай, сен нега бундай... – Евгений, эрингга хиёнат қилиб юрибсан, деб сўрамоқчи бўлди.

– Хўш, қандай қилиб экан? – деб сўради жувон. У ўзига етканча ақлли ва фаросатли эди.

– Мен билан учрашиб юрибсан дейман-да?

– Оббо, – қувноқ оҳангда сўз қотди жувон.– Эрим ўша ёқлардан бирортасини аллақачон топиб олгандир. Мен ҳам бу ердан бирортасини топиб олган бўлсам, нима қипти?

Жувоннинг ўзи шўхлик ва тегажоқлик қилиб турарди. Бу Евгенийга ёқиб тушди. Лекин шундаям жувонга учрашувни ўзи тайин қилмади. Степанида Данила чол унга кўпам ёқмаслигидан зорланиб, уни орага суқмай, ўзимиз кўришаверсак бўлади-ку, деганида Евгений бунга кўнмади. У мана шу учрашув охиргиси бўлади, деб умид қиларди. Жувон Евгенийга ёқарди. Шундай хушторликни ўзи учун зарур деб билар ва бунинг ҳеч қандай ёмон жойи йўқ, деб ҳисобларди. Бироқ қалбининг туб-тубида шундай бир талабчан ҳакам бор эдики, у йигитнинг бу қилмишларини асло маъқулламас ва шояд шуниси охирги марта бўлса, деб умид қиларди. У шундай деб умид қилмаган тақдирда ҳам, ҳар қалай, бу томошаларда иштирок этишни, келаси гал ҳам тағин шунга шай туришни хоҳламас эди.

Бутун ёз шу зайлда ўтди, бу орада Евгений жувон билан ўн мартача учрашди ва ҳар гал Данила чол ўртакашлик қилди. Бир гал эри Москвадан келиб қолди-ю, жувон учрашувга чиқолмади, шунда Данила Евгенийга бошқасини топмоқчи бўлди. Аммо йигит бу таклифни нафрат билан рад этди. Кейин жувоннинг эри Москвага қайтди-ю, учрашувлар яна ўша-ўша давом этаверди. Аввалига Данила ўртакашлик қилди, сўнгра Евгенийнинг ўзи тўғридан-тўғри учрашув тайинлашга ўтди. Степанида Прохорова деган хотин билан бирга келар, чунки аёл кишининг бир ўзи юриши нораво эди. Бир гал айни учрашув тайин этилган вақтда Марья Павловна ўғлига келин қиламан деб кўз остига олиб юрган қизини етаклаб яқин танишлари меҳмонга келиб қолди-ю, Евгений одоб юзасидан уларни ташлаб чиқа олмади. Лекин имкон бўлди дегунча, хирмонни бориб кўрмоқчи бўлгандек, уни ёнлаб ўтувчи сўқмоқ орқали ўрмонга – учрашув жойига шошилди. Жувон кўринмас эди. Аммо ҳар доимги жойда қаергаки қўл етса, барчаси – шумурут, ёнғоқ, ҳатто қозиқ йўғонлигидаги заранг кўчати ҳам синдирилган эди. Жувон уни кута-кута, тоқати тоқ бўлган, димоқфироқ қилган ва йигитга ўйноқиларча шундай хотира қолдирган эди. У турди-турди-да, эртага жувонни чақиртир, деб илтимос қилгани Данила чолнинг қоровулхонасига қараб кетди. Жувон эртасига келди-ю, ўзини ҳар доимгидек тутди.

Шу тахлитда ёз ўтди. Улар ҳар гал ўрмонда учрашарди. Аммо бир гал, куз арафасида дон сақланадиган омборхонада, унинг хилватроқ жойида бирга бўлишди. Шу учрашувлар ўзи учун бирор қадр-қимматга эгами, бу савол Евгенийнинг хаёлига ҳам келмасди. Жувон ҳақида-ку бош қотириб ўтирмасди. Қўлига пул тутқазарди-да, ўз йўлига қараб кетаверарди. Икковининг хушторлиги бутун қишлоққа ёйилгани, Степанидага бошқалар

ҳасад билан қараётгани, қайнота-қайнонаси унинг қўлидан пулни олиб қўяётгани ва келинининг бу хурмача қилиғини рағбатлантираётгани, жувоннинг гуноҳ ҳақидаги тасаввурлари пул таъсири ва қайнота-қайнонасининг хайрихоҳлиги орқасида буткул чилпарчин бўлганини билмас, буни билишга ҳаракат ҳам қилмас эди. Жувон, менга одамларнинг ҳасади келяптими, демак, савоб иш қиляпман, деган фикрга келиб бўлганди.

"Фақат соғлиқ учун қиляпман-ку буни, – деб ўзини ўзи овутарди Евгений. – Хўп, бу ишимни ножўя ҳам дейлик, аммо уни ҳамма ёки кўпчилик билса ҳам, ҳеч ким маломат қилмаяпти-ку! Жувон билан бирга келиб-кетувчи хотин барини билади. Билганидан кейин бошқаларга ҳам айтмай қўймайди, албатта. Хўш, у нима қилсин энди? Бу қилмишим – хунук, – деб ўйларди Евгений. – Лекин қўлимдан нимаям келарди? Узоққа чўзилмас, ҳар қалай..."

Евгенийни хижолатга соладиган томони жувоннинг эри эди. Аввалига у жувоннинг эрини ўтакетган ёмон одам бўлса керак, деб ўйлади – бу унинг гуноҳини бир қадар оқлар эди. Бироқ жувоннинг эрини кўрди-ю, ҳайратда қотди. У шоввоз ва олифта йигит бўлиб, ўзидан ортиқ бўлса ортиққи, асло кам эмас эди. Евгений кейинги илк учрашувдаёқ жувонга унинг эрини кўргани ва шоввозлигига ҳаваси келганини айтди.

– Бунақасини қишлоқдан бошқа топиб бўпсиз, – деди жувон ғурур билан.

Бу гап Евгенийни лол қилиб қўйди. Энди жувоннинг эри борлиги уни баттар азобларди. Бир кун Данила чолнинг коровулхонасига кириб қолганди, у суҳбат орасида бундай деб қолди:

– Бурноғи кун Михайла, барин ўғлимнинг хотини билан учрашиб юрармиш, шу гаплар ростми, деб сўраб қолди тўсатдан. Мен қаёқдан билай, деб кўя қолдим. Нафсиламрини айтганда, дедим, мужик билан бўлгандан кўра, барин билан бўлган афзалроқ.

– У-чи, у нима деди.

– Ҳай, майли, деди у: барибир, бунинг тагига етаман, келиннинг жазосини бермай қўймайман.

"Ҳа-я, эри қишлоққа қайтса, мен ҳам ундан кечардим", деб ўйлади Евгений. Бироқ жувоннинг эри ҳамон шаҳарда юрар, икковининг учрашувлари эса тўхтамасди. "Қачон зарур бўлса, ўшанда алоқани узаман, барига нуқта қўяман", деб ўйларди у яна.

Евгений бунга шубҳа қилмасди, чунки ёз бўйи турли-туман юмушлар – янги хуторни қуриш, буғдойни ўриб олиш, уйни эпақага келтириш, янаям муҳими, қарз-насияларни узиш ва бўш ётган тақир ерларни сотишдан боши чиқмади. Буларнинг бари шундай юмушлар эдики, улар Евгенийнинг хаёлини буткул эгаллаб олган, ётса ҳам, турса ҳам хаёли шуларда эди. Ҳаёт деганлари, аслида, шу эди ўзи. Степанида билан учрашиб юришлари эса – у буларни алоқа ўрнида ҳам кўрмасди – майда-чуйдалар эди, холос. Тўғри, жувонни кўргиси келиб қолганда, уни бу истак шунчалар бетоқат қилардики, бошқа ҳеч нарса кўнглига сиғмай қоларди. Лекин бу ҳолат узоқ давом этмас, яна учрашувга чиқишарди-ю, у жувонни бир ҳафта, баъзан бир ой ҳам эсдан чиқариб юборарди.

Евгений кузда шаҳарга тез-тез қатнаб юрди-ю, бу ерда у Анненскийлар оиласи билан яқинлашиб кетди. Анненскийларнинг бўй етган қизи бўлиб, эндигина институтни битирган эди. Худди шу ерда Марья Павлов-

нанинг дилини сиёҳ қилган воқеа юз берди: Евгений, онасининг ибораси билан айтганда, жуда паст кетди – Лиза Анненскаяни севиб қолиб, унинг қўлини сўради.

Ана шундан кейин Степанида билан учрашувлар барҳам топди.

V

Ҳеч қайси эркак нега бошқа бир аёл эмас, айнан шу аёлни танлаганини ҳеч қачон изоҳлаб беролмаганидек, Евгений ҳам нега айнан Лиза Анненскаяни танлаганини изоҳлаб беролмас эди. Сабаблар, хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин, жуда кўп эди. Унинг Марья Павловна кўз остига олган қизлардек бой келин эмаслиги, ўз онаси – Варвара Алексеевнага таққослаганда жуда оддий ва хоксорлиги, одам кўз узолмай қолар даражада гўзал ҳам эмас-у, бироқ кўхликкина эканлиги ана шундай сабаблардан эди. Энг асосий сабаб эса, у билан яқинлашув Евгений уйланиш учун айни етилган паллада бошлангани эди. Йигит энди уйланмасам бўлмайди, деган қарорга келгани учун ҳам севиб қолганди.

Лиза Анненская аввал-бошда Евгенийга фақат ёққанди, холос. Аммо йигит шу қиз хотиним бўлади, деган қарорга келгач, унга нисбатан анча кучли туйғуни ҳис қила бошлади. У севиб қолганини фаҳмлаб турарди.

Лиза бўйчан, озғин қиз эди. Унинг юзи ҳам, бурни ҳам, бармоқлари ҳам, оёқ кафтлари ҳам узунчоқдан келган эди. Юз териси жуда юпқа, оқсариқ тусда бўлиб, яноғига сезилар-сезилмас қизил ранг югурганди. Узун малла сочлари майин бўлиб, қуйилиб турар эди. Чақноқ гўзал кўзлари одамга беозор ва иноғиб боқарди. Евгенийни, айниқса, шу кўзлар мафтун этганди. У қачон Лиза ҳақида ўйлаб кетса, ҳар гал шу соф, ювош ва иноғнувчан кўзлар хаёлида гавдаланарди.

Лиза ташқи жиҳатдан ана шундай эди. Унинг ички олами ҳақида эса йигит ҳеч нима билмас, ана шу кўзлардан бошқаси уни қизиқтирмас ҳам эди. Бу кўзлар ўзи билиши керак бўлган ҳамма гапни гўё айтиб тургандек эди Евгенийга. Лизанинг кўзларига ана шундай маъно жойланган эди.

Ҳали институтдалик пайти, ўн беш ёшиданоқ Лиза бирор хушбичим йигит билан танишса, дарров уни севиб қолар, фақат севган чоғларида дафъатан жонланиб, ўзини бахтли ҳис этарди. Институтни тугатгач ҳам, ўзи танишган барча йигитларга шайдо бўлиб юрди, табиийки, у Евгенийни ҳам бир кўришдаёқ севиб қолди. Худди ўша шайдолик қизнинг кўзларига Евгенийни мафтун қилган сеҳрли ифодани бахш этган эди.

Шу йил қишда Лиза бир вақтда икки йигитга шайдо бўлиб қолганди. Улар Анненскийларни йўқлаб келгандагина эмас, шунчаки номлари тилга олинганда ҳам, қизни ҳаяжон босар, юзи қизариб кетарди. Бироқ онаси Евгенийнинг нияти жиддий эканига шаъма қилгач, унинг шу йигитга маҳлиёлиги кучайди-ю, анави икковига деярли лоқайд боқадиган бўлиб қолди. Евгений уларникидаги баллар, йиғинларга қатнай бошлагач эса, бошқалардан кўра у билан кўпроқ рақс туша бошлади. Чамаси, йигит ҳам қиз чиндан-да ўзини севадими-йўқми, шуни аниқлаштириб олиш пайида эди. Лизанинг Иртеневга шайдолиги алланечук хасталикка айлангач, қиз учун бошқа барча одамлар йўқолиб, тушида ҳам, ўнгида ҳам фақат угина кўринадиган бўлиб қолди. Йигит қизнинг қўлини сўраганда, ота-онаси бу никоҳга розилик берди, шунда қиз Евгенийга илк бўса тортиқ этиб,

иккови келин-куёв деб эълон қилинди, ўшандан кейин Лизада қайлиғини ўйлашдан бошқа хаёл қолмади, қиз фақат йигит билан бирга бўлишни, уни севишу ўзиям севилишни хоҳлар эди, холос. У бўлғуси эри билан ғурурланар, унга ҳам, ўзига ҳам, севгисига ҳам меҳри авж олар, Иртеневга бўлган севгисидан тобора эс-ҳуши оғиб, кўнгли юмшаб бораради. Евгений ҳам қизни қанча кўп билгани сайин уни шунча қаттиқ севиб қолаётганди. Йигит шундай севгига муяссар бўламан, деб ҳеч қачон ўйламаганди, шунгами бу бахт унинг ҳис-туйғуларини янада кучайтириб юборганди.

VI

Баҳор арафасида Евгений ер-мулкини, янаям муҳими, тўйга ясатилаётган уйини кўздан кечириб, зарур топшириқлар бергани Семёновскийга келди.

Марья Павловна ўғли шу қизни танлаганидан норози эди. Келин унга ёқмаганидан эмас, ўғлимга янаям яхшироғини топа олардим, деб ишонганидан шу кайфиятда эди. Бўлғуси хотин қуда – Варвара Алексеевна кўнглига ўтирмагани ҳам унинг ўғлидан норози бўлишига яна бир сабаб эди. Варвара Алексеевнанинг феъл-хўйи қанақа – яхшими ё ёмонми – буни ҳали билмас, демак, ҳукм ҳам чиқара олмас эди-ю, аммо унинг виждонли, андишали, ҳалол аёл, *comme il faunt*, Марья Павловна иборасича, леди эмаслигини бир қарашдаёқ пайқади ва бундан дили сиёҳ бўлди. Дили шунинг учун ҳам сиёҳ бўлдики, Марья Павловна табиатан виждонлилик, андишалилик, ҳалолликни қадрлар, Евгенийнинг қалби ҳам бунга жуда сезгирлигини ҳис этар ва шу аёл ҳали ўғлининг кўнглини кўп бор оғритишини қалбан англаб турарди. Лизанинг ўзи эса Марья Павловнага ёқди. Аниқроғи, ўғлига ёққани учун унга ҳам ёқди. У энди қизни наинки ёқтириши, балки севиши ҳам керак эди. Марья Павловна бунга ҳам бажонидил тайёр эди.

Онаси Евгенийни шод, мамнун кутиб олди. У уй жиҳозларини ўзи бошқош бўлиб, жой-жойига қўйдирган ва ўғли келинни олиб келиши ҳамоно жўнашга шайланаётган эди. Евгений онасини, биз билан қолинг, деб қисташга тушди. Аммо бу масала чала қолди. Марья Павловна оқшомда, чойхўрликдан сўнг, ҳар доимги одатича, карта билан фол очиб, Евгений эса унга ёрдам бериб ўтирди. Она-бола ҳеч қачон шу оқшомдагидек дилдан суҳбат қурмаган эди. Бир пасьянни тугатиб, янгисини бошлар экан, Марья Павловна Евгенийга бир қараб олди-да, бироз тутилиброқ гап бошлади:

– Сенга бир гап айтмоқчи эдим, Женя. Бунга гарчи ақлим етмаса ҳам, барибир, маслаҳат берсам, дегандим. Тўй олдидан бўйдоқликдаги ҳар хил санғишларни дарҳол тўхтатиш керак. Токи бу ёғига ҳеч ким сени ҳам, Худо кўрсатмасин, хотинингни ҳам безовта қилиб юрмасин. Нима демоқчилигимни тушунгандирсан?

Дарҳақиқат, Евгений дарров фаҳмлади – Марья Павловна унинг Степанида билан элакишиб юрганига шаъма қилмоқда эди. Ҳолбуки, у ўша жувон билан алоқасини кузда ёқ тўхтатганди. Онаси барча бева аёллардек бу учрашувларга керагидан ортиқча баҳо бераётганди. Евгений дув қизариб кетди. Бу қизариш уятдан эмас, ўкинчдан эди. Тўғри, Марья

Павловна Евгенийни аяганидан унинг ишларига аралашяпти. Аммо, барибир, аралашмагани маъқул эди. Чунки бу масалада онаси ҳеч нимани тушунмайди, тушуниши мумкин ҳам эмас. У, одамлардан яширинча ҳеч қандай айб иш қилмадим, ҳеч нима уйланишимга монелик қилмасин, деб ўзимни доим шундай тутдим, деб жавоб қайтарди.

– Унда жудаям соз, дўстгинам. Сен, Женя, онангдан хафа бўлиб юрма тағин, – деди Марья Павловна хижолат тортиб.

Бироқ Евгений онаси ҳали гапини тугатмагани, энг асосий гап ҳали олдиндалигини фаҳмлаб турарди. Дарҳақиқат, шундай ҳам бўлиб чиқди. Орадан бир озгина вақт ўтгач, Марья Павловна ўғли шаҳарда юрганида Пчельниковлар ундан янги чақалоғини чўқинтириб беришни илтимос этиб келишгани ҳақида ҳикоя қила бошлади.

Энди Евгений ўкинч, ҳатто уятдан ҳам эмас, йўқ, онаси шу тобда ўзига айтаётган бу гапларнинг жуда масъулиятли эканини англашнинг алланечук ғалати ҳиссиётидан қизариб кетди. Бу англам Евгенийнинг ақлига бўйсунмас ва ҳатто у билан ихтилофда эди. Шунақа бўлишини кўнгли сезганди-я. Марья Павловна, ўзини суҳбатдан бўлак ҳеч қандай нияти йўқ кишидек тутиб, бу йил фақат ўғил болалар туғиляпти-я, дея ўзини ҳайрон бўлганга солди, сўнг, ишқилиб, бу урушдан нишона бўлмасинда, деб қўшиб қўйди. Васинларникида ҳам, Пчельниковларникида ҳам тўнғич фарзанд ўғил туғилди. Марья Павловна буни хонаси келгани учунгина айтаётгандек кўринмоқчи эди-ю, аммо ўғли дув қизариб кетгани, пенснесини дам-бадам асабий ечиб шақиллатганча, яна қайта тақаётгани, шу орада папиросни ҳам устма-уст тортаётганига кўзи тушиб, ўзиям хижолат бўлиб кетди. Она жим бўлиб қолди. Ўғил ҳам мум тишлаб ўтирар, жимликни қандай бузишни билмасди. Иккови ҳам бир-бирини тушунганини англаб турарди.

– Қишлоқда, энг муҳими – адолатли бўлиш, яна тоғангга ўхшаб, баъзиларни арзанда қилиб юборма.

– Ойижон, – деди ниҳоят тилга кириб Евгений – бу гапларни нега айтаётганингизни биламан. Сиз беҳуда хавотирланяпсиз. Мен учун бўлғуси оилавий ҳаётим шу қадар муқаддаски, унга ҳеч қандай вазиятда ҳам хиёнат қилмайман. Бўйдоқлик пайтимдаги санғишларга келсак, барига нуқта қўйганман. Мен ҳеч кимга ҳеч қандай ваъда бермаганман ва менга ҳеч ким ҳеч қандай талаб қўёлмайди.

– Бундан мамнунман, – деди она.– Олийжаноб орзулар билан юрганингни биламан.

Евгений бу сўзларни онасининг енгилганига йўйди ва яна жим қолди.

Эртасига йигит шаҳарга жўнади, йўл-йўлакай қайлиғи ҳақида, дунёдаги кўп нарсалар тўғрисида ўйлаб кетди, лекин Степанидани хаёлига яқин ҳам йўлатмади. Бироқ, худди жўрттага қилгандек, худди ўша жувонни эсламоқчидек, у черков олдида тўхтади-да, бу ерга келиб-кетаётган одамларни кузата бошлади. У Матвей чол ва Семённи, йигитлар ва қизларни, яна икки аёлни учратди. Бу икки аёлдан бири қарироқ, бошқаси эса ёшроқ бўлиб, анча башанг кийинган, бошига оч-қизил рўмол ўраган, қандайдир таниш кўринар эди. У енгил ва тетик одим ташлар, қўлида бола кўтариб олганди. Евгенийнинг ёнидан ўтишаётганда қарироғи эски замонлардагидек бир дам тўхтаб, букилиб таъзим қилди, қўлида боласи бор ёшроғи

эса бошини хиёл эгиб қўйди, холос. Рўмол остидан шўх кулиб бокувчи таниш кўзлар чарақлаб кетди.

"Ҳа, бу – ўша, аммо ўша учрашувларга нуқта қўйганман, энди унга қарашга ҳожат йўқ", деб ўйлади Евгений. Сўнг бирдан "Эҳтимол, боласи ҳам мендандир, – деган фикр юрагини жизиллатиб ўтди. – Йўқ, қандай алжираш бўлди бу тағин?! Ахир, эри бор-ку бошида, ўшандан орттирган болани". У жувон билан учрашиб юрган ўша пайтлардан бери қанча ўтганини чўтлаб ҳам ўтирмади. Евгений узил-кесил ҳал қилиб бўлганди: соғлиғим учун зарур бўлганидан шу ишни қилганман ва бу хизмати учун жувонга ҳақини тўлаб қўйганман, тамом-вассалом. Ўзи билан шу жувон ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқ, бўлмаган, бўлмайди, бўлмаслиги ҳам керак. Евгений виждон овозини босиб қўйишга уринмасди, чунки виждони лом-мим демаётганди. У онаси билан очиқчасига гаплашгани ва жувон билан қўққис тўқнашганидан сўнг ҳам уни бирор марта эсга олмади. Шундан кейин унга бирор марта юзма-юз ҳам келмади.

Пасхадан кейинги дастлабки якшанба – Красная Горка байрамида Евгений шаҳарда никоҳдан ўтди-да, ёш хотини билан дарҳол қишлоққа жўнади. Уй, одатда, янги келин-куёвларга қандай ҳозирланса, шундай ҳозирланган эди. Марья Павловна шаҳарга кетмоқчи бўлган эди, Евгений, янаям асосийси, Лиза, шу ерда қолинг, деб ялиниб туриб олди. У келин-куёв билан бирга қолди, аммо уйга тақаб қурилган ёндош бинога кўчиб ўтди.

Шу тариқа Евгенийнинг янги ҳаёти бошланиб кетди.

VII

Оила қурганларининг биринчи йили Евгений учун қийин кечди. Қийин кечишига сабаб – у никоҳдан ўтиш ташвишлари билан юрганида орқага сурилган барча юмушлар энди, тўйдан сўнг унинг бошига бирдан ёпирилганди.

Қарз балосидан қутулишнинг сира иложи йўқ эди. Далаҳовли сотилди, ошиғич қарзларни узди, аммо ҳалиям насиялар бор-у, пул эса йўқ эди. Ер-мулк туппа-тузук даромад келтирарди-ю, аммо акасига пул жўнатиши, тўй чиқимларини ҳам қоплаши зарур эди. Пул йўқ бўлса, завод ҳам юрмас, униям тўхтатишга тўғри келарди. Бу тангликдан қутулишнинг биргина йўли хотинининг пулларини ишлатиб туриш эди. Лиза эрининг аҳволини тушуниб етди-ю, ўзи шуни талаб қила бошлади. Евгений бунга рози бўлди, лекин бир шарт қўйди: ер-мулкининг ярмини хотинининг номига васиқа қилиб беради. У ана шундай қилди ҳам. Аммо буни хотини учун қилгани йўқ, чунки Лизага бу иши ҳақорат бўлиб кўринарди. У қайнонасининг кўнгли тинч бўлиши учун шу йўлни танлади.

Бир томондан, хўжалик ишлари гоҳ илгари босиб, гоҳ ортга кетиб, Евгений оила курган дастлабки йилни заҳар-заққумга айлантирса, бошқа томондан, Лизанинг соғлиғи ёмонлашиши дард устига чипқон бўлди. Улар бир ёстиққа бош қўйган йилда, тўйдан етти ой ўтиб, кузда Лизага бало-қазо ёпишди. У шаҳардан қайтаётган эрини кутиб олгани якка от қўшиладиган икки ғилдиракли аравада йўлга чиқди. Ёввошгина от бирдан ўйноқилаб берди-ю, Лизанинг юраги қинидан чиққудек бўлиб, ўзини аравадан ерга отди. Хайриятки, унга шикаст етмади, агар этаги арава

ғилдирагига ўралашиб қолса, ўшанда кўрардингиз ҳақиқий фалокатни! Аммо Лизанинг қорнида ҳомиласи бор эдики, ўша кечанинг ўзидаёқ уни дард тута бошлади. Охири эса бола ташлаб қўйди-да, анчагача ўзига келолмай юрди. Тўнғичини бой бериб қўйиши, хотинига дард ёпишиши, оқибатда ҳаёти тўс-тўполон бўлиб кетиши, янаям беш баттари, Лиза бетоб бўлгани ҳамоно қайнонаси етиб келиши – буларнинг бари Евгенийга бу йилни чандон оғирлаштирди.

Бироқ, шундай оғир аҳволига ҳам қарамай, дастлабки йил охирида Евгений ўзини дуппа-дуруст ҳис этарди. Биринчидан, унинг путурдан кетган хўжаликни яна оёққа қўйиш, бобосининг ҳаёт тарзини янгитдан тиклаш ҳақидаги ардоқли орзуси, гарчи қийинчилик ва секинлик билан бўлса-да, ушалиб бормоқда эди. Энди қарзлардан қутулиш учун бутун ер-мулкни савдога қўйиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Гарчи тенг ярми хотини номига васиқа қилиб берилган эса-да, асосий ер-мулк сақлаб қолинган, агар лавлаги ҳосилининг чўғи ва унинг бозордаги нархи бинойидек бўлиб берса, келаси йилга ўтиб, муҳтожлик ва танглик барҳам топишини, унинг ўрнини тўкинчилик ва хотиржамлик эгаллашини кутса бўларди. Бу – Евгенийнинг ўзини дуппа-дуруст ҳис этишининг фақат бир сабаби эди, холос.

Яна бошқа сабаби шу эдики, у хотинининг жуда кўп фазилатларга эгалигини билар эди-ю, аммо ундан айнан шу фазилатни топаман, деб сира ўйламаган эди. Бу унинг кутган нарсаси эмасди-ю, аммо кутганидан ҳам зиёда эди. Гарчи Евгений ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам, ўзи билан Лиза ўртасида бир-бирини ҳаяжон билан жўшиб суйиш кузатилмас, кузатилса ҳам суст кузатилар эди. Бироқ улар орасида бутунлай бошқа муносабат кузатилдики, яшаш наинки қувноқроқ, ёкимлироқ, ҳатто енгилроқ бўлиб қолди. Евгений нима сабабдан бундай бўлганини билмас, лекин шундай бўлгани мутлақо ҳақиқат эди.

Бунга сабаб шу эдики, Лиза никоҳдан ўтган заҳотиёқ Евгений – дунёдаги барча одамлар ичида энг аълоси, ақллиси, ҳалоли, олийжаноби, демак, барчанинг бурчи Евгенийга хизмат қилиш ва унинг кўнглига ёқиш, деган қарорга келиб бўлди. Аммо бунга барчани мажбур қилиб бўлмас, бинобарин, ўзи кучи етганича шунга ҳаракат қилиши лозим эди. Лиза бунинг уддасидан чиқди ҳам, чунки унинг бор руҳий қуввати эри нимани яхши кўришини аниқлаш, сўнг у нима бўлса ҳам, қанча қийин бўлса ҳам, бажо келтиришга қаратилган эди.

Лизада хотин зотини эрининг кўзига ғоят жозибадор қилиб кўрсатувчи бир хислат бор эди. Бу – эрини севгани боис унинг қалбини худди кафтидагидек кўриши эди. Лиза Евгенийнинг руҳиятидаги ҳар қандай ҳолатни, унинг ҳис-туйғуларидаги ҳар қандай ўзгаришни эрининг ўзидан-да яхшироқ пайқар ва шунга қараб иш тутар, ҳеч қачон унинг ҳис-туйғуларини таҳқирламас, аксинча, ҳар доим қайғусини аритиш, қувончини оширишга ҳаракат қиларди. У эрининг нафақат ҳис-туйғулари, балки ўй-фикрларини ҳам шундай тушуна оларди. У ўзига бутунлай ёт бўлган қишлоқ хўжалиги ва завод асбоб-ускуналари, булардан ҳам ортиб баъзи одамларнинг феъл-хўйигача дарров фаҳмлаб олар ва Евгенийга наинки суҳбатдош, балки, эриям тан олиб айтганидек, фойдали, беназир маслаҳатгўй ҳам бўлар эди. У ҳар бир одам, ҳар бир нарса ва ҳар бир ҳодисага Евгенийнинг кўзи билан қарарди. Лиза онасини жуда

яхши кўрса-да, Евгенийга қайнонасининг келин-куёв ҳаётига аралашиши ёқмаётганини кўргач, дарров эри тарафга шунчалар қатъият билан ўтиб олдики, ҳатто Евгенийнинг ўзи Лизанинг ҳовуридан бироз тушириб қўйишга мажбур бўлди.

Буларнинг устига, дид, муомала ва асосийси, ювошликда ҳеч ким унга тенглаша олмас эди. Лиза ҳар қандай юмушга уннамасин, бошқалар буни пайқамай қолар, фақат унинг меҳнати самараси, яъни ҳар ерда тозалик, тартиб ва нафосатга кўзи тушар эди, холос. У эрининг ҳаётдаги орзусини дарров фаҳмлаб олди-ю, уйни жиҳозлаш ва сариштa тутишда Евгений нимани хоҳласа, ўшани муҳайё қилишга киришди ва бунинг уддасидан ҳам чиқди. Лизага биргина бола етишмай турар, аммо бола кўришига ҳам шубҳа қилмасди. Қишда Евгений акушер кўригидан ўтказиш учун хотинини Петербургга олиб борди, акушер Лизани соппа-соғ деб топди ва бемалол бола кўрса бўлади, деди.

Бу орзу ҳам ахийри ушаладиган бўлди, йил охирида Лиза яна ҳомиладор бўлди.

Гарчи икковининг бахтини оғуламаса ҳам, аммо бунга соя солиб турган ягона нарса бу – Лизанинг рашки эди. У рашкини ичига ютар, сиртига чиқармасди-ю, лекин шундан кўп сиқиларди. Евгений бирорта аёлни севиб қолиши мумкин эмас, чунки унга муносиб аёлнинг ўзи бу дунёда йўқ (эрига ўзи муносибми ёки йўқми, бу саволни эса ҳеч қачон бериб кўрмаганди), шу сабаб бирорта аёл ҳам унинг эрини севиб қолишга журъат этмаслиги лозим эди.

VIII

Келин-куёв бир тартибда яшарди: Евгений ҳар куни уйқудан барвақт уйғонар, хўжалик ва заводдаги аҳволни бориб кўрар, баъзан далага йўл оларди. Соат ўнларда қаҳва ичгани уйига қайтарди. Қаҳвани айвонда Марья Павловна, бу ёз уларникида яшаб турган тоғаси ва Лиза билан бирга ичарди. Қаҳва устидаги гангур-гунгур суҳбатдан сўнг ҳамма тушликкача ажралар эди. Соат иккида тушлик овқат тортиларди. Сўнг ҳазми таом учун пиёда ёки извошда сайр қилиб келишарди. Евгений оқшомда идорадан қайтгач, кечки чойхўрликка ўтиришар, баъзида у бирор китобни овоз чиқариб ўқиб берар, Лиза эса юмушларига уннар ёки роялда куй чаларди, уйда меҳмонлар бўлса, узоқ гурунглашиб ўтиришарди. Евгений иш билан шаҳарга кетганда Лизага ҳар куни хат ёзар, ўзи ҳам ундан кун сайин хат оларди. Баъзан Лиза Евгенийга ҳамроҳ бўлиб борар, шунда сафар, айниқса, қувноқ кечарди. Эр-хотиннинг туғилган кунларида уй меҳмонлар билан тўлар, Лиза улар яйраб ўтириши учун барча ишни эпчил тиндиришидан Евгенийнинг кўнгли ҳузурланар эди. У катта-кичик барчаси ёш, ёқимтой бекага маҳлиё бўлиб қарашини кўриб, уни янада кўпроқ севиб қоларди. Хуллас, бари ажойиб эди. Лиза бошқоронғиликни анча енгил ўтказди, ҳар иккиси ҳам, гарчи сал чўчиброқ бўлса-да, болани қандай тарбиялаш ҳақида режа туза бошлашди. Қайси тарбия усулларини танлашни Евгенийнинг бир ўзи ҳал қилди, зеро, Лиза унинг истагини сўзсиз ижро этишга астойдил рози эди. Евгений тиббиётга оид бир талай китобни ўқиб чиқди-да, болани фаннинг барча талабларига риоя этиб тарбияламоқчи бўлди. Лиза унинг фикрини маъқуллади-да, ҳам ёз-

боп, ҳам қишбоп йўргаклар тикишга, беланчакни ҳозирлашга уннади. Шу тариқа, оила қурганларининг иккинчи йили, иккинчи баҳори кириб келди.

IX

Троица куни арафасида бир воқеа юз берди. Лиза юкли бўлганининг бешинчи ойи эди. У ўзини кўпам уринтирмаса-да, аммо қувноқ ва тийрак эди. Ҳар икки аёл қуда ҳам Лизага кўз-қулоқ бўлиб туриш учун шу ерда яшар, бир-бирига пичинг гап отиб, нуқул унинг ҳаловатини ўғирларди. Евгений хўжалик ишларига боши билан шўнғиб кетган, лавлаги парваришидан ташвишга ботиб юрарди.

Троица куни арафасида Лиза уйни бир сидра тозалаб чиқишга қарор қилди, чунки Пасхадан бери бу ишга ҳеч қўли тегмаган эди. Пол ва деразаларни ювиб артиш, мебель ва гиламларни қоқиб тозалаш, ғилофларни тақишда хизматкорларга ёрдам беради деб кунбайга икки аёлни ёллади. Улар тонг саҳарда келди-ю, чўян печкада сув иситиб, ишга киришиб кетди. Икки жувондан бири Степанида эди. У эндигина чақалоғини кўкракдан чиқариб, идора мирзасининг олдига югургилаб келди-да, пол ювгани мени юборинг, деб ялиниб туриб олди. У бариннинг ёш хотинини яқиндан кўриб олмоқчи эди. Степанида ҳалиям аввалгидек эрсиз яшар, дастлаб уни ўтин билан тутиб олган Данила чол, кейин барин, энди эса идорадаги шу ёшгина мирза билан ўйнашиб юрарди. У баринни аллақачон хаёлидан чиқариб юборган эди. “Унинг энди хотини бор, – деб ўйларди у. – Ёш бекани кўришни эса шунақаям хоҳлаяпманки! Эшитишимча, уйини хўб чиройли безатган эмиш”.

Евгений Степанидани қўлида боласи билан учратгандан буён бошқа кўрмаган эди. Жувон чақалоғи бўлгани учун ҳам кунбай ишлашга чиқмас, бариннинг эса қишлоққа онда-сонда оёғи етарди. Хуллас, Троица куни арафасида Евгений соат бешда, каллаи саҳарлаб уйғонди-да, кузда бегона ўтлардан тозалаш учун ҳайдаб қўйилган, аммо баҳорда уруғ сепилмай, дам берилган далага қараб йўл олди. Бу далага фосфорит септиришни мўлжаллаб қўйган эди. У уйдан чиққан пайтда жувонлар дошкозонда сув иситиш учун ҳовлидаги печ ёнида куймаланиб юрарди.

Евгений нонуштага қорни очқаб, аммо шод ва мамнун қайтди. У дарвоза олдида отдан тушди-да, жиловни ўзига пешвоз чиққан боғбонга тутқазиб, бел баравар бир ўтни қамчи билан савалаганча, ҳар доимги одатига кўра, бир айтган гапини яна такрорлаб, уйга қараб юрди. Бу галги шундай жумласи “Фосфоритлар ўзини оқлайди”, деган гап бўлиб, улар нимани оқлайди, кимнинг олдида оқлайди, буни ўзиям билмас, ўйлаб ҳам ўтирмас эди. Майсазорда гиламларни қоқиб тозалашар, мебеллар ташқарига чиқариб қўйилган эди.

“Оббо Лизаси тушмагур-ей, астойдил киришибди-ку тозалашга! Фосфоритлар ўзини оқлайди. Бека дегани мана шундай бўлса-да! Киройи бека! Ҳа, киройи бека, – дея у ўзига-ўзи гап уқтириб борар ва хотинини уй ичида кийиладиган одми оқ кўйлакда, юзи қувончдан ял-ял ёнган бир суратда кўз олдига келтирар эди. – Ҳа-я, этигимни алмаштиришим керак, акс ҳолда, фосфоритлар ўзини оқлайди, йўғ-ей, ундан тезак ҳиди анқияпти. Бекачанинг аҳволи эса бунақа бўлса! Ҳа-я, бекачанинг аҳволи

нега энди бунақа? Чунки қорнида жажжигина Иртенев ўсяпти. Ҳа, фосфоритлар ўзини оқлайди". Евгений миясига келган бу фикрдан жилмайганча, хонасининг эшигига қўл узатди. Аммо уни итармасидан бурун эшик ичкаридан очилиб кетди-ю, этагини белига қистирган ва енгини тирсагигача шимарган кўйи, пақир кўтариб чиқиб келаётган оёқяланг жувонга тўқнаш келди. У жувонни ўтказиб юбориш учун ўзини четга олганди, жувон ҳам баринга йўл бўшатиб, ҳўл қўли билан сирғалиб тушган рўмолини тўғрилаганча, четга ўтиб турди.

– Ўт, ўтавер, сен ўтмагунча... – Евгений шундай деб сўз бошлади-ю, жувонни таниб қолиб бирдан тўхтади.

Жувон кўзлари порлаб, унга шўх қараш қилди. Сўнг ҳимарилган этагини туширди-да, эшикдан ташқари чиқди.

"Бу қанақа бемаънилик? Нима деган гап бу? Бўлиши мумкин эмас", дея кўнглидан ўтказди Евгений жувонни қўққис кўриб қолганидан норози бўлганча, қовоқ-тумшуғи осилиб ва пашша ҳайдаётгандек уст-бошини қоқиб. У жувонни шунчаки кўриб қолганидан эмас, бу-ку майли-я, унинг бор гавдасини силкитиб эпчил, кучли одим ташловчи яланг оёқларидан, билаклари, елкаси, кўйлагининг чиройли бурмасию оппоқ болдирларидан сал тепада ҳилпиллаган қизил тивит юбкасидан кўз узолмай қолганидан норози эди.

"Нега қараяпман ўзи, – деди у ўзига-ўзи жувонга боқмаслик учун кўзини ерга қадаб. – Ҳа-я, ичкарига кирмасам бўлмайди, бошқа этигимни олишим керак". У шундай деб ўз хонасига йўналди. Аммо бир-икки қадам ҳам босмай, жувонни яна бирров кўриб қолиш учун орқасига қайрилиб қаради. Жувон шу пайт бурчакка етиб борди-ю, у ҳам Евгенийга ўгирилиб боқди.

"Оҳ, нималар қиляпман ўзи, – дея ҳайқириб юборди Евгений кўнглида. – Мени унутмабди-да, деб ўйламайдими? Балки аллақачон шундай деб ўйлагандир ҳам".

Евгений ҳали поли қуримаган хонасига кирди. Жувоннинг шериги – қари, ориқ хотин ҳали ҳам шу ерда эди – пол юварди. Евгений кир сув халқобланган жойлардан оёқ учида ҳатлаб ўтиб, жавондан этигини олдида, энди чиқаман деб турган эди, анови хотин эшикка қараб йўналди.

"Буниси чиқса, анависи – Степанида ёлғиз киради", дея тилга кирди кўксида аллақандай овоз.

"Эй Худойим! Бу – нима хаёл, бу – нима қилиқ!" У ўз-ўзига шундай деганча, этигини чангаллади-да, даҳлизга югуриб чиқди, шошиб этигини кийди, уст-бошини қоқди ва айвонга ўтди. Бу ерда онаси ва қайнонаси қаҳва ичиб ўтиришарди. Лиза, табиийки, эрини кутарди. У Евгений билан бир пайтда бошқа эшикдан айвонга кириб келди.

"Эй Худойим! У мени шунақаям ҳалол, софдил, бегуноҳ деб ўйлайдики, агар билиб қолса борми!.." – деган аламли фикр ўтди унинг хаёлидан.

Лиза уни ҳар доимгидек юзи ял-ял ёниб кутиб олди. Бироқ у энди Евгенийга рангпар, захил, новча ва нимжон бўлиб кўринди.

X

Қаҳва устида, ҳар кунги одатга мувофиқ, яна аёлларга хос ўша суҳбат бордики, унда ҳеч қандай мантиқий боғлиқлик йўқ эди. Лекин, чамаси,

уни бошқа бир нима боғлаб турардики, суҳбат ҳеч ҳам узилмай давом этарди.

Ҳар иккала хоним ҳам бир-бирига тинимсиз пичинглар отар, Лиза эса икки орада бир амаллаб жон сақлар эди.

– Сен даладан қайтгунча, хонангни ювдириб қўёлмадим, бундан жуда хижолатдаман, – деди у эрига. – Ҳамма жойни битта қолдирмай тозалатсам, дейман.

– Мендан кейин ухладингми ўзи?

– Озроқ мизғиб олдим, аҳволим – яхши.

– Шу жазирама иссиқда унингдек юкли аёлнинг аҳволи қандай қилиб яхши бўлсин, тағин деразага ҳеч вақо тутилмаган бўлса, – дея гапга аралашди Лизанинг онаси Варвара Алексеевна.– На ичдан дарпардаси бор, на ташдан соябончаси. Бизникида доим соябонча бўлгич эди.

– Қўйсангиз-чи, бу ерга соат ўндаёқ соя тушади-ку, – дея сўз билан чимчилаб олди Марья Павловна қудасини.

– Худди шундан келиб чиқади-да безгак. Худди шу рутубатдан, – деди Варвара Алексеевна ҳозиргина ўзи айтган гапнинг буткул тескарисини айтаётганига парво ҳам қилмай. – Бизнинг доктор беморнинг феълатворини билмай туриб, унинг касалини аниқлаб бўлмайди, деб уқтиради. Агар билмаса, бундай демасди, ахир, у – энг ўткир шифокорлардан, биз унга юз рубль маош тўлаймиз. Марҳум эрим докторларга ҳечам ишонмасди, аммо мендан ҳеч вақт ҳеч нимани қизғонмаган.

– Хотининг ҳам, боласининг ҳам ҳаёти шунга қараб қолса, қайси эркак қизғониб ўтирарди...

– Ҳа-да, агар хотиннинг қўлида маблағи бўлса, эрига муҳтож бўлиб қолмайди. Яхши хотин эрига итоатда бўлади, – деди Варвара Алексеевна, – Фақат Лиза касалдан турганидан бери сал камҳолроқ.

– Ундай деманг, ойижон, туппа-тузукман. Дарвоқе, сизга ҳали қаймоқ тортишмадими?

– Қаймоқ шарт эмас. Пишлоқнинг ўзи етарли.

– Варвара Алексеевнадан сўровдим, ўзлари рад этдилар, – деди Марья Павловна келини олдида ўзини оқлаб.

– Э-э, кўявер, кераги йўқ энди! – Варвара Алексеевна ноҳуш мавзуга якун ясаш учун ўзини олийжаноблик билан ён бергандек тутиб, энди Евгенийга юзланди:

– Хўш, қалай, фосфоритларни сепиб олдингизми?

Лиза қаймоқ олиб келгани чопди.

– Қаймоқ егим йўқ, дедим-ку сенга!

– Лиза! Лиза! Секинроқ, – дея тергади келинини Марья Павловна. – Сенга бунақа чопиш зарарли!

– Кўнгил хотиржам бўлса, ҳеч нарса зарарли эмас, – дея гапга аралашди яна Варвара Алексеевна гўё бир нимага шаъма қилаётгандек. Лекин унинг ўзи ҳам бу гапи ҳеч нимага шаъма қилмаслигини жуда яққол билиб турарди.

Қаймоқ кўтариб, Лиза кирди. Евгений қаҳвасини ҳўплаганча, тунд киёфада ўтирарди. У бунақа суҳбатга одатланиб кетган бўлса-да, аммо шу тобда қаттиқ жаҳли чиқиб борарди. У боягина юз берган воқеани бир сидра ўйлаб олсам дер, пойма-пой гаплар эса бунга халақит берарди. Варвара Алексеевна қаҳвасини охиригача ичди-ю, лекин дили, барибир, хуф-

тон бўлиб чиқиб кетди. Лиза, Евгений ва Марья Павловна ёлғиз қолишди. Бу ёғига суҳбат енгил, ёқимли давом этди. Аммо севги боис кўнгли сезгир бўлиб қолган Лиза эрига нимадир азоб бераётганини дарров пайқади ва ундан "Бирор нохушлик юз бермадими, ишқилиб", – деб сўради.

Евгений бундай саволни кутмаган эди, шунинг учун "Ҳеч қанақа нохушлик бўлгани йўқ", дейишдан олдин бироз довдираб қолди. Бундай жавоб эса Лизани баттар хавотирга солиб қўйди. Евгенийни нимадир азоблар, қаттиқ азоблар, сутга тушган пашша қанча аниқ кўринса, Лиза ҳам буни шундай аниқ кўриб турар, аммо эри унга дилини ёрмасди.

XI

Нонуштадан сўнг ҳамма тарқалди. Евгений ҳар сафарги одатича, кабинетига йўл олди. Бу ерда у на хатларни ўқиди, на уларга жавоб ёзди, фақат креслога чўкканча, устма-уст папирос тутатиб, ўйга чўмди. Кўнглида ўша булғанч туйғу яна қўққис бош кўтариб қолгани Евгенийни ҳам ҳайрон қолдирар, ҳам қийноққа солар эди. Ҳолбуки, у уйланганидан буён ўзини бу куч чангалидан озод ҳисоблаб юрарди. Евгений ўшандан буён бу туйғуни на анави таниш жувонга нисбатан, на ўзга бирорта хотинга нисбатан туймаган, фақат ҳасми ҳалоли – Лиза бундан мустасно эди, холос. У ўзининг бундай озод бўлганидан неча марта кўнглида қувонган эди. Аммо Степанида билан тасодифан тўқнаш келиб қолиш, бу воқеа гарчи арзимасдек бўлиб кўринса-да, унинг ҳали ҳам озод бўлолмаганини исботлаб қўйди. Евгенийни яна ўша булғанч туйғуга бўйсунаётгани, яна ўша қишлоқи жувонни хоҳлаётгани эмас – йўқ, унинг бу ҳақда ҳатто ўйлагиси ҳам келмасди – балки шу ҳиссиёт ҳали ҳам қалбида тирик қолганию бунга қарши ҳушёр туриши зарурлиги азобга соларди. Бу туйғуни тийиб тура олишига эса ҳозир ҳам шубҳа қилмасди.

Евгений ҳали жавоб ёзмаган битта мактуб ва тўлдириб жўнатмаган битта ҳужжат бор эди. У стол ёнига ўтирди-да, ёзув-чизувга тутинди. Бу машғулотни тугатгач эса, бояги азобли ўйларни ҳам унутиб, отхонага бориш учун кабинетидан чиқди. Яна худди аксига олгандек ёки жўрттага қилгандек, эндигина зинапояга етганди, бурчакдан ўша тўқ қизил тивит юбка билан оч қизил рўмол чиқиб келди-да, қўлларини силкитиб дадил юрганча, Евгенийнинг ёнидан ўтиб кетди. Боз устига, у бариннинг ёнидан шунчаки ўтмади, балки ноз-карашма қилгандек, ўйноқилаб, чопқиллаб ўтди-да, шеригига етиб олди.

Евгенийнинг хаёли қаъридан кун чарақлаб турган туш маҳали, аъзойи баданини ачиштирган қичитқи ўти, коровулхона ҳовлисининг этаги, заранг дарахти соясида оғзида япроқни тишлаганча, ўзига кулиб қараб турган жувон сиймоси қалқиб чиқди.

"Йўқ, буни шундай қолдириб бўлмайди, – деди у ўзига-ўзи ва жувон кўздан ғойиб бўлгунча кутиб тургач, тўғри идорага қараб кетди. Туш пайти бўлганидан ишбошини шу ердан топаман, деб ўйлаганди. У ҳақиқатдан ҳам идорада экан. Ишбоши бироз мизғиб олган-у, ҳозиргина уйғонгани кўриниб турарди. У оёқда турганча, гоҳ керишиб, гоҳ эснаб, молбоқарнинг арзи ҳолини тингларди.

– Василий Николаевич!

– Лаббай, барин!

– Сиз билан гаплашиб олсам, дегандим.

– Буюринг, барин!

– Майли, суҳбатингизни тугатиб олинг.

– Ўзинг олиб кела қолсанг-чи? – деб ўсмоқчилади Василий Николаевич молбоқарга.

– Қийин-да, Василий Николаевич.

– Нима гап ўзи? – деб сўради Евгений.

– Сигир яйловда болалаб қўйибди. Майли, ҳозироқ отни аравага қўшишни буюраман. Николайга айт, Лисухани аравага қўшсин, ўлик ташиладиган аравага бўлсаям қўшсин!

Молбоқар чиқиб кетди.

– Сизга айтсам, – дея қизариб-бўзариб гап бошлади Евгений. – Сизга айтсам, Василий Николаевич, бўйдоқлик пайтимда баъзи гуноҳ ишлар қилиб қўювдим... Балки ўзингиз ҳам эшитгандирсиз...

Василий Николаевич жилмайиб боқди-да, баринни аяган оҳангда сўради:

– Степашкани назарда тутяпсизми?

– Ҳа-да! Сиздан илтимос, энди уни бизникига кунбай ишга ёлламасангиз... Ўзингиз биласиз-ку, жуда хижолат тортяпман...

– Ҳа, кўриниб турибди. Ваня жўнатган-да уни.

– Сиздан илтимос... Ҳа, айтмоқчи, фосфоритнинг қолганини сепишяптими? – дея гапни бошқа мавзуга бурди Евгений хижолатдан қутулиш учун.

– Ҳозироқ ўша ёққа жўнайман.

Шу билан иш ҳал бўлди. Евгенийнинг кўнгли тинчиди: жувон билан учрашмай бир йил яшади, бу ёғи ҳам худди шундай яшайверади. " Василий бояги гапимни Иванга, Иван эса жувонга етказади, шунда жувон уни кўришни хоҳламаслигимни тушунади", дерди ўзига-ўзи Евгений. У ҳар қанча оғир бўлмасин, ўзида ирода топиб, Василийга бор гапни айтганидан мамнун эди. Ҳа, шунақа гумонда қоврилгани, шунақа уятда азобланганидан ҳар нимаики бўлса, ўша дуруст". У Лизага ҳатто хаёлан бўлсин, ҳиёнат қилишдан титраб кетди.

XII

Уятни енгиб, Василий Николаевичга бор гапни айтганидан Евгенийнинг дили таскин топди. Унинг наздида, гўё барча фалокат ортда қолгандек эди. Лиза ҳам эрининг жуда хотиржам ва мамнун бўлиб қолганини пайқади. "Оналаримиз бир-бирига тинмай пичинг отиши дилини хуфтон қилган, шекилли. Евгенийдек таъсирчан ва олийжаноб одамга адоват ва беодоблик билан отилган пичингларга чидаш осонми?" деб ўйлади Лиза.

Эртасига Троица куни эди. Ҳаво ажойиб келгани боис қишлоқ хотинлари, ҳар сафаргидек, гулчамбар ясагани ўрмонга боратириб, баринниг уйи олдида тўхтадилар-да, қўшиқ айтиб, рақсга туша кетдилар. Марья Павловна ва Варвара Алексеевна ҳам байрамбоп кўйлакларини кийиб, қўлларида соябон тутиб, эшик олдига чиқишди-да, давра ясаб, вақтичоғлик қилаётган хотинларга яқинлашишди. Бу ёз Евгенийникида яшаб турган хотинбоз, арокхўр, хомсемиз тоғаси ҳам улар билан бирга чиқди.

Ҳар галгидек, ёркин рангли кўйлаклар кийган ёш қиз ва жувонлар энг ўртада доира ясаган бўлиб, унинг атрофида эса, гўё сал нарида айланаётган сайёра ва йўлдошлар каби, гоҳ қизалоқлар бир-бирининг қўлини ушлаганча, янги чит сарафанларини ҳилпиратиб, гоҳ болакайлар нимадандир пик-пик кулганча, бир-бирининг ортидан у ёқдан-бу ёққа чопқиллаб, гоҳ бурмали кўк ё қора камзул, қизил кўйлак ва картуз кийган йигитчалар басма-басига писта пўчоғини туфлаб, қишлоқ хотинлари даврасини четдан томоша қилар, баринниг қаролларию бегона кишилар ҳам шу ерда ўралашиб юрарди. Икки бегойим энг ўртадаги давра ёнига келди. Устига кўк кўйлак кийиб, пешонасига кўк тасма боғлаган Лиза ҳам улар ортидан эргашди. Унинг тирсигидан букилган узун оппоқ қўллари кўйлагининг кенг енглари ичидан кўриниб турарди.

Евгенийнинг бу томошага ҳуши йўқ эди-ю, аммо беркиниб ўтирса ҳам кулгига қоларди. Шунинг учун папиросини тутатганча, эшик олдига чиқди, болалар ва эркаклар билан салом-алик қилгач, улардан бири билан суҳбатлаша кетди. Бу пайтда хотинлар овозини баралла қўйиб, ашула айтар, гоҳ бармоқларини қарсиллатиб, гоҳ қарсак чалиб, ўйинга тушар эди.

– Барин, сизни чақиришяпти, – деди бир болакай Лизанинг овозини эшитмай қолган Евгенийнинг ёнига чопқиллаб келиб. Лизага бир жувоннинг рақси жуда ёқиб қолган-у, буни эрим ҳам кўрсин деб уни чақираётганди. Ўша жувон эса – Степанида эди. У эгнига сариқ сарафан, унинг устидан эса духоба нимча кийиб, бошига шойи рўмол ўраган, сербар, жўшқин, соғлом ва қувноқ эди. Чамаси, у ўйинни ростдан ҳам қойиллатмоқда эди. Бунга баҳо бергани Евгенийда укув камроқ эди.

– Ҳа шундай, ҳа шундай, – дерди у пенснесини гоҳ ечиб, гоҳ такиб. – Балли, балли!

"Бундан ҳечам қутула олмайдиганга ўхшайман", дерди айни чоғда Евгений кўнглида.

У Степанидага боқмасликка интилар, унинг жозибасидан қўрқар эди. Шу сабабми, бирров кўзига илинганлариям уни янада жозибадор кўрсатарди. Жувоннинг чақноқ кўзлари: "Барин менга зимдан қараяпти, мендан завқ-шавқ оляпти, буни кўрмай ўлибманми?" дея унсиз сўйларди. Евгений одоб юзасидан қанча вақт туриши лозим бўлса, шунча вақт турди-да, Варвара Алексеевна жувонни ёнига чақириб, бесўнақай ҳаракат билан ясама оҳангда "Азизам", дея сўз бошлагач, ортига қайрилди-ю, улардан нари кетди. Евгений шу кетишда уйга кирди. У жувонга қарамай деб, уйга қочиб кирганди. Аммо юқори қаватга кўтарилди-ю, нега бундан қилаётганини ўзи ҳам англамай, дераза олдига борди ва қишлоқ хотинлари уй ёнида қанча вақт турса, шунча вақт деразадан узоқлашмади – жувондан кўз узмади, унга боқиб дили яйради.

Сўнг бирортаси кўриб қолмасидан бурун деразадан нари кетди-да, секин қадам ташлаганча, балконга чиқди. Бу ерда папирос тутатди-ю, ўзини сайрга отлангандек кўрсатиб, боғнинг жувон кетган тарафига йўл олди. Хиёбонда икки қадам ҳам ташламаган эдики, ўша духоба нимча, сариқ кўйлак ва қизил рўмол дарахтлар орасидан лип этиб ўтди. Жувон ёнида бир аёл билан кетиб борарди: "Қаёққа кетишаётган экан-а?"

Евгенийни бирдан шаҳвоний нафс ўртаб юборди, биров юрагини кафтига олиб сиқаётгандек эди. У ёт бир иродага бўйсунганча, атрофга олазарак назар ташлади-да, жувон томон юриб кетди.

– Евгений Иванич! Евгений Иванич! Илтимос, мурувват кўрсатсангиз, – деган овоз эшитилди орқадан. Евгений ўзига қудуқ қазиб берган Самохин чолни кўрди-ю, эс-ҳуши тез ўзига қайтиб, дарров ортига қайрилди ва Самохиннинг ёнига борди. Евгений Самохин билан суҳбатлашаётиб, Степанида анави хотин билан бирга этакка, қудуқ ёнига тушганини кўрди, улар шу ерда бир зум турдилар-да, сўнг яна даврa ясаб, вақтичоғлик қилаётган хотинлар олдига чопдилар.

XIII

Евгений, Самохин билан суҳбатлашган кўйи, уйга худди жиноят қилган одамдек, қайғуга ботиб қайтди. Биринчидан, Евгений ўзи билан учрашишни хоҳлаётганини жувон фаҳмлади ва ўзи ҳам шунга жон-жон деб турганини яширмади. Иккинчидан, у билан бирга юрган анави хотин – Анна Прохоровна ҳам буни пайқади.

Евгений учун энг оғири – ўзининг мағлуб бўлганини англаш эди. Унда зиғирча ҳам ирода йўқ экан, ўзга куч бошқараётган экан уни. Бугун-ку бир тасодиф билан қутулиб қолди. Аммо эртага ё индинга у ҳалокатга юз тутиши аниқ эди.

"Ҳа, ҳалокатга юз тутади, – у буни бошқача атай олмасди, – ёш, вафодор хотинига бутун қишлоқ кўзи ўнгида бошқа жувон билан хиёнат қилса, буни ҳалокатга юз тутиш демай, яна нима деб атасин?! Бу шу қадар мудҳиш жиноятки, уни қилгандан кейин яшаш душвор.! Тезроқ, тезроқ бирор чорасини кўриш керак".

"Эй Худойим, эй Худойим! Айт, нима қилай? Наҳот ҳалокатга юз тутиб кетаверсам, – дер эди у ўзига-ўзи. – Наҳот бирор чорасини топиб бўлмаса? Ахир, бирор чора кўриш керак-ку!.. Ўша жувонни эсдан чиқариш керак, – дея ўз-ўзига буйруқ берди у. – Эсдан чиқариш керак, тамом-вассалом!" Аммо шу пайтнинг ўзидаёқ яна жувон ҳақида ўйлаб кетди, уни шундоқ қаршисида кўрди, заранг соясини ҳам кўрди.

У бир авлиё ҳақида ўқиганларини эслаб кетди. Ўша авлиё бир хотинни дарддан қутқариш учун унга ўнг қўлини теккизиши зарур бўлганда, шайтон васвасасига учрамаслик учун чап қўлини манқалдаги чўққа босган экан. У ана шу воқеани хаёлида жонлантирди. "Мен ҳам ҳалокатга юз тутгандан кўра, бармоқларимни куйдирганим афзал". У атрофга олазарак кўз ташлади-да, хонада ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, гугурт чақиб, унга бармоғини тутди. "Қани, эндиям у ҳақда ўйла-чи", – дея ўзига ўзи пичинг қилди у. Евгений жонида оғриқни ҳис қилди ва куя бошлаган бармоғини тортиб олди-да, гугуртни ирғитиб юбориб, бирдан қаҳқаҳа отиб кулди. "Қандай бемаъни қилиқ! Йўқ! Бошқа чора топиш керак. Токи, бундан кейин жувонга кўзи тушмасин. Ўзим бирор ёққа кетишим ёки уни бу ердан даъф қилишим керак! Ҳа, даъф қилишим керак! Шаҳарга ё бошқа қишлоққа кўчиб кет, деб эрига пул тутқазса-чи?! Бу гап қишлоққа тарқалади, уни маломат қилишади. Хўш, гап қишлоқда тарқалса, уни маломат қилишса, нима бўпти, манави хавфдан кўра афзалроқ-ку! Ҳа, шундай қилиш керак", деди ўзига-ўзи у. Бироқ Евгений шундай деб туриб ҳам жувондан кўз узолмасди. "Қаёққа кетяпти ўзи у?"– дея қўққис сўроққа тутди ўзини ўзи Евгений. Барин деразадан кузатиб турганини

кўрди шекилли, жувон унга ялт этиб қаради-да, хотинлардан бири билан қўлтиқлашганча, қўлини тез-тез силтаб, боққа қараб кетди. Евгений негалигини ҳам англамай, хаёлларга ғарқ бўлган кўйи, идорага қараб йўл олди.

Янги сюртик кийиб, сочига ёғупа сурган Василий Николаевич хотини ва гиламнусха рўмол ўраган меҳмон аёл билан чойхўрлик қилиб ўтирарди.

– Василий Николаевич, сизда, гапим бор эди.

– Бемалол. Марҳамат. Чойни ичиб бўлдик.

– Яхшиси, ташқарига чиқа қолсак, дегандим.

– Майли, фақат картузимни кийиб олай. – Ишбоши шундай дея бошига карузни кўндирди-ю, эшикдан чиқаётиб, – Сен, Таня, самоварни беркитиб қўй, – деб тайинлади хотинига қувноқ оҳангда.

Евгенийга Василий Николаевич ширакайфдек кўринди, аммо иложи қанча, балки ширакайф бўлгани ҳам дурустдир, бариннинг аҳволини яхшироқ тушунар.

– Мен яна анави жувон масаласида, – деди Евгений тортинибгина.

– Ундан хотирингиз жам бўлсин. Бундан буёғига ишга ёлланг, деб буйруқ бердим.

– Майли, буни қўя туринг, мен бошқа нарсани ўйлаб қолдим, шунга сизнинг маслаҳатингиз керак. Ўша аёлни оила-поиласи билан кўчириб юборишга нима дейсиз?

– Қаёққа кўчириб юборасиз? – деди энсаси қотиб Василий Николаевич истеҳзо оҳангида.

– Қўлига пул тутқазсак ёки Колтовскийдан ер берсак, рози бўлишар балки. Ўша жувон кўздан даъф бўлса, бас.

– Қандай қилиб кўчириб юборасиз? Туп қўйиб, палак ёзган жойидан-а? Сизга нима зарили бор бунинг? Нима, у сизга халақит беряптими?

– Оҳ, Василий Николаевич, тушунсангиз-чи, ахир, хотиним шу гапларни эшитса борми, шунақанги даҳшатга тушадики...

– Ким ҳам етказарди хотинингизга.

– Шуни ўйлаб кўркувда яшаш-чи? Юрагим дош беролмайди бунга!

– Нимадан бунга беҳаловат бўляпсиз ўзи? Ким эски гапни қўзғаса, ўзим ўйиб оламан кўзини. Худонинг олдида бегуноҳ, пошшонинг олдида беайб киши бор эканми?

– Барибир, кўчириб юборсак дуруст бўларди. Эри билан ўзингиз гаплашиб кўролмайсизми?

– Ниманиям гаплашар эдим. Эҳ Евгений Иванович, қўя қолсангиз-чи шуни. Бари ўтиб, унутилиб кетган, ахир. Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Ҳозир ким ҳам сизни ёмонлаб гапира оларди?!

– Барибир, айтиб кўринг.

– Хўп, майли, айтаман.

Евгений бундан ҳеч қандай наф чиқмаслигини ҳалитдан билса ҳам, барибир, ишбоши билан суҳбатдан бироз дили юпанди. Энг муҳими, ҳовлиқишда пашшадан фил ясаб юборибди.

Ахир, Евгений жувон билан учрашувга боргани йўқ-ку! Бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. У шунчаки боғ ораламоқчи бўлди, жувон эса бехос ўша ёққа чопиб қолди.

XIV

Шу кун тушликдан сўнг Лиза боғда сайр қилиб юрганди, Евгений, сенга йўнғичқани кўрсатаман, деб уни ўтзорга етаклади. Лиза тор бир ариқчадан ҳатлаб ўтаётиб, қоқилиб кетди-ю, йиқилиб тушди. Лиза ёнбошига секин ағдарилди-ю, лекин "оҳ" тортиб юборди – Евгений унинг юзида нафақат кўркув, балки оғриқ ҳам кўрди. У Лизани турғизмоқчи бўлганди, хотини қўлини нари сурди.

– Йўқ, бироз шошма, Женя, – деди у базўр жилмайиб. Сўнг эрига кўз остидан гуноҳкор одамдек қараб қўйди. – Оёғим сал қайрилди, холос.

– Ҳар қанча тайинлайман, қулоқ осишса қани! – дарҳол жағи очилди Варвара Алексеевнанинг. – Ҳомиладор аёлга ариқдан сакрашни ким қўйибди.

– Ҳечқиси йўқ, ойи. Туряпман, ҳозир мана.

У эрининг қўлига суяниб турди, аммо шу ондаёқ юзи қув оқарди: чеҳрасида кўркув акс этди.

– Ҳа, аҳволим чатоқ. – У шундай деди-ю, онасининг қулоғига бир нима деб пичирлади.

– Оҳ Худойим, нималар қилиб қўйдинг! Ахир, юрма деган эдим-а! – деб қичқирди Варвара Алексеевна. – Шошманглар, ҳозироқ одам жўнатаман. Лиза асло юра кўрмасин. Кўтариб обориш керак уни.

– Яна кўркиб юрмагин-а, Лиза. Ўзим кўтариб обораман сени, – деди Евгений чап қўлини хотинининг қўлтиғи остидан ўтказа туриб. – Бўйнимдан маҳкам қучоқла. Ҳа, ана шундай!

Евгений шу сўзларни айтди-да, ўнг қўлини Лизанинг оёқлари остидан ўтказиб, уни даст кўтариб олди. Шу тобда хотинининг юзини қоплаган азоб-уқубату хузур-ҳаловат ифодаси унинг ёдига бир умр муҳрланиб қолди.

– Оғирлик қилмаяпманми, азизим, – деди Лиза жилмайиб. – Ойим чопиб кетяпти, Шошманг, десанг-чи унга!..

Лиза шундай деди-ю, Евгенийнинг бетига юзини босди, эрини ўпди. У ўзини эри қандай кўтариб кетаётганини онам ҳам кўрса, дерди.

Евгений, Варвара Алексеевнанинг ортидан:

– Сиз шошмай юраверинг, Лизани ўзим олиб бораман, – деб қичқирди. Варвара Алексеевна тўхтади-ю, баттар жазавага тушди:

– Йиқитиб юборасан уни, хўп де, йиқитиб юборасан. Нима бало ўлдирмоқчимисан қизимни. Зиғирчаям виждон қолмапти сенда.

– Бинойидек кўтаряпман-ку!

– Лизани азоблашингга йўл қўймайман, бунга жим қараб туролмайман.

– Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади буям, – деди Лиза жилмайиб.

– Фақат анави галгидек асорати қолмасайди...

– Буни айтаётганим йўқ. Бу – арзимас гап. Мен онамни айтяпман. Дам олсанг-чи, чарчаб кетдинг, ахир!

Евгений, ҳар қанча қийин бўлса-да, хотинини мағрур бир қувонч билан уйигача кўтариб борди ва Варвара Алексеевна югургилаб келганча, топиб жўнатган оқсоч ва ошпаз қўлига топширмай, ётоқхонага олиб кириб, ўзи чойшабга ётқизди.

– Майли, энди боракол, – деди Лиза эрининг қўлидан тутиб, ўпиб қўйгач. – Бу ёғини Аннушка билан ўзимиз эплаймиз.

Марья Павловна ҳам ўз уйидан чопиб чиқди. Лизани ечинтириб, ўрнига ётқиздилар. Евгений қўлида китоб билан меҳмонхонада кутиб ўтирарди. Варвара Алексеевна куёви ёнидан ўтаётиб, таъна билан шунақаям хўмрайиб қарадики, бундан Евгенийнинг кўнглига ғулғула тушди.

– Нима бўпти, – деб сўради у.

– Нима бўпти, эмиш. Нимаям бўларди. Хотинингизни, ариқдан ҳатла, деб қистаганингизда нимани хоҳлаган бўлсангиз, ўша нарса бўлди.

– Варвара Алексеевна! – деб бақириб юборди Евгений. – Буниси энди ортиб тушди. Модомики, одамларни азоблаб, ҳаётини заҳарламоқчи экансиз... – У, бу ишни бошқа жойга бориб қилинг, демоқчи бўлди-ю, аммо ўзини аранг тутиб қолди. – Наҳот виждонингиз қийналмаса?!

– Энди кеч бўлди!

Варвара Алексеевна чепчигини ғолибона силкитди-ю, ҳовлига чиқиб кетди.

Лиза, дарҳақиқат, қалтис йиқилганди. Оёғи ёмон қайрилган, шу фалокатни деб, яна ҳомиласи тушиши мумкин эди. Ҳамма ҳеч қандай муолажа қилмаслик кераклиги, Лиза қимир этмай ётса кифоялигини билса-да, барибир, докторга одам юборишни маъқул топди.

"Муҳтарам Николай Семёнович, – деб бошлади докторга хатни Евгений, – сиз ҳар доим менга ва оиламга марҳамат кўрсатиб келгансиз, бу сафар ҳам хотинимни кўриб қўйгани вақтингизни аямайсиз, деб умид қиламан. Хотиним ўрмонда..." Шундан сўнг бўлган воқеа бир бошдан ҳикоя қилинар эди. Евгений хатни ёзиб тугатгач, отни извошга қўшиш юзасидан буйруқ бергани отхонага қараб кетди. Баъзи отларни докторни олиб келишга, баъзи отларни эса уни элтиб қўйишга ҳозирлаш керак эди. Қаерда хўжалик даст оёққа туриб олмаган бўлса, ўша ерда бирор ишни дарров ҳал этиш қийин, бунинг учун ақл ва тадбир ишлатиш зарур бўлади. Евгений барча ишга ўзи бош-қош бўлиб, извошчини докторникига жўнатди-да, соат ўнларда уйига қайтди. Хотини чойшабда ётар ва: "Аҳволим жуда яхши, ҳеч қаерим оғримаяпти", деб яқинларини тинчлантирмоқчи бўларди. Аммо мойчироқ ортида ўзини қўлидаги нoталар билан Лизадан пана қилиб ўтирган Варвара Алексеевна кенг қизил адёлни шундай важоҳат-ла юлқидики, бу авзойидан шунча машмашадан сўнг жанжал чиқмаслиги мумкин эмас, деган маънони осонгина уқиб олса бўларди. "Бировлар нима қилди – билмадим-у, аммо мен ўз бурчимни виждонан ўтаб қўйдим".

Евгений қайнонаси пичинг қилаётганини билса ҳам, ўзини ҳеч нимани фаҳмламаганга солиб, юзига қувноқ ва беғам ифода берганча, отларни қандай қилиб извошга қўшгани, Кавушка деган байтал чап тарафга бинойидек шатакчи бўлгани ҳақида сўзлай кетди.

– Ҳа, извошга от қўшишнинг айни мавриди ҳозир. Чунки ёрдам керак бўлиб турибди шўрлик қизимга. Докторниям бирор ўрага йиқитиб юборишмаса гўрга эди, – деди Варвара Алексеевна каштасига пенснеси устидан боқиб, уни мойчироққа яқин тутганча.

– Ахир, докторга одам юбормасак бўлмасди. Отларни ўзим қўшмасам, кўнглим тўлармиди?!

– Ҳа, жудаям яхши эсимда, мени отларингиз поезднинг тагига киритиб юборишига бир баҳя қолган.

Бу – Варвара Алексеевнанинг эски уйдирмаси эди. Шу тобда Евгенийнинг оғзидан: "Ҳечам унақа бўлмаган", деган гап чиқиб кетди-ю, нақ балога қолди.

– Ҳеч қачон оғзимдан қўймайман, князгаям неча марталаб айтганман, энг қийин азоб – ёлғончи, риёкор одам билан яшаш, мен бошқа ҳамма нарсага чидайман, аммо бунисига чидай олмайман.

– Энг кўп азоб чекаётган ўзимдирман бу ерда, – деди Евгений тутоқиб.

– Ҳа, бу кўрга ҳассадек кўриниб турибди.

– Нима дедингиз?

– Ҳеч нима, каштамдаги гулларни санаяпман.

Бу пайт Евгений чойшаб ёнида тик турар, Лиза эса ётган жойида эридан кўз узмасди. У адёл устига ташлаган намчил қўли билан Евгенийнинг бармоқларини тутди-да, аста қисиб қўйди. "Ойимнинг пичингларига мен учун чида. У, барибир, иккимизнинг севгимизга тўсиқ бўлолмайди", дер эди Лизанинг нигоҳи.

– Хотиржам бўл. Худди шундай, – деди Евгений шивирлаб ва аввал Лизанинг узун, нам қўлларига лаб босди, сўнг мулойим боқувчи кўзларидан ўпди, шунда Лиза қобоқларини юмиб олди.

– Наҳот яна ўшандагидек бўлса? – деди Евгений. – Ўзингни кўнглинг нима деяпти?

– Янглишмай, деб айтгани кўрқяпман-у, аммо кўнглим, у – ҳозир тирик, соппа-соғ туғилади, деяпти.

– Шундай бўлсин-да, илоё. Аксини ўйлашнинг ўзи даҳшат, даҳшат!

Лиза, кетақол, деб ҳар қанча қистаса ҳам, Евгений бу кеча унинг ёнида қолди, агар ёрдам керак бўлиб қолса, дарров уйғонай, деб сергак ётди. Аммо Лиза тунни осойишта ўтказди, докторга одам юборишмаганда, ўрнидан ҳам туриб кетарди.

Доктор туш пайти келди-да, Лизани кўздан кечириб, ҳар ҳолда, ҳомила тушишидан сақланган маъқул, деди. Ҳомила тушишини аниқ тасдиқлоқчи аломатлар йўқ эмиш. Аммо ҳомила тушмаслигини аниқ тасдиқловчи аломатлар ҳам кўринмасмиш. Хуллас, унисини ҳам, бунисини ҳам кутса бўлармиш. Шунинг учун ўриндан қўзғалмай ётиши керак эмиш.

– Хапдори ёзишга ҳушим йўғ-у, барибир, манавини ичиб, қимирламай ётинг, – деди доктор.

Шу орада, у Варвара Алексеевнага аёллар анатомияси ҳақида узундан-узоқ маъруза ўқиди, Варвара Алексеевна ҳам уни камоли диққат билан бош ирғаб тинглади. Доктор одатдагидек, муолажа ҳақини енг ичига яширганча жўнаб кетди. Бемор эса бир ҳафта ўрнидан турмади.

XV

Евгений кўп вақтини хотини ёнида ўтказди: дорисини ичирди, гаплашиб ўтирди, китоб ўқиб берди, энг оғири, Варвара Алексеевнанинг ҳамлаларига нолимай чидади, ҳатто уларни ҳазилга айлантиришни ҳам уддалади.

Аммо у ҳадеб уйда ўтира олмасди. Биринчидан, хотини уззукун ўзи билан ўтираверса, касал бўлиб қолишини эслатиб, уни бор энди, боракол, деб қистар, иккинчидан, хўжаликнинг аҳволи ҳалиям чатоқ, ҳар бир ишга ўзи аралашмаса бўлмасди. У уйда ўтира олмас, гоҳ дала, гоҳ ўрмон, гоҳ боғ, гоҳ хирмонда юрар, бироқ қаерда бўлмасин, барча жойда уни Степаниданинг нафақат хаёли, балки ўзи ҳам тинмай таъқиб этар, жувон ёдидан кўтарилган пайтлар жуда оз бўларди. Тўғриси, Евгений бу ҳиссиётни ҳам енга оларди-ю, бироқ, энг ёмони, у жувонни аввал ойлаб

кўрмаса, энди ҳар он, ҳар қадамда тўқнаш келарди. Жувон Евгенийнинг ўзи билан яна учрашгиси келаётганини фаҳмлаб қолган-у, атай унинг қаршисидан чиқишга уринаётгандек эди. Евгений ҳам, жувон ҳам юрак ютиб, бир-бирига сўз қотмаганидан на униси ва на буниси тўғри учрашувга келавермас, аммо дуч келиб қолишга интилар эди.

Ўша дуч келиб қолинадиган жой эса ўрмон эди. Бу ерга хотин-халаж ўт ўргани қоп кўтариб келарди. Евгений буни билар, шунинг учун ҳар кун ўрмон ёнидан ўтар эди. У ҳар куни ўзига, бўлди, энди бормайман, деб сўз берар, лекин оёқлари, барибир, ўша ёққа тортаверар, юраги қинидан чиққудек бўлиб, анави жувон ўша эмасмикан, деб аланглагани-аланглаган эди.

Хўш, ўша бўлса, нима қиларди? Буни Евгенийнинг ўзи ҳам билмасди. Ўша жувон Степанида бўлса-ю, бир ўзи турган бўлса ҳам, у жувоннинг ёнига боролмас, қочиб кетар эди. Бунга Евгенийнинг имони комил эди-ю, лекин жувонни кўролмай ҳам туролмасди. Бир сафар у чинданам Степанидани ўрмонда учратиб қолди: Евгений ўрмонга кирган пайтда у икки хотин билан ўт солинган оғир қопни елкалаб, ундан чиқиб келаётган эди. Ўрмонга бироз олдинроқ кирса, уни ёлғиз учратган бўларди-я. Энди анави хотинлар олдида уни яна ўрмонга қайтаришнинг иложи йўқ. Аммо Евгений буни аниқ билиб турса ҳам, анави хотинлар кўриб қолишидан чўчимай, ёнғоқ дарахти панасида анча вақтгача тураверди. Ўз-ўзидан аёнки, жувон ортига қайтмади, ўзи эса бу ерда узоқ қолиб кетди. Эй Худойим, Евгенийнинг хаёлида у нақадар дилбар эди. Бу унинг биринчи бор шундай аҳволга тушиши эмас, ё бешинчи, ё олтинчи мартаси эди. У Евгенийнинг хаёлида ҳар сафар янада дилбарроқ бўлиб гавдаланарди. Жувон аввал унга ҳеч қачон бу қадар жозибадор кўринмаганди. Жозибадор демоқ нима, тузукроқ жалб этмаганди.

Евгений ўзини-ўзи идора қилолмаётгани, қарийб жинни бўлаёзганини ҳис этди. Ваҳоланки, ундаги ўз-ўзига талабчанлик қилча ҳам сусайгани йўқ. Аксинча, ўз хоҳишлари, ҳатто қилғиликлари нақадар жирканчлигини рўй-рост англаб турарди. Унинг ўрмонда сандираклаб юришлари жирканч қилғилик бўлмай, яна нима?! Евгений жувон билан бирор пана-пасткамда, қоронғироқ жойда тўқнаш келса-ю, қўли илкис баданига тегиб кетса, эҳтиросга сўзсиз қул бўлишини англаб турарди. У одамлар олдидаги, ўша жувон ва ўзи олдидаги уят ҳиссигина уни тутиб турганини биларди. Айни чоғда Евгений бу ҳис жувон билан икковини кўздан паналовчи ўнғай шароитни – боягидек қоронғилик ёки тегиниб кетишни (ўшанда ҳайвоний ҳирс уятни ютиб юборар эди) қидираётганини ҳам англаб турарди. Шунинг учун ҳам у ўзини аблаҳ бир жиноятчи деб санар, қалбининг бор кучи билан ўзидан жирканар, нафратланар эди. Евгений ҳар куни Худога "Мен бандангга куч-ирода ато эт, ҳалокат домига ташлаб қўйма", дея илтижо қилар, ҳар куни, бўлди энди, ўша жувон томонга бир қадам ҳам босмайман, унга бир мартаям қайрилиб боқмайман, уни буткул унутаман, деб ўз-ўзига сўз берарди. У ҳар куни шайтоний васвасага қарши бир чора излаб топар ва уни амалга оширар эди.

Лекин бари беҳуда эди.

Шундай чоралардан биринчиси ҳаммавақт банд бўлиш, иккинчиси ҳолдан тойгунча жисмоний меҳнат қилиш ва рўза тутиш, учинчиси ўзининг қабиҳлиги ҳаммага – хотини, қайнонаси, одамларга ошкор бўлса, қанчалик шарманда бўлишини кўз олдига келтириш эди. У ана шу чора-

ларни кўрар, ўзимни ўзим енгаяпман, деб овунар, аммо илгари жувон билан учрашиб юрган ёхуд яқинда ўт териб қайтаётганда дуч келган пайти – туш кириши биланоқ ўрмонга қараб йўл олаверарди.

Беш кун шу тарзда азоб ичида ўтди. У ҳар гал жувонни узоқдан кўрди, бирор марта ҳам яқинига йўлолмади.

XVI

Лиза хийла ўзига келиб, оёққа туриб кетди. Эри ўзгариб қолганидан кўнгли нотинч бўлса-да, лекин бунинг тагига ҳеч етолмас эди.

Варвара Алексеевна бир муддатга шаҳарга кетди, меҳмонлардан фақат тоғаси ҳамон шу ерда эди. Марья Павловна, ҳар доимгидек, ўзиникида бўларди.

Июнда булутли кунлардан сўнг аксар шаррос ёмғир қуяди-да, икки кунгача тинмайди. Шундай ёғин-сочин кунларда Евгений салкам телба аҳволда юрарди. Ёмғир ёққани учун барча ишлар тўхтаб қолган эди. Ёғингарчилик ва лойгарчилик сабаб гўнг ташишни ҳам бас қилишди. Бутун қишлоқ уйига қамалиб олди. Чўпонлар ҳам чорва ортидан юриб чарчади-ю, ҳайвонларни уй-уйига ҳайдаб келди. Мол ва бузоқлар ўтлоқларда юрар, чорбоғларга чопиб кирарди. Рўмол ёпинган сарпойчан хотинлар лойни шалоплатганча, ҳар ёққа тўзиб кетган мол-ҳолини қидириб изғийди. Йўлларда ёмғир ариқ бўлиб оқади. Барг ва майсалар ёмғир остида шалаббо бўлганча туради, тарновлардан сув серпуфак кўлмакчаларга қуйилади. Евгений ҳам уйга хотини билан қамалиб олган, шу кунларда янаям дилгир эди. Лиза неча марта Евгенийдан, айт, нега хафасан, деб сўради, у эса жаҳл аралаш, ҳеч гап йўқ, деб жавоб қайтарди. Шундан кейин сўроққа тутишни бас қилди-ю, аммо кўнгли ранжиди.

Улар нонуштадан сўнг меҳмонхонада гурунглашиб ўтирар эди. Тоғаси юзинчи марта бўлса керак, олийнасаб таниш-билишларидан лоф урарди. Лиза бошлаб қўйган кофтасини яна тўқигани қўлига олди-да, рутубатли ҳавою белидаги оғриқдан шикоят қилганча, хўрсиниб қўйди. Тоғаси унга, ётиб дам ол, деб маслаҳат берди, ўзига эса шароб келтиришни буюрди. Евгений уйда диққинафас бўлиб кетди. Ҳамма нарса унга ланж, мароқсиз туюларди. Евгений тамаки тутатганча, китоб ўқир, аммо калласига ҳеч вако кирмасди.

– Қирғич мошинани кўргани бораман, уни кеча келтиришувди, – деди у тўсатдан ўрнидан туриб, эшик томон юраркан.

– Соябонни олсанг-чи!

– Йўғ-ей, чарм ёпинчиғим бор-ку. Тағин заводга бораман, холос.

У этигини кийди, ёпинчиқни илди-да, заводга қараб йўл олди. Бироқ йигирма қадам ҳам юрмаган эди, йўлда бир жувон пешвоз чиқиб қолди. У этагини белига қистириб олган, оппоқ болдирлари кўриниб турарди. Жувон бош ва елкасини чирмаган шол рўмолини қўли билан тутганча юриб келарди.

– Нима қилиб юрибсан? – деб сўради Евгений аввалига жувонни танимай. Таниганида эса кеч бўлган эди. Жувон таққа тўхтади-да, жилмайганча унга термулиб қолди.

– Бузоқчамни қидириб юрибман. Ўзингиз-чи, шу ёмғирда қаёққа кетяпсиз? – Жувон ўзини ҳар кун барин билан кўришиб-гаплашиб юрган одамдек эркин тутарди.

– Чайлага бор, – деб буюрди ўзи ҳам англамай бирдан Евгений. Бу сўзни бошқа биров унинг номидан айтгандек эди.

Жувон рўмолининг учини тишлади-ю, хўп дегандек киприк қоқди-да, ўз йўлига – боққа, чайлага қараб чопиб кетди. Евгений эса сирень бутаси ортига ўтгач, ўзиям чайлага бурилиш учун йўлида давом этди.

– Барин, – деган овоз келди ортидан. – Бекам чақиряптилар. Бир дақиқага кириб ўтаркансиз.

Бу – уларнинг гумаштаси Миша эди.

"Эй Худойим, мени иккинчи марта ҳам қутқаряпсан", деди "оҳ" уриб Евгений ва шу заҳотиёқ ортига қайтди. Хотини туш пайти бир касал хотинга дори элтиб беришга ваъда қилганини эсига солиб, ўша дорини ола кетинг, деб илтимос қилди.

Дорини топиб чиқишгунча орадан беш дақиқача вақт ўтди. Дорини чўнтагига жойлаб чиққач эса, чайлага боришга журъат этолмади. Ўша ёққа кетаётганига уйидагиларнинг кўзи тушиб қолишидан қўрқди. Аммо кўздан пана бўлган заҳоти тез қайрилди-ю, чайлага қараб жўнади. У жувоннинг чайла ўртасида турганча, шўх жилмаяётганини кўз олдига яққол келтирди. Бироқ жувон чайлада йўқ эди, бу ерда бўлганини тасдиқловчи бирор аломат ҳам кўринмасди. У энди, жувон чайлага келмаган: менинг сўзимни ё эшитмаган, ё тушунмаган, дея тусмоллай бошлади. Евгений ўша сўзларни, жувон эшитиб қолишидан қўрқиб, минғирлаб айтган эди.

"Эҳтимол у чайлага келишни хоҳламагандир? Нега энди ўзини қучоғимга отиши керак экан? Бу хомхаёл қаердан келди ўзи калламга? Боши очиқ эмас, бировнинг ҳасми, ахир! Бу дунёда фақат менгина – разилман, холос. Шундай ажойиб хотиним бўлатуриб, бошқасининг ортидан чопиб юрибман". У тепасидан чакка ўтиб, ерга томчилаб турган чайлада ўтирганча, шуларни ўйлар эди. "Агар келганидами, накадар соз бўларди! Иккаласи чайлада ёлғиз қоларди. Уни бир бор бағрига босса-ю, кейин қиёмат қойим қўпса ҳам майли эди. Ҳа-я, – дея бирдан эслаб қолди у, – келган бўлса, изидан топиш мумкин!" У чайлага кираверишдаги тупроққа ва ундан наридаги сўқмоққа разм солди, сўқмоқда бирозгина сирпанган янги ялангоёқ изини кўрди. "Демак, у – келибди. Энди ғишт қолипдан кўчди. Қаерда кўзим тушса, тўғри ёнига бораман. Шу кечадаёқ у билан учрашаман". Евгений чайлада узоқ ўтирди, ундан ҳорғин ва ғамгин қиёфада чиқди. Дориларни элтиб берди-ю, уйига қайтиб, хонасида тушликни кутиб ётди.

XVII

Тушликдан олдин Евгенийнинг олдига Лиза кирди-да, эри нега сиқилиб юрганидан қайғурганча, ўзиниям қўрқув босаётгани, кўнгли беҳузур бўлаётгани, оналари уни Москвада туғдиришни истаётгани-ю, ўзи эса шу ердан кетгиси келмаётганидан сўзлай бошлади. "Ўлақолсам ҳам Москвага бормайман", дерди у қатъий оҳангда. Евгений Лизанинг, туғуруқ оғир кечмасмикан ишқилиб, боланинг тўрт мучаси соғ бўлармикан, деб қўрқаётганини фаҳмлаб турарди. Хотини эрига чин севгиси боис жонини гаровга тикаётганини кўриб, Евгенийнинг кўнгли ийиб кетди, албатта. Уйида барча-барчаси жойида, шод-хуррам, озода-сариштa эди. Қалбида эса барча-барчаси расво, жирканч, қабиҳ эди. Евгенийни туни билан бир фикр ўртаб чиқди. У ўзининг иродаси бўшлигидан ҳар қанча нафратлан-

са, жувон билан алоқани узишга ҳар қанча ваъда берса ҳам, эртага барибир, яна эски, жирканч аҳвол такрорланишини англаб турарди.

"Йўқ, бундай давом этиши мумкин эмас, – дер эди у хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юрганча. – Бунга қарши бирор чора бордир, ахир! Эй Худойим, йўл кўрсат, нима қилай?"

Кимдир эшикни олифталарча тақиллатди.

– Киринг, – деди Евгений.

Тоғаси, ўз ихтиёри билан Лизадан элчи бўлиб келибди.

– Сен, жиян, сал бошқача бўлиб юрибсан, буни тоғам кўрмайди, билмайди, дейсанми, – деди у овозига атай жиддий тус бериб. – Бундан шўрлик Лиза ҳам азобланяпти. Кўп ажойиб ишларни бошлаб қўйгансан, тўғри, уларни ташлаб кетиш осон эмас сенга. Лекин бундоқ ёрилгин-да, дардинг нима ўзи, que veux tu? Тоға бўлиб берадиган маслаҳатим – хотинингни ол-да, саёҳатга жўна! Бу – ўзингга ҳам, Лизага ҳам фойдали. Хуллас, маслаҳатим – Қримга боринглар. Иқлимиям туғуруққа жуда боп. Қолаверса, ҳозир айни узум пишиғи!

– Тоға, – дея қўққис тилга кирди Евгений, – сизга ўз сиримни, уятли, жирканч сиримни айтсам, ҳеч кимга ошкор қилмайсизми?

– Ана, холос. Наҳотки тоғангга ишонмасанг, жиян?!

– Тоға! Сиз менга ёрдам бера оласиз. Ҳатто ҳалокатдан сақлаб ҳам қола оласиз, – деди Евгений ҳаяжонланиб. Ўзи ҳурмат қилмаган тоғасига энг нозик сирини ишониб очиш, унга энг хунук қиёфада кўриниш, унинг олдида ўзини пастга уриш фикри Евгенийга лаззат бағишлаётган эди. У ўзини қабиҳ, жиноятчи кимсадек ҳис этар ва шунинг учун ҳам ўзини сазойи қилишни истарди.

– Айта қол, дўстим, биласан-ку, жуда яхши кўраман сени, – деди жонланиб тоғаси. У, афтидан, жиянининг сири борлиги, бу сир уятлилиги, уни тоғасига тўкиб солмоқчилиги, ўзининг эса жиянига нафи тегаётганлигидан мамнун эди.

– Сизга, аввало, бир гапни айтишим керак: мен – аблаҳ, пасткаш, муттаҳам, ҳа, айнан муттаҳам одамман.

– Қўйсанг-чи бу гапларни, – деди тоғаси ўзини хафа бўлганга солиб.

– Мен Лизадек, ҳа, Лизадек бир аёлнинг эри бўлатуриб, унинг пок севгисини оёқости қилганча, қаёқдаги бир хотин билан унга хиёнат қилмоқчи бўлсам, аблаҳ бўлмай, кимман тағин?!

– Тўхта, нималар деяпсан ўзи? Лизага хиёнат қилмадингми ҳали?

– Йўқ, лекин шуни хоҳлаш ҳам хиёнат қилгандек гап-да! Бир тасодиф бўлмаса, хиёнат ҳам қилардим. Ахир, бунга тап-тайёр эдим. Менга халақит беришди, акс ҳолда, ҳозир... Аҳволим не кечарди, билмайман!

– Бундай тушунтириброқ гапир-да, жиян...

– Хўп, тоға, эшитинг. Бўйдоқлик пайтимда ақлсизлик қилиб, шу жойда, кишлоқда бир жувонга элакишиб қолувдим. Яъники, у билан ўрмонда, далада учрашиб юрардим.

– Кўҳликкина эдими? – деб сўради тўсатдан тоғаси.

Бу саволдан Евгенийнинг юзи бурушиб кетди, аммо тоғасининг ёрдамига муҳтожлигидан бу гапни эшитмаганга олди-ю, сўзида давом этди:

– Қачон хоҳласам, алоқани узаман, шу билан бари тугайди, деб ўйлаган эдим. Уйланишимдан аввал алоқани уздим-у, ўша жувонни бир йилча кўрмадим ҳам, ўйламадим ҳам. – Евгенийга ўз дардини ўзи эшитиш жуда ғалати туюлди. – Кейин эса уни тўсатдан кўриб қолдим-у, кўксимни

ғашлик кемира бошлади. Сеҳр-жоду қилиб, ўзига иситиб олганми, нима бало! Мен ҳар дақиқа гуноҳ қилиб қўйишдан чўчиб, ўзимни ҳар қанча қойиб-тергасам ҳам, оёғим, барибир, ўша жувонга қараб етаклайверади. Агар шу кунгача бу гуноҳга ботмаган бўлсам, мени ёлғиз Худонинг ўзи асради. Кеча Лиза чақиртирганда ҳам ўша жувоннинг ёнига кетаётган эдим.

– Ёмғир қуйиб турганда-я?

– Ҳа, жудаям эзилиб кетдим, тоға. Шунинг учун сизга кўнглимни ёриб, ёрдам сўраб турибман.

– Тўғри, ўз ер-мулкингда бунақа қилғилиқлар қилиш ярамайди. Бир кунмас-бир кун ошкор бўлади. Яна Лиза шўрлик – мўртгина бўлса, аяш керак униям. Тўхта, шу хушторликни бу ерда эмас, бошқа жойда қилсанг бўлмайдими?!

Евгений тоғасининг гапини яна эшитмаганга олди-да, тўппа-тўғри мақсадга кўча қолди:

– Сиз мени ўзимдан қутқара оласиз, тоға. Сиздан бир нарсани илтимос қилмоқчиман. Шу кунгача менга тасодифан халақит беришган бўлса, эртага, бошқа сафар халақит қилишолмайди. Мен Лизага бор гапни шу ондаёқ айтишим керак. Илтимос, унинг олдига бир ўзимни киритманг.

– Хўп, сен айтгандек бўла қолсин, – деди тоғаси. – Аммо наҳот шунчалар севиб қолган бўлсанг?

– Йўқ, бу – севги эмас, бошқа нарса. Қандайдир куч маҳкам ёпишиб олган-у, ҳеч қўйиб юборай демайди. Нима қилишни ҳам билмайман, тоға. Ё бўлмаса, сал ўзимга келиб олиб, кейин айтайми?..

– Барибир, менинг айтганим бўлиб чиқяпти, – деди тоғаси.– Бора қолинглар ўша Қримга.

– Ҳа, борамиз, албатта борамиз... Сиз ёнимда бўлсангиз, дардимни ҳам тўка оламан.

XVIII

Ўша ёмғирли кундан сўнг тоғасига ўз сирини ишониб айтгани, янада муҳими, шу орада кучли виждон азоби ва уят ҳиссини бошдан кечиргани Евгенийни анча ҳушига келтирди. Бир ҳафтадан сўнг Ялтага жўнаб кетишга қарор қилишди. Евгений шунгача сафарга пул топиш учун шаҳарга бориб келди, ишбошига уй ва хўжаликка доир зарур топшириқлар берди, сўнг хотини билан яна апоқ-чапоқ бўлиб, кунларни беғам, қувноқ ўтказа бошлади. Унда руҳан жонланиш кўзга ташланиб қолди.

Ўша ёмғирли кундан сўнг Степанидага бирор марта ҳам дуч келмай, хотини билан Қримга жўнаб кетди. Улар Қримда икки ойни жуда мароқли ўтказишди. Евгений шу қадар кўп таассуротлар орттирдики, улар гўё бутун ўтмишини ёдидан ювиб ташлагандек эди. Эр-хотин Қримда эски танишларини учратиб қолиб, улар билан янаям яқинлашиб кетишди. Бундан ташқари, бир талай янги танишлар ҳам орттиришди. Қримдаги ҳаёт Евгенийга охири йўқ байрамдек туюларди. Бунинг устига, у Евгенийга ҳам ибрат бўлди, ҳам фойда қилди. Эр-хотин Қримда губерняларининг собиқ бошлиғи билан иноқлашиб кетишди. Бу зукко либерал инсоннинг Евгенийга меҳри тушиб қолди-ю, унга кўпгина масалалар мағзини чақиб бериб, тез фурсатда ўз тарафига оғдириб олди. Август ойининг охирроғида Лиза ёқимтой, соғлом қиз туғди. Буни қарангки, туғуруқ осон кечди.

Улар сентябрда уйига тўрт киши бўлиб – ўзлари, қизчаси ва энага аёл билан йўл олишди. Лиза чақалоқни эмизолмаганидан энага ёллашган эди. Эски васвасадан буткул қутулган Евгений энди бошқа, бахтиёр одамга айланган эди. Хотинини тўлғоқ тутганда, ҳар қандай эркак нимани бошдан кечирса, уям шуни бошдан кечирди-да, хотинини аввалгидан ҳам кўпроқ севиб қолди. Чақалоқни қўлга олгандаги ҳиссиёти эса ғаройиб, янгича, худди қитиғинг келгандагидек ёкимли эди. Илгари Евгенийни фақат хўжалик ишлари қизиқтирган бўлса, энди унда собиқ губерня бошлиғи Думчин билан иноқлашиш ортидан қисман шуҳратпарастлик, қисман бурч ҳисси сабаб земство[1] ишларига қизиқиш ҳам пайдо бўлди. Октябрда земствонинг шошилинч мажлиси ўтказилиши, унда ўзи ҳам аъзо бўлиб сайланиши керак эди. Уйга қайтгач, у бир марта шаҳарга, бир марта Думчинникига бориб келди.

Евгений энди шайтоний васваса билан курашиш азобини эсидан чиқариб юборган, ўша вақтдаги кечинмаларини базўр хаёлида тиклай олар эди. Булар унга ўзи мубтало бўлган телбалик касалининг хуруж қилишига ўхшаб кўринарди.

Евгений энди ўзини шайтон васвасаси шу қадар озод ҳис этар эдики, оқибатда ишбоши билан илк бор ёлғиз қолишгандаёқ ундан қўрқмай Степанидани сўраб-суриштирди. Евгений ишбоши билан ўша жувон ҳақида илгари ҳам гаплашганидан, бу гал уятдан қизариб-бўзармади.

– Дарвоқе, Сидор Пчельников уйига қайтдими?

– Йўқ, ҳалиям шаҳарда.

– Унинг хотини-чи?

– Зиғирчаям уят қолмаган унда. Ҳозир Зиновьевга элакишиб юрибди. Жуда суюлиб кетди мегажин.

"Унда янаям соз, – деб ўйлади Евгений. – Энди менга барибир, шу қадар ўзгариб кетдимки, бу – нақадар ҳайратланарли!"

XIX

Евгенийнинг барча орзуси ушалди. Ер-мулк ўзида қолди, завод ишлаб кетди, қанд лавлаги мўл ҳосил берди, мўмай даромад – чўнтакда деса бўларди. Хотинининг кўзи эсон-омон ёриди. Қайнонаси охири шаҳарга қайтди. Уни земствога бир овоздан сайлашди.

Сайловдан сўнг Евгений шаҳардан қишлоққа қайтадиган бўлди. Барча уни қутлар, ўзи бўлса миннатдорчилик билдирарди. У мамнун кайфиятда тушлик қилди-да, шампан виносидан беш қадаҳини сипқорди. Ҳозир Евгенийнинг миясида бутунлай янги ҳаётий режалар етилмоқда эди. У уйига қайтар экан, шулар ҳақида ўйларди. Кузнинг илк кунлари ўтиб борарди. Тарантас[2] юмшоққина илгарилар, қуёш чарақлаб турарди. Евгений земствога сайлангач, халқ орасида ўзи орзу қилган мавқени қандай эгаллаш ҳақида бош қотирарди. Аввал ер ва заводи билан халққа иш топиб бериб, қайғусини аритган бўлса, энди унга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш имконини қўлга киритганди. Орадан уч йил ўтсин-а, қўли остидаги ва бошқа ерлардаги деҳқонлар оғзидан Иртенев тушмай қолади!.. "Мана булар оғзидан ҳам", деб ўйлар эди у қишлоқ оралаб борар экан, катта ёғоч челакда лиммо-лим сув кўтарганча, йўлни кўндаланг кесиб ўтмоқчи

[1] Земство – Россия империясининг қишлоқ жойларидаги ўзини ўзи бошқариш органи.

[2] Тарантас – узоқ йўл учун мўлжалланган тўрт ғилдиракли от арава.

бўлиб турган эркак ва аёлга кўз ташлаб. Эркак ва аёл тўхтаб, извошни ўтказиб юборди. Эркаги – кекса Пчельников, аёли эса – Степанида эди. Евгений уни кўрди, таниди, аммо юраги жиғ этмади. Евгений бундан жудаям мамнун бўлди. Жувон ҳалиям ёқимтой эди-ю, аммо Евгенийни энтиктирмади. Извош кўрғонга кириб келди. Хотини зинапояда кутиб олди. Ажойиб оқшом чўкиб борарди.

– Хўш, табрикласак бўладими? – деб сўради тоғаси.

– Ҳа, бир овоздан сайлашди.

– Жуда соз-ку. Ювиш керак унда.

Эртаси куни тонгда Евгений қаровсиз қолган хўжалигини кўздан кечиргани чиқди. Қишлоқда ғалла янчувчи яп-янги машина ишлаб турарди. Машина қандай ишлаётганини кузатиш учун Евгений хотинлар оралаб борар, уларга диққатини чалғитмасликка уринар эди. Бироқ ҳар қанча тиришса ҳам, барибир, сомон ташиётган Степаниданинг тимқора кўзларию қизил дуррачасига икки бор кўзи тушди. Унга Евгенийнинг икки бор кўзи тушди-ю, қалбида ғалати ҳиссиётни туйди, лекин бу қандай туйғулигини ажрата олмади. У фақат эртасига яна хирмонга бориб, зарурати бўлмаса ҳам, икки соат ўша ерда қолиб кетганда, Степаниданинг гўзал қадқоматини тинмай нигоҳи билан суйиб эркалаётганини пайқаб қолди-да, энди адойи тамом бўлгани, буткул одам сиёғидан чиққанини англади. Тағин ўша азоб, тағин ўша даҳшат, тағин ўша васваса! Энди унга ҳеч бир нажот йўқ!

У нимадан қўрққан бўлса, ўша юз берган эди. Эртасига Евгений тунда, ўзи ҳам сезмаган ҳолда, Пчельниковларнинг ҳовлиси этагига, пичан сақланувчи омборхона ёнига келиб қолди. Аввалги йили кузда улар бир гал шу ерда учрашган эди. У ўзини сайр қилиб юрган одамга солиб, папирос тутатганча, ўша таниш жойда тўхтади. Қўшни хотин кўриб қолганда, дарров ортига қайтди. Ўша хотин унинг ортидан кимгадир тинмай жавраарди:

– Борсанг-чи, тоқати тоқ бўлди-ку! Нақ ўлади ҳозир бечора. Ана кутяпти, борсанг-чи, эси паст!

У Степаниданинг омборхонага қараб чопиб кетганини кўрди, аммо ўзи энди ортига қайта олмасди, чунки олдидан бир эркак чиқиб қолганди. Евгений ноилож уйига қараб кетди.

XX

У меҳмонхонага қадам қўйганда, бу ердаги ҳамма нарса беўхшов ва сохта кўринди. Бироқ тонгда, ҳайриятки, ўша жувонни ҳаётидангина эмас, хаёлидан ҳам чиқариб ташлашга онт ичганча, тетик уйғонди. Бироқ, ўзи ҳам англамаган ҳолда, хўжалик ишлари билан қизиқмаслик тугул, ҳатто улардан қутулишга ҳам интилди. Илгари жуда муҳим кўринган ва дилини қувонтирган нарсалар энди унга мутлақо арзимас бўлиб туюларди. Евгений беихтиёр ҳар қандай юмушдан ҳоли бўлишга уринарди. У обдан ўйлаб олишим, бир қарорга келишим учун қўлим бўш бўлиши керак, деб ҳисобларди. Охири ишлардан қутулди-ю, бир ўзи ёлғиз қолди. Аммо ёлғиз қолгани ҳамоно боғни, ўрмонни кеза бошлади. Боғ ҳам, ўрмон ҳам ёқимли хотираларга бурканган эди. У дафъатан англаб қолдики, гарчи боғда тентираб юриб, ўзини худди ўйлаётганга солса-да, аслида, ҳеч нимани ўйламаётган, ўша жувонни телбаларча кутаётган экан, холос. Гўё

Степанида, қандайдир мўъжиза юз бериб, барин уни кутаётганини пайқаб қолади-да, оёғини қўлига олиб, шу ёққа чопади. Ё одамлар кўзидан пана бошқа бирор жойга келади. Ё бўлмаса, ойсиз қоп-қоронғи кечада уйидан чиқади-ю, Евгенийни бирортаям кимса, ҳатто жувоннинг ўзиям кўрмайди. Шунда у Степанидага яқинлашади-да, аста белидан тутади...

"Мана сенга қачон хоҳласам, ташлаб кетавераман, дейиш. Мана сенга соғлиқ деб кўҳлик, соғлом жувонга элакишиш, – деб ўз-ўзини аччиқ тергарди Евгений. – Йўқ, у билан бунақа ўйин қилмаслигим керак экан. Мен уни тўрга илинтирдим, деб юрувдим. Аслида, у мени тўрга илинтирган экан. Қани энди қўйиб юборса. Ўзимни озод санаб юрувдим. Аслида, қулдан баттар эканман. Уйланган пайтимда ҳам ўзимни ўзим алдабман. Бари – сафсата, алдов экан. Мен ўша жувон билан қовушгандагина бошқача туйғу, чин эрлик туйғусини туйдим. Тўғриси, мен фақат у билан яшашим керак экан.

Ҳозир қаршимда иккита ҳаёт турибди. Биринчиси – Лиза билан бирга яшаш, бу – хўжалик, земство, бола-чақа, одамлар ҳурмати, дегани. Агар асил ҳаёт шу бўлса, бу ҳаётда анави жувон – Степанидага жой йўқ. Уни, аввал режа қилганимдек, ё кўчириб юборишим, ё йўқ қилиб ташлашим керак. Иккинчи ҳаёт эса – бунинг тескариси. Жувонни эридан тортиб олиб, эвазига мўмай пул тутқазиш, уятсизлик ва шармандаликни бўйинга олиб, у билан бирга яшаш. Аммо бу ҳаётда Лиза билан қизим Мимига жой йўқ. Дарвоқе, бола халақит қилмайди. Бироқ Лиза даъф бўлиши, онасиникига кетиши керак. У хиёнат қилганимни эшитиши, мени роса қарғаши, кейин бош олиб кетиши керак. У қишлоқи жувонни ўзидан ортиқ кўрганимни, хиёнаткор ва муттаҳам одамлигимни билиши керак. Йўқ, бу – нақадар даҳшат! Асло бундай қилмаслик керак. Бироқ, – дея ўйлашда давом этди у. – бир тасодиф юз берса-чи? Ахир, шунақаси ҳам бўлади-ку! Лиза бетоб бўлиб, ўлиб қолса! Шунда ҳаммаси ажойиб бўларди.

Ажойиб бўларди, дейди-я! Эй аблаҳ, разил! Кимдир ўлиши керак бўлган тақдирдаям, ўша жувон ўлиши керак. Ҳа, Степанида ўлса, олам гулистон бўларди!

Лекин хотиним ё анави жувонни қандай қилиб заҳарласам ё отсам бўлади? Револьверни қўлга оламан-у, бирор жойга чақиртираман, келганда бағримга босиш ўрнига кўксидан отаман. Шунда барча азобларга нуқта қўйилади.

Аммо ўша жувон шайтон-да. Иблиснинг худди ўзи! Ўз измига бўйсундириб, эгаллаб олмадими, ахир. Нима қилган маъқул? Ўлдиришми? Ҳа! Фақат иккита йўл бор: хотинимни ёки уни ўлдириш. Чунки бундай яшаб бўлмайди[1]. Ҳеч иложи йўқ! Етти ўлчаб, бир кесиш керак. Мабодо бари аввалгидек қолса-чи? Унда нима бўлади?

Унда тағин, бўлди, жувонни ташлайман, дейман-у, лекин тунда, барибир, омборхонаси ёнига бораман, жувон буни пайқайди-да, ёнимга югуриб чиқади. Ё бўлмаса, одамлар мени таниб қолади-ю, дарров хотинимга келиб айтади. Ёки Лизага ўзим бор гапни айтаман. Сабаби, ёлғон сўзлаёлмайман, бундай яшаёлмайман. Асло! Хотиним билади. Бошқаларам билади: Параша ҳам, темирчи ҳам. Хўш, билса нима қипти! Ахир, ҳозиргидек яшаб бўлармиди?!

Йўқ! Фақат икки йўл бор: ё хотинимни ўлдираман, ё ўша жувонни. Дарвоқе, яна...

[1] Қисса якунининг варианти шу жойдан бошланади.

Ҳа-я, учинчи йўл ҳам бор: ўзимни ўлдириш! – У бу гапни овозини чиқариб оҳиста айтди. Шуни айтди-ю, бирдан сесканиб кетди. – Ҳа, ўзимни ўлдираман, ўшанда уларни ўлдиришга ҳожат қолмайди". Евгений фақат шу йўлгина тўғрилигини ҳис этиб, даҳшатга тушди. "Револьвер-ку бор. Аммо наҳот ўзимни ўлдирсам?! Буни ҳечам хаёлимга келтирмовдим. Бу шунчалар ғалати иш бўладики..."

Евгений хонасига қайтди-да, шкафнинг эшигини очди. У револьверни айнан шу жойда сақлар эди. Пистолетга энди қўл узатганди, хотини кириб қолди.

XXI

Евгений устига газета ёпиб, хотинидан револьверни яширди.

– Яна ўша аҳволми? – деди Лиза эрига хавотирланиб боққанча.

– Ўша аҳволми, деганинг нимаси?

– Қара, юзингда яна ўша даҳшат ифодаси. Уни аввал ҳам кўрганман. Ўшанда менга дилингни ёрмагансан. Женя, азизим, айт менга. Кўриб турибман: жуда қийналиб кетдинг. Айта қол менга, енгил тортасан анча. Қандай гап бўлсаям, майли айтавер. Ҳеч нима бунча азоб чекишингга арзимайди. Ахир, кўнглим сезиб турибди, ёмон гапнинг ўзи йўқ.

– Кўнглим сезяпти эмиш? Қўй шу гапларни.

– Айт, айтақол, айтақолсанг-чи. Айтмагунингча тинч қўймайман сени.

Евгений аянч бир аҳволда жилмайди.

"Айтсаммикан-а? Йўқ, бунинг иложи йўқ! Нимани ҳам айтардим..."

У хотинига балки кўнглини ҳам тўкиб солар эди-ю, лекин шу пайт энага кириб, сайр қилгани чиқсак майлими, деб сўраб қолди. Лиза чақалоқни кийинтиргани у билан бирга чиқди:

– Хўш, айтасан-а? Бир зумда қайтаман.

– Майли, айтарман балки...

Эри бу сўзларни нақадар аянчли жилмайиш билан айтганини Лиза бир умр унута олмай юрди. Хотини чиқди.

Евгений, худди қароқчилардек, револьверни шоша-пиша қўлга олди-да, ғилофдан чиқарди. "У – ўқланган, аммо анча вақт аввал, тағин битта ўқи кам. Нима бўлса, бўлар, тавакkал!"

У револьвер оғзини чаккасига қадади-да, бир зум эсанкираб қолди, Степанида эсига тушди-ю, уни миясидан чиқариш учун курашиши, шаҳвоний ҳирс васвасасига учраши ва маънан юзтубан кетиши, сўнг яна курашиши ҳақида ўйлаб, даҳшатдан титраб кетди. "Йўқ, шуниси афзал". У тепкини босди.

Лиза хонага чопиб кирганида – у эндигина балконга етганди – Евгений полда юзтубан ётар, қоп-қора, иссиқ қон ярадан шариллаб оқар, бадани ҳали титраб турарди.

Миршаблар келиб, савол-сўроқ қилишди. Ҳеч ким бу суиқасд сабабини тушунолмас, изоҳлаб беролмас эди. Тоғаси бу фожианинг Евгений икки ой аввал унинг қошида келтирган истиғфорга бирор алоқаси йўқмикан, деган фикрни хаёлига ҳам келтирмади.

Варвара Алексеевна, бир кунмас-бир кун шундай бўлишини кўнглим сезган эди, дея ҳаммани ишонтирмоқчи бўлди. У Евгений билан жанжаллашиб қолган пайтларида шунга амин бўлган эмиш. Лиза билан Марья Павловнанинг эса нега шунақа бўлганига ҳечам ақли етмасди. Доктор-

ларнинг, Евгений руҳий хасталикка чалинган, деган гапига улар зиғирча ҳам ишонмасди. Чунки иккови ҳам ўзлари таниган юзлаб одамлардан Евгений соғломроқ фикр юритишини биларди.

Дарҳақиқат, Евгений руҳий хаста бўлса, унда ҳамма одамлар ҳам руҳий хаста бўлиб чиқади. Энг ашаддий телбалар эса бошқаларда жиннилик аломатларини кўради-ю, аммо ўзидаям шундай аломатлар борлигини пайқамайди.

1889 йил 12 ноябрь. Ясная Поляна.

[“Иблис” қиссаси якунининг варианти]

... деди у ўзига-ўзи ва стол ёнига бориб, ғаладондан револьверни олдида, ўқдонни текшириб кўриб – битта ўқ кам эди – шимининг чўнтагига тиқди.

– Эй Худойим, нима қилганим бу ўзи, – дея қичқириб юборди у қўққис, сўнг қўлларини қовуштирганча, ибодат қила кетди. – Худойим, Ўзинг қўлла, Ўзинг ҳалос эт! Ўзинг – билгучи зотсан, бу банданг гуноҳ қилмоқчи эмас, аммо бир ўзи ожизлик қилиб қоляпти. Ўзинг қўлла, – деди у икона қошида чўқинганча.

“Йўқ, ўзимни қўлга олишга ҳали кучим етади. Бироз ташқарини айланаман, обдан ўйлаб оламан”.

Евгений даҳлизга ўтди, калта пўстини ва калишини кийди-да, зинапоя га чиқди. У буларни хаёли тўзғиган бир ҳолда бажарди. Сўнг оёқлари Евгенийни боғ ёнидан ўтувчи дала йўлидан қишлоққа бошлаб кетди. Қишлоқда ҳалиям ғалла янчувчи машина гуриллар, чўпон болаларнинг қичқириғи эшитиларди. У бостирмага кирди. Степанида шу ерда эди. Уни Евгений дарров кўрди. Жувон сочилиб ётган бошоқларни тўдаларди. У баринни кўрган заҳоти кўзлари чақнади-да, янаям эпчиллик ва шўхлик билан ишга тутинди. Евгений унга қарамасликка интилар, аммо иродаси етмас эди. Степанида кўздан ғойиб бўлгандагина у ўзига келди. Ишбоши ҳозир моғорлаб қолган сомон янчилаётгани, шу сабаб дон кам чиқаётганидан сўзларди. Евгений сомон боғламлари беҳафсала ёйилганидан ҳар узилиш бўлганда тараклаб қўяётган барабан ёнига келди-да, ишбошидан бунақа моғорлаб қолган сомон кўпми, деб сўради.

– Беш аравача бор.

– Унда бундай қилинг... – Евгений шундай деб сўз бошлади-ю, аммо гапини охирига етказмади. Жувон тағин барабан ёнига қайтди-да, унинг остидан бошоқларни куракда сурганча, чақноқ кўзларини Евгенийга қадаб, бағрига ўт ёқди.

Бу кўзлар иккови ўртасидаги ўша қувноқ, беғам севгидан сўйларди. Яна, сиз ҳозир ҳам мени қўмсайсиз, балки чиқиб қолар, деб омборхонам атрофида санқиб юрасиз, буни билмайди, деб ўйлайсизми, дер эди. Ниҳоят, бу кўзлар жувоннинг баринга ҳеч қандай шарт қўймай, ҳатто оқибатини ҳам парвосига келтирмай, худди аввалгидек, у билан бирга бўлишга, унинг кўнглини овлашга тайёрлигидан сўйларди. Евгений жувон ўзини сеҳрлаб олганини англади, бироқ таслим бўлишни хоҳламади.

Эски дуоси ёдига тушди, уни пичирлашга киришди. Аммо шу ондаёқ тўсатдан бу – бефойда эканини тушуниб қолди.

Евгенийни айни дамда, жувонни бошқалардан яширинча қандай қилиб учрашувга чақирсам бўлади, деган фикр домига тортганди.

– Шу ғарамни эртароқ тугатсак, янгисига ўтаверайликми ёки эртани кутайликми? – деб сўради ишбоши.

– Ҳа, ҳа, – дея мужмал жавоб берди Евгений ва жувон ортидан бошоқлар уйиб қўйилган жойга қараб кетди. Жувон яна бир хотин билан бирга куракда бошоқларни шу уюмга томон суриб борарди.

"Наҳотки ўзимни қўлга ололмасам", – деди у ўзига ўзи. – Наҳотки адойи тамом бўлган бўлсам. Мадад бер, эй Худойим! Йўқ! Ҳеч қандай Худо йўқ. Шайтон бор, холос. Ўша шайтон – мана шу жувон! Мени шайтон йўлдан оздиряпти. Лекин буни ҳеч хоҳламайман, йўқ, хоҳламайман!" У жувонга яқин борди-да, чўнтагидан револьверни чиқариб, унинг елкасига биринчи, иккинчи, учинчи ўқни бўшатди. Жувон қўрқиб қочди-ю, бошоқлар уюмига юзтубан йиқилди.

– Эй Худойим, нимаси бу тағин, – дея қичқириб юборди хотинлар.

– Йўқ, бехосдан эмас, атайдан ўлдирдим уни, – деб бўкирди Евгений кўзлари ола-кула бўлиб. – Миршабхонага одам юборинг!

Евгений уйга қайтди-да, хотинига лом-мим демай, хонасини ичдан қулфлаб олди.

– Кет бу ердан, кет, – деб қичқирди хотини келганда эшик ортидан. – Биласан ҳали барини.

Бир соатдан кейин у кўнғироқни чалиб, гумаштасини чақирди. Гумашта эшик олдига келганда эса унга:

– Бориб бил-чи, Степанида тирикмикан, – деб буюрди.

Гумаштага ҳозирданоқ бари маълум эди, шу сабаб бир соат олдин жони узилганини айтиб қўя қолди.

– Жуда соз! Энди мени тинч қўй. Миршабхонадан одам келса, айтарсан.

Миршабхонадан одам эртасига келди. Евгений хотини ва боласи билан хайрлашди, маҳбусни қамоқхонага олиб кетишди.

Евгенийни суд қилишди. Ўшанда суд маслаҳатчилари эндигина жорий этилган эди. Уни руҳий хасталикка чалинган деб топишди ва черковга бориб истиғфор келтиришга ҳукм этишди, холос.

Евгений қамоқхонада тўққиз ой, монастирда бир ой бўлди.

У қамоқхонада арокка ружу қўйди, бу одатини монастирда ҳам ташламади, оқибатда уйига шарти кетиб, парти қолган, ақли ҳам кирди-чиқди бир пияниста бўлиб қайтди.

Варвара Алексеевна, бир кунмас-бир кун шундай бўлишини кўнглим сезган эди, деб ҳаммани ишонтирмоқчи бўлди. У Евгений билан жанжаллашиб қолган пайтларида шунга амин бўлган эмиш. Лиза билан Марья Павловнанинг эса нега шундай бўлганига ҳечам ақли етмасди. Докторларнинг, Евгений руҳий хасталикка чалинган, деган гапига улар зиғирча ҳам ишонмасди. Чунки иккови ҳам ўзлари таниган юзлаб одамлардан кўра Евгений соғломроқ фикр юритишини биларди.

Дарҳақиқат, агар Евгений руҳий хаста бўлса, унда ҳамма одамлар ҳам руҳий хаста бўлиб чиқади. Энг ашаддий телбалар эса бошқаларда жиннилик аломатларини кўради-ю, аммо ўзидаям шундай аломатлар борлигини пайқамайди.

Ибройим ЮСУПОВ

(1929–2008)

Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири

Қорақалпоқ тилидан
Очил ТОҲИР
таржимаси

БЕШТЕПАНИНГ ТОҒЛАРИДА

Кўп вақт бўлди кездик холи,
Сирлашайлик овлоғида...
Майин эсар тонг шамоли,
Бештепанинг тоғларида.

Ота-бобо армон этган,
Ҳориб-толиб зўрға етган,
У кунлар олислаб кетган,
Бештепанинг тоғларида.

Амударё тўлқин отар,
Сув бўйида қатор-қатор.
Беш нортуя чўкиб ётар,
Бештепанинг тоғларида.

Булдурукли бўз тумани,
Бошланди янги даврони.
Бебаҳо бойликнинг кони,
Бештепанинг тоғларида.

Оқсин яйраб жилға сойлар,
Ўтлар пастда сурув қўйлар.
Архарлар иргишлаб ўйнар,
Бештепанинг тоғларида.

СУЙМАГАНГА

Ошиқ дилнинг ўз йўли бор,
Суймаганга салом йўқдир.
Гўзалликда эрка дилдор,
Сенга ўхшаш санам йўқдир.

Ошиқ боқмас аҳволига,
Қаноти бор хаёлида.
Жон куйдирмай висолига,
Етсам деган таъмам йўқдир.

Боқий эмас давру даврон,
Биздан кетиб, сизга борган.
Мен ғариб ишқингда ёнган,
Бедард дилларга гам йўқдир.

Булбул қўмсар гул васлини,
Қалбин ёқар ишқ ёлини.
Ошиқ Аёзнинг ҳолини
Хатга битар қалам йўқдир.

АНГЛАМАС

Тўпидан айрилган ягона гозининг
Ноласини ойдин кўллар англамас.
Гул ишқида куйган булбул фиғонин
Баҳорда очилган гуллар англамас.

Кимгадир ҳижрон-у, кимгадир висол,
Дунёнинг ишига қолиб ҳайрон-лол,
Сув излаб ҳориса ярадор марол –
Ўзи сувга чанқоқ чўллар англамас.

Қасдинг бордай бунча қийнаб жонимни,
Беаёв чертарсан кўнгил торимни.
Менинг "сен" деб чеккан оҳу-зоримни,
Худога минг шукур, еллар англамас.

Гуллар фасли – ўтар баҳори, ёзи,
Бесабаб урмагай хазон аёзи.
Ошиқ Аёз "сен"га битган баёзин
Бедард жонлар, ҳиссиз диллар англамас.

АНОР ГУЛЛАДИ

Юр севгилим, боғ сайлига борайлик,
Бахт-иқбол боғида анор гуллади.
Мевали оғочлар довчага кириб,
Гул тўккан чоғида анор гуллади.

Сарви гулга булбул қўнгайдир ҳар дам,
Малол келмас, боғбон беозор одам,
Яйраб гул терайлик келақол эркам,
Балоғат тонгида анор гуллади.

Ўрик гуллаганда келмадинг ёрим,
Олма гулин берсам, олмадинг ёрим,
Ўзга оғочда гул қолмади, ёрим,
Тонгнинг шафағидай анор гуллади.

Қирмизи гул монанд анор пўстлоғи,
Ёшлик диёридир – муҳаббат боғи,
Ёздан сўнг куз келар , дема бу ёғи...
Айни Ёз чоғида анор гуллади.

ТОШҚИН БЎЛИБ ОҚИБ ЎТ

Замонанг бор, яйраб даврон сурмоққа,
Дарё бўлсанг, тошиб-тошиб оқиб ўт.
Елман десанг, шамолдай чоп тўрт ёққа,
Булут бўлсанг кўнгилларга ёғиб ўт.

Гулман десанг, хумор боқтир кўзларни,
Тилман десанг, маржондай тиз сўзларни,
Қон-қардошдан бурма асло юзларни,
Гоҳ-гоҳида эшигини қоқиб ўт.

Ботир бўлсанг, армуғоқдай кўпик соч,
Шунқор бўлсанг, ёзгин самода қулоч,
Кенг феъл бўлиб эл-юртингга қучоқ оч,
Ҳаволанмай, сен мулойим боқиб ўт.

Вақт ғанимат, билгин олмосдан қиммат,
Унутма, бу гаплар эмас беҳикмат,
Эр йигитда бўлсин саховат, ҳиммат,
Тоғлар оша чақмоқ бўлиб чақиб ўт.

Ёшлик фасли ёзилмаган бир достон,
Доғ тушмасин унга, авайла, инсон,
Яшаш Яратгандан бизгадир эҳсон,
Тириклик бир марта берилар фақат.

АЙТ АЖИНИЁЗ ҚЎШИҚЛАРИДАН

Айтгин сен Ажиниёз қўшиқларидан,
Йиғласин ёр ишқи бағрин эзганлар,
Инграсин элидан айро кезганлар,
Айтгин сен Ажиниёз қўшиқларидан.

Куйин шамол ёдлаб, сўзин эл билган,
Бир шоир дунёга келди-да, кетди.
Тол ортидан янги ойга термулган,
Дилбар қалб тушимга кирди-да, кетди.

Қўшиқ дарё-дарё нур бўлиб оқсин,
Тош дилларда ишқ оташин ёқсин,
Қиз йигитга ишва, ноз билан боқсин,
Айтгин сен Ажиниёз қўшиқларидан.

Айтгин "Бўзатовни" оҳангга солиб,
Жўр бўлмаган сенга бағри тош бўлсин.
Қорақалпоқ қалби-дарди қўзғалиб,
Шодумон дамларга қариндош бўлсин.

Шоир кезган замон бўлгандир ғойиб,
Эл-юрт бугун борар тобора бойиб,
Бир илҳом парисин кўрдим ажойиб,
Айтгин сен Ажиниёз қўшиқларидан.

Тингласам, ўзгариб менинг ҳолатим,
Дил сармаст булбулга айланар мудом.
Мен уни тингласам, туққан элатим,
Ери жаннат бўлиб кўринар шу дам.

Юлдузлар заминга тизилсин десанг,
Ёмон шоир четга сурилсин десанг,
Ўлсам, мени қайта тирилсин десанг,
Айтгин сен Ажиниёз қўшиқларидан.

БИР ОДАМНИ БИР ОДАМ

Қандай яхши биродар,
Одамзотнинг юраги.
Бир одамга бир одам,
Бўлса доим кераги.

Бир одамни бир одам
Суйиб қолар танишса,
Бир одамни бир одам
Согинади олисда.

Кетса биров орадан,
Биров йўқлаб йиглайди.
Бир одамни бир одам
Эслаб багрин тиглайди.

Ўқ отилса бировга,
Жонин қўйиб гаровга,
Етиб борар суёвга,
Бир одамга бир одам.

Тийиб нафсин нон берар,
Томиридан қон берар,
Керак бўлса жон берар
Бир одамга бир одам...

Эзгулик униб ўссин,
Инсон инсонни суйсин!
Йўқса қандай яшайди,
Бир одамсиз бир одам?

Сипқор меҳр косасин,
Тотиб ишқнинг бўсасин,
Доим севиб яшасин,
Бир одамни бир одам.

ТУРМАС

Қирқ ой қўлда ўсган кийик
Чўл исини олса турмас.
Кенг яйловда кезган чўпон,
Шаҳарда боғласа турмас.

Боғ ичида писта-бодом,
Татир насиб этган одам,
Оҳангни туймаган нодон,
Булбуллар сайраса туймас.

Мурувватли бўлса кўнгил,
Дард-аламинг бўлар енгил,
Бу бўстонда очилган гул,
Хазон уриб сўлса, турмас.

Баланд тоққа қуриб ошён,
Булут кўз ёш қилар ҳар он,
Поёни йўқ давру даврон,
Ётиб туш кўрганча бўлмас.

БЕРДАҚНИНГ ДУТОРИ

Аслинг сенинг оғочдандир,
Сўйла дутор, сўйла дутор.
Фиғонлари тўла армондир,
Дардинг баён айла дутор.

Улуғ шоир бўлган эканг,
Тинглаган эл-улус ноланг,
Булбул қўнган ҳар шому тонг,
Номинг достон элга, дутор.

Қадим ўтмишга гувоҳсан,
Сайраганда нола-оҳсан,
Бердақ бобомга ҳамроҳсан,
Дардинг баён айла, дутор.

Аъло созим куйга бойсан,
Кўҳна дардларим қўзғайсан,
Ингранib мунча бўзлайсан,
Тилинг бўлса, сўйла дутор.

СЎЙЛАСИН

Қўлга олгин дуторинг, ҳар номадан сўйласин,
Жаннатмонанд гулдиёр Фарғонадан сўйласин.
Хоразмнинг мен суйган ўн икки мақомидан,
Ё Ражабий, Абдулла мавлонадан сўйласин.
Келтир Ҳалимахоннинг жонона "Тановарин",
Бубул хониш яйратган арвонадан сўйласин.
Ойимхон "Дам бермасин" Аму булбулларига,
Нодира-ю Зулфия сўзонадан сўйласин.
Дил истак хоҳишидир "Самарқанд ушшоқлари",
Донгдор тенгдош Турсуной дугонадан сўйласин.
Ўзбек "оқ олтини"ни оламга достон этган,
Пахтакор деҳқон халқим мардонадан сўйласин.
Соз торлари сўйласин Аёзий дардларини,
Сендай жонондан етган армонлардан сўйласин.

БЎЛДИ

Навбаҳор келиб бемор қалблар давойи бўлди,
Жумла жаҳон сабза ранг, осмон ҳавойи бўлди.
Ҳар бир йигит Фарҳоду ҳар қиз ўзича Ширин,
Ҳар кўнгил шоирликда гўё Навоий бўлди.
Амударё пишқириб бўлди қайтадан Жайҳун.
Қуюнлар каврак қувиб чўлда ёввойи бўлди.
Саргашта булутлар кўкдан сочар марварид,
Қизғалдоқлар қон йиғлаб ишқнинг гадойи бўлди.
Сен, бепоён пайкалнинг оҳу кўз ҳукмдори,
Чўлни бўстон айлай деб жонинг фидойи бўлди.
Кўксингда юлдуз порлар, юзингда бахт шуъласи,
Эл кўнгли-эҳтироми, иззат саройи бўлди.
Бу баҳор ҳам биз томон қайрилиб бир боқмадинг,
Билмадим, Аёзийнинг қандай гуноҳи бўлди.

NASR

Кенгесбой КАРИМОВ

ЗАРДУШТ

Роман[1]

Қорақалпоқ тилидан
Фотима АБДУРАИМОВА
таржимаси

ТУҒИЛИШ

Асрий тоғу тошлардан манба оладиган Окс дарёси тошлоқлар, чўлу биёбонлару яшил ўтлоқлар, тўқайлар билан ботқоқликларни ортда қолдириб? Хуварно ўлкасига етиб келгунига қадар гоҳ соҳилдаги тик қояларга урилар, тўлқинлари кўкка учиб, гоҳо уззукун қўшга қўшилган қари ҳўкиз каби аранг тебранар, атрофидаги қўллар, жилғалар ва сойлар, ботқоқликларни сув билан таъминларди, оқим ўзгарганидек Окс номи ҳам ўзгариб бораверарди.

Суви сероб асов дарё соҳилида яшайдиган қавмларнинг ҳар бири Оксга ўзича, ўз тилида ном берган. Шу боис у турли хил номланиб, оқишда давом этарди. Дарё қандай номланишидан қатъи назар, тоғу тошларда яшайдиган кийиклар, оқ бўқанлар, тўқайларда тирикчилик ўтказадиган йўлбарсларга ҳамиша емиш бўладиган тўнғизларнинг насибасини мўл қилиш учун тинмай оқаверарди. Оксдан бошланиб, то охири бориб қуйиладиган Варакуша денгизига қадар барча тириклик дунёси дарёга боғлиқ эди. Олам яралганидан буён ҳар куни шарқдан кўтарилган қуёшни биринчи бўлиб кутиб оладиган тоғларнинг энг баланд чўққилари ва этакларига ёққан қор-ёмғирлардан пайдо бўлган мангу музлар қуёш тафтида эриб, нурни ўғирловчи томчиларга айланар, улар йиғилиб-йиғилиб, кичик-кичик илон изига, сойларга, сойлар ўзан ва жилғаларга, йирик-йирик тармоқларга, тармоқ йиғилган жой улкан дарёга – Окс дарёсига айланиб, Бақтр, Сўғдиёнага шошади, даралар сув билан тўлиб, тармоқлар ўз ҳолича оқади. Окс суви етиб келган жойларда майсалар унади, қўлларда баликлар сузиб, қушлар учиб келади.

Дарёнинг сув тўла тармоқлари ва қўлларнинг соҳилларини қавмлар ўзларига макон этганлар. Сигир, туя, қўй-эчкилар қирлар бўйлаб ёйилган. Бу ерда яшовчилар қўллардан балиқ овлайдилар. Бу ишлар Ахурамазданинг оламга ҳукмронлик қиладиган онлари – Наврўздан бошланиб, кун билан тун тенглашадиган пайтга қадар давом этади.

[1] Журнал варианти. Бошланиши. Давоми келгуси сонда.

Ундан сўнг Ахриманнинг ҳукмдорлиги бошланганда кўк майсалар заъфарон тусга кириб, тўқайлар ва далалар яланғочланиб, Окснинг тармоқлари то Қандарга кўлига қадар муз билан қопланади. Бундай ҳолат қачонки, саховатли Митра оташ аравасини Окс дарёси оқиб ўтадиган сарҳадсиз, бепоён вилоятлар узра якинлаштирадиган кунларгача давом этади.

Меҳрибон Митра оташ аравасини Ҳуварно вилояти томон бурган кунларнинг бирида – Наврўз арафасида Акчадарёга яқин жойдаги кўл бўйига кандир толасидан тўқилган кўйлаги устидан кўй терисидан тикилган енги йўқ тўн кийган аёл аста юриб келиб, сўнг тўхтади. Яланг оёғини тошлар қонатган, қонсиз лаблари негадир ёрилиб кетган, у қаттиқ чанқаган эди. Кўл томонга тикилган аянчли нигоҳларидан буни сезиш мумкин. У чанқоғини қондиргач, оёғини ювмоқчи бўлиб энгашди-да, қўлини сувга тиқди. Тонг ёруғида йилтиллаб кўринган муз аёлнинг қўлини яхлатиб юборди.

– О, Митра! – деб ингради аёл. – Чанқадим, сув, сув… – Муздек ҳарорат товонидан ўтиб, бутун вужудини қақшатди. Қаддини тиклаб, икки қўлини белига олиб борди. Шу пайт уни тўлғоқ тутди. Оғриқнинг зўридан қадди букилиб, инграб юборди:

– О, Ахурамазда!

Тоғлар ортидан қуёш кўтарилиб келмоқда эди. Дафъатан кўл ичкарисидан бақанинг ёқимсиз вақиллагани эшитилди. Аёлнинг товони остидаги музлаган ер юмшагандек бўлди. Атроф зумда яшилликка бурканди, майсалар тупроқни ёриб чиқа бошлади.

Тонг шуъласида чайқалаётган сув юзида пайдо бўлган тўлқинлар аёлнинг оёқларини ювиб, ортга чекинди. У бир-икки қадам ташлаганди, ҳозиргина совуқлиги бутун вужудини қақшатган, музи эриган сув, худди офтобда туриб қизиган тош каби товонига илиқлиқ юритиб, танасига роҳат бағишлади.

Ахурамазданинг оташ аравасини шитоб билан ҳайдаб келаётган меҳрибон ва саховатпеша Митрадан ҳайиққан, киприкларига қиров инган Ахриман лашкарлари эҳтиётқорлик билан ўзларининг макони бўлмиш ғарбдаги Қандарга кўли томон чекина бошлади.

Ҳомиладор аёл кўйлагини кўтариб, липасига илди, атрофда ҳеч зоғ кўринмади. Машаққат билан энгашиб оёқларини ювди, сув илиқ ва ёқимли эди, “қонталаш яралар оғриб, безовта қилса керак” деган хаёли беҳуда эди, аксинча, боя тош тимдалаган товонидаги қон тўхтаб, чандиқлар тузала бошлаганди. “О, Митра! О, Ахурамазда!” дея тинмай шивирларди аёл, у бир зум чуқур нафас олиб, кўл сувидан ҳовучини тўлдириб-тўлдириб ича бошлади. Чанқоғи босилгач, соҳилдаги тизза бўйи келадиган яшил майсалар устига ўтирган ҳам эдики, тепасида қушларнинг сайраган товушини эшитиб, ҳайрон бўлиб қолди.

Наврўз кириб келмоқда эди.

Яшил майсалар устига ўрнашиб ўтирган аёл қуёшга тикила бошлади. Белида пайдо бўлган оғриқ танаси узра ёйилди. Тишини тишига босди, тўлғоқ хуружининг бунданда кучайиш эҳтимолини сезди, аёл. Тўлғоқ тутаётган онанинг тирноқларидан бошлаб, бутун вужуди зирқираб оғриди. Бу палла янги фарзандни дунёга келтириш они эди. Энди у тўлғоқнинг барча азобларини енгиб, ўзини жисман хушёр тутди. Шунда, барча

ваҳимаю ситамлар ортда қолди. Қўққис оламни тутган чақалоқ йиғиси хаёлларини тўзғитиб, уни ўзига келтирди. О, у нақадар бахтли эди шу онда.

Кўтарилиб келаётган қуёш гўё она билан гўдак тепасида бир муддат тўхтаб қолгандек эди.

Тоғ этакларида қор ва музлар ҳали эримаган. Чўл-далалар ва яйловларда ҳали яшил майсалар кўзга ташланмасди. Шамолда чайқалган кўл тепасида чарх уриб учиб юрган қушларнинг овозини чақалоқнинг йиғиси босиб кетганди.

Яшил майсалар устида ётган гўдакка қўл узатган аёл унинг ўғил бола эканлигини англаб, кулиб қўйди. "Спитама қавмига яна бир эркак қўшилди!" дея кичкина, лекин олмосдек ўткир мис пичоқни қўлига олиб, чақалоқнинг киндигини кесди, бурумидан олган соч толалари билан киндигини боғлади. Гўдакни қўлига олиб, қўл сувида чўмилтирди. Чақалоқ йиғлаш ўрнига онасига қараб кулгандек бўлди.

Янги туққан аёлнинг эри Спитама қавми чўпонлари сардори эди. Қишлов атрофида одамхўр йўлбарс пайдо бўлганлиги ҳақидаги хабарни эшитиб, кўрикчиликка кетган. Тонгда уйига қайтиб келганида аёлини топмади, қаерга кетганлигини ҳеч ким билмаганлиги боис, найзасини қўлига олиб, уни ахтариб йўлга чиқди.

Тепаликка кўтарилиб ён-атрофга синчиклаб назар ташлади, ҳеч ким кўринмади. Қуёш кўтарилиб келар, шунга қарамасдан ҳаво салқин эди, одамхўр йўлбарсдан ҳавотирга тушган чўпон кўл томон юрди.

Наврўзга қадар кўл бўйига одамлар қадам босмас эди, у ердаги ёввойи йиртқичлардан қўрқишарди.

Чўпон кўл бўйига етганда ҳайрон бўлиб, таққа тўхтаб қолди. Бу пайтда ҳали музи эримайдиган кўл сатҳида сув, кўм-кўк сув чайқалиб ётар, атрофда қушлар чарх уришар, яшил майсалар эса оёғидаги чарм этигининг баланд пошнасидан ошиб кетганди.

– О, Ахурамазда! Сенинг ҳимматингга шубҳа қилмайман!

Чўпон қуёшга уч марта таъзим қилди. Сўнг ён-атрофни кузата бошлади. Қулоғига чақалоқнинг кулгуси эшитилгандек бўлди. Ўша тарафга қараб юра бошлаган ҳам эдики, бир неча қадам нарида унга тикилиб турган йўлбарсга кўзи тушди, беихтиёр тўхтади, қўлидаги найзасини йўлбарсга ўқталди.

Унга тикилиб турган ёввойи ҳайвон бир сакраса етадиган масофада, майсалар устида бир аёл чақалоғини эмизиб ўтирарди. У чўпоннинг аёли эди.

Чўпон ўзини худди икки ўт орасида қолгандек ҳис этди. У қўлидаги узун сопли, учи ўткир бронза найзани улоқтираман дегунча йўлбарс бир хатлаб эмизикли аёлга ҳамла қилиши мумкин эди. Унда шубҳасиз, аёл чақалоғи билан нобуд бўлади. Чўпоннинг чорасиз қолган оёқлари тўпиғигача ерга ботиб кетгандек эди гўё.

Шу чоқ бола онасининг қучоғидан чиқиб, оёқда тик турди, узун соч-ларини бир силкиб қўйиб, жажжи қўлларини йўлбарс томон чўзиб, алланималар деб кулди.

– Магупта! – деб она ҳайратдан қичқириб юборди. Дунё яралибдики, инсониятга забон ато этилгандан буён ҳеч кимса янги туғилган чақалоқнинг гапирганини эшитмаган бўлса керак?

– Магупта! – деб қичқирди қувончини ичига сиғдира олмаган чўпон.

МЎЪЖИЗА АХТАРГАН ЖОН

“Боинг” самолёти баҳайбат қуш каби Тошкент аэропортига қўнди. Одамлар туша бошлади. Ўттиз ёшлардаги узун бўйли йўловчи йўл халтасини елкасига ташлаб, трапда турибоқ елкасига осиб олган ихчам камерага қўл узатди. У тасвирга туширишни шу ернинг ўзида бошлаб юборди, шекилли.

Халқаро аэропорт олдидаги гавжум майдончага чиққач у ўзининг борар манзилига қандай етиб олишни билиб олмоқчи бўлди, бироқ у йўл сўраб мурожаат қилган киши меҳмоннинг тилига тушунмади, шекилли, юзига кулиб қараб, “Хуш келибсиз!” деди-ю, ўз йўлига кетаверди. Шунда у қўл телефонини олиб, тугмасини босди. Дисплейда расмлар билан ёзувлар пайдо бўлди, навигатор сунъий ер йўлдоши билан уланиб, йўловчи излаган манзил – “Қўҳна қўрғонлар дараси”га қадар олиб борадиган йўлни кўрсатиб турарди. Энди дарага қандай йўл билан боришни танлаш йўловчининг ўзига ҳавола эди.

Йўловчи андак ўйланиб турди-да, манзилга автомашинада боришга қарор қилди. Ҳайдовчи ёш қизча унинг тилига тушунди, тушундигина эмас, балки унинг сайёҳ эканлигини, ғарбий Америкадан келаётганини билди-қўйди.

– Инглизча талаффузингиздан англадим,– деди қиз ҳайрон бўлган йўловчига.

Йўловчининг исми Жон бўлиб, уни сайёҳ дейиш мумкинми ё йўқми, чунки ҳозир ҳар бир катта шаҳарда тўлиб-тошиб ётган сайёҳлар фирмаларнинг биридан йўлланма олиб, хорижга чиқишга, олис ўлкаларнинг ўтмиш маданияти, тарихи, меъморлиги билан танишишга қизиқувчилар, шунингдек, умр бўйи ўзга юртларга боришни орзу қилиб, катта-кичик шаҳарлардан бир қадам ташқарига чиқмай яшаган ва энди бўлса, шу чоққача йиққан сармоясини сарфлаб, саёҳатга келиш, ҳар ҳолда, осон ва қулай эди. Лекин бизнинг қаҳрамонимиз “Қўҳна қўрғонлар дара”сига нафақат сайёҳ сифатида, балки, ўзини қийнаётган саволларига жавоб топиш учун келаётган бўлса ажаб эмас.

“Мерседес” микроавтобусининг ўриндиғига жойлашиб, камерасини кўлга олган Жоннинг бу ҳаракати йўловчиларни ҳайратлантирмади.

У ўриндиқнинг орқа суянчиғини ортга суриб, ташқарига назар ташлади. Равон асфальт узра микроавтобус ғиззиллаб борарди. Экин майдонлари, катта-кичик овуллар, боғ-роғлар ортда қолаётир.

Қўл телефонининг навигаторига қараб, ҳали Самарқандгача қанча масофа борлигини аниқлади. Исми оламга машҳур буюк Амир Темур яшаган бу шаҳарни кўришни ким ҳам орзу қилмайди дейсиз? Жон ҳам бундай иштиёқдан бебаҳра эмасди, бироқ “Қўҳна қўрғонлар дараси”га бориш нияти барчасидан устун келганидан Самарқандни томоша қилиш фикридан ҳозирча воз кечган, шундай бўлса-да, қадимий миноораларни жиллақурса машина деразасидан кўришни ният қилди-да, унгача озроқ мизғиб олишни кўнглига тугди. Оёқларини чўзиб, кўзларини юмди.

Жон уйғониб кўзини очганда микроавтобус тўхтаганди.

– Ҳали Самарқандгача узоқми? – деди Жон рулга ўтираётган ҳайдовчига ўз тилида.

– Бемалол дам олаверинг! Шаҳарга етгач, ўзим уйғотаман,–деди ҳайдовчи, Жонни ҳайрон қолдириб инглиз тилида.

– О-о! Тенк-ю!

Автобус йўлга тушди. Жоннинг энди уйқуси келмади.

"Эдвард билан Кэти кутилмаган сафарим борасида ҳозир нималарни ўйлашаётган экан?"

"Дўстим, севгилим бормиди ўзи?" деган хаёл унга тинчлик бермади.

Жоннинг кўз ўнгида ўзи яшайдиган шовқин-суронли шаҳар, кўнгилочар жойлар билан савдо марказларининг қизил-яшил чироқлари пайдо бўлди... Шу пайтгача, балки эслашни ҳоҳламаса-да, ҳаётида бўлиб ўтган воқеалар оқими, худди тарновдан тушаётган сув каби шуурига бостириб кирмоқда эди.

...У ҳали мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ ўзининг келажагини режалаштириб қўйди, масалан, йигирма беш ёшга тўлганда Жон одамлар лиқ тўла концерт залларида скрипкада машҳур бастакорларнинг асарларини ижро этиб, томошабинларнинг чексиз олқиш ва меҳр-муҳаббатига сазовор бўлишни, мухлисларининг севимли ижрочисига, фахрига айланишни олдига мақсад қилиб қўйди, бу ҳақда алоҳида режалар жадвалига қайд қилиб қўйганини эслаганида чеҳрасида кулги зоҳир бўлди. Аслида, унинг машҳур скрипкачи бўлишини онаси хоҳлаганди. Онаси уни мусиқа мактабига олиб боргани, ёшлигида чиройли бўлганини, ҳалиҳануз чеҳрасидаги жозибадорликни, айтайлик, қирра бурни билан мовий кўзларидан англаса бўларди. Ёши ўтган аёл уни илиқ кутиб олиб, Жоннинг нозик бармоқларига, диққат билан назар ташлагани, сўнг савол берганини эслади.

– Скрипка чалишга қизиқиши қандай?

Онаси бироз иккиланиб жавоб берди:

– Қизиқиши баланд!

Онаси ўшанда сал ошириб юборганди.

"Соз чалишга иштиёқим баландмиди?" деб ўйлади Жон. Рости, у создан кўра ўйинчоқлар, айниқса, милтиқлар билан ўйнашга ҳавасманд бўлгани ўзига аён.

Хонасида ҳар хил пластмасса ёхуд темирдан ясалган пистолетлар билан ўйинчоқ милтиқлар, пистонлар сочилиб ётарди. Онаси эса унинг созанда бўлишини хоҳларди. Қайси она фарзандининг шуҳрат чўққисига чиқиб, дунёни лол қолдиришини истамайди, дейсиз?

Шундай қилиб, Жон қўшни кўчадаги мусиқа мактабига қатнайдиган бўлди.

– Эртага мусиқа асбоблари дўконига борамиз, – дейди онаси қайтиб келишаётганда.

Жон у пайтда мусиқа асбоби ҳақида ўйламади. Аммо, эртасига дўконга кириб, жавонларда тахлаб қўйилган турли асбобларни кўрганда кўзлари чақнаб кетди. Бўйидан баланд контрабасдан тортиб, мис карнайлар, флейталар яна аллақандай чолғу асбоблари электр чироқлар ёғдусида турли тусда товланар, одамнинг ҳавасини келтирарди. Айниқса, қопқоғига мусика калитининг тасвири туширилган арзон ва қиммат скрипка, виолончеллар Жоннинг ақлини шошириб қўйди. Онаси ундан: "Қай бирини танлайсан?" деб сўраганида бола ўйланиб ўтирмасдан қизил рангли ихчамгина виолончелни қўли билан кўрсатди:

– Мана, манависини!

Нархи ёзилган қоғозга кўзи тушган онасининг ранги ўчиб кетди.

– Қиммат экан!–деди онаси ўкинч билан.

– Икки юз доллар!

"Қиммат дегани нима у?" дея ҳайрон бўлган Жон жавонда турган асбобни ёқтириб қолиб, уни шу заҳоти қўлига ушлаб кўргиси келди.

– Арзонроғи йўқми?

Сотувчи уларга яқинроқ келиб, баҳолар ёзилган қоғозларни кўздан кечирди. Сўнг жавондаги асбоблардан бирини олиб, узатди:

– Атиги эллик доллар, хоним...

– Агар соз чалишни яхши ўрганиб кетсанг, деганди ўшанда онаси уйга қайтиб келаётганда, – икки юз долларлигидан олиб бераман.

Сотиб олинган скрипка болага ёқди деб айтиш қийин, ҳар гал уни қўлга олганда, Жон қизил чироқ ёруғида ялтиллаб турган виолончелни кўз олдига келтирарди. Унга эришмоқнинг ягона йўли – энди скрипка чалишни ўрганиш эди.

Бирор асар устида тинмай машқ қилиш самара бериши мумкинлигини англаган бола дарс тайёрлашдан қўли бўшаши биланоқ скрипкани қўлига оладиган бўлди. Такрорий машғулотлар бармоқларини керакли ноталарни топиб босишга ёрдам берди. Аслида, унинг қулоғи юракни тўлқинлантирувчи нозик қочиримларни илғай оладиган қобилиятга эга бўлмаса-да, қалби билан кўп нарсани ҳис этар эди. Энг муҳими, уни юракдан чалишга ундайдиган бирдан-бир сабаб, ҳар доим кўз олдида турадиган, ўзи дўконда кўрган виолончел эди. Скрипка чалишга қўли ўрганаман дегунча орадан уч-тўрт йил ўтди. Ниҳоят, онаси керакли пулни тўплаб, икковлон соз асбоблари сотиладиган дўконга йўл олганларида, пештахтада Жон орзу қилган виолончел ўрнида аккордеон савлат тўкиб турарди.

– Манави жавонда турган виолончел...– дея онаси гап бошлаган эди, сотувчи:

– Кеча сотилди...– дея жавоб берди совуққина қилиб.

– Мен бир-икки кун илгари кўрган эдим, – деди Жон ҳаяжонланганидан тили калимага келмай.

– Сотилди, – деди сотувчи бепарво.

– Ахир, у мени бир неча йилдан буён кутиб турганди-я... – дея Жон алам билан ғудранди.

– Аккордеон олинг.

– Уни нима қиламан? Менга виолончел...

...Барибир Жон мусиқадан воз кечмади. Ҳар гал скрипкани қўлига олганида ўша ажойиб соз асбобини кўз олдига келтирар, "у шунақанги чиройли, мен ўша асбобни чалиб ўтирибман", дея хаёл қилиб, созга ҳаваси ортарди. Ўн тўрт ёшга кирганида, у келажакда амалга ошириши лозим бўлган режаларини ёзиб қўядиган ён дафтарига: "Мен йигирма беш ёшимда етук скрипкачи бўламан", деган сўзларни ўз қўли билан ёзиб қўйганди.

Аммо, йигирма беш ёшида томошабинга лиқ тўла залларда концерт бергудек скрипкачи бўла олмади.

...Микроавтобус аста тўхтади. Махсус хизмат формасини кийган одам Жоннинг хаёлларини тўзғитиб юборди. У ҳайдовчи ўтирган томонга яқин келиб, одоб билан ўнг қўлини чеккасига олиб бориб, ўзини

таништирди. Жон "қандайдир пост бўлса керак, чамаси, ҳозир ҳужжат текширади" деган хаёлда кўйлагининг ён чўнтагидан паспортини олиб, биринчи варағини очган ҳам эдики, ерга нимадир тушиб кетди. У тушган қоғозни қўлига олди. Сурат экан. Рангли суратда малла сочлари шамолда ҳилпираган қиз унга тикилиб турарди.

"Эҳ, Кэти, Кэти..."

Дастлаб учрашганларида Кэти ўн тўрт-ўн беш ёшларда, Жон эса ундан икки ёш катта эди. Концерт залининг пардаси ортида қўлига скрипка ушлаган малла соч, нозикниҳол Кэти навбат кутиб турар, ёш скрипкачилар конкурси ғолибларининг концерти бўлаётганди. Кэтини кўрган Жоннинг юраги дукурлаб кетди.

– Сизнинг навбатингиз қачон? – деди Кэти оҳистагина. "Қандай ёкимли овоз" ўйлади Жон. Сўнг жавоб қилди.

– Сиздан кейин...

– О, ажойиб! – деди Кэти йигитни лол қолдирган сеҳрли овози билан.

"Нимаси ажойиб экан?"

– Манави скрипка билан чиқасизми? Қиз йигитнинг қўлидаги скрипкани кўрсатди.

– Ҳа, шу билан, – деди йигит.

– Конкурс ғолибларининг концертига-я? Қайси устахонада ишланган?

– Билмайман... – Жон ерга қаради.

– Менинг виолончелимни эса Страдивариниг ўзи ясаган, – деди қиз фахр ва виқор билан.

– Страдивари?

– Ҳа!

Йигит қайсидир асрда яшаб ўтган машҳур мусиқачи ва соз асбобларининг устаси ҳақида, у яратган скрипкаларнинг сеҳрли овозга эга бўлишлигини эшитган эди.

Саҳна ортида концерт олиб борувчининг тантанали овози янгради:

– Вивалди пьесасидан, конкурс ғолиби Жонатан Кэти!..

Сийрак қарсаклардан сўнг скрипканинг бўғиқ, ингичка овози эшитилди. Жон нафасини ичига тортиб, қулоқ тутиб турарди. Исми Кэти экан. Нега рисоладагидек чала олмаяпти… Йигит гўё ўзи саҳнада куй ижро этаётгандек ҳаяжонланар, кафтлари терлаб кетган, саҳна ортида у ёқдан-бу ёққа бориб-келар эди. Кэти ҳаяжонини босиб, ўзини қўлга олган бўлса керак, энди соз асбобининг овози ноталарга мос, аниқ эшитила бошлади. Асарнинг сўнгги қисми шу даражада таъсирчан ижро этилдики, гулдурос қарсаклардан зал ларзага келгандек бўлди.

Кэти саҳна ортида пайдо бўлганида йигит уни қучоқлаб олгиси келди, лекин журъат қилолмади. Қизнинг қирра бурнининг катаклари пирпираб, кўзлари катта очилган, ҳурпайган малла сочи елкасига ёйилган, пешонаси тердан ялтирар, скрипка ушлаган нозик бармоқлари билинар-билинмас титрар, хуллас, қаттиқ ҳаяжонланиб турганидан дарак бериб турарди.

– Кэти, табриклайман! Шунақанги ажойиб ижро қилдингки, айниқса, пьесанинг якуни…

– Навбат Жон Маккентига! – Бу концертни олиб борувчининг овози эди. Йигитнинг гавдаси силкиниб кетди. У қизнинг атир ва тер ҳиди анқиб турган қизғиш чеҳрасидан ўпиб олди. Сўнг зал томон қадам қўйди.

Жоннинг бу галги скрипкада ижро этган куйи, не ажабки, йигитнинг ўзига ҳам, томошабинларга ҳам, Кэтига ҳам маъқул бўлмади.

* * *

Микроавтобус равон йўлда ғизиллаб борарди. Мизғиб ўтирган одамларни ҳайдовчининг:

– Самарқанд шаҳрига кириб келяпмиз! – деган овози хушёр торттирди. Жоннинг хаёли бўлинди. Самарқанд деган сўз қулоғини динг қилди.

– Самарқандга келдик, дедингизми?

– Шаҳарга кириб келяпмиз. – Ҳайдовчи Жонга тушунарли тилда гапирди.

Жон камерасини қўлга олиб, автобус деразасидан ташқарига қаради. Аммо у узоқдан кўринган миноралар билан дераза олдида лип-лип ўтиб, ортда қолган бир-икки эски иморатлардан ташқари диққатни ўзига тортадиган ҳеч нарса кўра олмади. Автобус йўлда давом этарди. Кўз очиб-юмгунча, ўзининг ажойиб ёдгорликлари билан дунёга машҳур қўҳна Самарқанд шаҳри ортда қолган эди.

Кун исиб, айни тушга яқинлашганда микроавтобус сersоя гужум тагига келиб тўхтади. Кенг майдонга ўрнатилган тахта чорпояларга қуроқ кўрпачалар тўшалиб, болишлар қўйиб қўйилган эди. Атрофга қовурилган гўштнинг хушбўй ҳиди таралиб турган бу маскан чойхона эканлигини англаш қийин эмасди.

Жонга таомномадаги таомларнинг номлари тушунарсиз эди.

Кўрпачада ўзбекларга ўхшаб оёқларини йиғиб ўтириш ҳам ноқулай туюлди. Кўзига иссиқ кўриниб қолган ҳамроҳлари – ўрта яшар киши ва кайвони аёлнинг таклифи билан кўрпачага чиққанди, Истанбул туркларига ўхшаб улар ҳам шундай ўтиради чоғи дегандек, битта болишни тагига босиб олди, бироқ ҳамроҳларининг юзидаги беозор табассумни кўриб, ҳижолатда қолди. Буни кўрган ҳайдовчи жонига оро кирди – аслида йигитнинг тилига тушунадиган ҳам ёлғиз шу эди:

– Буни бундоқ қилиб қўлтиққа қўядилар, – деб кўрсатди у. Жон энди ёнидагилар нима қилса ўшаларга тақлид қилиб, кўп қатори палов еб, кўк чой ичди. Ўрнидан туриб, теварак-атрофни тасвирга олди. Сал нарироқда пахтазор, у ерда ғўзага сув очиб юрган деҳқоннинг оппоқ кўйлаги кўзга ташланиб турарди. Жон ўша тарафга ошиқди. Кун иссиқ, қилт этган шабада йўқ, ҳаво дим эди. Шунга қарамасдан, қизиқувчанлиги устун келиб, пахта далаларини тасвирга олмоқчи бўлди. Шундай қилди ҳам.

Орадан кўп вақт ўтди, шекилли, кимдир қўли билан ишора қилиб уни чақирди. Шунда у иссиқдан ҳаллослаб қолганини, бош кийимини ўтирган жойида унутиб қолдирганини эслади.

Ҳайдовчи Жоннинг бош кийимини ушлаб, эшик олдида кутиб турарди. Кутилмаганда сайёҳ йигит турган жойида чайқалиб кетди, ҳайдовчи уни тутиб қолмаганида йиқилиб тушиши ҳеч гап эмасди. Микроавтобус, ҳайдовчи, атрофдаги одамлар Жоннинг кўз олдида кичрайиб, гўё оёғи билан эмас, бошлари билан юра бошладилар. Сўнг аллақандай гирдоб қаърига шўнғиб, чирпирак бўлиб айланиб, оёклари остидаги ер аллақаерга шошаётгандек сирғалиб бораверди.

– Ёрдам беринглар!

Бу ҳайдовчининг овози эди.

Саёҳатчи эса товушни эшитмади, нуроний кишининг ёрдамга шошаётганини, ўнг қўлининг панжаларини кенг очиб, елкасига анчайин куч билан урганини англамади, кўзини очган пайт тепасида ҳайдовчи билан нуроний чолни кўрди.

– Сув обкелинглар! Йигитни офтоб урибди.

Кимдир сув олиб келди. Нуроний чол сувни ҳўплаб, йигитнинг юзига пуркаб юборди. Қўлларини очиб, дуо ўқиди.

Елкасига икки марта урилгач, Жон ўзига келди. Ҳайдовчининг қўлидан бош кийимини олиб, бошига кийди. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек, камерасини серсоя гужум тагидаги чойхона томонга қаратди.

– Қани, автобусга чиқинглар, жўнаймиз!

Юмшоқ ўриндиққа жойлашган Жон, беихтиёр ўзини бир зумда ҳушига келтирган нуроний чол ҳақида ўйлай бошлади. Унга миннатдорлик билдирмасам бўлмайди, деб ўйлади.

Ҳайдовчи орқали нуроний кишига нима демоқчилиги ҳақида бош қотириб, фикрини бир жойга тўплаб олди.

– Кечирасиз, – деди ҳайдовчи тарафга энгашиб, – анови нуроний кишига миннатдорлик билдириш учун қанча пул берсам бўлади? – деб сўради.

Ҳайдовчи саёҳатчининг сўзидан ҳайратланиб, елка қисиб қўйди:

– Менимча, ҳеч нарса бериш шарт эмас. Раҳмат айтиб қўйсангиз, шунинг ўзи кифоя.

– Ростданми?

Ҳайдовчи бу ерлик одамларнинг арзимаган ёрдами учун пул олишни ўзларига эп кўрмаслигини айтмоқчи эди, бироқ уни тушунтириш учун кўп вақт кераклигини ўйладими ёки инглизчада тушунтириш қийинлигини билибми, хуллас, қисқагина қилиб:

– Бизда шунақа…– деб қўя қолди.

– У ҳолда менинг номимдан ташаккуримни етказиб қўйсангиз?

– Албатта.

Ҳайдовчи салондагилар эшитгудек овозда:

– Сайёҳ Жон Тўхтамиш отага миннатдорлик билдирмоқда! – деди.

– Сайёҳ қаерлик?

– Хориждан, исми – Жон!

– Нуроний ота экстрасенслар?

Ҳайдовчи Жоннинг бу саволига жавоб беришдан аввал Тўхтамиш отани таърифлаш учун инглизча сўз ахтарди. Лекин йигитнинг таърифидан ортиқ сўз тополмади:

– Супер экстрасенс! – деди ғурурланиб.

У Тўхтамиш отани танирди, унинг қадим шаҳардан қолган пахса деворларга яқин жойдаги манзилга зиёратга келганларни неча бор олиб борган, ўзи ҳам сеансларда иштирок этган эди.

– Супер экстрасенс?! – ҳайратланди Жон.

АХУРАМАЗДА ТОҒЛАР ОРТИГА КЕТГАНДА

– Магупта! – дея ҳайқирди қувончи ичига сиғмаган чўпон.

Чўпон қанчалик шод бўлмасин, ҳужумга шай турган йўлбарснинг қонга тўла кўзларидан нигоҳини узмади.

Йўлбарс эса чўпоннинг найза ўқталишини аллақачон пайқаганди. Шу боисдан думини кўтариб, ҳужумга шайланди.

Жанг бошланишига кўзи етган чўпон тўқнашувни кўз олдига келтириб, томирида қони жўш урди. Оёқлари кўлнинг ботқоғига қоришиб бораверди.

Гўдак йўлбарс томонга иккинчи бора қўл силтади. Йўлбарс бу ишорага тушунмади, шекилли, у энгашиб жажжи қўллари билан ердан тупроқ олиб, йўлбарсга белги юборгандек бўлди. Шу онда кўкимтир парда йўлбарснинг олдини тўсди. Йиртқич кимдандир ҳайиққандек тисарилди ва бошини эгиб, кўз қири билан гўдакка тикилди. Сўнг ортга қайтди. Думини ликиллатиб, тўқайга кириб кетди. Бир лаҳзада ғойиб бўлди.

Спитама қавми чўпони оёқ остидан чиққан хатардан қутилган бўлсада, тизза бўйи ботқоқликдан оёғини чиқариб олишга уринарди. Ниҳоят, аёли билан ўғли қошига келганида:

– Ахурамаздага шарафлар бўлсин! – деган аёл товушини эшитди.

– Ахурамаздани улуғла! У сенга ажойиб ўғил ҳадя қилди.

Чўпон яшил майса устига тиз чўкди.

– О, Ахурамазда! О, Меҳрибон Митра! Сизга олқишларим чексиз! Подамиздаги энг семиз жонликларни сизларнинг пойингизга қурбонлик қиламан!

Машаққату хавф-хатар олдида бош эгмайдиган довюрак ва қаҳри қаттиқ Хуварнонинг фарзанди кўзларидан ёш оқарди.

Бу пайтда Митра йўлбошчилик қилаётган оловли арава ғарб томон елиб борарди.

Кўп ўтмай Наврўз куёши Окс дарёсининг бепоён ирмоқлари устидан ошиб ўтиб, тун бағрига ўрнашди.

Унинг кўл юзидаги сўнгги шафақини Ахриман кўршапалак сингари ўғирлаб коронғулик қаърига яширди.

Кўкда сон-саноқсиз юлдузлар ёғду соча бошлади. Аммо улар инсонлар учун зарур бўлган ёруғлик ва илиқликни тарата олмасди.

Ахурамазданинг ётоғига кирганини кўрган Ахриман худди шуни кутиб тургандек, Хуварно ўлкасига ўзининг зим-зиё ва совуқ тун пардасини ёйди.

Тун инсонларни совуқ бағрига олди, Ахриманни турфа рангдаги жонсиз шарпалари билан ваҳимага сола бошлади.

Ҳар доим Ахурамазданинг оловли аравасида унинг дунёга таратаётган нури ва тафтидан қочиб, Қандарга қўлига бориб жон сақлайдиган Ахриманнинг сон-соноқсиз лашкари уйғонди.

Оқшомги кўл устидан турли хил қўланкалар у ёқда-бу ёққа ўта бошлади. Аёз гўдакнинг бутун вужудини музлатиб юборди. Чўпон муз қотган ерга найза санчиб, эгнидаги чарм халтасидан чодирни олиб ўрнатди. Калта тўнини ечиб, тонг отишини кутди.

– Карамотли Ахурамазда оловидан битта чўғ топиладими? – деди совуқ қотган аёл қўрқувдан дилдираб.

– Гўнг орасига яширган чўғ бор, – деди чўпон.

– Мен ўтин ғамлай олмадим, – деди аёл. – Ҳеч бўлмаганида ит билан хўроз[1] олиб келмабсиз.

– Улар чодирни қўриклаб қолишди, – деди чўпон.

[1] Ит билан хўроз Зардушт замонида илоҳий саналган.

Бир пайт Қандарга кўли тарафдан тирик мавжудот этни жунжуктириб юборгудек, дахшатли ҳайқириқ эшитилди. Кўл юзини қоплаган муз, қарсиллаб ёрилиб кетди. Тўқайлар ваҳимали эди, ҳайвонлар уясига кириб яширинди. Ўғлини бағрига босиб олган аёл қўрқувдан титраган кўйи деди:

– Бу зулмат туннинг ёвуз фариштаси Аҳриманнинг овози. У нега бунчалар ғазабланмоқда экан? У ўзига бас кела оладиган ўғлоннинг дунёга келганидан хабар топган бўлса керак? – Энди нима қиламиз? – сўради аёл. – Олов ёққанимизда эди?

– Ўтинимиз йўқ, – деди чўпон.

Шу пайт қаердандир олисдан хўрознинг қичқиргани эшитилди.

Чўпон хурсанд бўлганидан, деди:

– Хўрознинг биринчи қичқириғи ўтди. Яна икки марта қичқиради – Шунақа... – дея эркакнинг сўзини маъқуллади аёл. Бир пайт ёнгинасидан йўлбарснинг ҳайқириғи қулоққа чалинди. Она Магуптани бағрига маҳкам босди. Чўпоннинг мис пичоқдан бошқа қуроли йўқ, найзасини чодирга устун ўрнида қадаб қўйганди.

– Хўроз тезроқ қичқира қолсайди? – деди аёл ваҳимага тушиб.

Чўпон пичоғини қинидан суғурди. Энди шундоққина остонада йўлбарснинг ҳириллагани эшитилди.

Чодир ичини зулмат қоплаган, атроф жимжит, ҳатто кўкда юлдузлар кўринмасди, Аҳриманнинг совуқ руҳи бунга йўл қўймас, кўздан йироқлаштирганди.

– Олов бўлгандами? – хўрсинди аёли, ўғлини қоронғуликдан, совуқдан, қўрқув азобидан, бир қадам нарида ҳужумга шай турган ўткир панжалари билан ўлжасининг юмшоқ баданига чанг солишга тайёр йўлбарсдан ҳимоя қилишга ҳозирланган чўпонга қараб.

– Олов бўлганида эди! – шивирлади она.

Чўпоннинг чарм халтасидаги мис идишда бош бармоқдек келадиган чўғ кулга кўмилиб шуъла таратиб ётарди. Аммо уни олишнинг, олган тақдирда ҳам аланга олдиришнинг иложи йўқ эди. Негаки, атрофда ўтга қалагудек ўтиннинг ўзи йўқ.

Йўлбарс яна наъра тортди. Унинг ҳужумга бел боғлаганини сезган чўпон қўлидаги пичоқ дастасини янада маҳкамроқ сиқиб, олушувга шай турди. Кутилмаганда ташланган ўткир панжа чодирнинг бир томонини иккига бўлиб юборди. У ёвуз нигоҳ-ла, она бағридаги гўдакдан кўз узмай тикилиб турарди. Фарзанди билан аёлини ҳимоя қилишга чоғланган чўпон тиғни қаттиқ ушлаб, ҳужумни қайтаришга шайланди.

Шунда кутилмаган воқеа юз берди.

Яқин атрофдан қандайдир хириллаган яна бир овоз эшитилди. “Яна бирортаси ҳужум қилмоқчи” деган хаёл ортга чекинди. Чодир тешигидан ичкарига кўз тикканча иккита кўкиш олов “ялт” этди-ю, ғойиб бўлди. Олов эгаси йўлбарсни бир неча қадам ортга кетишга мажбур қилган эди.

Чўпон кўз очиб-юмгунча содир бўлган воқеани англаб етгунча оёғи остида илиқликни туйди. Атрофни бир зумда осойишталик ва қушларнинг ёқимли чуғурлаши эгаллади. Қўрқув ва ғазаб ўрнини меҳр ва шодлик маҳв этганди.

– Офтоб чиқишига оз қолди, – деди гўдак ёқимли, мулойим овозда чулдираб.

– Олов ёққанда эди! – деди аёл ўзини ўнглаб олиб.

Хатар ортда қолганди. Чўпон енгил нафас олди, ҳужумга шай танаси бўшашди.

Чўпон қоронғуда чарм халтани пайпаслаб топиб, ичидан мис идишни чиқарди, қопқоғини очиб, кулни эҳтиёткорлик билан кавлади, кейин эса чўғни бир бор пуфлаганди, кўкда ёғду сочган юлдуз каби аланга олди.

Чўғ бехосдан ерга тушиб кетди. Шунда чўғ сўниш ўрнига, қандайдир куч таъсирида аланга ола бошлади. Оёқ остидаги яшил майсалар худди қуриган шох-шаббалар каби "чирт-чирт" этиб, атрофга ёғду соча бошлади. Олов кучайгандан кучайиб ёна бошлади.

– О, Ахурамазда! Сенинг шарофатинг ва марҳаматинг, меҳр-мурувватингга шубҳам йўқ! – шивирлади аёл. Қучоғидаги гўдак алланималар деб қўлларини оловга тутди.

Чўпоннинг кичик чодири нур ва ҳароратга тўлиб-тошди.

– Чанқадим..., – деди аёл эрига. Мешда сув тугабди, шекилли.

Шу чоғда кўл тарафдан бақаларнинг "вақ-вақ"и қулоққа чалинди.

– Мешни узатиб юбор, кўлдан сув олиб келаман!

...Чўпон боягина содир бўлган хатарга парво қилмасдан чодирдан чиқиб кетди.

Уч-тўрт қадам ташлаб кўл бўйига етиб келди.

Қуёш ботганда муз қоплаган кўл юзидаги майда тўлқинларда кўкдаги сон-саноқсиз юлдузлар чайқаларди.

Чўпон чодирига кирганида олисдан хўрозлар қичқира бошлади.

– Хўрозлар иккинчи маротаба қичқиряпти, – деди аёл хурсанд бўлиб.

– Эшитдим, – деди чўпон. – Кўл юзидаги муз эрибди.

– Биламан, – деди аёл илк бор юзига табассум югуриб.

– Энди кўрқмасак ҳам бўлади. Чодиримиз ёруғ ва илиқ. Қорнинг очган бўлса халтада егулик бор.

Улар олов атрофида ўтириб, тўроқ ейишга киришдилар.

Хўрозлар учинчи бора қичқирди. Шарқ томон қизара бошлади. Чўллар, дарёлар, тоғларни ортда қолдириб, Ахурамазданинг оловли аравасини ҳайдаган сахий ва меҳрибон Митра йўлга тушган эди.

У шошиларди. Ўлкалар, чўллар, кўл бўйларини макон тутган халқ уни интизорлик билан кутмоқда.

Атроф ёришиб, нур Аҳриманнинг ёвуз руҳини Кандарга кўли томон қува бошлади. Чодир ёруғликка бурканди. Чўпон ўртадаги оловга энгашди. Кечагина нур ва илиқлик таратиб турган олов ўрнида яшил майсалар ястаниб ётарди. Кутилмаганда майса устида бош бармоқдек келадиган чўғ кўзга ташланди. Чўпон уни дарров олди-да, олов сақлайдиган идишга солиб, қопқоғини бекитди. Бу раҳмдил ва кудратли Ахурамазда одамзотга инъом этган олов эди.

ПАНСИОНАТДА

Микроавтобус манзилга етиб келганида ёз оқшоми бутун борлиққа ҳукмронлик қила бошлаган, кўчалардаги чироқлар ҳар доимгидек атрофни ёритиб турарди. "Экстрасенс Тўхтамиш ота" деб таништирилган

киши, бир кайвони аёл ва бошқа йўловчилар йўл ёқасида тушиб қолишди. Сайёҳ Жон салонда бадқовоқ одам билан ёлғиз қолганини пайқади.

– Мени пансионатга олиб борсангиз, илтимос, – деди Жон ҳайдовчига.

– Хўп бўлади, – деди ҳайдовчи қувноқ оҳангда. Ўзга юртдан келган меҳмонлар ҳар доим шу жойни танлашади. Номи ҳам ўзига хос "Ҳуварно"

Жон бу иборани қаердадир эшитганди.. "Қаерда эшитган эдим-а?" дея ўйлай бошлади. Аммо, эслай олмади. "Қиммат костюм-шим кийган манави бадқовоқ киши ҳам ўша ерга борса керак?" Текис йўлда келаётган машина тун қўйнида суви қоп-қора, тинмай шарқираган овоз чиқариб, сув отиб турган кўл бўйидаги уч қаватли пансионат олдига келиб тўхтади.

– Ҳуварнога хуш келибсиз! – деди келганларни эшик олдида кутиб олишга чиққан, атлас кўйлак кийган нозиккина, қорачадан келган қиз кулимсираб инглиз тилида. Ундан сўнг бадқовоқ киши шеригига бир нималардир деди. Жон улар нима ҳақда гапирганини тушунмади.

– Раҳмат, – деди мушкули осон бўлганидан севинган сайёҳ. Олис сафарга илк маротаба йўл олгани Жоннинг юрагида ҳадик уйғотди. Устига-устак бу юртнинг тили, урф-одатларини билмаса...

– Менга бир кишилик хона берсангиз? – деди Жон қизга мулойим боқиб.

– Албатта! – деди қиз мулойим кулиб. – Деразаси кўлга қараган хона бўладими?

– Яхши, – деди Жон рози бўлиб, мийиғида кулиб қўйди. Ичида: "Қаеридир Кэтига ўхшаб кетаркан", деди.

Жон сафар халтасини елкасига осганча қиз ортидан эргашди ва қизнинг исмини сўради.

– Гулниҳол! – жавоб берди қиз.

Қиз юришдан тўхтаб, ортига ўгирилди. "Назаримда, овоз эгаси унга эътибор бермаганидан норози" хаёлидан ўтказди йигит.

Бадқовоқ қизга нималарнидир гапирди, қиз бошини қуйи солиб тингларди. Жон улар орасидаги бундай муносабат меҳмон билан меҳмонхона хизматчиси ўртасидаги муносабатдан кўра, хўжайин билан ходим муносабатига ўхшашлигини англаб, ҳайрон бўлди.

– У меҳмон эмасми? – сўради Жон қиздан.

– Йўқ, – қиз хушламайгина жавоб қайтарди.

– Унда ким? – саволи ўринсиз эканлигини пайқаган йигит қизариб кетди.

– У "Ҳуварно" пансионати хўжайини.

– Пансионат хўжайини? Демак, йўл бўйи миқ этмай келган, тўла гавдали, бош кийимини қўлидан қўймаган жаноб, меҳмон эмас, шу ерлик экан-да?

Жон ёш бўлишига қарамай, кўпгина инсонлар билан ҳамкорликда иш қилган. Айниқса, бизнесда ўзига бино қўйган, бошқалардан юқориман деб юрадиганларни, қаллобларни, яхши ва ёмонларни учратган эди.

"Буниси ҳам ўзига бино қўйган кимсалар тоифасидан экан-да?!" хаёлидан ўтказди йигит.

Қиз остонада тўхтаб огоҳлантирди.

– Деразанинг фақат бир тарафини очганингиз маъқул! Ҳар ҳолда кўл бўйи, чақувчи ҳашоратлар бор. Хайрли тун!

– О кэй! – бош ирғади йигит. "Қоматининг аллақаери Кэтиникига ўхшаб кетаркан".

– Кечирасиз, исмингиз?

– Гулниҳол!...

– Меники Жон.

– Биламан, – деди қиз. Кетишга шошаётгани сезилиб турарди. – Ҳужжатингизни кўрганман.

Эшик ёпилди. Жон ванна қабул қилмокчи бўлиб кийимларини ечди. Кейин деразани очди.

Чивин кирмаслиги учун тўр тутилганди. Кўл суви қоп-қора бўлиб кўзга ташланарди.

Тўлқинларнинг шовуллаши қулоққа чалиниб, хонани балиқ ва бошқа чет эллик меҳмон учун бегона ифорлар тутиб кетди. Кўлнинг тунги ҳузурбахш ҳавоси, кун бўйи иссиқ ҳароратдан кейинги салқинлик жонга роҳат бағишларди. Ногаҳон кўз ўнгида упелек[1] худди енгил пардек пайдо бўлди. У хонадан ташқарига чиқишга уринаётгандек, оппоқ чойшаблар устидан учиб, ювиниш хонаси эшигигача борди. Ичкарига кирмасдан яна ортга қайтди. Йигитнинг боши узра икки-уч бор айланди. Сўнгра қандай келган бўлса, шундай ғойиб бўлди. Худди ҳавога сингиб кетгандек.

Йигитнинг хаёлидан турфа ўйлар кечди. Балки у қайсидир ўсимликнинг упелекидир, хонага кириб олган-у, бирор бурчакка бекинган, ҳозир эса деразадан кирган шабада туфайли ҳаракатланаётгандир. Ёки вафот этганига унча кўп бўлмаган онасининг руҳимикин?

У қандай қилиб олислардан бу томонларга кела олдийкин?

Жонни олис йўл чарчатганди. Юмшоқ ўриндиққа шунчаки чўзилган йигит, сочиғини кўлига ушлаганча уйқуга кетди, ваннага етиб бора олмади.

… Даҳшатли овоздан уйғонган Жон чўчиб тўшди. Деразадан мўралаган прожектор ёғдуси хонани қиличдек кесиб ўтганди. Хавотирдан, юраги гурс-гурс урди. Ўрнидан турди-да, ташқарига назар ташлади. Тим қора кўл юзида прожектор ёруғида пулемёт товуши деб ўйлагани, пойга ўйнаб, у ёқдан-бу ёққа сузаётган моторли қайиқларнинг шовқини экан.

– Улар тунда пойга ўйнашаяптими? – деган хаёлга борди Жон. Шаҳар кўчаларини шовқинга тўлдириб, тунда пойга ўтказадиган байкерларни эслади шу тобда.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, пойга якунига етдими ёки бошқа сабабми, моторлар овози тинди. Қайиқлар пансионат олдидаги эстакада қошига келиб тўхтади. Баланд овозда аллакимларнинг бир-бирига бир нималар деб гапираётганлари элас-элас қулоққа чалинарди. Жон деразани ёпди-да, ортга қайтиб, юмшоқ ўринга чўзилди.

Тонг саҳардан сайрга чиққан Жон қайиқлар ёнида одамларнинг тўпланиб турганига кўзи тушди ва ўша тарафга юрди. Тўпланганлар балиқларни бир четга суриб, нималарнидир гапириб, ўзаро тортишаётганликларини пайқади.

Жон балиқларга қизиқувчанлик билан тикилди. Улар орасида шўртан, сазан, илонбалиқлар бор эди. Шунда бир чеккада чўзилиб ётган, узунлиги бир метрдан зиёд балиқ эътиборини тортди.

Эҳтимол, йиғилганлар ҳам ўша, балиққа ўхшаган махлуқ хусусида баҳс юритаётгандирлар. Жон бундай жонзотнинг сурати ёки унга ўхшашини ҳеч бир китоб ва на фильмда учратмаганди. Ҳайрати ошиб ундан кўз узолмай қолди.

[1] Упелек – ҳашарот тури.

Номаълум махлуқнинг боши инсон бошига ўхшаб кетар, айниқса, юмуқ кўзи атрофидаги киприклари одамникини эслатар, сузгичлари эса қўлга ўхшарди. Хуллас, қайсидир тарафлари билан у сувга чўкиб нобуд бўлган инсонга ўхшаб кетарди.

Жон тўпланганлар орасидан устига спорт кийими кийган пансионат хўжайинини таниди. У бошини қуйи солиб турган, юзи ва қўллари қуёш тиғидан қорайиб кетган йигитга еб қуйгудек тикилиб, қўлини пахса қилганча нималарнидир гапирмоқда. Йигит эса гуноҳкор одамдек ердан бошини кўтармасди.

Жон тош йўлкада қадам товушларини эшитди, ўша тарафга қараган эди, Гулниҳолни кўриб, севиниб кетди. Исмини эшитган заҳоти, унутиб қўймаслик учун бир неча маротаба ичдан такрорлагани қўл келди.

– Гулниҳол!

Қиз Жонни кўриб шу тарафга юра бошлади.

– Гудмонинг! – Гулниҳол саломлашиб йигитга тикилди ва:

– Яхши дам олгансиз, деб умид қиламан.

– Тунги қайиқлар пойгасини инобатга олмаганда, – деди Жон ҳорғин. Менга тушунтириб беролмайсизми, нима шовқин.

– Тушунтириб беринг дейсизми – сўради қиз.

– Тунда моторлар товушидан уйғониб кетдим. Қайиқлар пойгаси ўтказилаётган бўлса керак, деб ўйладим.

Қиз ерга тикилганча кулимсиради.

– Қайиқлар дедингизми? Улар тинчингизни бузгани учун сиздан узр сўрайман. Тунда браконьерлар балиқ овлашган чоғи. Бизникилар уларнинг ортидан қувлашган. Анави ерда ётган балиқлар уларники бўлса керак.

– Энди уларни нима қилишади?

– Ҳужжатлаштириб уларни тегишли жойга юборадилар.

– Ажабо! – деди Жон, браконьерлар тақдири эмас, мени анави махлуқ қизиқтиряпти.

– Қайси махлуқ? – савол берди қиз. Унинг тим қора кўзларида қизиқувчанлик аломати пайдо бўлди.

– Анави, чеккадаги, – деди йигит қўли билан ўзи қизиқаётган жонзотни кўрсатиб.

Улар одамлар тўпланиб турган жойга келишди.

Бунақа махлуқни Гулниҳол ҳам ҳали учратмаганди.

– Менимча, бу карамоатли Ҳубби бобомиз авлодидан тарқаган махлуқ бўлса керак, – деди куёшда қорайган йигитдан нигоҳини ерда ётган жонзотга қаратган пансионат хўжайини.

– Нега тутган заҳоти уни сувга қўйиб юбормадингиз?

– Мен кеча… коронғуда кўрмагандим… Каттакон балиқ бўлса керак деб ўйладим.

– Аллақачон ўлиб қолгандир? – деди кимдир.

– Етти пуштингга иснод келтирадиган, кечириб бўлмас гуноҳ иш қилиб қўйганингни биласанми? – деди бадқовоқ киши куйинчаклик билан.

Унинг сўзи Гулниҳолни ҳам қизиқтириб қўйганди.

– Наҳот уни Ҳубби бобо авлодидан деб ўйлаётган бўлсангиз?

– Бошқа нима ҳам бўлиши мумкин! – деди пансионат хўжайини. – Яхшилаб разм сол, худди инсонга… У нимагадир кейинги сўзини давом эттирмади.

Гулниҳол пансионат администратори ва Ҳуварно сайёҳлик фирмасининг гиди бўлиб, Кўҳна қўрғонлар дараси жойлашган бу ернинг тарихини яхши билар, ривоят ва афсоналаридан хабардор эди. Табиийки, Ҳубби бобо ҳақида ҳам эшитган.

– Бизда шундай афсона мавжуд, – ҳикоясини бошлади қиз. Окс дарёсида Ҳубби деган ярми балиқ инсон яшаган. У дарё билан Қандарга кўлида кемаси ҳалокатга учраганларни ҳар доим қирғоққа элтиб қўяркан. Балки шунинг учун бўлса керак, зулмат ва ёвузлик худоси Ахриман уни жазолагандир.

– О! – Жон лол бўлиб қолди ва севингандан қарсак чалиб юборди. Бу афсона у олдига қўйган мақсад сари ташланган илк қадамга ўхшаб кўринди. Шунча йўл босиб, Амударёнинг қуйи соҳилида, саҳрода жойлашган Кўҳна қўрғонлар дарасига келгани беҳуда эмасди.

– Ҳубби…Ҳубби, – дея такрорлади у. – Ўша ярми балиқ инсон қайси даврларда яшаган?

Гулниҳол бироз хаёлга чўмди ва:

– Аниқ эмас, Зардушт замонида яшаган бўлиши ҳам мумкин.

– Зардушт! – Бу сўзни тилга олганда Жоннинг ҳаяжонланганини товушининг титраб чиққанидан билса бўларди.

– Балки, шундай, – маъқуллади қиз.

– Шунда у… – жонзот ётган тарафни кўрсатаркан: – Чиндан ҳам Ҳубби бобо наслиданмикан? – сўради йигит.

– Ким билсин? – елкасини қисди қиз. Унинг танаси инсонни эслатмайдими?

Жон тасдиклагандек, бош ирғади.

– Савол берсам майлими? – сўзида давом этди Гулниҳол бироз жимликдан сўнг. – Кўҳна қўрғонлар дарасига саёҳатни қачон бошламоқчисиз?

– Йўл чарчатди, шекилли. Бир-икки кун дам олмоқчиман.

– Тушундим. Қачон бормоқчилигингизни айтиб қўйсангиз, машина айтиб қўямиз.

– Жуда соз! – бош ирғади йигит. – Нонуштагача бироз айланмоқчиман.

– Кўришгунча.

Шу орада машинадан униформа кийган иккита йигит тушиб, улар табиатни муҳофаза қилувчилар шекилли, папкадан қоғозларини олиб, кечаги воқеалар хусусида маълумот олишга киришдилар.

– Ёқуббой оға! – деди келганлардан бири бадковоқ кишига юзланиб. – Браконьерларни қўлга олишдими?

– Ҳа, қўлга олдик. Хабарингиз бўлса керак, кўл меники, уни қонунан расмийлаштириб, ижарага олганман.

– Хабаримиз бор, – деди форма кийганлардан бири беписанд. – Уларни қўлга туширганларингиз учун ташаккур.

– Хўш, улар қанча балиқ тутишибди?

Узунлиги бир метрдан зиёд, кўзлари юмуқ, киприклари инсонникига ўхшаш жонзотга кўзи тушган инспектор ҳайратдан донг қотди.

– Бу нима?

– Балки сизлар билсангиз керак? Пансионат хўжайини саволга савол билан жавоб қайтарди.

– Умримда биринчи бора учратишим бунақасини. Балки сувга чўккан балиқчи… – Инспектор кейинги сўзни айтишга ботинолмади чоғи, жим бўлиб қолди.

– Бу бобокалонимиз Ҳубби бобонинг… яна ким билади, дейсиз. Нима бўлганда ҳам изи яхшиликка бўлсин!

– Бунақа жонзотни аввал ҳам учратганмисиз?

– Кекса овчилардан эшитганим бор. Уларнинг тўрига аҳён-аҳёнда қаерларидир инсонникига ўхшаш махлуқлар илиниб тураркан.

– Балиқчилар-чи?

– Улар Ҳубби бобо ҳақига оятлар ўқиб, тиловатлар қилиб, ўзлари овлаган энг йирик балиқларни жонзот билан биргаликда кўлга қўйиб юборишар, шундай қилмаса, Ҳубби бобонинг руҳи ғазабланиб, биз қийинчиликка учраган пайтимизда қўллаб-қувватламайди, деб қўрқишаркан. Мана булар эса уни катта балиқ деб ўйлашган, ёки бунга эътибор беришмаган. Махлуқ эса нобуд бўлибди.

– Энди бу ёғи нима бўлади?

– Ким билади дейсиз!

– Актга нима деб ёзамиз? – дея инспектор пансионат хўжайиинига тикилди. Кўлнинг эгаси иккиланиб елкасини учириб қўйди.

ЁҚУББОЙ

Пансионат хужайинининг исми Ёқуббой бўлиб, у шу кўлга яқин овуллардан бирида истиқомат қилади. Ўн-ўн беш хонадондан иборат Чимқўрғон овулида, ҳали собиқ тузум ҳукмрон бўлиб турган пайтларда туғилган. Болалиги, ёшлиги ўша даврларга тўғри келган. Ўтмишни хотирлаганда кўнглига ғулғула соладиган, баъзида кўзларига беихтиёр ёш қуйиладиган, алам билан бош чайқаб, мушти тугиладиган дамлари йўқ эмас. У кўнгилига хуш ёқадиган дамларни эслашни яхши кўради. Юрак-бағрини тимдалайдиган воқеаларни ёдга олишни хоҳламайди.

Шундай бўлса-да, начора? Ҳар доим ҳам ёқимли таассуротлар хотирланавермайди, ноҳушларидан эса қочиб қутулолмайсан, киши.

У болалик чоғларини ёдга олганда, ҳали-ҳануз қовоқлари осилиб, мушти тугилади. Кўзларида ёш ғилтиллайди.

… Дадаси уйига жуда кеч, у уйқуга ётар пайтида келганларини эласэлас хотирлайди. У пайтларда ҳали мактабга бормаган эди. Ҳамиша устидан лампа ёғнинг ҳиди анқиб турадиган, қаварган қўлларининг ёғи совунлаб ювса ҳам кетмайдиган дадасини эшикда кутиб оладиган онаси, бўз сочиқни елкасига ташлаб, илиқ сув қуйилган идишни қўлига олиб:

– Ювиниб оласизми, дадаси? – деб кутиб оларди. Унинг меҳрибон овозидек овозни Ёқуббой асло эшитмаган бўлса керак.

Дадаси лампа ёғининг ҳиди сингган кўйлагини ечиб, қўлига совунни олиб, ювинишга киришарди.

– Бугун трактор яна бузилди,– дейди дадаси жимликни бузиб. – Даладан қачон келдинг?

– Қош қорайганда.

Дадаси ўғли Ёқуббойга қараб қўяди. Онаси эрининг нима демоқчилигини дарров пайқайди.

– Турсун опамникида қолдириб кетдим, – дейди онаси худди айбдор одамдек.

Ювиниб бўлгач, дадаси дастурхонга қўйилган жўхори ёрмани ичиб, мудрай бошлайди. “Қўлингиздаги қорамой доғлари қанча ювсаям кетмайди?” деб сўрамоқчи бўлиб ўтирган Ёқуббой, бу пайтда ухлаб қолган бўлади. Тонг отмай уйғониб кетган бола ўзини дадаси қўлида кўтариб бораётганини ҳис этади.

– Секин, секинроқ, уйқуси бузилмасин, – шивирлайди меҳрибон овоз.

Дадаси индамайди. Ширин уйқуси бузилган бола негадир кўзини очгиси келмайди. Темирдек қўллар болани кигизга ётқизиб, бошини оҳиста силаб қўяди. Бола димоғига урилган ҳиддан бурнини аста ишқалайди, дадасидан доим анқиб турадиган бу ҳид негадир ёқимли эди. Шундан буён орадан қанча йиллар ўтиб кетди. Дадасидан таралган ҳид бўлгани учунми, у ҳалигача нефт ҳидини хуш кўради.

Қуёш кўтарилгач, уйғонган бола ўзини Турсун опасининг кулбасида кўрарди. Бу пайтда Зулайҳо кулба олдидаги ўчоққа ўт қалаётган бўлади. Зулайҳо Турсун опасининг Ёқуббойдан бир-икки ёш катта қизи бўлиб, мактабга энди борган, онасининг қўл-қаноти эди.

Бола кун бўйи дадаси билан онасини кўрмайди. Онаси қолдириб кетган нонни кавшаб, Турсун опаси пиширган ёрмани ичиб, бир туп тут соясида Зулайҳо билан қоронғу тушиб, то онаси даладаги ишидан келгунга қадар ўйнайди. Гоҳо ўйнаб ўтирган жойида ухлаб ҳам қолади.

Дадаси кеч келади, баъзан келмай ҳам қолади.

Кунларнинг бирида дадаси бутунлай келмади.

Онасининг айтишича, у шифохонада экан. Уйга олиб келганларида дадасининг ҳаммаёғи дока билан ўраб ташланган эди. У уйда узоқ ётмади. Ёқуббойнинг ёдида қолгани одамларнинг тобутни қўлма-қўл кўтариб бораётганлари, сўнг онаси билан бирга овулдан анча олисда жойлашган қабристонга борганлари, онасининг қабр бошида йиғлаб ўтирганлари… У ёғини пансионат хўжайини ҳали-ҳануз билмайди.

Дадасининг тракторчи бўлганлигини, каналнинг тор кўпригидан ўтаман, деганда трактори билан бирга кўприкдан ағанаб кетганлигини онаси бир неча бор гапириб берган.

Кейин Турсун опасининг қизи Зулайҳо билан мактабга борди. Оҳакланган, лойдан қурилган, полига тахта ўрнига ғишт терилган мактаб биноси умрида ҳали ҳеч нарса кўрмаган болага ажойиб бир сарой каби кўринган эди.

Ўн бир-ўн икки ёшларида онаси вафот этганлигини аниқ эслайди. Дарсдан сўнг Турсун опасига эргашиб, колхоз марказидаги касалхонага келганида кун иссиқ эди, юзу кўзларига қуйилган терни кўйлагининг енги билан артиб, қандайдир нотаниш ва ёқимсиз ҳид анқиб турган, бешолти кароват қаторасига қўйилган иссиқ палатага кириб келганида дастлаб онасини танимай қолди.

– Ёқуббойжон, келдингми? – деган беҳолгина, лекин таниш ва меҳрибон овоз эгаси онаси эканлигини билгач, ўзининг қаердалигини англаб:

– Ойи! – деб бақириб юборганини билмай қолди.

– Ёқуббойжон… – бемажол аёлнинг кўзларида ёш милтилларди.

– Ойи! – Ўз овозидан ўзи чўчиган йигит овозини пасайтирди, ўзини онасининг бағрига отишга ийманди.

Онасининг вафотидан сўнг боланинг кўзига кенг дунё торайиб қолгандек, яшашдан маъни йўқдек эди. Тун бўйи тўлғаниб, охири бир қарорга келди.

Яқин ерда қўлга бориб қуйиладиган канал оқиб ўтарди. Тонг оқариб келаётганда соҳилга келди. Салқин шамол ўсмирнинг сочларини силади. Оқим шиддатли эди, устига-устак Ёқуббой сузишни яхши билмайди. Энди қулочини ёзиб, этни жунжиктирувчи сувга ўзини отмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, қўққисдан "Ёқуббой" деган овоздан чўчиб тушди ва ортига ўгирилиб қарашга мажбур бўлди.

– Зулайҳо?!.

Қўлига бўш пақир ушлаган қиз тиши-тишига тегмай, қалтираб турарди.

У Ёқуббойнинг қўлидан тутди. Қизнинг кафтидаги иссиқ ҳарорат Ёқуббойнинг совқотган танасини қиздириб юборгандек бўлди.

– Бу ерда нима қилиб турибсан? – сўради Зулайҳо ундан.

Ўсмирнинг тилига шу топда бирор гап кела қолмади.

– Мен…мен… чўмилмоқчи эдим.

– Уст-бошинг биланми?

– Ҳа…

– Кун қизигандан кейин чўмиласан. Кетдик…

Қиз Ёқуббойнинг қўлидан ушлаганча ортга қайтди. Улар уйга олиб борадиган сўқмоқдан юрдилар. Сўқмоқнинг икки тарафидаги ўт-ўланларга шудринг тушган, уст-боши ҳўл бўлиб танасига ёпишган Ёқуббой оғир хаёлга ботганча борарди.

Отасининг яқин туғишганлари йўқ эди. Чимқўрғонда ҳеч ким етим бўлиб қолган Ёқуббойга ғамхўрлик қилай демасди. Лойдан тикланган икки хонали уйда якка ўзи дастлабки кунлари босинқираб, ухлолмай юрди. Оқшомлари бурчакда турган пружинали кароватда онаси ётгандек туюла бошларди. "Ёқуббой!" деган овоз қулоғига элас-элас эшитилгандек бўлаверди.

Бир куни ўқишдан келган Ёқуббой эшикнинг олдида бир эшак боғлоғлик турганини кўриб, ҳайрон қолди. Уй эшиги очиқ, ичкарида, наматнинг устида ўтирган қарияни кўриб, ҳайрати янада ортди.

– Ассалому алейкум!

Қўлтиқтаёғини ёнига қўйиб, оёғини чўзиб ўтирган қария бошини кўтариб, болага қаради. Ёқуббой қарияга салом берди.

– Ваалейкум ассалом. Ёқуббоймисан?

– Ҳа, менман.

– Ўтир, – деди меҳмон ёнидан жой кўрсатиб.

Ўсмир чўкка тушди. Қария қуръон тиловат қилди, сўнг қўлини очиб, юзига фотиҳа тортди.

– Мен Шўрохонлик тоғанг бўламан, – деди меҳмон хирилдоқ товушини баланд кўтариб. – Онанг менинг синглим бўлади. Жанозасига кела олмадим, хабар бориб етмади. Илоҳим, жойи жаннатда бўлсин!

Шўрохондаги тоғалари ҳақида энди эшитиб ўтирган Ёқуббойнинг кўзига ёш келди. Мени ҳам йўқлайдиган яқинларим бор экан-ку, деб қўйди ичида.

Қария толиқди шекилли, гапиришдан тўхтади. Ёнида ётган қўлтиқтаёғини олиб, чарм ботинкасини бир-икки уриб қўйди. Сўнг:

– Хуллас, мен сени олиб кетгани келдим! – деди

– Қаёққа?

– Шўрохон овулига, уйга…

Ёқуббой учун бу кутилмаган хабар эди. Нима дейишини билмай, ўйланиб қолди. Унинг сукут сақлаганини ўзича йўйган қария ўрнидан туришга чоғланди:

– Қўлимдан тортиб юбор!

Ўсмир шартта туриб, ёрдамга қўл чўзди. Қариянинг бир оёғининг букилмаслигини пайқагандек бўлди, аслида ҳам бир оёғи ёғочдан эканлиги кўриниб қолди. Ёқуббойнинг ҳайратланиб турганини англаган тоғаси:

– Бир оёғимни урушда қолдирганман, – деди.

– Улуғ Ватан урушига борганмисиз[1]?

– Йўқса, қаёққа? – қовоғи осилди тоғасининг. – Кетдикми?

– Мен ҳеч қаёққа бормайман! – деди ўсмир меҳмонни ҳайрон қолдириб.

– Сени олиб кетаман.

– Ҳеч қаёққа кетмайман.

Меҳмон ёғоч оёғида тикка туриб олди.

– Ахир, бу ерда бир ўзинг қандай яшайсан?

– Ёлғиз эмасман, Турсун опамнинг қизи… Зулайҳо бор…

Ўсмирни кўндира олмаган меҳмон бир амаллаб эшагига миниб олди.

– Демак, бормайсанми бизникига?

– Уйдан ҳеч қаёққа кетмайман.

Қария эшак устида анча ўйланиб ўтирди. Жиянини олиб кетиш ниятидан воз кечди чоғи, ниҳоят хирилдоқ, дағал овози юмшади.

– Сен синглимдан қолган ёлғиз ёдгоримсан. Қаерда юрсанг ҳам омон бўл. Агар қийналсанг, тортинмасдан уйга бор. Шўрохонда: "Давлат чўлоқнинг уйи қайси?" деб сўрасанг, одамлар кўрсатиб юборади. Чолнинг оппоқ қошлари тагидаги нурсиз кўзлари намланди, ҳатто бир-икки томчи ёш сийрак киприкларига инди.

– Хўп, – деди ўсмир ердан кўз узмай.

Қария эшагини ниқтаб, катта йўлга туташадиган сўқмоққа юрди. Ўсмир уни ортидан кузатиб қолди. Кўп ўтмай тоғаси эшагини тўхтатдида, ортига бурилиб:

– Исминг Ёқуббоймиди? – деб сўради.

– Ҳа, Ёқуббой, Давлат тоға!

Шу дамда ўсмирнинг дилига ғулғула тушди. Ортига қайтиб, кимсасиз қолган ҳужрага қадам қўйганида оқшомдаги босинқирашлар хаёлида қайта жонланди. Тоғам билан кетганим яхшимиди, деб ўйлаб қолди.

Онаси вафот этганидан буён Турсун опаси ҳар куни бир бўлак нон, косада бўтқа ёки сутни қизидан бериб юборар, агар Ёқуббой уйда бўлмаса, Зулайҳо олиб келган егуликни ҳужрадаги ўчоқнинг устига қўйиб кетарди. Ёқуббой ҳеч нарсани ўйламай нонни еб, бўткани ичиб юраверарди. Бир куни ўқишдан келиб, ичкари киргани ҳамон эшик тақиллаб қолди.

Остонада бошига қалпоқ кийган, қўлтиғига папка қисиб олган киши турарди.

– Мен овулсовет котибиман, – деди таклифсиз ичкарига кирган қалпоқли киши, – уйда сендан бошқа ким бор?

– Ҳеч ким… – Ўсмир мунғайиб ерга қаради.

– Отанг, онанг ишдами?

– Йўқ.

[1] Иккинчи жаҳон уруши собиқ иттифоқ даврида шундай аталган.

– Улар қаёққа кетишган? Икки йилнинг солиғи тўланмабди-ку. Бу Примовнинг хонадонимми?

– Ҳа, Примовники.

– Солиқни ким тўлайди?

– Билмайман.

– Нега билмайсан? Бошқалар қаёқда?

Қалпоқли киши ўтиришга ўриндиқ излаб, хужра ичини кўздан кечирди. Бир бурчакда устига бир-икки кўрпача тўшалган пружинали каровatдан бошқа ҳеч вако йўқ эди. Анча вақтдан буён супурги тегмаган наматга ўтиргиси келмади. Тик турган ҳолда қўлтиғидаги папкани очиб, ичидан жон ҳисоби қайд қилинадиган дафтарни олди-да, папкадаги дафтарга караб деди:

– Хўш, Примов…Примов… Мана, Примов Янгибой… Ер солиғи, суғурта солиғи тўланмаган, солиқ тўлаш лозимлиги ҳақида хабар қилинган.

– Кимга хабар қилгансизлар? Отамнинг вафот қилганига ҳам анча йил бўлди, – деди ўсмир қўрслик билан.

– Так…так.. нечанчи йили вафот этган.

– Билмайман…

– Ўчакишма, болакай! – ёзиб қўямиз. – Онанг-чи, қачон вафот этди?

– Шу йили…

– Шу йили? Унда сен ғирт етим экансан-да? Ёшинг нечада? Ҳозир аниқлаймиз. Мана… бу ерда ёзилишича, ўн иккига тўлибсан. Яқинларингдан ким бор овулда?

– Ҳеч ким.

– Та-к, – овулсовет котиби қўлидаги қаламини тишлаб, бир муддат хаёлга толди.Сўнгра тилга кирди:

– Интернатга борасан. Текин кийим, овқат…

– Ҳеч қаёққа бормайман.

– Кўрамиз бормаганингни!

Папкасини қўлтиғига қисиб олган котибнинг дўк-пўписаси бежиз эмас экан.

* * *

Котибнинг интернатга олиб кетамиз, деган гапини эшитган, Ёқуббой уйини узоқдан назорат қилиб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгачгина келадиган бўлди. Котиб бир неча маротаба ўсмирни тополмай, ортига қайтди.

Бир марта уйи атрофида шубҳали ҳеч кимни кўрмаган Ёқуббой остона хатлаши билан, бўсағада уни кутиб турган аллаким билан рўбарў келиб колди.

– Тўхта, зумраша! Қочиб кетолмайсан!

Тўқнаш келганда бошидаги фуражкасини туширириб юборган киши эшикдан чиққан заҳоти қочиб кетаётган ўсмирнинг ортидан югурди. Ёқуббойга етиб олгач, пахталигининг этагидан ушлади, иккаласи баравар ерга йиқилдилар. Оғзига келганини қайтармай ҳақоратлаган киши ўрнидан туриб, ўсмирни уйига судради. Котиб остонада турарди.

– Қуёндек чаққон экан, зумраша, – деди у кулгусини яширолмай,

ҳансираб етиб келган милиционерга бош кийимини узататуриб. – Барибир, биздан қочиб қутулолмайсан.

Котиб олдинда, милиционер орқада боланинг йиғисига парво қилмай, узун-қисқа бўлиб, учовлон йўлга тушдилар. Муроса қилишга келган Турсун опа билан Зулайҳонинг қўлидан ҳеч нарса келмади. Икки хонали, лойдан тикланган уйнинг эшиги тақатақ ёпилди. Кечкурун пилтали чироқнинг ғира-шира ёғдуси липиллаб турадиган кичкина дераза оқшомлари нур таратмай қўйди.

Интернатда овқат билан ётоқ жой бир нави тузук эди, лекин овулда ўсган болага қатъий тартибга кўникиш қийин кечди. Тарбиячилар жиндек айби учун тарбияланувчиларни койишдан, калтаклашдан тойишмасди. Ёқуббой интизомга риоя қилди, жабрни тарбиячилардан эмас, ўзи каби тенгқур болалардан кўрди. Келган куннинг эртасига ошхонадаги столда қарма-қарши ўтирган, сочи тақир қилиб олинган, кўк кўзли, сариқ бола Ёқуббойнинг олдида турган нонни тортиб олди.

– Нонимни бер! – деди Ёқуббой

– Нонни оз егин, йўқса, семириб кетасан! – деди сариқ бола унга еб қўйгудек тикилиб.

Ёнидаги болалар унинг сўзи кулгили бўлмаса-да, ха холаб кулдилар.

Ёқуббойнинг жаҳли чиқса-да, сурбет боланинг ҳаракатига жавоб қайтармади. Хезланиб, бир караб қўйди, холос. Ўсмирнинг сабр-бардошини қўрқдига йўйган тақирбош бола столдан туриб, Ёқуббойнинг елкасига нуқиб:

– Пакана! – деди

Болалар кулишиб, карсак чалишди.

Ёқуббойнинг жаҳли чиқиб, лабини тишлади. Лекин жаҳлига эрк бермади.

Эртасига сариқ бола Ёқуббойнинг нонини яна тортиб олди. У бош кўтармади, кўз остидан бир караб қўйди. Ёнидагиларнинг қиқирлашидан уларнинг тили бир эканлиги аён эди. Бўйи пастроқ бўлгани билан гавдаси миқти, оёқ-қўли чаққон, муштлашган чоғда рақибидан устун келиши аниқ, лекин ёнидаги ҳамроҳлари қўл қовуштириб турармикан? Ёпирилиб қолишса, ёлғиз ўзининг калтак ейиши тайин.

Тақирбош бола учинчи марта олдидаги нонни тортиб олган чоғда Ёқуббойнинг сабр косаси тўлиб кетди. Столда турган карам шўрва тўла идиш билан муштумзўр боланинг бошига қандоқ туширганини интернат ошхонасидагиларнинг барчаси кўрди. Шўрва бошидан тўкилган бола нима қиларини билмай, кўзлари чақнаб, довдираб қолди. Атрофидаги болалар эса хандон отиб кулдилар.

– Ким бошлади?!

Уларнинг ёнига зудлик билан етиб келган тарбиячи аниқлик киритишга шошилди.

– Манави, янги келган етимча! Тақирбошнинг овози йиғламсираб чиқди.

– Тур ўрнингдан! Ортимдан юр!

Ёқуббой навбатчининг ортидан эргашди. Нима қилсин, нони тортиб олинган, шўрваси тўкилган, устига-устак, қорни ўлгудек оч бўлса?

Улар аллақайси хонанинг эшиги олдида тўхташди. Навбатчи эшикни очиб, болани ичкарига итариб, ташқарисидан қулф урди. Совуқ

ҳужранинг кираверишида картошка билан карамлар сочилиб ётар, сичқон ҳиди анқиб турарди.

Кечқурун эшик қулфи очилди.Остонада навбатчи пайдо бўлиб:

– Чиқ, Примов! – деди

Улар интернат директори ҳузурига келганда, кабинет эгаси стол лампасини ёқиб, бир нимани ёзиш билан овора эди.

– Мана, ўша бола!

Директор бошини кўтариб, болага тикилди.

– Хўш-ш, товоқ тўла овқатни ўртоғингни бошига қуйган сенмисан?

– Ҳа, мен.

– Сабаб?

– У менинг нонимни тортиб олди.

– Нима учун навбатчига айтмадинг?

Ёқуббой индамай тураверди. Арз қилишни хуш кўрмаслигини айтгиси келмади.

– Бу ишинг ярашмайди.

– Нонимни тортиб олса, нима қилишим керак, ахир?

– Навбатчига айтишинг керак эди, – деди директор ҳорғин овозда. – Нон кўп, ҳаммага етади. Бир бурда нон учун ўртоғингнинг бошига шўрва тўкканинг яхшими?

Ёқуббой яна индамай тураверди.

– Нега жим турибсан, хўш, яхшими?

Албатта, яхши эмаслигини Ёқуббой билади. Лекин нонини тортиб олиш яхшими?

– Энди унақа номаъқулчиликни қилмайман деб сўз бер! – деди ниҳоят директор.

Ёқуббойдан садо чиқмади.Тақирбош бола тағин нонини тортиб олса, жим қараб тура олармиди?

– Нега жимсан? Чин сўзим, дегин!

Вақт ўтиб борар, кеч тушган, ўсмир овқатдан қуруқ қолган, қорни оч, директор эса чарчаган, уни ҳам аяш керак. “Бироқ сўзимда тура олармикинман?” деган шубҳа устун келмоқда эди.

Директор ҳамон тик оёқда турган болага тикилиб турарди. Чарчаганлиги кўзларидан яққол сезилмоқда эди.

– Энди асло унақа иш қилмайман дегин!

– Сўз бераман…

Ўқитувчи билан Ёқуббой кабинетдан чиққанларида тун яримлаб қолганди.

– Энди тақирбошдан узокроқ юр! – Маслаҳат берди ўқитувчи.

Ўзиям роса улушини олди, энди қайтиб сенга йўламаса керак …

Чиндан ҳам у Ёқуббойдан нари юрадиган бўлди.

КИРЗА ЭТИК ТЕШИГИ

… Кўприк устидаги ва Турсун опасининг уйидаги воқеалардан сўнг Ёқуббой кўп ўйланди.

– Мана, – деди Ёқуббой бир куни ўқишдан келиб колхоз ариғини қазишга жўнашдан аввал дастурхон атрофида овқатланиб ўтирганда. –

Қиш ҳам ўтди. Энди ҳадемай баҳор келиб, кунлар исиб кетади. Мен икки хонали ҳужрамни битириб олсам дегандим. Сизларни хам ташвишга қўйдим. У айбдор одамдек бошини кўтармади. – Турсун опа шунга ёғоч изласангиз дегандим.

Турсун опаси ўйланиб қолди. У етим боланинг келажак тақдирини ўйладими ёки ўзининг ёлғизи Зулайҳонинг келажаги ҳақида бош қотирдими? У ёғи номаълум эди, нихоят, юзига табассум югуриб, тилга кирди:

– Ёғоч излаб топаман. Чимкўрғон овулидан икки хонага етгудек ёғоч топилиб қолар. Бироқ бизнинг уйда яшаётганингни кўнглига оғир олма. Элнинг оғзини ёпишга эллик карич бўз керак, дейдилар ўғлим.

– Йўғ-е, нималар деяпсиз, – деди бола бошини кўтармасдан. Қачонлардир ўзимнинг алоҳида уйим бўлиши керак, ахир. Отамнинг чироғини ёқиб ўтиришим керак-ку?

– Тўғри айтасан, – деди бева аёл унинг сўзини маъқуллаб. Сўнгра кўзларида пайдо бўлган ёшни кўрсатмаслик учун ёноғини сийпалаган бўлиб, енги билан юзини артиб қўйди. Балки, ёлғиз қизи билан ўзининг беҳаловат тақдирини ўйлаб ўксигандир?

Баҳор кириб, кунлар илий бошлаганда тепаси ёниб кетган икки хонали ҳужра тамирланиб, девор ёнига Турсун опасининг кимдандир сотиб олган ёғочлари тартиб билан териб қўйилди. Лой қориш мумкин бўлган паллада товуқхонадаги бир товуқни сўйиб, ҳашарчиларни ёрдамга чақирган Турсун опасига Ёқуббойнинг миннатдорлиги чексиз эди.Унинг яхшилигини асло унутмайди.

– Энди Зулайҳо билан иккингиз ҳужра тепасини бостириб оларсизлар, – деди девор устига ёғочлар қўйилиб, лой билан сувалган пардевор битгач, ҳужрага севиниб қараб турган болага Турсун опаси.

– Албатта, Зулайҳо лой челакни арқонга боғлаб, етказиб турса, бас.

Сарвқомат, рўмолини энгаги тагидан боғлаб олган қизнинг нозик қўллари лой тўла челакни кўтариб Ёқуббойнинг кўз олдидан кетмайди.

– Қани, арқонни торт! – деди кулиб турган Зулайхо том бошидаги болага. Арқонни чираниб тортган ўсмирнинг икки кўзи Зулайҳода эди.

– Кўзингга қара, челакни тушуриб юборасан! – ишва билан кулади қиз.

Миқти гавдали ўсмирнинг чайир қўллари кўтарилган челакни чапдастлик билан илиб олади.

– Қўрқма, тушурмайман.

"Зулайҳо қандай чиройли-я?!" ўйларди ичида.

"Қимирлаган қир ошар" деганларидек, дарсдан сўнг бир неча кун ишлаб томни бостириб бўлдилар. Охирида ҳужрага кўчиб ўтишга аҳд қилган куни Турсун опаси қоронғу тушишини кутамиз?" – деди.

Қоронғу тушгач, Турсун опаси болага:

– Энди ҳужрангга кирсак бўлади, – деди аста. – Қани, юринглар.

Бева аёл аввалдан тахт қилиб қўйган бир даста ўтинни олиб, янгитдан бостирилган Ёқуббойнинг ота-онасидан қолган уйи томон бошлади. Остонада тўхтаб, ўтинни ерга ташлади. Камзулининг чўнтагидан гугурт олиб, болага узатди.

– Ма, ўтинни ёқ!

Ҳеч нарсага тушунмаган ўсмир чўккалаб ўтирди. Биринчи гугурт "чирт" этди-ю, сўнди, иккинчиси ўт олмади. Учинчи марта ўтиннинг майдаси тутади. Ғўзапоя эса тез ўт ола бошлади.

Бева аёл ёниб турган ўтин устига исриқ солиб, Ёқуббойнинг бошидан айлантирди:

– Бало-қазолар нари кетсин!

Сўнг ичкарига кириб, қўлидаги ёниб турган тутатқи билан икки хужрани айланиб чиқди. Қўлида бурқсаб тутаб турган ўтинни ўчоққа итқитди:

– Илоҳим, ўчоғингнинг олови сўнмасин! Энди кираверинглар.

Улар ичкарига кирдилар. Зулайҳо қўлидаги чироқни ёқиб, эски печнинг устига қўйди. Ғира-шира ёруғда шарпалар рақсга тушди:

– Опа, нима учун ўт ёқдингиз? – сўради Зулайҳо.

– Ёмон ниятли одамларнинг кўзи, суқи ўтда куйиб кул бўлсин деб онамнинг ўтдан ҳатлатганини эсладим, – деди аёл. – Биламан, иримга ишонмайсизлар.

Бир куни чарчаб келган Ёқуббой ухлаб қолган экан. "Ёқуббой" деган ёқимли овоз қулоғига чалингандек бўлди, кўзини очганда остонадан турган Зулайҳони кўрди. Этаги тиззасидан салгина пастга тушадиган оқ кўйлагидан, уни дастлаб янги ўқув йилига кийган эди, тўлишиб келаётган аъзолари билиниб турар, Ёқуббой биринчи марта уни кўриб тургандек, ундан кўзини узолмай қолди.

– Ухлаб қолдингми? Ойим чойга чақиряптилар, – деди ўсмирнинг қарашидан тортинган қиз.

Ёқуббой ҳижолат чекиб, нигоҳини хужранинг тепасига қаратди.

– Ҳозир бораман, – ғўлдиради у. Ўзини ўзи айблади. "Зулайҳо опам опа ўрнида эмасми? Нима учун унга тикилиб қолдим? Уят-е!"

Чойхўрлик пайтида иккаласи ҳам алланечук ўнғайсиз аҳволда ўтиришди. Пакананинг ғийбатидан сўнг ана шундай ҳолатга тушган эди. Бу ҳолатни қиз билан ўсмирдан ўзга ҳеч ким сезмади. Бири ўзини "опа", иккинчиси "ука" ўрнида атаб юрганларнинг ўртасида муҳаббат бўлиши мумкинми?

Шундан кейин Зулайҳо Ёқуббойни излаб борса ё деразадан, ё эшикдан чақирадиган бўлди. Ҳар доим уйқудан уйғонганда, эшикда ўша оқ кўйлакли қиз тургандек туюлар, кўзларини юмса, яна қиз сиймоси кўз олдида гавдаланар, мушкул дамда мадад бергандек бўларди.

Май ойи яқинлашди, далалар яшил либос кийиб, Чимқўрғон овулининг боғлари барқ уриб, гуллай бошлади. Жисмоний тарбия дарси бир умр Ёқуббойнинг ёдидан чиқмайди. Ўшанда у ўзининг етимлигидан қаттиқ ўксинган эди. Замон қаҳатчилик бўлишига қарамай, мактаб ўқувчиларига ота-оналари май байрамига атаб оқ кўйлак билан қора шим, сандал деб аталмиш оёқ кийим олиб бериш урфга айланган эди. Кунлар исиб кетса ҳам Ёқуббой ҳали Турсун опаси олиб берган керза этигини оёғидан ечмаганди. Ўсмир уни кўз қорачиғидек авайлаб кийиб, тўздирмасликка ҳаракат қилмасин, мактабга ҳам, ишга ҳам муттасил кийиладиган этикнинг кўнжи ички томонидан сўкилиб, пайтаваси кўриниб қолганди.

Жисмоний тарбия дарсида юз метрлик масофага югуриш машғулоти бўлиб, муаллим эр болаларни бир сафга тизиб, старт берди. Ёқуббойнинг оёқлари чаққон ва кучли эди, у сафдошлари билан баробар олға интилди, бироқ оғир этик, орқада қолаверарди, финишга бошқалардан анча кеч келди. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб турган қизлар ўзиб келганларни қарсак чалиб кутиб олишарди. Ёқуббой йиғлагудек бўлиб тўхтади. Устига-устак этикнинг тешигидан чиқиб турган пайтавасини кўрганда уятдан ер ёрилса

кириб кетгудек, бошини кўтармасдан панага ўтишга жой қидирди, аксига олиб стадион деб аталмиш паст-баланд майдонда қийшайиб турган дарвозадан ўзга ҳеч нарса кўзга ташланмади. Шовқин солаётган қизлар билан йигитлар қўлларини бигиз қилиб, югура олмаган Ёқуббойни, унинг пайтаваси чиқиб турган этигини кўрсатиб, мазах қилишаётгандек туюлди.

Дарсдан мунғайиб қайтган Ёқуббойни йўл бўйи "қандай қилиб ёзги оёқ кийим олсам бўлади?" деган савол қийнаб келди. Турсун опасига айтишдан уялди. Ишлаб топган пулига ёғоч олди, усиз ҳам бева аёл билан етим қизга юк бўлиб юрибди, "сандал олиб беринг" дейишга тили айланармиди?

Ўшанда Ёқуббой ўзини қанчалик бахтсиз эканлигини бугун кўз олдига келтира олмайди. Кирза этикни кўришга кўзи йўқ, эшикдан кириши биланоқ Зулайҳо кўрмасин деб, ечиб ташлади.

О, жафокаш Турсун опаси! У аллақачон бечора ўсмирнинг оёғидаги этикнинг қўнжи тешилиб, пайтаваси чиқиб юрганлигини, этикни кийиш Ёқуббой учун азоб эканлигини сезган экан.

Якшанба куни эди, каллайисаҳардан эшикни қоққан Зулайҳонинг овозини эшитиб, қизга норози оҳангда, ғудраниб:

– Бугун дам олиш куни, ўқишга бормайман-ку? – деди.

– Турақол, ойим тез келсин деяптилар.

Кийиниб, тезда етиб борган болага Турсун опаси:

– Зулайҳо билан катакдаги макиённинг биттасини ушлаб, оёғини боғланглар. Иккимиз бозорга бориб келамиз, – деди.

Бева аёлнинг, унинг ўша давр пули билан оладиган қирк-эллик сўм акчага қандоқ кун кўриб, боланинг қорнини қандай тўйдирганлигига Ёқуббой ҳалигача ҳайрон қолади, бозорга ҳам бормас, зарур нарсасини овулдаги битта ҳужрада жойлашган дўкондан олиб қўяқоларди. Оёғини судраб босадиган Турсун опаси билан товуқни қўлтиққа қисиб олган Ёқуббой Чимқўрғон овулининг кимдир бузоғини, қўйини, кимдир улоғини етаклаган бозорчиларига қўшилиб, гоҳ пиёда, гоҳ аравада, гоҳо тракторнинг юк ташувчи тиркамасига миниб, амал-тақал қилиб туман марказидаги бозорга етиб бордилар.

Турсун опаси савдолашиб, макиённи бир амаллаб пуллади.

– Энди сенга оёқ кийим излаймиз, – деди пулни қўлига қисиб олган аёл. Кўчма дўконларни айланиб, Ёқуббойнинг оёғига арзонроқ, оёқ кийим излашди. Товонига пухта тагчарм қўйилиб тикилган сандалларнинг ҳаммаси оёғига кичик келди, охирида тумшуғи билан ёнига чарм қўйилиб, қолган томонига брезентдан тикилган туфли унинг оёғига қуйиб қўйгандек келди.

Орадан қанча йиллар ўтса ҳамки Ёқуббой бу воқеани унутолмайди. Орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Бироқ, ўша манзара негадир хаёлидан кетмайди.

Янги туфли кийиб олган Ёқуббой оёғи ерга тегмай келаётгандек эди. Эски этикни елкасига осиб олган ўсмир анча юргач, тўхтаб орқасига қараб қўярди, орқада колиб кетган оқсоқ аёлни кутиб турар, у етиб келгач, яна оёғи ерга тегмай чопқиллаб кетганлигини ўзи билмай қоларди.

– Ёқуббойжон, сен ҳаялламай кетавер, мен бир амаллаб етиб оламан, – дерди ўсмирнинг шошилиб турганлигини пайқаган Турсун опаси.

– Йўғ-е, бирга кетамиз.

Ўшанда Ёқуббой бир қарорга келганди:

"Камбағалликдан нафратланаман... Қандоқ қилсам ҳам, бой бўламан!"

Эртасига янги оёқ кийим кийган Ёқуббой ўзини енгил ҳис этди. Кўп ўтмай кўнгилсиз воқеаларни унута бошлади.Унга яхшилик қилган Турсун опаси билан Зулайҳони олдинда нохушликлар кутиб турганини хаёлига ҳам келтирмаганди.

ЧИМҚЎРҒОНГА КЕЛГАН ВАКИЛ

Зулайҳо мактабни тугатган йили Ёқуббой ўнинчи синфга ўтди. Қиз онасини ташлаб, ҳеч қаёққа кетгиси келмади, уни ўқитиш учун аёлда имкон йўқ эди. Зулайҳо далага чиқиб, колхозга ишга кирди. Оғир меҳнатдан ҳориб-чарчаб, қорамағиз юзи обдон қорайиб, кечқурун эшикдан кириб келганда, онаси:

– Келдингми, қизим? "Қора меҳнатга йўлиқдим", деб нолимагин. Худо хоҳласа, бахтинг очилиб кетади,– деб далда берарди.

Ёзнинг жазирама иссиғи бошланганда ғўза ўтоғи кучаяди. Қимирлаган тирик жон борки, қуёш нури билан тинимсиз ҳаракатни яхши кўрадиган ғўзани ўтоқ қилади, яганалайди. Биринчи сувига қадар далаларда меҳнат авжига чиқади. Ора-чора:

Жўхори экдим кандир билан аралаш.
Бир ёр севдим ўрта бўйли, қора қош,
Эл айтади сенинг ёринг қора деб
Қора бўлсаям инжу маржон аралаш, –

каби қўшиқлар эшитилиб қолади.

Кунларнинг бирига Чимқўрғон овулига райкомдан вакил келди.

Айниқса, қиз-келинчаклар вакилга ҳавас билан тикилганларини, оқ-қорани таниб қолган Ёқуббой фаҳмлаган эди. Уларнинг орасида Зулайҳонинг ҳам борлиги ўсмирнинг қалбида рашкми, ўкинчми – шунга ўхшаш ҳиссиётни уйғотгани Ёқуббойнинг эсида.

Ҳуллас, овулдаги йигитларнинг ҳеч бирига қиё боқмай юрган Зулайҳо қадди-қомати келишган райком вакилига қизиқиш билан тикилганини, ўз навбатида вакил ҳам қизнинг боқишини англаганини Ёқуббой сезди.

Чинданам, овулдаги йигитларнинг барчаси қизни вакилдан рашк қиларди. Улар ғўза чопиқнинг тезроқ тугашини, вакилнинг келган ерига тезроқ қайтиб кетишини кутдилар. Бригадирнинг уйида кўним топган вакил кетишга ошиқмасди.

Тўғри, баъзида бошқа бригадаларнинг далаларига бориб-келарди, аммо, доимо Зулайҳо бўлган ўтоқчи қизларнинг даврасига суқилиб юришини талай марта кўрган болаларнинг хаёлларига ҳар хил ўйлар келди. Баъзилар унинг бошидан тушмайдиган сомон шляпасини ўғирлаш керак, шунда у саҳро қуёшига чидамай кетиб қолади деб ўйлардилар. Айримлар уни "кечқурун кўрқитиш керак" деган фикрга борарди. Бироқ, буларнинг барчаси шунчаки болаларга хос хаёлпарастлик эканлигини Ёқуббой яхши тушунарди. Ноилож, тишни-тишга қўйиб, ўқиш бошланишини кута бошлади, шу йили у ўнинчи синфга ўтган эди.

Куз келди. Ёқуббой Турсун опаси олиб борган туфлини кийиб, мактабга борди. У оёқ кийимини аяб ёз бўйи ялангоёқ юрди.

Сўнгги кунлари вакилнинг овул орасида кўринмай қолганига қувониб қалган боланинг умиди пучга чиқди. Бир ҳафта ўқимаёқ пахта теримига сафарбар қилинган болалар пахта хирмонидаги тарози олдида турган вакилни кўриб қолишди. Сомон шляпа ўрнига шапка, устига костюм кийиб олган вакил қўлидаги дафтарга кимнинг қанча пахта терганини ёзиб турарди.

Кўп ўтмай у билан юзма-юз учрашишга тўғри келди. Ёқуббойнинг бармоқлари калта ва миқти эди, у чаноқлардаги пахтани чаққонлик билан тера олмас, ҳаракатлари ҳам енгил эмаслигидан тарозуга тушган пахтаси, бошқаларникидан оз бўлиб чиқарди.

– Примов, ҳеч қаёққа кетиб қолма, – деди вакил унга.

– Нимага?

– Нимага? Шуниям билмайсанми? Нормани бажармаганинг учун!

Теримчилар тарқала бошлаганда уч-тўрт нафар болани тўплаган вакил – улар норма бажармаганлар эди – пахтанинг давлат учун қанчалар зарур эканлиги ҳақида ваъз ўқиб турарди. Уларга яқин турган Зулайҳо:

– Ёқуббой, сени кутиб турибман, қачон бўшайсизлар? – деб сўради.

– Улар нормани бажармагунча ҳеч қаёққа кетмайдилар, – жавоб берди вакил Ёқуббойнинг ўрнига. – ҳозир пахта даласига тушадилар.

– Қоронғу-ку? – деди болалардан бири, – қандай терамиз?

– Ҳозир ой чиқади. Ойнинг ёруғида...

– Мен бир ўзим кайтишга қўркаман-ку?!

Бу Зулайҳонинг овози эди.

– Ким билади, улар яқин орада нормасини бажаролмас. Қўрқсанг, уйингга ўзим олиб бориб қўяман, – деди вакил. – Сизлар эса – пахта теришга тушинглар!

– Мен укамга ёрдамлашсам бўладими?

– Уканг ким?

– Ёқуббой.

– Примовми? Йўқ, ёрдамлашишга йўл қўймайман.

Зулайҳо иккиланиб қолди.

Болалар ноилож, хоҳлар-хоҳламас, бирин-кетин далага тушдилар. Фартукларини осиб, юлдузлар шуъласида оппоқ бўлиб кўзга ташланган чаноқларга қўл чўза бошладилар. Шу пайт тўлин ой кўтарилиб келарди. Зулайҳо бетоқат бўла бошлади. Уйда онаси "булар нега кечикишди?" деб хавотирланаётган бўлса керак, деган ўйда:

– Ёқуббой, мен кетаверай, сен болалар билан қайтақол, – деди.

– Майли, – деди бола эшитилар-эшитилмас. Ёқуббойнинг кўнглига ғулғула тушиб, қиздан хавотирланиб, хаёллари чарх урарди.

Озгина ҳаяллаб турган қиз, балки вакилнинг оғзидан бирор гап чиқишини кутгандир, охири Зулайҳо Чимқўрган овулининг чеккарогидаги ўз уйига олиб борадиган сўқмоқ қадам ташлади. Ойнинг қизғиш шуъласида эгнига илиб олган фартуги оқариб кўриниб борарди.

– Қани, сизлар тезроқ ҳаракатингизни қилинг, йўқса, тонг отгунча нормани бажара олмайсизлар! Ким ғирромлик қилса, масаласи кўрилади. Мен Зулайҳони уйига кузатиб қўяман.

У қиз кетган сўқмоқ томон одимлади, қўп ўтмай қоронғулик қаърига сингиб кўздан йўқолди.

Орадан бир ёки икки соат вақт ўтди. Ниҳоят, сўқмоқда кимнингдир қораси кўринди.У:

– Қани, терган пахтангизни тарозига олиб келинглар! – деганида унинг райком вакили эканлиги маълум бўлди.

Терилган пахталар ўлчанганда ким икки, ким уч килограммгина пахта тергани аниқ бўлди.

"Зулайҳо билан вакил нима ҳақида суҳбатлашди экан. У қизни қўлтиқлаб олгандир, ҳатто қучоқлагандир ҳам? Унга Зулайҳо нима деди? Қўлини силтаб ташлаганмикин ёки сўзига қулоқ тутиб, жилмайдимикин?" Миясида ана шундай хаёллар чарх уриб, худди уяси бузилган аридек ғўнғиллаб, йўл бўйи тинчини йўқотиб борарди Ёқуббой.

Турсун опасининг деразасида ёғду шуълаланиб турарди. Доимо кечки овқати шу хонада бўлганига қарамасдан бола опасиникига бормади.Ўз уйининг эшигини аста очиб кирди-ю, ечинмасданоқ ўзини тўшакка ташлади. Томоғига бир нима тиқилиб, юраги ўртана бошлади.

– "Зулайҳо!"

Ичидан отилиб чиққан ўксик кўз ёшларига эрк бериб юборди.

Аҳён-аҳёнда қоронғуликдан эшитилиб турган "ҳиқ-ҳиқ" деган овоз унинг йиғлаётганидан дарак берарди. Тун ярим бўлиб қолган эди, эшик тақиллади. Зулайҳонинг:

– Ёқуббой, келдингми? – деган овози эшитилди.

Ўсмир индамади, жавоб қайтармади. Бу билан у қизга нисбатан аччиқланганини билдирмоқчи эди.

– Ёқуббой келган бўлсанг, бирор нарса еб олгин, очсан-ку ахир, тушдан буён туз тотмадинг, – деди эшик олдида турган қиз.

Ичкаридан жавоб эшитилмагач, "Ёқуббой ҳали келмаган бўлса керак" деб ўйлади чоғи, яна озгина турди-да, уйига қайтиб кетди. Қолган кўнгилдан кўра устунроқ келган очлик эрталаб Турсун опасининг уйига кириб боришга мажбур қилди.

– Даладан кеч қайтдингми? Келиб овқатланар деб, уйғоқ ётдим,– деди Турсун опаси меҳрибонлик билан.

– Ҳа, жуда кеч қайтдим, – дея ёлғон гапирган йигитча қизариб кетди.

Ўзига ўпка қилганлигини, ўсмирнинг қош-қовоғидан ёлғон гапирганлигини пайқаган Зулайҳо куйи қараб лабини тишлади ва:

– Тун ярмигача пахта тергиздими? – деб сўради.

– Ҳа, – деди кўзини олиб қочган Ёқуббой.

– Қамчисидан қон томган ўша золим ким экан? – деди аёл кўзига ёш келиб, – қорни оч болани ишлатиб районнинг планини бажартирмоқчимикан? Пахтаси одамдан қадрли бўлибдими?

– Тумандан келган вакил... – деди ўсмир.

– Исми-шарифи ким?

– Билмайман... фамилияси Болтабоев бўлса керак.

Ўсмир кейинроқ вакилнинг исми Бекжон эканлигини билиб олди. Энди у кишини ҳамма Бекжон кўса деб аташини, аризагўйга айланганини тумандагиларнинг кўпчилиги била бошлади. Шарқдан қизариб чиққан ой, пахта даласини ёритган ўша оқшомда Зулайҳонинг изидан кетган вакил, Бекжон кўса билан қизнинг ўртасида қандай воқеалар бўлиб ўтганлигини

ўсмир билгани йўқ. Зулайҳодан сўрашга тортинди, қизнинг ўзи эса оғиз очиб ҳеч нарса демади.

Кўп гапиришни ёқтирмас, энди одамови бўлиб қолганди. Теримга бирга бориб, бирга қайтарди.

Бир гал кечқурун, бу пайтларда кун қисқариб, тез қоронғу тушиб қоларди, Ёқуббой терган пахтасини тарозига кечроқ олиб келди, доимо қўлига дафтар билан қалам ушлаб юрадиган кўса кўринмаганига қувонган бола бўшаган фартугини эгнига илиб, кўзлари билан Зулайҳони излади, бироқ уям кўринмади. Уйга бирга қайтадиган, қоронғуда бир ўзи кетишга кўрқадиган, қизнинг йўқлиги йигитда шубҳа уйғотди.

"Бир ўзи кетиши мумкинмас! Вакил... Эҳтимол, бирга кетган..." Уйга олиб борадиган сўқмоққа тушиб чопиб кетди. "Изидан тез етишим керак!" Хўш, етганда нима дейди, уларнинг ўртасига қандай тушади, қиз билан вакил бунга йўл қўядими-йўқми, буни ўйлаб ўтирмади, бунга фурсат ҳам йўқ эди. Ой ҳали кўтарилмаган, осмондан юлдузларнинг заррин ёғдусида икки томони хас-хашаклар билан қопланган сўқмоқда шиддат билан чопиб келаётган бола йилтиллаб кўринган ёғду Турсун опасининг деразасидан таралиб турганини кўрганда Зулаёҳо уйга етиб келганлигини англади.

Сўқмоқда вакилни ҳам, Зулайҳони ҳам учратмаган эди.

Тўхтаб, ҳовурини босган ўсмир эшикка яқин келиб, қулоқ тутиб, ичкаридан овозларни, Турсун опаси билан Зулайҳонинг ўзаро гаплашаётганларини эшитиш илинжида эди. Бироқ, у ўйлаган шивир-шивирлар қулоққа чалинмади. Зулайҳонинг келмаганлиги аён бўлди.

"Улар сўқмоқдан бурилиб кетишган. Вакил ёмон одам. Унинг хотини ҳам, фарзанди ҳам бўлса керак. У Зулайҳони алдайди. Зулайҳо! Эҳ..."

Қўллари мушт бўлиб тугилган ўсмир, ўзининг аҳмоқлигидан ўкиниб, бошига бир мушт туширди-ю, сўқмоқ томон ошиқди. Қўлидаги фартукни ўзининг уйи олдига улоқтирди. Шапкасини қўлига олиб, пешонасидаги терни енги билан артди-ю, сўқмоққа тушиб, чопа кетди. Бироз юриб, атрофга қулоқ тутди. Аллақайдан шоқолнинг увиллагани, овул итларининг хургани, теримдан қайтган болалар билан қизларнинг шўхчан овозлари эшитилиб турарди.

Ўсмир кўксини тўлдириб чуқур нафас олиб, яна чопишга тушди. Олдидан арна томонга буриладиган сўқмоқ чиққанда, негадир тўхтаб қолди. Худди ўша онда "вой, ойи, ойи!" деган қичқириқ, оқшом қўйнидаги бошқа овозлардан устун келиб, чор-атрофни ларзага келтирди.

Ҳеч шубҳа йўққи, бу Зулайҳонинг овози эканлигини билган Ёқуббой худди оёқлари ерга михланиб қолгандек, бир жойда тўхтаб қолди. Тепасидан яшин ургандек эсанкираб қолган Ёқуббой ўзига келаман дегунча анча вақт ўтди. Юраги гурсиллаб ура бошлади. Зулайҳонинг озорли овози қайси томондан келаётганини англаш учун атрофга олазарак боқди. Бироқ, овоз ё олдидан, ё орқасидан эшитилганини ажрата олмади. Охири оёқларига эрк бериб, арна томонга борадиган сўқмоққа тушиб, жонжаҳди билан югурди. Кўп ўтмай ўзини арнанинг тик соҳилида кўрди. Бор овози билан:

– Зулайҳо-о-о! – деб чақирди.

ГИРДОБ ҚАЪРИГА ТАШЛАНМАГАН ҚАДАМ

... Жон Кэти билан ўртасидаги муносабатлар аста-секин совиб бораётганлигига нима сабаб бўлганлигини ўша пайтда ҳам билолмаган, ҳозир ҳам билолмайди. Негадир улар бир-бирларидан узоқлаша бошладилар. Ҳисоб-китоб билан шуғулланадиган Жон билан икки шерик ўртасида келиб чиққан келишмовчилик Кэтидан бошланди.

– Мен харидорлар билан ишлашдан чарчадим. Ўрин алмашайлик, албатта, вақтинчалик, – деганди бир куни Кэти Жонга.

– Майли, ҳисоб-китоб билан шуғулланиб кўр, – дегани эсида.

Интернет дўконидаги ишлар одатдагидек давом этаётгандек эди. Одат бўйича, Эдвард товарларни излаб топади, Жон харидор билан ишлайди, Кэти эса ҳисоб-китоб билан шуғулланади.

Бир куни сотиладиган маҳсулотлар, тушган пуллар билан қизиққан Жон сайтга кирган эди, кейинги бир неча кун ичида дўконнинг ҳисоб варағига тушган пулларнинг фақатгина бир неча доллар эканлигини кўриб, буни Кэтига етказишга ошиқди.

– Кэти, мен дўконнинг ҳисоб-китобини кўргандим. – Кети ўзини ҳеч нарса эшитмагандек, алланарсалар билан банд одамдек кўрсатиб унга тикилди. Лекин уйда икковидан бошқа одам йўқ эди.

– Мен ҳисоб-китобни текшириб кўргандим деяпман.

– Ҳисоб-китоб билан мен шуғулланаман. Устига-устак, биз шерикмиз. Ҳисоботни учаламиз жам бўлганда кўриб чиқамиз.

– Майли, майли... Мен фақат...

– Ҳисобга ўзим жавоб бераман.

Шу билан дастлабки нохушлик ниҳоясига етгандек кўринган эди.

Кечқурун, уйқуга ётар чоғда бир пайтлар Кэтига машқ қиладиган хона вазифасини ўтаётган кабинетга кирган Жон йиғма кароватга тиззасини уриб олди.

– Кэти! Бу ерда йиғма каравот нима қилиб турибди?

Қўшни хонадан жавоб эшитилмади.

Пижама кийган Жон ётоққа яқинлашган кезда унга ғазаб билан тикилиб турган мовий кўзларни кўрганда бадани титраб кетди. Ўлжасига ҳужум қилишга шай турган йиртқич шундай боқса керак?

– Сенга кабинетга жой тайёрлаб қўйибман, – деди Кэти овозига илиқлик ва мулойим оҳанг беришга ҳаракат қилиб, – менинг мазам бўлмай турибди.

– Йиғма кароватгами?

Одатдагидек, ўзини эшитмаганга солган Кэти терс ўгирилиб олди. Энди у билан жанжал қилишнинг фойдасиз эканлигини тушунган йигит ортга чекинишга мажбур бўлди. Кабинетга чиқиб, йиғма кароватга ўтирди. "Нима қилиш керак?" деган саволга жавоб излади, лекин миясига жўяли фикр келмади. Тор хонанинг ярмини эгаллаб, тўқ қизғиш лак билан қопланган қопқоғининг бир неча жойи қирилган пианино, унинг устида қопқоқнинг синган бир парчаси, бир пайтлари Кэти қайсидир асарни завқ билан ижро қилган, кейин эса уни машҳур италяьн устаси ясаганини фахр билан айтиб юрган Жоннинг эса доимо ҳавасини уйғотадиган торлари узилган ўша виолончел турар эди.

Йигит чолғу асбобини яна бир марта қўлига олгиси, унинг жароҳатларини силагиси келди, бироқ йиғма каравотнинг ёқимсиз ғичирлашини эшитгиси келмай, бироз ўтирди. Ҳамма кўчиб кетган юртда ёлғиз ўзи

қолгандек, хўрлиги келиб эзилди, хаёлида: "Мен Кэтини севармидим ёки унинг виолончелинними?" деган савол айланди. Бу беъманилик, дея кўлни бир силтагиси келса ҳам, ундай қила олмаслигини билар, ўзининг ожизлигига ўкинар, Кэтига эркакларга хос "дакки берсаммикан?" деган, оқшомлари олис-олислардан элас-элас, ялт-юлт кўзга чалинадиган ёғду сингари шуурида пайдо бўлган хаёлдан чўчиб тушиб, таваккалга қадам қўя олмайдиган эрксизлигини хас-пўслашга лойиқ далил-исбот излашга уринарди.

Охирида ўзини қўлга олган Жон каравотни ғийқиллатиб ўрнидан турди. Хона ичида у ёқдан-бу ёққа юрди. Пианинонинг доғ тушган жойларини силаб, виолончелни қўлига олди. Узилмай қолган торига бармоғини теккизди. Пўлат сим "диринг" этиб, нолакор овоз чиқарди. Битта торда қайсидир актни чалмоқчи бўлиб, смичокни титкилади, шу тариқа Кэтининг жиғига тегмоқчи бўлди, лекин излаган нарсасини топа олмади. Кейин виолончелни қолдириб, йиғма каравотга ўтирган Жон тори узилган асбобни ўтган гал жини кўзиган Кэти пианинога уриб синдирганини эслади, ўзининг аҳволини виолончелга ўхшатди. Тўғри, синган асбоб тузатилмагунча соз чалишга ярамайди, йигитнинг қўл-оёғи бут бўлгани билан ўзини ҳолсиз, жабрланган ҳис этди. Унинг виолончелдан нимаси ортиқ?

Йигит қанчалар хўрланганини билса-да, қизга озор бера олмаслигини ич-ичдан ҳис этди. Нима учун Кэтига эркаклардек ўз сўзин ўтказолмайди? У қиз билан тенг келгиси келмайдими?

Эртага ўзига келиб қолар, деган хаёлда ухлаш учун кўзини юмди.Тонг отгач, Кэти кечирим сўрайди, деган умид билан кўзи илинганди. Афсуски, эртасига ҳам, индинга ҳам Кэти унга яхши муомала қилмади.

Жон адолатни тиклаш учун шериклари билан йиғилиш чақириб, бир неча кунга савдодан келган пуллар нима учун дўконнинг ҳисоб рақамига тушмаганлигини аниқлашни талаб қилди.

Эдвард дарҳол рози бўлди, бироқ Кэтини кўндириш анча қийин кечди.

– Мен уни керакли жойга ўтказдим. Шу боис ҳисоб беришни истамайман!

– Масалан, қаерга? Солиққами? Хўш, қаерга? – Кэти лом-мим демади.

Натижада улар қаҳвахонада ўтириб, масалани кўриб чиқишга келишишди, афтидан қизни Эдвард шунга кўндирган, чоғи.

Интернет дўкон шериклари, бор-йўғи уч одамдан – Жон, Эдвард, Кэтидан иборат эди. Улар одатдагидек еб-ичадиган нарсалар буюриб, ҳангомалашиб ўтиришди. Ташқаридан қараганда уларнинг ўртасида қандайдир муаммо бор деб ўйлаш қийин эди.

Кэти муамолага келгандек туюлди. Жонга яқинроқ сурилди. Аҳён-аҳён калта юбкасидан кўриниб турадиган йўғон сонларини йигитнинг оёғига теккизиб-теккизиб, бакал тўла майни симириб ўтирди. Эдвард иккаласини яраштирмоқчи бўлди, шекилли.

– Мен икки-уч кунлик даромадни у-бу нарсалар олишга сарфладим. Харажатни ўз улушим ҳисобидан қоплярман деб ўйлагандим. Тўғри, бу ҳақда шерикларга яъни, эрим Жон билан – аслида улар никоҳдан ўтишмаган эди – шерикдошим Эдвардга айтмаганман, – деди Кэти.

Улар шу тариқа тарқалишди.

Жоннинг Кэти тунда мени ёнида тунашга таклиф қилади, деган умиди пучга чиқди.

– Майни кўпроқ ичиб қўйибман. Йиғма каравотни ўзинг куриб ол, – деди қиз Жонга совуқ оҳангда.

Орадан бир ҳафта ёки ўн кунлар ўтганда – Жоннинг эсида йўқ, уйга анча кеч қайтган йигит Кэти билан Эвварднн учратди.

Жоннинг ғурури уйғондими, Кэтини рашк қилдими, хуллас, гаплашгиси келмагани ёдида, кабинетга ўтиб диванга ўтирди, уларнинг суҳбатига аралашмай, Эдварднинг кетишини кутди.

Ниҳоят, тоқати тоқ бўлган Жон бурчакда турган йиғма каравотни қуришга киришди.

– Биласанми, Жон!

Бошини кўтарган йигит ўзига сурбетларча тикилиб, икки қўлини белига тираб турган Кэтини кўрди.

– Иккаламизнинг орамиз очиқ! Бугундан бошлаб, йўқ, ҳозироқ... мен сен билан бирга яшашдан чарчадим... ҳозироқ уйдан чиқиб кет! Йўқса...

Жон худди бошига кимдир гурзи билан қўққис туширгандек, чайқалиб кетди. Тиззалари букилиб, деворга суянди. Кэти билан ўртадаги совуқлик авж олиб бораётганлигини сезиб юрган бўлса-да, шу тариқа поёнига етишини хаёлига ҳам келтирмаган йигит эсанкираб қолганди.

– Тунда қаёққа бораман, ахир?

– Билмайман! Қаёққа бўлса, ўша ёққа! Ҳозироқ кет!

Жон бу жанжални эшитиб турган Эдвард орага тушар, деган умидда уни кутди. Афсуски, у орага тушмади.

– Майли, кетаман, – деди Жон, курткасини қўлига оларкан.

– Лаш-лушларингни ҳам ола кет!

Қизнинг жаҳли таркагандан сўнг яна келарман, деган умиди чилпарчин бўлган йигит орадан ярим соат ўтганида қўлига юкхалтасини олиб, кўчага йўл олди. У нима қилиш кераклигини ўйлар, аммо хаёлларини жамлашнинг иложи йўқ, бир фикрни иккинчиси рад қилиб, қатъий бир қарорга келишга имкон бермасди.

Кеч, салқин экан. Юпқа курткаси тунги салқиндан ҳимоя қила олмаслигини тушуниб етган Жон, бирор меҳмонхона топишни ўйлади. Қайсидир жойда "Отель" деган ёзувли чироқлар ёниб туришини эслаб, шулардан бирига боришга қарор қилди.

Меҳмонхона тўққизинчи қаватда жойлашган эди.

– Тунашга жой топиладими?

– Топилади, – деди администратор йигитнинг бошдан-оёғига разм солиб. – Қанақаси керак, бир кишиликми ёки...

– Бир кишилик.

– Кечирасиз, бизда номер учун олдиндан пул тўланади.

– Марҳамат, бир ўринлик.

– Қанча вақтга?

– Ҳозирча номаълум.

Жон карточкасини олиб, администраторга узатаркан, паролини айтди.

Администраторнинг юзида ажабланиш аломати акс этди.

– Ҳисоб рақамингизда бир доллар эллик цент қолибди. Бу камлик қилади!

– Мумкин эмас!..

– Мана, кўринг, – деди администратор босиқлик билан. – Балки, нақд тўларсиз?

– Майли, бир оқшом учун қанча тўлашим керак?

Администратор керакли пулни айтди. Йигит чўнтагидан ҳамёнини чиқариб иккита кўк қоғозни узатди.

– Мана, калитингиз.

Йигит хонага кириб, юкхалтасини ўриндиққа ташлади. Хона ҳавоси анчадан бери алмаштирилмаган, шекилли, дим эди. Жон пардани тортиб, деразани очди. Хонага тоза ҳаво билан бирга кўчанинг шовқини ёпирилиб кирди.

Йигит очиқ дераза олдида туриб, пастга нигоҳ ташлади. "Демак, Кэти банкдаги пулларимни ўз ҳисобига ўтказиб олган. Салкам миллион доллар! Мана, энди кимсасиз меҳмонхонада пулсиз, паноҳсиз", турибман деб ўйлади.

Жонга оғир ботгани, шерикларининг хоинлиги эди. Улар болаликдаги дўсти Эдвард билан севгилиси Кэти... Шериклари иккитагина. Учинчиси ўзи. Жон уларга яхшиликдан бошқа ҳеч нарсани раво кўрмаган эди. Энди-чи?..

...Ҳозир Эдвард билан Кэти иккаласи бир уйда қолди. У ижарага олинган бўлсаям, Жоннинг уйи эди. Улар нима қилишаётган экан? Жоннинг кўз олдида бир тўшакда ётган дўсти билан севгилиси Кэти жонланди. Рашк, ор-номус ғазабга айланиб, юрагини ёндириб, жизғанак қилиб юборди.

Кимга ишонса бўлади ўзи бу ёруғ дунёда?

Шу онда Жоннинг кўзига ёруғ олам зимистон кўриниб, яшашдан маъни йўқдек туюлиб кетди.

У ортга бурилиб, меҳмонхонанинг юмшоқ ўриндиғини дераза олдига олиб келиб қўйди. Олдин бир оёғини, сўнг иккинчи оёғини узатиб, ўриндиққа чиқиб олди. Дераза билан ўриндиқ орасини кичик бир қадам ажратиб турар эди.

Инсон нима учун туғилади?

Кўз олдидан ўзининг ҳаёти, кечмишлари бирма-бир ўтаверди.

Онаси етаклаган Жон мусиқа асбоблари дўконига борганида жавонда турган виолончелни эслади. Болалик хотираларида отаси жонланмади. Чунки, у отасини кўрмаган, у ҳақида онасидан эшитган эди. Сўнг болалик билан ўсмирликдаги айқаш-уйқаш воқеалар жонланди. Ана, Кэти, севимли виолончелини кўксига босган малла сочли, нозик Кэти... Эҳ, шу паллани тўхтатиб қолиш қудрати Жонда бўлганда эди, у шу палла учун ҳаётини қурбон қилиб юборган бўларди.

Пировардида яна Кэти! Сочлари тўзғиган, кўк кўзларидаги қаҳр билан ғазаб дунёи-дунини куйдириб, кулга айлантиришга ёхуд заҳарлаб ўлдиришга шай Кэти келиб, туриб қолди.

Тунги чироқлари самони нурга чулғаб турган шаҳар, юлдузларга тўла осмон, мана бу меҳмонхона ҳужраси, ҳозиргина кўз олдидан ўтган хотиралар – барча-барчаси Жонга бемаъни туюлди. Бундай кўримсиз, маънисиз, ёлғонларга тўла дунёга келганига пушаймон еб, кўзидан ёш оқди. Барчасига чек қўйгиси келди, азоблар билан камситишлардан қутилишнинг йўли бир қадам ораликда турганлигини бутун вужуди билан ҳис этди. Энди...

Шу пайт юзини салқин ва ёқимли ҳаво силаб ўтгандек бўлди. Ўзидан нур таратиб, мўъжаз капалак учиб келди. Унинг хонага киришига ҳалақит

бермай деб ўйладими ёки қандайдир куч таъсир қилдими, хуллас, бошини бироз орқага ташлаган Жон ўзи чиқиб олган ўриндиққа қўшилиб, чалқанчасига йиқилиб тушди.

Меҳмонхона хонасида қанча вақт ётганини билмайди, ўзига келганида эса...

МАГУПТА ОЛАМ СИРЛАРИНИ ЎРГАНМОҚЧИ

Магупта спитама қавми одамлари биладиган яштларни – уларнинг ҳар сатри инсонга қандай яшаш кераклигини ўргатадиган шеърий сатрларни ёд олди. Етти ёшга тўлганда бола билан олам сирлари ҳақида суҳбатдош бўла оладиган ҳеч ким топилмади. Қуёш, ой, юлдузлар қандай пайдо бўлган? Окс дарёсининг сувлари Наврўзгача нега музлаб қолади? Кўкламда гиёҳларнинг гуркираб ўсишининг сабаби нима? Нима учун қавмлар ер, сув учун талашади? Хуллас, Магуптанинг саволларига жавоб берадиган одам спитама қавмида йўқ эди. Шунда қавм сардори, Магуптанинг отаси оқсоқолларни йиғиб, уларга:

–Туғилиши билан гапира бошлаган Магупта, қавмдошлари биладиган барча нарсани билиб олди. Унинг зеҳни ўткир, ақли расо.У олам сирларини билишни истайди. Хўш, қандай маслаҳат берасизлар? – деб сўради.

– У биз биладиган яштлардаги худоларни танийдими? – деди қўй терисидан тикилган пўстин кийган киши.

– Танийман, – деган боланинг овози эшитилди. Бу Магуптанинг овози эди.

– Уларнинг энг қудратлиси Ахурамазда!

– Бизларнинг орамизда унга олам тилсимларини ўргатгудек киши топилмайди, – деди пўстинли одам. – Уни олам сирларининг билимдони донишманд Курушга олиб борганинг маъқул.

Бир куни эрталаб онаси Магуптани уйғотаркан:

– Мен тери халтачага йўлга керакли анжомларни жойлаб қўйдим. Сени соғинаман, чунки у ёқда қанча бўлишинг номаълум. Олам сирларини албатта ўрганиб қайтгин! – деди.

Ота-бола йўлга чиқишди. Пиёда кетиб боришарди. Окс манба оладиган тоғлар томонга, дарёнинг юқори қисми узра кетган йўл тоғ-тошлардан, ўрмонлардан, катта-кичик ўзанлардан ошиб ўтар, шу боис яёв юриш мушкул эди. Бир вилоятдан иккинчи вилоятга ўтар чоғда, найза билан қалқон ушлаган одамлар:

– Қаёққа боряпсизлар? – деб сўраб қолди.

– Олам сирлари Билимдонини истаб боряпмиз.

– Йўлингиз бехатар бўлсин!

Магупта:

– Улар бизни нега тўхтатишди? – деб сўради отасидан.

– Бир вилоят чегарасидан иккинчи вилоят чегарасига ўтмоқдамиз.

– Ер билан сув, яйловлар, тўқайлар Ахрумаздага тегишлидур. Шундай экан, уни нима учун вилоятларга ажратиш керак?

– Бунинг боисини билганимда сени Олам сирлари Билимдони ёнига олиб бормаган бўлардим, – деди отаси.

Ва ниҳоят, улар Окс дарёсининг соҳилидаги унча баланд бўлмаган тоғ ғорида яшайдиган Курушни топиб боришди.

Атрофга дўриллаган овоз тарқалиб турарди.

–У сирли олам ҳақида яштларни ўқимоқда, – деди ота.

Унинг овози виқорли, яштлари эса сеҳрли экан, хаёлидан ўтказди Магупта....

Орадан бир неча йиллар ўтди. Бир куни Олам сирлари Билимдони:

– Магупта! Сенинг зеҳнинг ўткир, ақлинг жойида эканлигини тан оламан. Мен билган яштларимнинг барчасини ёд олдинг. Энди сен ўзингни топ! – деди.

Магупта Олам сирлари Билимдонига бир неча саволлар билан мурожат қилди:

– Олам устидан ҳукмронлик қилувчи энг қудратли Худо қайси? – У яштлардаги худоларнинг номларини санади.

–Зрвана[1] барчасидан қудратли! – деди билимдон Куруш. – Мана, сен куч-қудратга тўлиб келяпсан. Бир пайтлар мен ҳам сендек бўлганман.

Энди Зрвана менинг ёшлигим билан ғайратимнинг устидан ғалабага эришганини кўриб турибсан. Билиб қўй, Зрвана сенинг ҳам қора сочларингни оқартиради, силлиқ юзингни ажинлар қоплайди. Ўрганган яштларингни унуттиради.

– Дунёда ким узоқ яшайди?

– Инсон авлодлари, – деди билимдон қария. – Окс оқимини ўзгартиради, кўллар тортилади, ўрмонлар йўқ бўлади. Инсонлар ортидан яна янги авлодлар келади.

– Худолардан қай бири меҳрибон?

– Қудратли Зрвана ҳеч кимни ва ҳеч нарсани аямайди. Худолар орасида эса Ахурамаздадан меҳрибонроғи бормикан?

– Ахурамаздани ким яратган?

– Зрвана, – деди Олам сирлари Билимдони ҳеч иккиланмасдан. – У пайдо қилади, у унуттиради.

– Мен ўзимни ахтараман, – деди Магупта ва йўлга равона бўлди.

Чарчаган Магупта тўхтаб, бир бутанинг соясида дам олди. Тери халтачадаги куртдан олиб, оғзига солди. Бир чимдим курт ерга тушиб кетди, уни териб олмоқчи эди, бироқ улгурмади, оёқ остида ўрмалаб юрган чумолилардан бири уни тишлаб олиб, шу ерда ётган тошга тирмашиб чиқа бошлади. Кўз очиб-юмгунча чумолилардан бир нечтаси куртга ёпишди. Чумолилар курутни талаша кетди.

Магупта тери халтачасини елкасига илиб, изига қайтди. Унинг келганини кўрган билимдон қария дуо ўқишдан тўхтаб, савол назари билан Магуптага тикилди.

У йўлда кўрган ҳодисани гапириб берди ва:

– Ерга тушган курт биринчи бўлиб кўрган чумолига тегишли эмасмиди? Нега бошқалар унинг насибасини тортиб олдилар? Ҳақиқат қай томонда? – деб сўради.

–Улар ҳаёт учун курашишга интиладилар, – деди Олам сирлари Билимдони. – Ким курт чимдимига эгалик қилса, насиба ўшаники.

– Ҳақиқат кучлининг томонида бўлар экан-да! – деди Олам сирлари Билимдонининг жавобига биринчи марта қўнгли тўлмаган Магупта.

[1] Зрвана – вақт "Авесто"да шундай номланган.

– Олам сирлари Билимдони еча олмайдиган жумбоқлар дунёда тиқилиб ётибди, – деди доно кария. – Уларни ечишга кириш!

Йўл бўйи яштларни ўзига хос овозда, қироат билан айтиб келаётган Магупта уфқдан кўтарилган қора булутларни кўриб, кўнглига ғулғула тушди. Сўқмоқ ўрмон ичидан ўтишини ўйлаган Магуптанинг юраги орқасига тортиб кетди.

Тунда йиртқич хайвонлар учраса нима қиламан?

Қуёш эса ботишга шайланган, уфққа яқинлашиб қолган. Ортга қайтиб, билимдон қариянинг ғорини паналаб, тунни ўтқазиш учун баҳона керак.

Куруш кария боланинг қайтиб келганлигига ажабланган бўлса-да, бошпана берди. Бисотида қолган озгина қуртни бўлиб, бирга тановул қилишди.

Эртасига азонда Магуптадан:

–Ўзингни топишга отланган эдинг. Нима учун ортингга қайтдинг? Мендан бошпанадан бошқа ҳеч нарса сўрамадинг? – деб сўради.

– Мен ёмғирдан қандай қутилиш кераклигини сўрамоқчи эдим.

– Ёмғирнинг ёғиши ёки ёғмаслиги Худога боғлиқ. Ғарбдаги булутларни кўриб, дилингда ваҳимали ўйлар пайдо бўлди. "Ёмғир ёғади" дединг. Ундан паналаш учун ғорга қайтдинг. Бироқ, ёмғир ёғмаганини кўрдинг-ку!

Оламнинг яна бир сирини англаган бола яна сўради:

– Бундай вазиятда нима қилмоғим даркор?

– Яхши хаёл қил, яхши ният қил! – Яхши гапир! – Яхши амал қил! – деди билимдон Куруш.

Оч юриб, хориб-чарчаган Магупта уйига етиб келди.

– Она, қорним очди, сизни соғиндим, – деди у.

– Нималарни ўргандинг? – сўради она.

– Яштларни ёдладим. Улар бизга қандай яшаш кераклигини ўргатади.

– Ўтириб овқатлан, дамингни ол, Бироқ, ўчоқдаги ўт ўчиб қолибди. Мен кўшни қавмдан чўғ олиб келаман.

– Ўтнинг ўчишига нима сабаб бўларкан?

– Мен худоларнинг бирига кўпроқ ихлос қўйиб, унга ибодат қилдим. Иккинчиси эса менга ўчакишиб, ўтимни ўчирди, – деди онаси.

– Чўғ излаб овора бўлманг. Оташдонимда чўғ бор.

Магупта бронза идишдан оташдонини олди. Унда ўзи кўл бўйида туғилган пайт спитамалик чўпоннинг чодирини ёритиб турган илоҳий чўғ милтиллаб турар, уни отаси ўғлига мерос қилиб қолдирган эди. Чўпоннинг чўғи сўнган ўчоғида Магупта тутатган чўғ қайтадан алангалана бошлади. Кичкинагина ҳужра ёришиб, иссиқлик танга роҳат бахш этди.

– Ахурамазда меҳрибон худо, ёруғлик манбаи бўлган қуёшни олиб юрувчи Митранинг эса марҳамати чексиз. Ўчоғимиздаги олов қуёшнинг бир парча бўлагидан яратилган, – деди Магупта.

– Ахурамаздага, Митрага олқишлар бўлсин!

– Анахитани унутма! – деди онаси. – У аёл бўлгани билан меҳрибонликда тенги йўқ!

– Зрвана яратганлар ичида энг улуғи, энг меҳрибони, энг қудратлиси Ахурамазда! – деди Магупта.

– Меҳрибонликда, насиба улашишда Анахитага тенг келадигани бўлмаса керак! – деди ўғлининг фикрига қўшилмаган она.

Ўсмир Магупта арий қавмларни оралаб, Олам сирлари Билимдонидан ўрганган яштларни такрорларди. Ҳар қавмдан яштларни ёдлашга ихлосманд ўсмирлар топила бошлади, улар бор овози билан дуоларни қироат билан ўқиганда олис-яқин жойлардагиларга ҳам аниқ-тиниқ эшитилар эди.

– Худолар ичидаги энг меҳрибони, саховатлиси Ахурамазда!

– Унинг хизматкори қуёшни, олов аравасини бошқарадиган кенг феълли Митра!

– Уларга олқишлар бўлсин! – дер эди Магупта ҳар доим.

Арий қавмларидан бирининг яйловида 13-14 ёшлардаги ўсмир Магуптанинг яштларини диққат билан тинглаган чўпонлар ичидан тери шим кийган, яланг оёқлари ёрилиб-қавариб кетган оқ соқолли қария савол берди:

– Ҳой, спитама қавмининг фарзанди! Боқий яштларни яхши ёдлабсан! Уларни кимдан ўргандинг?

– Олам сирлари Билимдонидан таълим олганман, – жавоб берди Магупта.

– У сенга Ахурамазда худолар ичида барчасидан қудратли ва меҳрибон деб ўргатдими?

– У оламда энг қудратлиси Зрвана, деди.

– Ахурамазда-чи?

– У биз учун барча худолардан кўра меҳрибонроқ! – жавоб берди ўсмир Магупта.

– У ҳолда арий қавмларининг яйловига ёмғирли булутларни ҳайдаб келувчи саховатли Вата[1] қаёқда қолади? Ёмғир ёғмаса, чўл-далаларда яшил майсалар унармиди? Яшил майсалар кўкармаса, қўйларимиз билан йилқиларимиз озиб қолмайдими?

Ўсмирнинг боши қуйи эгилди. Арий қавмларининг ҳомийси ва севимли худоси Вата ҳақидаги яштларни билса ҳам, чорвадорларнинг уни бу қадар қадрлашини билмаган экан. “Мен ҳали ўзимни топмаган эканман”, деб ўйлади у.

Магупта ўзини ахтариб, бир қавм сатҳидан иккинчи қавм сатҳига, бир вилоят чегарасидан иккинчи вилоят чегарасига ўтди. Арий қавмларининг бири уни кучоқ очиб кутиб олса, иккинчиси унинг севимли худоси Ахурамаздани тан олгиси келмас, ўзга худоларга қурбонлик атаб, сажда қилишни афзал кўрар эди.

Ҳориб-чарчаган, озиб-тўзган Магупта уйига келганда, онаси:

– Қаёқларда юрибсан, ўғлим? Мен қаридим, ёлғизман. Подаларга қарайдиган одам қолмади. Нима излаб юрибсан? – деди.

– Мен ўзимни изламоқдаман, онажон. Назаримда, ўзимни ўзим топмагунимча ёнингизда бўлолмайман, подаларга ҳам қарай олмасам керак, – деди ўсмир.

– Ўзингни қайдан топасан?

– Билмайман, – жавоб берди ўсмир. – Қачонки ўзимни топганимда одамлар менинг яштларимга ишонадиган бўладилар.

– Сени бу йўлдан қайтара олмаслигимни биламан, – деди кексайган она хўрсиниб. – Худоларга тегишли ҳақиқатни излашингни туғилган чоғингдаёқ англаганман. Бироқ, Сраоша билан Рашну[2] ҳақидаги яштларни чорвадорлар яхши кўради, у подаларни турли хавф-хатарлардан асрайди.

[1] Вата – зардушт замонидаги шамол худоси.

[2] Сраоша, Рашну – “Авесто”даги фаришталарга айланган худолар номи.

Менинг сўнгги кунларим яқин қолган кўринади. Охиратда Рашну одил ҳукм чиқаради, дея умид қиламан. Сраоша эса қилган савоб ишларим билан гуноҳларимни тарозуга тортганда мен томонда бўлармиди.Уларнинг кўнглини ўкситма, ўғлим!.

– Онажон, худолардан энг меҳрибони Ахурамазда! – деди Магупта қайсарлиги тутиб.

У онаси олиб келган куртни теридан тикилган халтасига солиб, елкасига осди, қўлига ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қилишда асқотадиган таёғини олди, онаси билан хайрлашиб, йўлга равона бўлди.

– Ўғлим! Ҳеч бўлмаса уйда бир кун тунаб, дамингни ол! – деди меҳрибон онаси.

– Зрвана ниятларимга етишишимга ҳалақит берадими деб қўрқаман, – деди Магупта. – Ҳар бир фурсат ғанимат. Сиз номларини тилга олган худолар Ахурамазданинг содиқ ҳизматкорларига айланади.

– Магупта! Ўғлим, бир хўплам сув ичиб ол!

– Мени сафар кутмоқда , – деган овоз олисдан эшитилди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ҚАВАТДА

...Жон тўққизинчи қаватдаги меҳмонхона хонасида қанча вақт ҳушсиз ётганини билмайди, кўзини очганда, қулоғига чалинган овоз пастда, кўча томондан келиб турган автомобил моторларининг овози экан.

Жон ўрнидан қўзғалмай, нималар бўлиб ўтганлигини хотирлашга ҳаракат қилди. Қачонлардир меҳмонхонага келганлиги, банк карточкасини меҳмонхона ходимига берганлиги, унинг ҳайрон тикилгани – ҳаммасини бирма-бир кўз олдига келтирди. Банкдаги хисоб рақамига боғлиқ бирон воқеа содир бўлганмиди? – деган савол унинг ҳаловатини бузди. Охирида жами бўлиб бир ярим долларгина пули қолганлигини эслади.

– Пуллар қаёққа кетган экан?

Банкдаги ҳисоб рақамининг пинкодини ёлғиз Кэтигина билиши мумкин. Очиғи, биларди. Ҳар доим бирор қимматроқ буюм сотиб олишда Жоннинг карточкасидан фойдаланиб келган. Сўнгги марта қачон олган эди карточкани? Қанча ҳаракат қилмасин, эслай олмади. Шунча пуллар қаёққа кетди экан?

Эшик қўнғироғи қайта-қайта жиринглаганида гилам устида хали қанча вақт ётиши даргумон эди.

Аста ўрнидан турган Жон аллақаерининг оғригани, боши айланаётганлигини сезди. Эшик ортида меҳмонхона ходими турарди.

– Эшигингиз икки кундан бери очилмади, овқатланишга ҳам чиқмадингиз, – деди юзида ҳайрат зоҳир бўлиб турган ходим.

– Икки кун...

– Иккинчи кун учун хона ҳақини тўлашингиз кераклигини эслатмоқчи эдим.

Эшикни беркитиб, креслога чўккан Жон бошининг ғурра жойини силаркан, ўйлади:

– Демак, икки кун ҳушсиз ётган эканман-да?

Пастдаги кўчада машина моторларининг овози эшитилиб турар, хона салқин эди, шунда у деразанинг очиқ эканлигини эслади.

Йиқилиб ётган ўриндиқ уни беихтиёр ўтган куни ҳақида ўйлашга мажбур қилди.

Нима учун стул кетган? Уни дераза олдига ким суриб оборган?

Уни ўзи олиб борганини, ҳатто стулга чиқиб олганини кўз олдига келтирди.

Ҳушим жойида экан!

Нима сабабдан стулдан йиқилганлигини, кўз олдида қандайдур хас пайдо бўлганини эслади.

Мен ўзимни деразадан ташламоқчи бўлганман! Шу он ўзини тўққизинчи қаватдан пастга қараб ғизиллаб бораётгандек ҳис қилди. Қулоғи тагида шувиллаган сас пайдо бўлди. Зум ўтмай у асфальтда чалқанча ётганини тасаввур қилиб, ўз хаёлидан ўзи чўчиб тушди.

Хуллас, ўй-хаёллардан қутила олмаган Жон қорни очиб, чанқаганлигини сезди. Очқаганидан меҳмонхона буфетини қидириб кетди.

– Буфет қайси қаватда?

– Номерга олиб келишга буюртма беришингиз мумкин, – деди фойеда ўтирган ходим жавоб ўрнига.

– Ўзим бормоқчиман...

Меҳмонхонанинг саккизинчи қаватидаги буфетда ичган қаҳваси билан еган бутерброди пулини тўлаш учун ҳамёнини очган йигит унда бир неча қоғоз пулларнинг қолганлигини кўриб, пластик карточкадаги акчанинг қаёққа ғойиб бўлганлигини яна ўйлай бошлади.

Қоғоз пуллар меҳмонхонанинг уч кунлик ҳакини тўлашга кетди. Тўртинчи куни меҳмонхона хонасини бўшатишга тўғри келди.

Бу кунларни Жон кўнгилсиз ўтказди. Кўп нарсалардан: Кэти билан Эдварддан, интернет дўкондан, пуллардан, ҳатто, ҳаётдан кўнгли қолганга ўхшарди. Бевафо дўстлари билан зарур пайт қаёққадир ғойиб бўлган пулларни кўргиси келмаётганлигини ўйлаганида, мийиғида кулиб қўйди, ҳатто ўзини қўл-оёғини боғлаб турган чилвирдан озод бўлгандек эркин ҳис этди.

Елкасига юкхалтасини осиб, тўққизинчи қаватдаги меҳмонхонани тарк этди. Унинг борадиган жойи йўқ эди. Кэти билан бирга яшаган уйга боргиси келмади, интернет дўкон ҳақида ўйлашни хоҳламади. Банкдаги ҳисоб рақамидан номаълум томонга ғойиб бўлган пулларга қўлини силтади.

Қоронғу тушгунча ўзи туғилган шаҳар кўчаларини айланиб, чарчаган Жон четрокдаги хиёбон ўриндиғига чўккан пайтда қорни очганини пайқади.

Қаршисида қаҳвахона борлигини кўрди, сайрдан чарчаган одамлар чироқларнинг ўткир ёғдуси тушиб турган столларда тамадди қилишар, ичимликлар ичишарди.

Жон чўнтагини кавлаб, тангаларни чиқарди. Жами бўлиб 75 цент қолган экан. Чақаларни кафтига йиғиб ўрнидан турди. Қаҳвахонадаги энг чекка столга ўтириб, официантни кутди.

– Қаҳва, – деди Жон официант келганда паст овозда. Бутерброд қўшиб айтишга таваккал қилолмади, пулим етмай қолади деб қўрқди.

Қорни оч, совқотган Жоннинг уйқуси келмади. Устига-устак ўриндиқнинг нотекис тахтаси ёнбошига ботиб, тинчини олди. Охири кўзи илинган экан, кимнингдир овозидан уйғонди.

– Марҳамат, ҳужжатингиз?

Тепасида кўлига резина таёқ ушлаган, тўладан келган полициячи аёл турарди.

Жон курткасининг чўнтагидан паспортини олди.

– Шаҳарда уйингиз бўлатуриб, боғда тунадингизми? – савол назари билан тикилди полициячи хоним.

– Шундоғ бўп қолди, – минғирлади Жон.

Полициячи хоним паспортни қайтариб бериб, ўз йўлига кетди. Совуққотиб қолган Жон карахт ҳолда анча пайтгача ўтирди. Ахири, очлик уни таниш қаҳвахона томон юришга мажбур қилди. Чўнтагида ҳемири ҳам қолмаган эди. Чекка столда ўтириб, одамларни кузатди. Олдига келган официантга:

– Бировни кутяпман, – деган сўзни аранг айтди. Ёлғон сўзлашни ўрганмаган эди.

Қўшни столда ўтирган бақалоқ киши қурт қўшилган иккинчи бутербордга қўл узатмади. Биринчисини еб тугатиб, қаҳвани ичиб, ўрнидан туриб кетди.

Жон зудлик билан ўрнидан турди-ю, ейилмаган бутербродни олиб яна ўз жойига келиб ўтирди. Худди қўлидаги бутербродни биров тортиб оладигандек шошиб ея бошлади.

Орадан бир неча кун ўтгач, Жон ўзининг янги турмуш тарзига мослашиб олди. Полициячиларда шубҳа туғдирмаслик учун ҳар гал тунаш жойларини ўзгартирарди. Унинг бахтига шаҳарда хиёбонлар, қаҳвахоналар, ошхоналар бисёр эди. Уларда овқатланадиган, шу жумладан, бутербориднинг ярмини емайдиганлар, бирор финжон қаҳванинг ярмисинигина ичадиган иштаҳаси йўқлар талайгина эди. Жон очликдан унчалар азият чекмади. Етти эшикка борса, девонанинг бети очилади деганларидек, дастлабки кунларидаги тортинчоқликни йиғиштирди, қулайроқ меҳмонхона ўрни бўлган хиёбон ўриндиғи, йўкса; ейилмай қолган бутерброд парчаси учун ўзи кабилар билан ҳатто талашиб-тортишиб қолган пайтлари ҳам бўлди. Ейилмай қолган овқат қолдиғини олиш доимий одатига айланди. Официант билан ошхона ходимининг жеркишларига, дўқ-пўписасига кўникиб, эти ўлиб кетди. Ким билади, ўша бир нарса рўпарасидан чиқмаганида Жон қолган умрини хиёбонларнинг ўриндиқларида тунаб, ошхоналарда ўзгаларнинг саркитини ейиш билан ўтказармиди?

Бир гал хиёбоннинг чеккарофида тунашга жой ҳозирлаётган пайтда Жон ўриндиқ бурчагида турган қоғозга ўроғлиқ бир нарсани кўриб қолиб, атрофга кўз югуртирди. Дастлаб, шу атрофга ўтирган кимдир унутиб қолдирган, шекилли, деб ўйлади.

Ён-атрофида ҳеч ким кўзга ташланмади. Бироздан сўнг қизиқувчанлиги устун келган Жон унутиб қолдирилган нарсани қўлига олиб, қоғоз ўрамларини очди. Унда чети синмаган, яъни ейилмаган бутерброд билан пластик идишда ҳали совиб улгурмаган қаҳва бор эди. Қорайиб кўринган иккинчи нарса китобга ўхшади. Кутилмаганда топиб олган ўлжани шоша-пиша юкхалтага жойлаб, ўрнидан қўзғалди.

Ким билади, эгаси келиб қолса...

Хиёбоннинг иккинчи томонидаги ўриндиққа ўтиб олганидан сўнг ҳам шубҳаси аримади. Умрида ўғирликка қўл урмаган, ёлғон гапирмаган йи-

гитга унутиб қолдирилган, арзимаган бутерброд билан қаҳва, қандайдир китобга эгалик қилиши – унга ўғирлик бўлиб туюлди. Аллақанча вақт фикрини бир жойга тўплолмай, боши қотиб ўтирди.

Топилмаларни ахтаргани ҳеч ким келмади. Барибир бутерброд билан пластик идишга қўл чўзмади. Қорни оч эмасди, аллақайси ошхона столида қолган овқат қолдиқларини еб олган эди.

Юкхалтасини бошига ёнбошлаб, тунни хиёбоннинг ёғоч ўриндиғида ўтказган Жон бу ердан кетишга ошиқмади. Ўрнидан туришга чоғланган кезда ўриндиқдан тушиб кетган, варақлари тунгги майин шабадада шитирлаётган китобга беихтиёр кўзи тушди. Энгашиб китобни ердан олди. Целлофан қоғозга ўроғлик китоб муқовасига йирик ҳарфлар билан:

"Авесто китоби, ёхуд пайғамбар Зардушт", деб ёзилган эди.

Китоб ўқишга унчалар қизиқмасди. Жон китобни беҳафсалалик билан варақлаб чиқди, китоб муаллифига эътибор ҳам қаратиб ўтирмади. Сўнг ўриндиққа қўйиб, кеча топиб олган ўлжанинг энг асосий қисми – бутерброд билан қаҳвага қўл узатди.

Оч қорни бироз тўйгандек бўлди. Атрофга кўз югуртирганча ўтган-кетганларни кузатиб ўтирди. Калта юбка кийган хоним шошилинч қадам ташламоқда, чамаси, хиёбон олдидаги бекатда тўхтайдиган автобусга етиб олмоқчи, эгнига сариқ футболка, шу рангдаги шорт кийган кексароқ киши узокроқда айланиб юрибди. Кимдир ўриндиқлар орасида қолдирилиб кетилган пластик идишлар билан қоғозларни йиғиб, халтага солмоқда.

– Боғ хизматчиси бўлса керак! – тахмин қилди Жон.

Бир неча ҳафтаки, давом этиб келаётган тушкунликдан кейин йигит бироз ўзига келгандек бўлди. Хиёбонда саф тортиб ўсган, ерга тангадек қуёш нурини туширмайдиган, яшил япроқлари ўз тилида тинимсиз куйлаётган, шовуллаб турган эманлар, уларнинг кўзга ташланиб турган йўғон туби ва томирларига ҳайрат билан боқди.

– Булар неча ёшга чиққан экан-а?..

Чор-атрофни кузатишдан чарчаган Жон юкхалтасига ёнбошлаб, ўриндиққа чўзилди. Тепасида шовуллаб, шамол билан тебраниб турган баланд арғувон дарахтларига тикилди. Зерикиб эснади. Шунда топиб олган китоби эсига тушиб, халтасини уёқ-буёғини пайпаслаб, китобни қўлига олди.

Авесто китоби, ёхуд пайғамбар Зардушт, ўқиди Жон ва уни ёзган муаллифига эътибор қилмай, биринчи саҳифасини очди.

Яштлар, ёхуд Ахурамаздани улуғловчи мадҳиялар.

Анчагача сатрларига тушунмади. Қайта-қайта мутолаа қилиб, бирор маъни уққандек бўлди. Мана бу сатрлар эса унга маъқул тушди:

Ҳақиқатни кимлар танласа,
Ўлмас улар, чекмагай озор.
Асли ёлғон чекинур бир пайт.

Жоннинг ўзи ҳақиқатни танлаган кимсалардан бири эмасмиди? Ўлмас улар, чекмагай озор... дарҳақиқат, қандайдир бир куч, оқим йигитни ўлимдан сақлаб қолди. Йўқса, тўққизинчи қаватдан сакраганда, албатта...

У ўқишни давом қилди. Айниқса, Авесто мадҳияларининг муаллифи деб танилган Зардуштнинг ҳаёти ҳақидаги ҳикоялар уни ғоятда қизиқтирди. Китобда қайд қилинган бир томони чексиз-чегарасиз саҳро билан кўкни туташтирган тоғлар, бир томони кўллар ва қалин ўрмонлар, сон-саноқсиз қўрғонларни кўз олдига келтирди. Худди эртаклардагидек, мазкур ўлка ёзувчининг хаёлотидан яралган адабий ҳақиқатми ёки бу манзаралар Зардушт замонидан буён сақланиб келаётирми, у ҳақда йигит ўйлаб ҳам кўрмади. Хуллас, Жонни китоб тилсимоти ўз домига шунақанги тортган эдики, ўқиган сари ён-атрофга, ҳаётга бўлган бепарволикнинг ўрнини иштиёқ, қизиқиш, ўзгача ҳавас мафтун қилиб бормоқда эди.

Жон ҳеч бир динга ишонмас эди. Тўғри, бир пайтлар онасига эргашиб, черковга боргани, ёқимли оҳангда айтилган хорни иштиёқ билан тинглагани ёдида. Кейин эса исломга кирган синфдошларига тақлид қилиб, Қуръон сураларидан оятларни қироат билан ўқишга қизиқди. Бироқ, араб болалари каби қандайдир мунгли оҳангда ўқишни эплай олмаслигини билгач, ундан ҳам совиди. Энди мана, ҳеч ким ўйламаган каромат юз бериб, унинг қўлига тушган китобда тасвирланган, ўзи етти ухласа тушига ҳам кирмаган олис ва иссиқ ўлкада бундан... – у китобни очиб, керакли варақни топиб тикилган эди Зардушт исмли пайғамбар бундан йигирма етти аср муқаддам ўз таълимотини Авестода қолдириб кетган экан. Китоб йигитнинг зимистон тун каби қоронғу кўнглида умид учқунларини уйғотаётган эди. Эҳтимол, бутерброд билан қаҳва, китоб бирор сеҳр ёхуд мўъжиза рўй бериб Жоннинг олдидан чиққандир? Тўққизинчи қаватдаги меҳмонхона деразасидан пастга сакрамоқчи бўлганида...

Жон бундан бир неча кун аввалги ўша тунни кўз олдига келтириб, ўшанда омон қолишига сабаб бўлган аллақандай тилсимли, сеҳрли мўъжизани излади. Уни топгандек бўлди, капалак, ўйлади у. Ўшанда кўз олдида ўзидан нур таратиб турган хас пайдо бўлган эди.

Бир неча кунлар давомида китоб таассуротларидан қутулолмай қолган йигит аста, чиндан ҳақиқатни танлаганлиги, ёлғон гапирмаганига ва шу йўлдан адашмаганига ўзини ишонтирди. Оҳисталик, осойишталик билан турли режалар туза бошлади. Бевафо дўстларидан ўч олишни ҳам ўйлаб кўрди, лекин бу ўйдан қайтди. Уларнинг ёлғон сўзларини тинглаб, ёлғонни яширишга ҳаракат қилиб, лақиллатиб турадиган нигоҳларига яна бир карра тикилишни хоҳламади.

Охирида хиёбон ўриндиғида совқотганидан уйғонган йигит уйига қайтишга аҳд қилди. Онасидан мерос бўлиб қолган мўъжазгина уйи борлигини эслаган йигит юкхалтасини елкасига осиб, шаҳарнинг бу чеккасидан иккинчи чеккасига пою-пиёда йўлга тушди. Барибир, тўлайдиган пули йўқ эди.

... Болалигидан таниш бўлган каравот эсига кўп нарсаларни туширди. Очликка бардош бериб, бир-икки кун хордиқ чиқарди. Ваннага тушиб соқолини қиртишлади. Анча йил шкафда турган, энди ўзига тор келиб қолган костюмини кийиб, кўзгу олдида бир муддат тўхтаб қолди. Сўнг уйни гаровга қўйиш учун керакли ҳужжатларни олиб, эшикдан чиқди.

Банкдан олинган кредит ойлаб эмин-эркин яшашига етар эди. У кўчада тунаб юрган пайтларида озга қаноат қилишга ўрганган эди, бир финжон қаҳва билан бир бурда нонга қорнини тўйғазди.

Дўст билан севган ёрининг вафосизлигини эсламасликка кўп уринди. Хоинлик, алдовлар юрагини азоблади, бироқ, тўққизинчи қаватдаги меҳмонхонада хаёлига келган ҳал қилувчи ҳаракат, энди йироқда қолган ёқимсиз бир ҳодисадек бўлиб туюларди. Ўша нохуш кечадан кейин кўнглини эгаллаб олган бўшлиқ ва коронғуликнинг орқага чекинишига, боғ ўриндиғидан топилган Зардушт тўғрисидаги китоб сабабчи, деб ўйлаган Жоннинг дилида бундан йигирма етти аср муқаддам ҳақиқат ҳақида дуолар битган инсон яшаган юртни, ўлкасини бориб кўриш истаги пайдо бўлди. Бу истак бора-бора барча хоҳишларидан устун келиб, саодатли кунларнинг бирида Жон сафарга отланганди.

(Давоми келгуси сонда)

NASR



Темур ПЎЛАТОВ

(1949 йилда туғилган)

ЎЛИМНИ ҚОЛДИР ДОҒДА

Рус тилидан
Шарифжон АҲМАД
таржимаси

Ўзбекистон ва Тожикистон халқ ёзувчиси Темур Исҳоқович Пўлатов бундан роппа-роса 80 йил муқаддам – 1939 йилнинг июль ойида Бухорода таваллуд топди. Москвада ўқиди, Тошкентда, сўнг Москвада турли нуфузли лавозимларда ишлади. Ўзига хос бадиий олами, услуби билан адабиётга кириб келди. Пировардида замонавий жаҳон адабиётининг энг кўп тилларга таржима қилинадиган, бинобарин, энг кўп ўқиладиган адибларидан бирига айланди. Рус тилида ижод қилувчи адибимизнинг Ваҳоб Рўзиматов, Шукур Холмирзаев, Эркин Носиров, Тоҳир Малик, Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Нурилло Отахонов, Набижон Боқий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган кўплаб ҳикоялари, қиссалари ва романлари кенг китобхонларимизнинг маънавий мулки ҳисобланади (мазкур таржималар жамланган уч жилд китоб шу йил "Янги аср авлоди" нашриёти томонидан қайта чоп этилди) .

Ҳозирда Москва шаҳрида истиқомат қилаётган Темур Пўлатов қутлуғ ёши арафасида жафокаш Қрим-татар халқи ҳаётидан ҳикоя қилувчи туркум қисса ва романларини чоп эттирди. Улардан бири – "Ўлимни қолдир доғда" қиссаси муҳтарам журналхонларимиз эътиборига ҳавола этилмоқда.

Таҳририят

Қрим-татар халқининг етакчи ойдинларидан бири – Нўъмон Чалабижаҳоннинг сўнгги кунлари ҳақида қисса

Аллоҳнинг йўлида қатл бўлганларни "ўликлар" деманг. Балки улар тирикдирлар, лекин сиз сезмассиз.
Қуръони Карим,
Бақара сураси, 154-оят.

I

Нўъмон Чалабижаҳон охирги ҳафтани Буюк Сўноқдаги ота ҳовлисида, яқин ақраболари қуршовида ўтказди. Кўзларидаги аввалги чақинлар

сўниб, сочларию мўйлабига оқ оралаб қолгани, ҳамиша тик гавдаси энди хиёл эгилиб, чеҳраси ҳам тундлашиб қолгани яқинлари назаридан четда қолмади.

Ҳаётининг энг долғали ва ҳал қилувчи сўнгги ойларида Нўъмон хасталаниб қолган падари бузруквори – атроф-депарага донғи кетган наслдор йилқилар эгаси Иброҳимбейни бир-икки дафъагина йўқлашга фурсат топа олган эди, холос. Оиланинг бутун жамғармаси сақланиб келган банк касодга учраши билан буткул хонавайрон бўлган Иброҳимбей ҳам бирдан кексайиб, чўкиб қолгандай кўринар, атрофдагиларнинг баридан, ҳатто мана шу суюкли фарзанди Нўъмондан ҳам кўнгли қолгандай эди.

Маслакдош бирodарлари сафига путур етмаслигини ўйлаб, ўзи бутун умр орзу қилган ягона мақсад йўлидаги кураш бардавом бўлиши ҳаққи Нўъмон Қирим ҳукумати ва Қурултойдаги барча лавозимларидан истеъфо берганини уйидагилар "Миллет" газетасидаги билдирувдан аллақачон ўқиб билишган, аммо яқинлари бу мавзуда у билан сўз очмасликка уринишар, фақат ҳали билагида йигитлик қуввати жўш уриб турган Нўъмон энди қай бир юмуш этагини тутишини билолмай ҳалак бўлар эди.

Тўшакка михланиб қолган отаси Нўъмонга таънаи дашном тўла кўзлари билан қараб тургандек бўлаверар, отанинг нигоҳлари замирида қотган домангирлик учқунларини сезгани сайин бу учқунлар тўғри юрагига қадалаётган каби ичи ғашланиб, сиқилаверарди. Ахир отаки бор, ўз фарзанди аржумандининг ҳаловатини, ҳаловатли турмушга эш-қўш ривожу камолини ўйламасми? Кўп бора айтмабмиди ахир, эр кишига ярашиқли касб-кор пайидан бўл деб? Ана, тужжорликни тут, ҳам саёҳату ҳам тижорат деганларидек, дунё кезиб, оилаю рўзғорингга баракаи барор киритасан. Шифокор ёки адвокатлик ҳам бинойидек ҳунар. Буларнинг бирортаси кўнглингга ўтирмаса, ана, жиллақурса, ўзимга ўхшаб, йилқи кўпайтириб, ялло қилиб юрмайсанми? Йўқ, бу кишим, ўзбошимча бу жаноб сиёсатни танладилар, таниқли арбоб бўлиб, хаёлидаги орзулари етовида ҳайё-ҳуйт кетдилар! Мана, охири нима бўлди – худди биргина нобоп қарор туфайли касодга учраган банкир каби не қиларини билмай шумшайиб юрибди энди!

Айни маҳалда Абдулалимбей билан Абубакир Чалаби амакилари бўлса, Худо берган чинакам иқтидори – ёзувчилик маслагига яна қайтиши учун, асталик билан Нўъмонда рағбат уйғотишга уринишар, илло, дурустгина қалами бор жиянлари айни қобилияти барқ уриб, гўзал асарлар битиш ёшида эканини улар яхши англашар эди. Илк машқлариёқ Нўъмонни Қрим-татар ёшлари орасида машҳур қилиб улгурган, унинг "Кобелек" ва "Сариқ лола" каби ҳассос шеърларини ҳамон мактаб ўқувчилари ёд олиб юришганию, "Қалдирғочлар дуоси" ҳикоясини эса адабиёт дарсларида қизиқиб мутолаа қилишлари бежиз эмасди.

Нўъмоннинг хаёлоти яна қайта жўш уриб, кўнглида янгича мавзуларни қоғозга тушириш рағбати пайдо бўлиши учун амакилари уни олис юртларга – Ҳиндистону Чин-Мочин, Япония ва бошқа жозибадор ўлкаларга сафарга отлантиришга ҳам шай эдилар, бир вақтлар Истанбул ва Петербургдаги таҳсилини кўтарганлари каби бу гал ҳам суюкли жияннинг ижодий саёҳати сарф-ҳаражатларини ўз гарданига олишдан улар асло қочишмас эди. Фақат Нўъмоннинг ўзи бунга йўқ демаса, хориждан қайтиб келгач эса бири бошқасидан аъло янги асарлари билан,

эҳтимолки, ҳали бирор қаламкаш қаламидан тўкилмаган салобатли романи билан, барча мухлислари қатори, саҳоватпеша амакилари дилларини ҳам хушнуд қилса бўлгани!

Кезлевлик бой савдогар Сеит Абду Ҳожи – Нўъмоннинг қайнотаси ҳам худди шу фикрда, аммо унинг ҳам бир шарти бор эдики, саёҳатдан қайтган куёв ҳалитдан ҳамма орзиқиб кутаётган ўша бўлғуси китобининг ибтидою индаллосини айнан унинг чорбоғида – ҳали ҳукумат тадбири, ҳали Қурултой ишлари деб Боқчасарою Оқмачитга қатнайверганидан қизини қайтариб олиб келган Ҳожининг айнан ўша чорбоғида – яна қайта ўз завжаи муҳтарамасининг меҳрибон паноҳида қоғозга нақшламоғи вожиб эди. Қайнғтанинг бундай талаби замирида айрича маънолар ҳам бор эдики, оламшумул ғояларига муккасидан кетган Нўъмон хотинидан совий бошлагандек туюлар, бунга сайин бояқиш аёлнинг ичини тинмай итлар кемирарди: олағовур кентларда кўҳликкина бирор инқилобчи қиз билан илакишиб қолмадимикан, ишқилиб?

“Топган гапингни қара-ю, – дерди шунда отаси, – сендан бошқа бирортасига уйланиш нияти бўлса, Нўъмон аллақайси инқилобчи қизга эмас, майдалашиб ўтирмасдан биратўласи инқилобнинг ўзигаёқ уйланади!” Куёвининг эсли-ҳушлию, одоб-ахлоқли йигит эканини яхши билган Ҳожи шундай гаплар билан қизини кулдириб, ҳали яхши кунлар келишини айтиб, далда бериб турарди. Парижми ва ё Берлинда муҳожиротда юриб, пайдар-пай ишқий саргузаштлару айшу ишрат билан андармон ўрис инқилобчиларидан батамом фарқли ўлароқ, бу каби залолатни Нўъмон асло ўзига яқинлаштирмаслиги чин ҳақиқат эди.

Ушбу олис сафар режалари ҳеч қачон рўёбга чиқмаслигини билса-да, яқинлари кўнгли учун “хўп, ўйлаб кўраман” дерди-ю, айни талотўп дамларда ёлғизликда хаёлларини йиғиштириб олишни истаб, арқонини узгудек бўлиб ортидан кишнаган арғумоғига ҳам қарамасдан, даштнинг олис ичларига бош олиб кетарди.

Баъзан ташвишларнинг барига қўл силтаб, Ҳиндистону Чин тараф кетмаса ҳам, ҳартугул қадрдон уйида хонанишин кўмилиб олганича, юрагида йиғилиб қолган дардларини жиддийроқ бир асар шаклига солишни ҳам ўйлаб қоларди. Шундай қилса, биратўласи отасининг қошида бўлиб, унинг гиналарини ҳам аритармиди... Ҳайҳотдек уй ва унга ёндош боғ ҳам қаровсиз қолибди. Таҳсил пайтлари таътилга келганида худди шу боғда кўнгил чигилини ёзиб, эртадан-кечгача астойдил тер тўкишни севар, олма дарахтию ёнғоқ ниҳолларига шакл бериб, улар орасида турфа гуллар ўстирмоқчи эди. Атрофини қуршаган ҳайбати улуғ табиатнинг мўъжазгина шу бўлагида баравж ўсаётган дов-дарахтлару чечакларнинг турфа ранглари унинг қалбида дастлабки илҳом жозибасини уйғотиб, айни шу малоҳатли борлиққа битмас ошуфталик оҳангларини қоғозга муҳрлашига ундаган эмасмиди?..

Сариқ лола

Илк баҳордан мужда берган сариқ лола,
Кошки бундай сўлмасайдинг ҳеч бир тонг-ла.
Гўзал сулув гунчанг ила андомингни
Ҳар кун севар, ўпар эдим эҳтиром-ла.

Кўнглимизни чоғлантирдинг, сариқ лола,
Мен-да сени қизғонамен бегонадан
Узоқлардан, еру кўкдан кўп севамен
Қуёшларнинг юлдузларнинг кўзи ёмон.
Сариқ лола, боқчамизни шонлантирдинг,
Оз бўлса-да, синиқ кўнглим чоғлантирдинг.
Эрта сен ҳам синдирилиб, тарк этилиб,
Кетар бўлсанг бу жаҳонга нечун келдинг?

Бу орада Нўъмон даштнинг мусаффо ҳаволаридан нафас олиб, тобора узоқлаб борарди. Ўз хаёллари билан бўлиб, бутун юзаси бўйлаб тарамтарам қизғиш чизиқлар тортилган ҳаворанг харсангтош қаршисига келиб қолганини пайқамади. Оёқларида ҳорғинлик сезиб тош устига чўкди. Беихтиёр яна хаёлларининг давомини боғлади.

Охирги кунларда унинг хаёлини айнан бир хил фикр забт этгандики, "муҳтарам устод Исмоилбей унинг ўрнида қандай йўл тутган бўлар эди?"

Бундан тўрт сана аввал устод бу дунёга кўл силтаб, бақо юртига рихлат қилган маҳал замон бошқача эди. Унинг икки шогирди – Чалабижаҳон билан Сейдамет Исмоилбей ўгитларини кўнгилга жо қилиб, Қрим элининг кайта оёққа қалқиши чораларини эндигина пайпаслаб кўришмоқда эди.

Исмоилбей Ғаспирали бирон-бир юқори лавозимга ва шу мавқедан келажак ҳеч бир имтиёзларга заррача талпинган эмас. Қримга пайдар-пай юборилаётган келгинди амалдорларнинг баридан қобилияту салоҳияти ҳар қанча юқори бўлмасин, у пайтлар чор хукумати қрим-татарларини юқори рутбаларга асло яқинлаштирмас эди.

Ўшандан буён шугина қисқа вақт ичида кўп сувлар оқиб ўтибди-я, кўз очиб, юмгунча бутун бир давр алмашиб улгурибди. Февраль инқилоби содир бўлиб, унинг ортидан подшо ҳам тахтидан воз кечар экан, турли-туман демократу ҳар хил кадетлар илгари сурган шиорларга чин дилидан ишонган Чалабижаҳон ва унинг издошлари Қрим учун лоақал мухториятни қўлга киритиш замони келди, деб ўйлашган эди. Аммо йил охирлагунча қолаётган бир неча ой ичида вазият янада тез ўзгариб кетишини улар хаёлларига келтиришмаган ва мана, энди чинакам мустақиллик масаласини кун тартибига қўйиш масаласи пишиб етилган эди.

Ўша қисқа вақт ичида турли мажлисларда юзага чиққан кескин мунозаралар ва оташин нутқлар Қурултой фаолиятида парокандалик келтириб чиқармаслиги мумкин эмасди. Оқлар ва қизиллар, болшавой ва коммунистларнинг ҳар бир нишли сўзи қўрғошин ўқларга дўниб, Қурултой ва тетапоя Қрим хукуматининг кўксига келиб қадалмоқда эди.

Қиш-кировли кунларнинг сийрак туманлари қоплаган даштнинг олис узоқларига тикилган кўйи ўз ўйларига асир бўлиб Чалабижаҳон ўтирган харсангни гиламдек қалин йўсин қоплаб олган. Нўъмон бу тошни кўпдан буён ардоқли бир жисм деб билар, илло, совуқ кунлар бўлишига қарамасдан, харсанг замирида ҳамон сақланиб турган илиқ тафт унинг хаёлларини жамлаб, вазиятга тўғри баҳо беришига кўмакчи бўлаётгандай туюлар, қалбида масъум туйғулар қўзғатиш билан бирга, аллақандай синоатли тарзда, ижодий илҳом чечакларини ҳам уйғота бошлар эди.

Айнан шу жойда бир пайтлар унинг яна бир шеъри таваллуд топган, ўшанда қизил қанот дашт капалаги ортидан қалпоғини силтаб бораётган қизалоқ чеҳрасидаги сурурдан пайдо сатрлар табиий тарзда дафтарига муҳрланиб қолган эди:

Капалак

Бир капалак уча-қўна боқчаларда кезарди
Настаринлар, нилуфарлар бу малакдан безарди.
Очилган у олтин ипак қанотлари гунчадек
лолаларга ўхшар нозик, инжа, ҳафиф шунчалик.
Бир ўқувчи қизча кўриб ичига ўт туташди,
– Энди сени тутаман, деб, қалпоғини ечиб чопди.
Кўп қувлади – етолмади, қалпоқ билан уролмади,
капалакни тутолмади, бошқа қайтиб кўролмади...
Чунки у бир ёш гунчага ўпа-ўпа ёпишароқ,
Япроқларнинг кўлкасида кўринмасдан яшринганди...[1]

II

Нўъмон хонанишинлигининг биринчи ҳафтаси охирларида биринчи қор ёғди. Тонг саҳар яхлаб улгурган ерга тараклаб урилиб, атрофларда садо бериб янграган туёқ товушини эшитиб, аввалига отхонадаги арғумоқ эрталабки сайрга жониқиб безовта бўляптими, деб ўйлади.

Нўъмоннинг ўзи бир пайтлар минг азоб билан базўр қўлга ўргатиб жиловлаб олган ва дарҳол Форий лақаби билан сийлаган бедов бу дўнон, соҳиби иккови ҳадемай бепоён дашт кенгликларида ҳур шамолларга йўлдош елажакларини бетоқат кутар, аммо Нўъмон унга эгар урмай дашт тарафга ёлғиз ўзи кетаётганини кўриб, домангир пишқириб, ер депсиниб қолаверар эди. Баъзан ҳожасининг бу ғирромларига кўнмасдан арқонини узиб, унинг ортидан чопиб келар, шунда ҳам кўнгли ёлғизликни тусаган Нўъмон ҳар сафар уни ортига қувиб солар эди. Ҳожаси каби қайсар Форий амри қатъийга истар-истамай кўнишга мажбур қоларди. Энг ёмони, кейинги пайтлар уни бричкага қўшиб, Жонкўй шифохонасига қатнайдиган бўлишди. Бунга сабаб эса тобора соғлиги ёмонлашиб бораётган катта соҳиб Иброҳимбейни табиблар кўригидан ўтказиб туриш лозимоти эди.

Аввалига узоқдан эшитилган туёқлар товуши тобора яқинлашар экан, Нўъмоннинг хавотири ошиб, эгнига пўстинни ташлади-да, ташқарига йўналди.

Сал наридаги кудуқ ёнида кичик жуссали, аммо тўладан келган бир одам отдан тушиб келди. Нўъмон аввалига уни танимади. Синчиклаб қараб, Жонкўй яқинидаги Оқсор масжиди имоми Воис Ҳожи эканини билди. Бир пайтлар бошқа толиби илмлар қатори ўзи ҳам шу имом қўлида шариат асосларидан таҳсил олган эди.

Бутун қиёфасидан зўр ташвиш аломатлари билиниб турган Воис Ҳожи салом-аликни ҳам унутиб, шоша-пиша сўзланди:

– Ҳазратим, ҳузурингизга ноҳуш хабар билан келганим учун маъзур тутинг... Қизил большавойлар Оқмачитни эгаллаб олишди... Маслакдош-

[1] Икки шеър таржимони Зариф Султоний.

ларингизни ҳибсга олиб, қатл этишмоқда... Мусулмон қўшинимиз мардона жанг қилишса ҳам уларга бас кела олишмади... Абобил[1] қушлари қай бир йўлларда адашиб, мўъмин биродарларимизга мададга етиб кела олмаган кўринади.

Шум хабарни эшитиб, Чалабижаҳоннинг юзларидан қон қочди, пешонасидан реза-реза тер чиқиб, не жавоб қиларини билмай жим туриб қолди.

Шажараси қадим юнонийларга бориб тақалувчи Ҳожининг асл исми Барба бўлса-да, дини Ислом паноҳига ўтгач, Воис[2] исми билан сийланган эди. Қаттиқ ҳаяжонланган пайтлари фикрини жўяли уқдиришга қийналар, шунда қрим-татарча сўзларни тополмай, юноний калималарни қўллай бошларди:

– Ҳаммани бирваракайига авахтага тиқишяпти. Жонкўй килсаси папазини[3] ҳам куппа-кундузи ҳамманинг кўз ўнгида тутиб олиб кетишди. Бошимизга не кунлар келди-я?! Охири замон деганлари шу бўлсами?! – Нўъмоннинг нигоҳида қатъий бир қарор учқунларини сезиб, Воис Ҳожи сўзлашдан тўхтаб қолди.

Қримни талотўплардан асраш мақсадида Қурултой тарафидан тузилган мусулмон қўшини қолдиклари ва оқ гвардиячиларни чекинишга мажбур қилиб, январь ойи бошларидаёқ большавойлар Кезлев билан Боқчасаройга яқинлашиб келишган бўлса-да, Қрим Республикасининг сўнгги истеҳкоми – Оқмачит бунчалар тез ишғол этилади деб ўйламаган эди Нўъмон.

– Мен дарҳол йўлга отланаман! – деди Чалабижаҳон ва уй томон юрди. – Ҳожим, кийиниб олгунимча сиз ҳам ичкарида исиниб олинг, лутфан.

– Нималар деяпсиз, ҳазратим?! У тарафларга ёлғиз боришингиз асло ақлдан эмас. – Нўъмоннинг ушбу қароридан Воизнинг хавотири чандон ошди. – Замон кўп нотинч, йўлларда ҳар турли қаланғи-қасанғи йўлтўсарлар урчиган пайт. Кўринганни қийратиб, учраганни жувонмарг қилишяпти... Келинг, ҳеч бўлмаса Жонкўйгача сизга ҳамроҳ бўлай, ундан нариси эса – Худога омонатдасиз.

Ҳожаси эгарга сакраб миниши қулайроқ бўлсин учун Форий-арғумоқ хиёл эгилди. Йўлга тушишлари билан эса имомнинг қари қирчанғиси олдида ўзини кўрсатиб қўйиш учунми, туёқларини намойишкорона такиллатиб шаҳдам илдамлай бошлади. Муфтий ортидан қолмасликка тиришаётган Воис Ҳожи шу дамда хатарларни писанд этмасдан тўғри Оқмачит сари юзланган Чалабижаҳоннинг қарори қатъий эканига амин бўлди.

"Шогирдим тушмагур зиғирча ўзгармабди, – хаёлидан ўтказди Ҳожи ифтихор туйиб, – ҳалиям ўшандай қайсару ўшандай қатъиятли!"

Оқчўра масжидига етгач, у ерда келгуси ишлар барори учун дуога қўллар очилди:

"Даима девлет, насибу дженнет, ханелерге берекет, укюметимизге девлет, топракъларына берекет, аскерлерине кьувет, барышыкь огърунда мувафакъиет Алла насип эйлесин. Амин!"

[1] Абобил – Қуръоннинг 105-сурасига ишора. Ушбу сурада Макка шаҳрини қамал қилган хабашлар қўшинини тарқатиб юборган афсонавий Абобил қушлари ҳақида сўз боради.

[2] Воис (араб.) – устоз маъносида.

[3] Килса, папаз – черков, поп-роҳиб.

Дуолар ўқилиб, хайр-хўш олдидан Воис Ҳожи яна хавотирларини изҳор қилди:

– Манзилга эсон-омон етиб олармикансиз-а?.. Жонкўйда ит эгасини танимай қолган – жон қайғусида ҳар ёқдан қочиб келган крим-татару оқ гвардиячилар билан тўлиб-тошган ҳозир. Ҳазратим, қароригиз барибир қатъий бўлса, начора, не дердим, фақат арғумоғингизни каминага қолдириб, ўрнига менинг қирчанғимда йўлга отланинг. Дўнон отингиз кўркамлиги йўлтўсарнинг диққатини тортиши тайин. Хавотир олманг, Форийни ўзим Буюк Сўноққа элтиб қўяман. Қайтишингизни интиқ бўлиб кутади уйингизда. Менинг шарти кетиб-парти қолган қирчанғимдан айрилиш унчалар таассуфли эмас. Худо кўрсатмасин, аммо мабодо боши бузуқларга дуч келсангизу, отни тортиб олишмоқчи бўлса, зинҳор тараддудланмай қўшқўллаб топшираверинг, худойи садақа – жонингиз омон бўлса, бас!..

Шу пайт Нўъмон ўзига аён нохуш ўйларини хаёлидан ҳайдамоқчи бўлган каби елкасини учириб қўйди. Нигоҳларида яна аввалги чақинлар кўриниб, кўпдан бери илк бор лабларида табассум пайдо бўлди. Мадраса таҳсили дамларида айнан шу Воис Ҳожининг меҳрли нигоҳлари остида Қуръон сураларини қироат қилгани янглиғ шу дамда чеҳрасини ажиб нурлар чароғон этиб турар эди.

Видолашмоқ истаб, Чалабижаҳон арғумоқнинг қашқа пешонасига юзларини босган маҳал Форийнинг мунгли кўзларида маъюс ёшлар йилтираб кўринди.

Нўъмон Жонкўй тараф йўл солиб, кўздан ғойиб бўлгач, Форий ўз устидаги Ҳожини улоқтириб ташламоқчи бўлиб, бир жойда ер депсинганча узоқ кишнаб қолаверди. Ўз ҳожасидан айро тушган арғумоқ кўкка сапчийвериб, имомни майиб қилишига бир баҳя қолди, ҳожидўппига ўралган салласи ечилиб, ерга чувалашди. Бахайр, охири Буюк Сўноққа элтар сўқмоққа тушиб олингач, айрилиқ қисматига ночор кўнган бўлди бу асов от.

III

Яқин кунларгача осуда ва хотиржам шаҳар бўлган Жонкўйда энди баайни бир қиёмат қўпганди. Майдону хиёбонлар турли ашқол-дашқоллар ортилган фойтунлар билан тирбанд, от ўрнига қари-қартанглару болабақра қўшилган қўлбола аравалар бу тирбандликда йўлини тополмай саросар эдики, тумонат талотўпни кўрган одам бутун шаҳар бир жойга жамланиб, олашовур бозорга айланиб қолганми, деб ўйлар эди. Тобора зўрайиб бораётган қий-чув, бақир-чақирлар қулоқларни қоматга келтирган. Кимдир йўқолиб қолган, яна аллаким тиқилинчдан чиқа олмай ҳалак. Иморатлар атрофини мудофаа учун қум тўлатилган қоплар билан тўсаётгану йўл ёқасида ҳандақ қазиётган аскарлар ҳам атрофдаги ушбу бесаранжомликни баттар зўрайтиришади. Оқмачитдан чекиниб, энди эса Жонкўйда муваққат қароргоҳ қуриб, ўзини Бутун Россия халоскори дея эълон қилган барон Врангель қўшинларининг абгор ва ночор қолдиқлари эди бу аскарлар.

Жонкўй депарасига етиб боргач, Чалабижаҳон эгардан тушиб, кирчанғини жиловидан етаклаб олди. Йўлда учраган қочоқ оломон

ҳайкириқларидан от ҳуркиб ўзини ҳар томонга ташлар, шунда Нўъмон уни бир амаллаб тинчлантириб олар эди.

Қочқинлар орасида қрим-татарлар ҳам кўп эди. Уларнинг айримлари Нўъмонни таниб, ортидан узоқ пайт қараб қолишар, баъзилари эса муфтийни кўришлари ҳамоно сўнгги умидлари ҳам сўниб бораётган кўзларини айбсиниб олиб қочишарди.

Чорасизлик гирдобида ҳориб-толган қочқинларнинг тартибсиз издиҳоми аро бир пайт ажабсиниш овози янгради:

– Кўзларимга ишонмайман, Чалабижаҳон, наҳот бу ўзингиз бўлсангиз?!

Нўъмон овоз келган тарафга қараб, Петроградда февраль инқилобидан сўнг қудратга келган Муваққат ҳукуматнинг губерния комиссари Богданов адъютантини базўр таниди – яқинда полковник унвонига ноил бўлган Ржешевский эгнидаги исқирт ва титилиб кетган мундири унинг юқори рутбасига асло ярашмас эди.

Полковник ёнгинасида ҳандақ қазиётган аскарга ўқталган қамчисини ортига яшириб, Нўъмонга савол йўллади:

– Қаёққа йўл олдингиз, тасаддуқ?

– Оқмачитга, – деди Чалабижаҳон хушламайгина.

– Ажалингиздан беш кун бурун ўлгингиз келиб қолдими дейман? – кесатди яна Ржешевский. – Маркс билан Ленин ҳаромзадалари қилаётган ишлардан хабарингиз бордир?! Ватанпарвар офицерларни оилалари билан қўшиб, қрим-татарларингизни ҳам, барини бирваракайига қатли ом қилиб ётишибди... Бу хунрезликлар бошида турган шайтоннинг урғочиси кимлигини ҳам биларсиз? Розалия Самойловна Залкинд деган бир қанжиқ! Бенасаб большавойлар удумига эргашиб, ота-бобосининг исми-шарифидан ҳам тониб, ўзини ўзи Землячка деган лақаб билан сийлаб олибди.

– Эшитганим бор... – деди Нўъмон манглайидан сизиб чиққан тер доналарини артатуриб. – Ҳаммаслак сафдошларим ҳузурига кетяпман...

– Миллатдошларингиз бари шу ерда, – деди бунга жавобан Ржешевский ёнларидан ўтиб турган бола-бақралар ўтирган араваларга ишора қилиб. – Шуларга қўшилиб олинг. Оломон қай тараф қочиб жон сақлашни яхши билади. Улар билан бирга кетсангиз, шоядки жонингиз омон қолса.

Ёши анча катта бўлгани учун ҳам полковник шундай бетакаллуф сўзлаётганини Нўъмон яхши тушуниб турарди. Қолаверса, Богданов ҳузуридаги сўроқ маҳали ушбу жангарининг феъл-атворини дурустгина тушуниб олган, шу боис унинг беписанд сўзларидан хафа бўлишни ўзига эп кўрмади.

Нўъмон жимиб қолганини кўриб, полковник ички хўрсиниқ билан сўзларига қўшимча қилди:

– Таассуфлар бўлсинки, ўшанда губернатор жаноблари ҳузурида сиз билан муросага кела олмадик. Баҳамжиҳат иттифоқ тузганимизда эди, қрим-татар қўшини билан биргаликда бу қизил маразларни Қора денгизга аллақачон чўктириб юборган бўлардик. Ай, қайсар жанобим-ай!..

– Ахир сизлар ўзингиз бизни тинглашни истамадингиз, қрим-татарларнинг орзу-умидлари билан ҳисоблашиш ўрнига мени ҳибсга олиб, зўравонлик йўлини тутдингиз!

– Аммо жабҳага мусулмон полкларингизни юборишни рад этиб, энг оғир дамларда Россияга ёрдам қўлини чўзишдан бош тортдингиз-ку!

Мана энди бунинг оқибатларини ўзингиз кўриб турибсиз – Россия билан бирга Қримингиз ҳам ҳалокат ёқасига келиб қолди...

Шу гапларни айтиб, Ржешевский таассуф изҳори тарзида алам билан қўлларини ёйди.

Губернатор ҳузуридаги учрашувдан буён сочларига обдон оқ тушиб, озиб-тўзиб кетган полковник қиёфасида шу онда офицерларга хос салобату кўркамликдан асар ҳам қолмаган эди.

– Кечириб бўлмас хатога сиз йўл қўйдингиз, – деди яна полковник, – ҳарбий ҳолат қонунларига кўра Сизни қамоққа ташлашга мажбур бўлган бизлар эмас.

– Бу асло хатолик эмасди, – жавобга шайланди шу дамгача ўзини босиб турган Нўъмон. – Қурултойимизнинг тамойиллари аниқ-тиниқ эди, яъники, ўз мақсад-муродларимизга фақатгина тинч йўллар билан, куч ишлатмасдан эришдик. Ушбу тамойилларни осмондан олиб битганимиз йўқ, аксинча, тинчликпарвар миллатимиз зеҳниятининг асос инъикосидир бу. Бизлар турли найрангларга аралашишни истамаймиз, кимса қонини тўкишни ҳам қатъиян инкор этамиз. – Нўъмон ёнларидан ўтиб бораётган аравага эргашмоқчи бўлиб интилган қирчанғи жиловини кескин тортиб қўйди.

– Куч ишлатмаслик! Тинчликпарварлик! – Ржешевский киноя билан қаҳқаҳа отиб кулди. – Хонлар даврида-чи, ўшанда ҳам қўй оғзидан чўп олмаган беозормидингизлар? Биргина оғзаки шакаргуфторлигу дипломатик хушмуомала билан ҳудудларингизни кенгайтириб борганмидингизлар? Булар дарё-дарё қонлар эвазига бўлганини биз билмаймизми?..

Шовқин-сурон туфайли Нўъмон гоҳида овозини баландлатишга мажбур бўлар, шунда бу шаҳар ва бу юрт жар ёқасида турган бир пайтда булар иккови – чор қўшинлари офицери билан Қримнинг асил фарзанди – фожиа маконининг қоқ ўртасида туриб олганча ўзаро баҳслашаётганлари унга ғалати туюларди. Аммо Чалабижаҳон ўзи учун оғриқли мавзуни чала қолдириб кетиши мумкин эмасди.

– Хонлар даврида куч-қудратга тўлган, кўпчилик эркину озод эдик. Аммо, Ржешевский жаноблари, сиз қуткариб қолмоқчи бўлаётган Чор салтанати Қримни ишғол этиб, бу юртнинг эрксевар халқига кўп зулмлар ўтказдики, чорасизликда тентираб қолган миллатим тўрт тарафга тариқдек сочилиб кетди. Истилога қадар биз тўрт миллион эдик, эндичи, энди юз мингнинг нари-бериси... Шу сабаб биз Қримни мустақил дея эълон этдикки, токи миллатимиз асос-таянчи сақланиб қолсин, бу дунёда беном-бенишон йўқолиб кетмасин...

Аскарлари ҳамон ҳандақ қазиш билан машғул бўлган полковник Нўъмоннинг сўзларини тинглаб бўлгач, қўлидаги қамчини билан иягини бир қашиб олди.

– Дарвоқе, – деди у Чалабижаҳонни яна калака қилгиси келиб, – биласизми, сизни кимга ўхшатаман? Сервантеснинг "Дон Кихот"ини ўқиган чиқарсиз?

– Бир эмас, икки тилда – туркчаси билан русчасини ўқиганман...

– Афандим Чалабижаҳон, сиз ҳам ўша савдойи рицарга ўхшаб манави қирчанғида шамол тегирмонлари билан олишувга чоғланган кўринасиз!

– Олишувга дейсизми? Адашяпсиз, мен кўр-кўрона олишувга ошиқмайман, ҳамиша вазиятга кўра иш тутаман. – Беҳуда баҳсдан энсаси

қотган Нўъмон полковникка қўл силтаб, йўлида давом этмоқчи бўлганди, Ржешевский кутилмаганда чаккасига қўлини олиб бориб, Чалабижаҳонга ҳарбий эҳтиром ишорасини адо этди. Буни кўриб турган ҳандақдаги аскар ҳам Нўъмонни рутбаси улуғ жаноб деб билиб, бошлиғининг ҳаракатини такрорлаган кўйи қимир этмай туриб қолди.

Чалабижаҳон ўн қадамлар ҳам юрмасидан Ржешевский яна бир гапни айтиб қолгиси келди:

– Охирги хабардан сизни воқиф этиб қўймоқчиман. Рақибингиз Жаъфар Сейдамет барон Врангель ҳузурида бўлиб, муҳтарам Россия халоскоридан қрим-татарларини ўз ҳифзи-ҳимоясига олишини сўрабди. Бунинг эвазига оқлар ҳаракатига садоқатини намойиш этиб, татар эскадронларини ҳам қўмондон ихтиёрига топширибди... Пётр Николаевич, ўз навбатида, Сейдаметни барча миллатдошларингиз раҳнамоси сифатида эътироф қилиб, иттифоқдошлик битимига ризолик изҳор этибди. Қалай, бу янгилик сиз учун албатта қизиқарли бўлса керак?

– Яна адашдингиз, – деди Чалабижаҳон сўзамол полковникдан ниҳоят қутулиш истагида отига минар экан, – замирида тайинли бирор юки бўлмаган бу янгилик каминани мутлақо қизиқтирмайди!

IV

Оқмачитга Чалабижаҳон Воронцов боғи тарафидан кириб келди. Янги ҳожасига ҳалиям ўргана олмаётган қирчанғидан тушиб, жиловидан етаклаб юра бошлади.

Шаҳарнинг энг бой фуқароси саналган Қиримтоев чорбоғига туташиб кетган гулхона ушбу давлатманднинг чинакам фахру ифтихори бўлиб, унинг ҳеч кети узилмас меҳмонлари бу ерда жамланган ноёб чечаклару турфа шаклли ғунчалари барқ урган буталар малоҳатига ошуфта бўлиш илинжида албатта гулхонага ташриф буюришлари ўзгармас анъанага айланиб қолганди. Маҳаллий гулларга ёндош олис Япония ва Ҳиндистон, Чин-Мочин ва Африка саванналаридан келтирилган ажабтовур чечаклар ҳам бу жойни шаҳарда ягона мўъжизалар маконига айлантирган эди.

Боғнинг ўзи ҳам ажабтовурликда гулхонадан сира қолишмас, мармар ва хоротошлар билан атрофи иҳоталанган ҳар турли ажойибу ғаройиб дарахтлар гўзалликда ўзаро бахс бойлашаётгандек кўринар, ҳар хил шаклларни ҳосил қилиб, буралиб-чирмашган таналарини кузатганча шу ернинг ўзида, ҳатто, ҳандаса илмидан сабоқ олиш ҳам мумкин эди.

Воронцов боғига яқин келиши билан ўткир тутун ҳиди димоғига урилди. Боғ томондан арранинг ғириллаган овозию болтанинг гурс-гурс садолари эшитилар, не-не кўзларни қувнатган асрий дарахтлар кесилиб, гулханларга ем қилинмоқда эди. Алвон тиллари осмонга ўрлаганча гуруллаб ёнаётган гулхан атрофида ўрнашиб олган қизил аскарлар оламни бошларига кўтариб, шовқин-сурон қилишарди. Йилда бир бора гуллайдиган нилуфар чечакларини томоша қилиб, завқланиш истагида бўлган шаҳар аҳлининг яқинларда ҳам қадами узилмас гулхонада энди ҳар ёқни пайҳон қилиб, қизил қўшин отлари кезинишар, танаси пажмурда этилган чечакларни ямламай ютишар эди.

Унинг ўзи ҳам бир неча бор меҳмон бўлган уч қаватли чорбоққа яшил девор оша мўралаб назар ташлаган Нўъмоннинг кўз ўнгида аянчли ман-

зара намоён бўлди. Бир пайтлар қўли очиқ соҳибнинг саховатпешалиги тимсоли бўлган маҳобатли иморат қарокчи тўдалар томонидан хонавайрон этилган, бамисли ушбу муборак хонадон кўрикчилари каби бинонинг икки ёнида тек қотган эгизак арслон ҳайкали ҳам болта ва чўкмор билан чопилиб мажруҳ этилган, фавворанинг мармар жоми ҳам чил-чил синиб ётарди. Чилпарчин идишдан тўлиб-тошган фаввора сувлари бутун ҳовлини кўлмак билан тўлдирган.

Чорбоқ дарвозаси ёнида бир жуфт куролли соқчи турганидан Нўъмон бу жой мусодара этилиб, энди янги ҳокимият қароргоҳига айлантирилганини англади.

Нўъмоннинг ҳали эсидан чиққани йўқ – бу хонадонга илк ташрифи чоғидаёқ Қиримтоев унинг барча ғояларини тўла қўллаб-қувватлаган, ҳаттоки қрим-татарча "Миллет" ва русийзабонлар учун нашр этиш режаланган "Голос татар" газеталарини молиялаштиришни ўз зиммасига олган эди. Булардан ташқари, саховатли Қиримтоев Чалабижаҳоннинг бошқа тадбирларига ҳам хайрихоҳ эдики, Қурултой ишида қатнашиш учун Қримнинг ҳар бўлгасидан келаётган вакилларнинг барча ҳаражатларини унинг ўзи бажонидил кўтарар эди. Сиёсатдан узоқроқ бўлишни истаса ҳам, Боқчасаройдаги хон саройида кечган қизғин баҳсларга шахсан шоҳид бўлиш учун етиб келганини ҳам яхши эслайди Нўъмон.

"Мен учун ҳам янги ҳаёт бошланиб кетса ажабмас, – дерди у Нўъмонга. – Аммо оёқларингдан ўт чақнатиб, оташин шу ғояларинг билан ўттиз йиллар аввал пайдо бўлганингда қани эди... Ўшандаёқ сенга эргашиб, тамоман бошқа йўлдан кетган бўлармидим..."

Нўъмон отдан тушиб, чорбоғни четлаб ўтмоқчи бўлганди, девор панасидан уч нафар қизил аскар рўпарасига чиқиб келишди.

– Ҳой татар, жойингдан жилма! – пўписали буйруқ янгради.

Аскарлар қирчанғи атрофида айланиб, сағрисига шапатилаб, ўзларича хомчўт қила бошлашди.

– Эти устихонига ёпишиб кетибди, – деди уларнинг бири таассуф билан. – Гўштга ярамайди... Лекин мурдаларни ҳандаққа ташишда асқотиб қолар... Буйруқни эшит, татар, инқилоб номи билан мазкур от мусодара этилади! – шу гапни айтиб ҳар эҳтимолга қарши Нўъмонга милтиғини ўқталди.

Қолган иккиси шу заҳоти Нўъмоннинг қўлидан жиловни тортиб олишди, нохушликни фаҳмлаган қирчанғи кишнаб, олд туёқларини даст кўтариб, осмонга сапчиди.

Йўлдаги қароқчилар ҳақида астойдил огоҳлантирган Воис Ҳожининг сўзларини эслаган Нўъмон отни зўрлик билан етаклаб кетаётганлар ортидан жимгина қараб қолаверди. Бу зўравонлар Ҳожи назарда тутганларидан кўра манфурроқ эдики, талончиликларини инқилоб номи билан, янги мафкура баҳонасида амалга оширишмоқда эди.

"Ҳечқиси йўқ, – деб ўйлади Нўъмон ҳовуридан тушишга ҳаракат қилиб, – сайёдлик ҳунарим ҳали эсимдан чиққани йўқ, насиб қилса ҳали чўлдан бедовларнинг энг зўрини тутиб бераман Ҳожига..." Айни пайтда истеҳзоли яна бир ўй хаёлига келдики, "қадрдон чўлларнинг бағрига ҳали эсон-омон қайтиб кела олармикансан?.." Бу йўсин мудҳиш ўйлар ва ҳадикли хаёлларидан чалғишни истаб, қаршисидаги мана шу чорбоғнинг меҳмондўст соҳиби – Қиримтоевни эслашга тутинди.

Олтмишни қоралаб қўйган бўлса-да, ҳали тетик ва фикр-хаёли турли режалар билан лиммо-лим Қиримтоев ўз насаби ҳақида кўп ҳам сўзлайвермас, азиз меҳмонлари даврасида суюкли фаранги коньягидан уриб олган пайтлари ҳам бу мавзуни доим четлаб ўтар эди. Ушбу сирнинг астойдил махфий тутилишидан ичи қизиган айримлар уни қорайимлардан деса, бошқа бировлар ушбу фаразга қўшилмасдан, Қиримтоевни армани ёки тоғли яҳуд – татларга мансуб кўришарди.

Нафсиламрини айтганда, шу тариқа бирваракайига бир неча миллатга раво кўрилаётган корчалоннинг донғи шу важдан ҳам ортиб борар, шундоқ ҳам қўли очиқ бу зотнинг уйи ҳар гал турфа хил меҳмонлар билан тобора гавжум бўлаверарди. Қиримтоевнинг шаддод табиати, шодон давралар учун борини тўкиб солиши барчани ўзига батамом ром қилган эди.

Ўшанда эндигина нашр этила бошлаган газеталар дуруст сотилаётганини кўрган қайнатаси Сеид Ҳожи ҳам Қиримтоев сингари ҳомийликка ўтган эди. Қрим инқилоби зафар қучиши ва бунинг ортидан бутун ярим оролнинг мустақил бўлиши иш одамлари учун ҳам, зотан, манфаатли эдики, азалдан силлаларини қуритаётган ҳадсиз солиқлар, божхонаю жандармларга қўшқўллаб узатишга мажбур бўлинаётган жарақ-жарақ пора пуллари ёнга қолиб, Москваю Петербург ва Қозонлик корчалонлар билан адолатсиз рақобат зулмидан қутулишлари, асосийси, мисқоллаб жамғарилган бойлик ва бутун мол-мулкнинг исталган пайтда ўзбошимча мусодара этилиш хатарларидан ҳам биратўла халос бўлишлари тайин эди шунда.

"Қиримтоев унинг бутун оила аъзолари қани? – деб ўйлади. – Чорбоғи инқилоб фойдасига мусодара этилибди, ўзини ҳам омон қўйишмагандир... Қай бир авахтада қисматини кутиб ётибди экан бояқиш?.. Э-воҳ, балки аллақачон отувга ҳукм этилгану, энди бўлса жасадини Воис Ҳожининг қирчанғисида ҳандаққа судрашаётган экан?!"

Шу каби мудҳиш хаёллар билан бўлиб, хатарларни ҳам унутган кўйи шаҳар кўчалари бўйлаб кетиб борарди Чалабижаҳон. Дафъатан аллақай томондан пулемётнинг тариллаши, сал ўтмай эса унга жавобан милтиқларнинг олатасири эшитилди... Бундан сергак тортиб, ўзини симёғоч панасига олди. Симёғочга елимланган бир эълонга кўзи тушди:

"Чор армияси ва оқ гвардиянинг барча собиқ ҳарбий хизматчилари, уларнинг оила аъзолари ҳамда Қурултойнинг қрим-татар фаоллари диққатига! Мазкур зикр этилганлар исм-шарифи, унвонлари ва яшаш манзиллари кўрсатилган ҳолда қайд этилиш учун район ревкомларига икки кундан кечикмай ташриф буюришлари шарт. Ушбу буйруқни инкор этганлар отувга ҳукм этилади. Большевиклар партияси МИК опервакиласи – Розалия Землячка. Большевиклар партияси Қрим губкоми раиси Юрий Гавен".

"Уларга яшаш манзиллари керак, – деб ўйлади Нўъмон. – Одамларни ҳибсга олиш учун адашмай кириб бораверишади шунда".

Чалабижаҳоннинг хаёлидан кечган ушбу фаразни тасдиқлаган каби шу дамнинг ўзидаёқ қўшни уйдан қўллари орқасига қайириб боғланган, кўзлари қўрқувдан ола-кула бир одамни туртиб-суртиб ташқарига олиб чиқишди. Икки қизил аскар милтиқ қўндоғи билан уриб, олдига солиб ҳайдар экан, бечора маҳбус соҳилга улоқтирилган балиқ каби оғзини кап-

па-каппа очар, шунда ҳам эмин-эркин нафас ололмай тинимсиз хириллар эди...

Кўчанинг бир томонида бор овозда "Байналмилал" қўшиғини куйлаганча қизил қўшин аскарлари саф-саф ўтиб боришарди. Қарши тарафни бўлса, интизомли бу аскарларни калака қилган каби ола-қуроқ либосларга бурканиб, кўксини пулемёт ленталари билан безаб олган казаклар тўдаси ишғол қилганди. Кўз очиб-юмгунча бутун Россияни ағдар-тўнтар қилиб юборган инқилобни "ётиб қолгунча, отиб қол" маъносида тушунган чўгирмали ушбу оломон "Батька Махнога шарафлар!" дея айюҳаннос солиб, аскарларнинг "Байналмилал"ини босиб ташламоқчи бўлишар эди.

Шу тобда кўз ўнгида содир бўлаётган тафовутли манзара – бир тарафдан темир интизомга бўйсунган аскарий қўшин, бошқа томондан эса ўзбошимчалик ва тизгинсиз бошбошдоқликни ўзларига аъмол билган жангари казаклар тўдаси орасидаги кескин беўхшовликдан Нўъмон учун барчаси аён бўлди. Балки, осмондаги жисмлар ҳаракатида содир бўлган фавқулодда силжиш, эҳтимол эса бир туркум сайёраларнинг яхлит чизиқда саф тортиб тизилиши – замоннинг одатий оқимини пароканда этиб, фазовий сокинликка путур етказган эди. Ўзининг табиий ўзанини тарк этган вақт ҳам энди қутуриб исён қилар ҳамда фавқулодда бу ҳолат ҳосиласи ўлароқ, замин юзасида исён кетидан кўзғалон, қонли савашлар кетидан яна миллионлар ёстиғини қуритаётган қонхўр урушларнинг ҳеч адоғи кўринмаётир эди. Эвоҳки, талотўпларнинг бари бир бўлиб, арзимаган тўрт-беш ой мобайнида бутун башариятнинг орзу-умидлари, истак ва интилишларини барбод этиб, орзиқиб кутилган янги асрни энди зимистон булутлари батамом ва беомон чулғаб олди!

Мустақил Қрим давлати барпо этишлари учун тарих Чалабижаҳон ва унинг издошларига айнан шундай қисқа фурсат тақдим этганди. Аммо, большавойлар қўшиғида куйланганидек, на шоҳ, на Худо ва на қаҳрамон бундай мухтасар вақтда улуғ бу ниятни рўёбга чиқара олмасди, илло, тизгинсиз вақт бетўхтов ўтиб бормоқда, токи унинг ўзи халқоб қонлар симириб, ташналигини батамом қондириб тинчланмагунча, жунбушга келган бу замонни ҳеч бир кимса жиловлай билмасдир...

Бир пайтлар шовқин-суронли шаҳар бозори девори ортида Чалабижаҳон қум ва ахлат билан билинар-билинмас кўмиб қўйилган жасадларни кўрди. Мурдалардан кўнгилни оздирувчи бадбўй ҳид таралар, Нўъмон худди шундай қўлансани Қиримтоев чорбоғига туташ Воронцов боғи атрофида ҳам туйган эди...

V

Бозорни тезроқ ортда қолдириш истагида қадамига чув солди, озроқ юриб, яқиндагина Халқ уйи деган ном билан машҳур бўлган бино қаршисига етиб келди. Охирги тўрт-беш ой миёнасида бу бино ёмғирдан кейинги қўзиқорин каби урчиган турфа сиёқли фирқаларга бошпана бўлган, кадетлару социал-демократлар, большавойлару ишчилар партияси айнан шу жойни қароргоҳ қилиб олишган эди. Маҳаллий шароитдан келиб чиқилган айрим жузъий фарқларни айтмаса, уларнинг дастурлари Петроградаги шу номдаги партиялар ҳужжатлари билан айнан бир хил эди.

Энди эса Нўъмоннинг қаршисида шу кунларда кечган аёвсиз жанглардан сўнг вайрон этилган, деворларини ўқ ва снарядлар илма-тешик қилган хароба иморат намоён бўлди. Бинонинг ҳали бутун сақланиб қолган сўл қисми олдида қизил аскарлар соқчиликда сергак турар, бундан Оқмачит ревкоми шу ерга жойлашибди, дея чамалади Нўъмон.

Чалабижаҳон билан Жаъфар Сейдамет орасида кўпдан буён пинҳон тарзда чўғланиб турган низо айнан шу бино туфайли ниҳоят аланга олиб, ҳар иккисининг қарашлари ўртасидаги тафовутларни бир зумда якқол намойиш қилиб қўйган эди. Али Боданинский сингари зийрак Қурултой аъзолари ҳам, нафсиламри, ушбу низони аввалроқ сезмай доғда қолишганди. Нўъмон миллий ҳукумат раиси каби серғалваю сердолға вазифани зиммасига олар экан, айнан устод Али унга жўяли маслаҳатлар бериб, залворли юкининг оғирлигини сездирмай келар эди.

Ҳар нарсада манфаат масаласини устун қўйишга муккасидан кетган Сейдамет қулай фурсат етиб келмагунича ўй-қарашларини баралла айтиб, режаларини элданбурун ошкор этмайдиган дамдўз бир одам эди. Халқ уйига эгалик қилиш масаласи атрофида баҳсу мунозаралар айни қизиган кезлар Сейдамет аксар Қурултой иштирокчиларини ўз тарафига оғдириб олиш пайти етди, деб ҳамлага ўтди.

Нўъмонда сиёсий арбобнинг совуққон мулоҳазакорлиги билан ижодкорларга хос таъсирчанлик ва ҳиссиётларга қарамлик омухталашиб кетган эдики, кўп ҳолларда бу нарса исталмаган муаммоларга боис бўлиб қоларди. Худди шу тариқа, ҳукумат таъсис этилганидан сўнг Чалабижаҳон барча партияларни ҳайдаб чиқариб, Халқ уйига комиссариат аъзоларини жойлаштиришга қарор қилди. Ўз замонаси меъморчилигининг юксак кўринишларини ўзида намоён этиб, нозик дид билан барпо этилган ушбу иморат Нўъмоннинг наздида қрим-татар халқининг уйғониш даври тимсоли бўлиб кўринар, Боқчасаройда қад кўтарган хон саройи асрлар оша қудратли сулоланинг мустаҳкам барқарорлигини тамсил этгани каби, янги Қрим-татар ҳукумати айнан шу жойда ўрнашмоғи Чалабижаҳон учун шак-шубҳасиз бир зарурат эди.

Инқилоб долғаларида таваллуд топган турли-туман партияларга нисбатан асло тоқатли бўлмаган Сейдамет, кутилмаганда Чалабижаҳоннинг ушбу қарорига норозилик билдириб, уни кўппартиявийлик, эркин сайлов ҳамда фирқаларнинг ўзаро тенглиги кафолатланган Қрим Қомусини кўпол тарзда бузишда айблади. Сейдаметнинг яна таъкидлашича, Халқ уйининг тортиб олиниши, бошқалар наздида, "Миллий фирқа" ва Қурултойнинг ярим оролда яккаҳокимлик диктатураси ўрнатиш ҳаракатлари сифатида талқин этилар экан. Бунинг оқибати хатарлидир, деди ўшанда Сейдамет, чунки Чалабижаҳон ҳукуматини ғаним деб кўра бошлаган бошқа фирқалар Қурултойга қарши бирлашиб, фуқаролар урушини бошлаб юборишлари ҳам ҳеч гап эмас...

Чалабижаҳонни қароридан қайтаришга чоғланган Сейдамет, таассуфлар бўлсинки, узоқ йиллик дўстининг феъл-атворидаги шоирона кайсарликни, атрофидаги маслакдошларининг ҳам жўяли фикрларига қарамасдан, ўз мақсади томон ўжарлик билан илдамлаб бориш каби собитқадамлик хусусиятини инобатга олмади.

Жаъфарнинг инкорларига қасдма-қасд, Чалабижаҳон ҳам чекинишни асло хаёлига келтирмади. Халқ уйини Ҳукумат қароргоҳи дея узил-кесил

эълон қилиш масаласи унинг учун иш кабинетларию ёзув столларига эгалик қилишдан кўра юксакроқ нарсани – ҳокимият тимсолини англатардики, ушбу тадбирнинг амалга ошиши – қрим-татарларнинг узоқ йиллик озодлик кураши ўз мантиқий якунини топгани билан баробар эди.

Сейдамет ва унинг тарафдорлари огоҳлантираётган фуқаролар уруши хатарларига жавобан, агар лозим бўлса, бўлғуси ҳукумат уйини қурол ёрдамида ҳимоя қилишга тайёр эканини баралла изҳор эта бошлади Нўъмон. Нафсиламри, бу йўсиндаги хатарнок фикрларнинг асил ташаббускори Қримнинг илк коммунисти – Фирдавс-большавой эдики, Москва ва Петроград инқилобчилари ревком эҳтиёжлари учун зарур иншоотларни ҳеч иккиланмай тортиб олаётганларини Чалабижаҳонга айнан шу фитнакор муттасил уқдириб келаётган эди. Қурултойдаги ўз тарафдорларини Чалабижаҳон марказчилари билан бирлаштиришни кўзлаган ушбу сўлқанотчи радикал, шу тариқа, большевикларнинг ишончли усулини – "аввал тўс-тўполон уюштиравер, қолгани бир гап бўлар" қабилидаги қабиҳ ўйинни қўллаётган эди. Фирдавс бу билан қўшимча вақт ютмоқчи эдики, Петроградда бошланган инқилоб тўфони ҳадемай Қримга ҳам етиб келажак ва шунда Чалабижаҳон тарафдорларию ғанимларини ҳам пўртана ичра биратўла жувонмарг этажак.

Нўъмоннинг барча уринишларига қарамасдан, Сейдамет ҳам ўз фикрида қатъий тураверди. Қурултой ичида, шунингдек, комиссарлар орасида ҳам унинг тарафдорлари сони ошиб бораётганини кўрган Нўъмон ушбу масалага кейинроқ, қулай фурсат топилганда қайтишни кўнглига тугиб қўйди.

Гоҳида ёшлиги туфайли хатоларга йўл қўйса-да, аммо ҳокимият учун курашни аввало ўз халқининг озодлиги учун кураш деб билган Чалабижаҳондан фарқли тарзда, аввалига билдирмасдан ими-жимида иш юритган мансабпараст Сейдамет ўз истаклари йўлидаги ҳаракатлари жиловини қўйиб юборди. Россияда шитоб билан содир бўлаётган воқеалар ривожи Қримда ҳокимиятни ўз қўлига олиши учун, кўп имтиёзларни ваъда этувчи ширин хаёллари рўёбини юзага чиқариши учун айни боп вазиятни пайдо қилган бўлиб кўринди унга…

Аммо ўзгаришлар илмидан сабоқ олган беқарор тарих, не ажабки, рўёбсиз ваъдалар бериб, орзу қилинган йўлдан тамоман ўзга тарафни ихтиёр этишга мойил тарих баайни калака қилаётгандек, бандалар орзу-ниятларини барбод этишга ҳамда саодатли кунлар умидини йўққа чиқаришга қодир эканлигини на Чалабижаҳон, на Сейдамет ва на улар икковининг сафдошлари ҳали билишмас эди.

Атрофда кун оша содир бўлаётган эврилишлар, вазият тақозосию Сейдаметнинг тарафдорлари билан кечган қизғин баҳс-мунозаралар боис Чалабижаҳон ҳам, Қурултой сафлари яхлитлигини сақлаб қолиш илинжида, қисқа фурсат ичида бир неча бор ўз ғоя ва шиорларини ўзгартиришга мажбур бўлди. У норозилар гуруҳи билан муроса йўлларини излар, умумий мақсад йўлида Халқ вакиллари иттифоқи аъзоларию маҳаллий миллат делегатларини ва ҳатто большавойларни ҳам ҳукумат таркибига киритишга рози эди.

Аммо энди саросима ичра қолиб, хато кетидан хатога йўл қўя бошлаган Чалабижаҳоннинг ҳар қандай таклифини кескин рад қилиш йўлига ўтиб олган Сейдамет тарафдорлари ушбу ғояни ҳам дастакламади.

Кўпчилик Қуруллтой аъзоларини ўз томонига оғдириб олган Сейдамет энди Чалабижаҳонни бутунлай яксон этишга қарор қилганди. Қарор қилар экан, ҳокимиятни қўлида сақлаб қолиш йўлида эски қадрдони Нўъмон куруқ ваъдалар бериб, турли ғаламис ўйинларни ўзига эп кўрмаслигини ва шу боис ҳам иш осон кўчишини Сейдамет яхши англар эди. Худди шундай бўлиб чиқди ҳам – қрим-татар халқининг мустақиллик орзулари рўёби ҳаққи Чалабижаҳон барча вазифаларидан истеъфо берди ва барчасига қўл силтаб, суюкли Буюк Сўноққа – қадрдон даштларининг сукунатлари бағрига йўл олди...

Орадан ўн кун ҳам ўтар-ўтмас эса Севастополь денгизчилари кўмагида Фирдавс большевиклари Қуруллтой ва унга қўшиб Қрим ҳукуматини ҳам таркатиб юборишди...

Мана энди, оёғи осмондан бўлиб, вайрону хароба этилган Оқмачитга қайтиб келди. Кўчалардан юриб, Спиро босмахонаси қаршисидан чиқди. 1881 йили Исмоилбей Ғаспирали қаламига мансуб ва туркийзабон зиёлилар орасида кўп машҳур бўлган "Россия мусулмонлари" рисоласини чоп этган мазкур нашриётда якинларгача ҳам Қуруллтойнинг ҳар икки газетаси нашр қилиб келинарди.

Босмахона эшиги ёнида аёздан депсиниб турган сокчига кўзи тушди. Нарироқда кўпдан таниш маҳаллий кўриқчи Велижоннинг қорасини ҳам кўргандай бўлди. Бу жонқуяр ходим ишхонасидан хабар олгани келган, чоғи.

Чалабижаҳонни кўра солиб, Велижон унинг қаршисига ошиқди.

– Ҳазратим, не кунларга қолдик-а?! – дийдиё қила кетди кекса кўриқчи. – Манави келгинди мени ўз босмахонамдан ҳайдаб солди! – деди қизил аскарга ишора қилиб. – Ахир бу ерда неча йил ҳалол ризқ териб ишладим. Мана ўзингиз гувоҳсиз, газеталарингиздан бирор нусхани ҳеч ким кўзимни шамғалат қилиб олиб кетолмасди. Энди ҳаммаси битди, ҳаммаёқ турган-битгани зарар-завол!

Нўъмон йўлларда кўп уриниб қолганини энди сезиб, Велижон жимиб қолди.

– Рангингизда ранг қолмабди... Уйим узоқ эмас, азиз меҳмоним бўлинг. Худога минг қатла шукр, уйимни ҳали тортиб олишгани йўқ, хотиним ҳам, қизларим ҳам эсон-омон...

Бу талотўп кунларда қадрдон кимсани учратиб қолганидан ўзида йўқ шодланган Велижон Чалабижаҳонни қучоқлаб олди, сўнг иккови дарахтлари ўтин қилиб кесилган хиёбон оралаб унинг гўшаси томон юриб кетишди...

VI

Уйга келиб хонтахта атрофига ўтиришлари билан, Велижоннинг завжаси иссиқ қаҳва келтирди, бу қадар азиз меҳмон ташриф буюрганидан ийманаётган аёл, айни пайтда одамови бўлиб кўринмаслик учун, аста сўзланди:

– Ҳазратим, қизларимизни чекка қишлоққа, акраболаримиз паноҳига жўнатиб юбордик...

– Замон нотинч... – деди Велижон ҳам суҳбатга қўшилган бўлиб. – Кўп нохуш хабарларни эшитяпмиз, ҳужжат текшириш баҳонасида аскар-

лар ёш қизларни тутиб, бадном қилишяпти экан. Шунга юрак олдириб қўйдик. Бундан ортиқ иснод борми ахир...

Велижон энди атрофга бир-бир аланглаб пичирлади:

– Хабарингиз борми-йўқми, Оқмачитни қизиллар босишидан сал олдин Жаъфар Сейдамет қочиб кетибди...

Чалабижаҳон ўзини хотиржам тутишга тиришиб, дарҳол сўради:

– Қаёққа кетибди, билармисиз?

– Буниси ёлғиз Худога аён. Ҳартугул, Туркия ёки Руминияга бўлса керак – бундан бошқа йўл ҳам йўқ. Аввалига кўпларимиз большавойлар бизни оқлардан муҳофаза қилишади деб ишонгандик. Энди бўлса, бу қизиллар Сейдаметни излаб юришибди, у ҳақида билганларни ўлим таҳдиди билан кўрқитишмоқда. Айтишларича, Фирдавснинг одамлари Жаъфарнинг бир неча яқинларини гаровда тутиб туришганмиш. Қочоқни топиб беришмаса, бечораларнинг куни битди энди. Ҳазратим, – дея Нўъмоннинг қўлларини дўстона қисиб қўйди, – сиз ҳам фурсат борида бехатар бирор ёқларга кетганингиз маъқул...

Сўнгги қултум қаҳвани ичиб, Нўъмон бир нафас ўйланиб қолди, сўнг уй соҳибига юзланди:

– Маслакдошларимни қулфатда ёлғиз ташлаб кета олмайман, бошимизга неки келса – биргалашиб кўраверамиз...

– Албатта, ҳазратим, сизни тушунаман, – бу сўзлардан маъюсланди Велижон. – Бу қарорингизда ҳам бир хайр бордир...

Сўнгги кунларнинг нохуш хотиралари кўз ўнгида жонланган Чалабижаҳон ушбу мавзуни ортиқ давом эттиргиси келмади. Меҳмоннинг кайфиятини сезган мезбон ҳам сукутда жим қолди. Орага чўккан сукунатни ногаҳон ташқаридан эшитилган овозлар бузди – кимдир дарвозани гурсиллатиб муштлаётган эди.

Ўтакаси ёрилаёзган Велижон хотинига "хабар ол!" маъносида ишора қилди...

Ҳаял ўтмай икки нафар қизил аскар ҳамроҳлигида жингалак соч бир одам кириб келди. Бу кимса асли Ўрта Қримлик эканини Нўъмон унинг лаҳжасидан дарров англади. Инқилобий урфга кўра, ҳожидўппи ўрнига фуражка кийиб олган одам, ичкаридаги бообрў кишини кўриши ҳамон фуражкасини беихтиёр ечиб, қўлида ғижимлаганча ҳаяллаб қолди. Кейин ҳижолати зўридан шоша-пиша алланарса деб бидирлади.

– Ҳой, татар, бидирлашингни қўйиб, одамга ўхшаб русча гапир! Сенларни бу тилингда балониям уқиб бўлмайди. – Аскарлардан бири ўзлари билан келган бу кишини жеркиб берди.

Бунга жавобан Нўъмоннинг жаҳли чиққандай бўлди:

– Бизда қонун бўйича икки тиллилик – қрим-татар ва рус тили...

– Инқилобий ҳукумат барча қонунларингни бекор қилди, – деб Чалабижаҳоннинг сўзини чўрт кесиб ташлади аскар.

Вакил бошқа бир оғиз сўз демасдан, Чалабижаҳонга бир мактуб тутқазди.

Нўъмон ҳам индамай хатни очиб, бу – Таврия губкоми бошлиғи Ю.П.Гавен ҳузурига – Севастополга сўрокка зудлик билан етиб бориши лозимлиги маълум қилинган чақирув эканини билди. "Бундан чиқдики, - деб ўйлади Нўъмон, – Жонқўйдан бери ортимдан кузатиб юришган экан-да..."

Ортиқча саволларга ўрин қолдирмасдан, мактуб келтирган учовлон ташқарига йўналишди.

– Сизни ёлғиз юбора олмайман, – деди Велижон нохуш бу ташриф Чалабижаҳонга зиғирча ҳам таъсир қилмаганидан ажабланиб.

– Ташвиш чекманг, ташқарида турганлар мени сира ёлғизлатиб қўйишмайди, – ҳазиллашган бўлди Нўъмон. – Бошингизни хатарга тиқманг, мени уйида яшириб юрган деб айблашмасин сизни. Янги ҳокимиятга ёқиш учун Фирдавсга ўхшаганлар ўз биродарларини сариқ чақага сотишга ҳам тайёр.

Нўъмонни олиб кетиш учун келган бояги қуроллилар кутиб туришгандир, деган чамада ташқарига чиқиб боқишсаки, кўчада ҳеч зоғ йўқ эди.

Иккови бу ҳолатга ҳайрон бўлиб турган пайт сал нарида пулемёт тариллаши, кетидан эса яраланган бировнинг жон аччиғида қичқиргани эшитилди. Афтидан, қўриқчилар ўша тарафга чопиб кетишган чиқар.

Нўъмон билан Велижон иккиси аскарларни кутиб, дарвоза қаршисида жим туриб қолишди. Ноқулай сукутни Велижон бузди:

– Ҳозир ит эгасини танимайди. Боягилар ўққа учишган бўлса қанийди... Ҳазратим, ҳалиям кеч эмас – Севастополни қўйиб, Туркияга кетинг. Худойимнинг ўзи йўлингизни очяпти, ахир!..

Қайсарлик қилиб, унинг ортидан терговга бориб юрмасин, деган ўйда ва ҳалиям сокчилардан дарак йўқлигидан ажабланиб, Велижонни тинчлантирган бўлди Нўъмон:

– Туркиями ёки Руминиягами кетишимни обдон ўйлаб кўрай, кейин албатта сизга хабар қиламан.

– Ўйланиб ўтирманг – албатта Туркияга йўл олинг! – астойдил кўндирмоқчи бўлди мезбон. – Барон Врангель бу қизил баттолларни Қримдан албатта қувиб солади. Ана ўшанда бехавотир қайтиб келаверасиз. Ҳаққингизга дуо қилиб, эсон-омон қайтишингизни интизор кутамиз...

VII

Велижон билан хайр-хўшлашгач, сал наридаги хиёбонга бориб, Нўъмон яна пича кутиб турди. Бояги қоровул-аскарлар ҳаллослаб қайтиб келишиб, Велижоннинг уйига яна бостириб киришлари, Чалабижаҳонни тополмагач эса уй эгасини айбдор қилишларидан хавотири бор эди.

Сўнгги ярим йил ичида Нўъмонни иккинчи бор Севастополга сўроққа чақиришмоқда, у ёққа борар йўлни шундан яхши эслаб қолганди. Яна бир оз кутиб, аскарлардан дарак бўлавермагач, шайтонга ҳай берди-да, Севастополга ўз ихтиёри билан, йўловчи уловларда етиб олишга қарор қилди.

Муваққат ҳукумат губерния комиссари Богданов ҳузурига чақирилган ўша июль ойида Қримдаги вазият ҳозиргидан бошқача, одамлар ўзларини бугунгидан кўра анча эркин сезишар, ҳадемай етиб келажак ҳурлик эпкинлари уларнинг асрий орзуларини шаксиз рўёбга чиқаражакдек умидли муҳит ҳукмрон эди. Уни Севастополга элтаётган ҳибс машинаси ортидан арғумоқларда елиб бораётган ўнлаб маслакдошлари чеҳрасини айнан шу ҳурлик шуълалари нурафшон этган, чавандозларга бошчилик қилган кимса эса Истанбулдаги толиблик давридан қиёматли дўсти Жаъфар Сейдамет эди.

Қўлларида Қрим Республикасининг кўк яловини[1] ҳилпиратиб елаётган чавандозлар Нўъмонни асир олган қўриқчиларни мазах қилаётган каби уловни ҳар тарафдан исканжага олган кўйи, ўз раҳнамосини зинҳор ёлғизлатиб қўймасликларини изҳор этишар эди.

Оқмачит йўлида тасодифан дуч келган полковник Ржешевский Нўъмоннинг хаёлида ўша сафар хотираларини яна жонлантириб юборди. У пайтлари губернатор ёрдамчиси бўлган Ржешевский, дераза ортида отларини гижинглатиб хайқираётган тумонат оломонни кўриб, чакана хавотирга тушмаганди. Қурултой қарори билан ташкил этилган мусулмон полкларини Биринчи жаҳон уруши жанггоҳларига юборишга розилик бермаган Чалабижаҳон давлатга хиёнатда айбланаётган, муваққат ҳукуматнинг ушбу ҳаракатларидан кескин норози бўлган қримликлар эса, мана энди, ҳар қандай чоралар билан ўз етакчисини кутқариб олишга азму қарор қилишганди.

Юксак мансабига ярашмаган кўримсиз Богдановни дастлаб кўрган маҳалиёқ бу амалдорнинг зўрма-зўраки вазминлигию юзаки қаттиққўллиги фақат зарурат туфайли экани ва аслида унинг кўнглида Чалабижаҳонга нисбатан хайриҳоҳлик яширин эканини сезгандек бўлди. Богданов уни хиёнатдан тортиб, куракда турмайдиган бошқа гуноҳларда ҳам айблашига қўйиб беришга, сўнгра эса ўзи ҳамлага ўтишга қарор қилди.

Қирққа тўлар-тўлмас бир даста хасталикларни орттириб олган Богдановни хизматдошлари қатъиятли ва жасур киши тарзида таърифлашар, аслида эса кўнгилчанлик хислатлари табиатига бегона бўлмаган бу одам айни пайтда қрим-татарлар орасида ҳам яхши ном қозонишга интиларди. Унинг бу интилишларини яхши билган Чалабижаҳон губернатор қаршисида оддий одам эмас, балки маҳаллий халқнинг муҳтарам раҳнамоси ўтирганини кўрсатиб қўймоқчи бўлди.

Нафсиламбри, ҳозир, айни шу тобда қаршисида ўтирган бу одам турли илму билимлар ҳаддисини олган зиёли экани, устига устак, ўз халқини золимлар истибдодидан халос этиш йўлидаги орзуларидан асло воз кечмайдиган миллат етакчиси эканини Чалабижаҳон иши юзасидан йиғилган ҳужжатлардан Богдановнинг ўзи ҳам яхши билар эди.

– Татар полкларини мамлакат мудофаасига йўллашни рад этиб тўғри йўл тутдим, деб ўйлайсизми? Ахир Қрим ягона Россиянинг бир бўлаги эмасми ҳалиям? – дея дастлабки саволини берди мулозим, айни пайтда зийрак суҳбатдоши унинг овозидаги сохта оҳангларни сезиб қолишидан чўчинқираб.

Нўъмон шу қабилдаги мужмал саволларни кутганидан ўзини йўқотиб қўймади:

– Губернатор жаноблари, аввало масалага бир оз ойдинлик киритишга ижозат берсангиз. Оддий бир фуқаро эмас, балки Қурултой ва Қрим ҳукумати сайловларида иштирок этган кўпчилик аҳолини тамсил этаётган арбоб қаршингизда турганини яхши англаяпсиз, деб ўйлайман. Яъниким, Қрим халқининг етмиш фоиздан ортиғи ишонч билдирган бизлар жондан азиз фарзандларимизни, оталаримизу оға-иниларимизни империалистик қирғинбаротга юбормасликка қарор қилган эканмиз, демак, биз халқимизнинг иродасини адо этдик, холос. Ишончингиз комил бўлсинки, мен ва менинг сафдошларим бундан буён ҳам тинчликсевар

[1] Барча туркийларнинг зафарбардор кўк байроғи.

халқимизнинг истак-иродасидан зиғирча ҳам оғишмасликка интиламиз, – деди Богдановнинг синчков кўзларига тик қараб Чалабижаҳон. Сўнгра, бу ерда янграётган ҳар бир сўзни оқизмай-томизмай ёзиб бораётган Ржешевский томон ўгирилди: – Менинг ушбу сўзларим асил маъносидан кўра ғайрича талқин этилмас, деб умид қиламан.

Богданов инқиллаб ўрнидан турди. Деворнинг қоқ ярмини эгаллаган Қрим харитаси ёнига келиб, қалам билан бир жойига белги қўйди. Сўнгра Чалабижаҳонга кескин бурилиб сўзлади:

– Аммо ўзингиз бир ўйлаб кўринг, уруш жабҳаларида ҳарбий маҳоратини ошириш ўрнига, казармадан чиқмай пароканда бўладиган укувсиз қўшиннинг нима кераги бор?

– Февраль инқилоби ва бунинг ортидан подшонинг тахтдан воз кечиши биз қрим-татарларни руҳлантирибгина қолмасдан, бошқа кўламдор ўзгаришлар томон илҳомлантирди ҳам. Аммо, ўзингизга яхши маълумки, тузум ва ҳокимият алмашинуви жараёнида ҳеч бир қонун-қоидаларни эътироф этмайдиган турли бузғунчи кучлар ғимирлаб қолишади. Қримнинг ҳам бошига шундай кунлар келгач, билагида куч-қуввати бор азаматларни сафларимизга чорладикки, миллатидан қатъи назар барча фуқароларимизни талон-торож ва бошқа ҳар қандай жиноий ҳаракатлардан муҳофаза этсинлар.

Эътироз билдириш мушкул бу сўзларнинг самимийлигини ичида сўзсиз эътироф этиб ўтирган Богданов мансаби тақозоси юзасидангина яна Нўъмонга юзланди:

– Чор ҳукумати сизга нима ёмонлик қилганини барибир тушуна олмаяпман, ахир!

Губернатор сўзларида кўнгилчанлик оҳангларини илғади Нўъмон ва бундан руҳланиб, энди фикрларини яна ҳам очиқ-ойдин баён қила бошлади:

– Ўзингизни соддаликка солманг, жаноб. Битта менга эмас, бутун халқимга ёмонлик қилди. Бир юз қирқ йиллик истибдодга, асрий қатли омга сабр қилиб, исёну кўзғолонлар кўтармай, фақат Яратган марҳаматига умид билан чидаб яшадик... Майли, ҳиссиётларни йиғиштириб, Сизнинг чор ҳукуматингиз халқимга нисбатан қилган жиноятларини лўнда қилиб айтиб берай. Сўзларимнинг чинлигини чор охранкаси архивларидан текшириб олишингиз мумкин... Биринчи жиноят – исломий удумларимизни адо этганимиз туфайли бизни муттасил ҳибс ва жазоларга дучор этдингиз. Бундан мақсад қалбларимиздан муқаддас динимиз руҳини сидириб ташлаш эди. Иккинчи жиноят – марказ қарорларини бажаришга тўсқинлик қиляпти, ҳатто аҳолини исёнга чорламоқда, деган асоссиз айбловлар билан уламоларимизга зуғумлар қилинди. Уларнинг уйларида, мачит ва мадрасаларда таъқиқланган адабиётлар сақланмоқда деган баҳоналар билан ноқонуний тинтувлар ўтказилиши одатий ҳолга айланиб қолди. Учинчи жиноят – ҳар бир мусулмон учун фарз бўлган муборак ҳаж зиёратига ҳам таъқиқ қўйилди. Тўртинчи жиноят – мачит имомлари, мадраса мударрислари тайинловига, ҳатто муфтийлар сайловига ҳам сурбетларча аралаша бошладингизлар. Мақсадингиз – муфтийдан тортиб, токи олис қишлоқ мачитининг оддий бир имоми ҳам айнан сизнинг йўриғингиздан чиқмас одам бўлсин, умматнинг кайфиятларидан, одамлар орасида юрган гап-сўзлардан охранкани бохабар қилиб, ўз қавмдошлари орасида қабиҳона

жосуслик қилсин... Бешинчи жиноят – турли баҳоналар билан Қуруллтой фаолиятига тўсқинлик қилдингиз, крим-татарларнинг йиғилиш ва анжуманлари ўтказилмаслиги учун астойдил турли қуткулар уюштирдингиз. Зориққан ва йўқсил камбағалларга кўмак бериш мақсадида тузилган хайрия ташкилотларини ҳам тинч қўймадингиз, беозоргина бу жамиятларни ҳам қувғинга дучор қилдингиз... Халқнинг сабр-косаси тўлиб, чиркин бу салтанатнинг қўланса исканжасидан ажралиб чиқиш ягона мақсадига айланиши учун мен санаб ўтган шуларнинг ўзи кифоя эмасмиди?! – шуларни айтиб Чалабижаҳон ўрнидан даст турди.

– Давом этаверинг, – деди губернатор, – аммо бу ишларнинг барчасида ёлғиз каминани айбламасангиз дуруст бўларди. Мен халқингиз орзу-умидларини билишни ва қўлимдан келса, ишончини қозонишни истардим. Бўлар-бўлмас жазо чораларию таъқибга олишларни хушламайман. Ҳа, аёвсиз уруш давом этмоқда ва ўзингиз айтгандек, сохта ватанпарварлик айюҳаннослари оқибатида оддий одамларнинг осуда ҳаёти хатар остида қолиб, атрофда бузғунчию каллакесарларнинг куни туғиб қолди. Таассуфки, буларни жиловлашга қўлимиз калталик қиляпти...

Нўъмон яна жойига ўтириб, диққатини жамлаб, сўзларида давом қилди:

– Мабодо чор амалдорларининг кўрсатмаларига қулоқ солмасдан, уларнинг айтганларини бажаришмаса, уламоларни осонгина панисломизм ва пантуркизмда айблайвериш урфга кирди. Бу гапларга етарли асосларим бор, ўзим ҳам бир эмас – икки мадрасада таҳсил кўрганман... Бу ҳам майли, крим-татар фарзандларининг келажагини ўйлаб, улар ҳам тараққий топиб бораётган дунё билан ҳамқадам бўлишсин, деган яхши ниятларда ташкил этмоқчи бўлинган янги услубдаги мактаблар фаолиятига ҳам муттасил тўсқинлик қилинди. Муаллимлар таъқибга олиниб, кўпларини ярим оролнинг овлоқ жойларига сургун қилинди. Не-не азоблар билан йўлга қўйганимиз – крим-татар тилида чоп этила бошлаган нашрларимиз устидан ўрнатилган беаёв цензура ва бу газеталарнинг дам-бадам ёпиб қўйилиши-чи? Буларнинг бари халқимизни қолоқликда ушлаб туриш, жаҳон тамаддуни ютуқларидан бенасиб қолдириб, замонавий билимларга зинҳор яқинлаштирмаслик муддаосини кўзлаб қилинган манфур ҳаракатлар эди. Чоризм узоқ йиллар давомида юритиб келган сиёсатнинг моҳияти шудир. Ўз тарихимиз ва миллий ўзлигимизни зўрлаб унуттириш учун эса яна бир тадбир қўлландики, бундай муттаҳамликка маҳаллий ҳиндуларга қирон келтирилган ўша Америкода ҳам дуч келмайсиз. Яъни, азалий крим-татар шаҳар ва қишлоқлари, дарё ва кўлларининг номлари ёппасига русчаси билан алмаштирила бошланди... Яна такрор айтаман, мен куюниб гапираётган ушбу ҳолат кечагина бошлангани йўқ – чоризм истибдодининг бир юз ўттиз олти йили давомида бу маккор ўйинлар муттасил ва изчил қўллаб келинди...

Бу орада ташқарида тобора юқори пардаларга кўтарилаётган шовқин-сурон туфайли Нўъмон сўнгги жумласини баралла айтишга мажбур бўлди. Богданов ҳам ўрнидан қўзғолиб, деразадан кўз ташлади. Ташқарига қарадию Нўъмонни дарҳол озод этишларини талаб қилаётган отлиқ ва отсиз оломон ҳайқириғидан чўчиб, ўзини яна ичкарига олди.

– Одамларни тинчлантириб келсангиз бўларди, – деди юзларида саросима билан адъютантига қарата. – Олий қўмондонлик буйруғидан бўйин

товлаганлиги учун Чалабижаҳон узоқ қамоқ жазосига лойиқ бўлса-да, аммо Қримда тинч-тотувликка раҳна солмаслик важҳидан, муҳтарам раҳнамоларини жавобгарликдан тўла озод қилиш қарорига келганимни уларга етказинг.

Вазият тобора таранглашаётганидан ўзининг ҳам тинчи йўқолган Ржешевский шоша-пиша ташқарига йўналиши ҳамон Чалабижаҳон яна Богданов рўпарасига келиб ўтирди:

– Бир бошга бир ўлим, мени ва сафдошларимни ўлимга ҳукм этсангизлар ҳам, биз энди ортиқ бундай яшамаймиз, истибдод зулмига энди бўйин эгмаймиз...

Бунга жавобан Богданов:

– Боя сиз айтган гапларни архив материалларидан чуқуррок ўрганиб кўраман, – дея мужмалгина сўзлашдан бошқа чора тополмади.

Қўлида бир даста қоғозларни кўтариб талмовсираб қайтган Ржешевский не қиларини билмай, варақларни бошлиғи столига қўйди.

– Бу қоғозларда ўн беш минг одам имзоси йиғилибди, ҳаммаси бу жанобни зудлик билан озод этишимизни талаб этишяпти, – деди Ржешевский. – Ҳаммасининг авзойи бузуқ, бақир-чақир қилиб, бир оғиз гапиртиришмади. Хуллас, зуғум қилишяпти...

Ўз навбатида Богданов ҳам таажжубини яширолмай қолди:

– Бир зумда шунча имзо?.. Айтганингиздай, чиндан ҳам авзойилари чатоқ бўлса, қўзғолон кўтариб қолишлари ҳам ҳеч гапмас... Биласизми, Ржешевский, менинг вазифам крим-татарлар билан илиқ муносабат ўрнатиб, уларнинг ишончини қозониш. Келгуси режаларимизни амалга оширишнинг бундан ўзга чораси йўқ. Ерли аҳолининг қўллаб-қувватловисиз кўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Чалаби жанобларини миллатдошлари ҳузурига олиб чиқинг, Худонинг паноҳида бўлсин... – Шу дам ногаҳон Нўъмоннинг ўзига юзланди:

– Ўйлаган ниятларингиздан бир сония ҳам ортга чекинманг. Қирғинбарот урушлару исён ва қўзғолонлар, қизил ва оқларнинг ўзаро ғажишишлари замон суръатини тезлаштириб юборган кўринади. Халқингиз билан дўстлашиб, қўлимдан келганча кўмак кўрсата олишим учун қанча фурсатим қолганлиги ёлғиз Парвардигорга аён. Аммо айтганимдек, ҳеч бўшашманг, ишга яроқли ҳукумат барпо қилиб, сайловчиларингиз қўлловига чиндан ҳам сазовор эканингизга ишонч ҳосил қилсам, камина тамсил этаётган кадетлар партияси Қрим республикасининг чинакам мустақиллигини тан олиш масаласини Давлат думасига олиб чиқади, Худо ёрлақаса, бу ниятимни албатта амалга ошираман...

Ўзининг қиёматли дўстини ҳибсдан сақлаб қолиш мақсадида аҳолидан имзо йиғишда Жаъфар Сейдамет астойдил ҳаракат қилганини Нўъмон яхши биларди. Ҳар икковининг устоди Али Боданинский[1] ҳам матбуотда шов-шув кўтариб, муфтий ҳазратни қамоққа ташлашга журъат этган, тахтдан воз кечмай турганида ҳатто оқ подшонинг ўзи ҳам ботинолмаган бедодликка қўл урган вақтли ҳукумат кирдикорларини аёвсиз очиб ташлагани ҳам унга яхши маълум эди...

Губернатор қароргоҳидан ташқарига чиқибоқ, ҳожасини сабрсизлик билан кутаётган Форий-арғумоғига кўзи тушди ўшанда. Нўъмонни ал-

[1] Али Боданинский – 1917 йилги қрим-татар миллий-демократик инқилоби раҳбарларидан. 1918 йилда коммунистлар тарафига ўтган. Айрим тарихчиларга кўра, шу йили жангларнинг бирида ҳалок бўлган.

батта қўйиб юборишларига ишончи комил бўлган қишлоқдошларидан кимдир биров Буюк Сўноқдан шунча йўл босиб, садоқатли отини етаклаб келган эди.

Оломоннинг қувончли қий-чувлари остида Чалабижаҳон чапдастлик билан отига сакраб ўтирди-да, ортидан забардаст суворийларини эргаштириб, Боқчасарой томон шитоб от суриб кетди...

VIII

Мана, ярим йил ичида иккинчи маротаба Севастополга сўроққа чақирилаётган Чалабижаҳон Богданов ҳузурида мажбуран ҳозир бўлган ўша дамларни шу тариқа бир-бир хаёлидан ўтказди.

Боқчасарой ёки Кезлев сингари Қрим бағрида табиий тарзда унибстилган ардоқли кентлардан фарқли ўлароқ, Севастополь Нўъмоннинг назарида бу юрт вужудида дафъатан пайдо бўлган ўсимта каби бегона ва хатарлари бисёр унсур бўлиб кўринар, даштларнинг ҳур кенгликларида вояга етган кимсани бу шаҳар кўчалари ҳар томондан исканжага олиб, эркин нафас олишига атай тўғаноқ бўлаётгандай туюларди.

Аввалги чақирувдагидан кўра Нўъмоннинг кўнглидаги ҳижил ва хавотирлари энди юз чандон ортиқ эди. Бунинг боиси, бирор кори-ҳол рўй бергудек бўлса, Сейдамет ва Али Боданинский ёки бошқа сафдошлари аввалгидек кўмакка етиб кела олмасликларида эмасди. Билъакс, бутун умри давомида ўзи қўл урган саъй-ҳаракатлар, эсини таниганидан буён ўзи интилиб келган орзу-умидлари шу тобда бир мушт ҳажмида кичрайиб, кўринмас муюлишларда уни кутиб турган ўз қисматига қарши бир руҳий ғалаёнга дўнди.

Велижон бир мунча вақт Чалабижаҳоннинг ўзига билдирмасдан орқасидан кузатиб келди. Муфтийни терговга чақиришгани ҳақида таниш-билишларни, афтидан, айнан Велижон эринмасдан огоҳ қилиб чиққанди, чунки Оқмачитни ортда қолдириши ҳамон бир неча азамат йигит Чалабижаҳонга тансоқчи сифатида сафарида ҳамроҳлик қилмоқчи бўлишди. Нўъмон эса улар ва яқинларининг хавфсизлигини ўйлаб, бу кўмакдан бош тортди... Қрим-татарларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати ҳокимиятга бўйсунмаслик ва янги тартибларга таҳдид дея баҳоланиши ҳеч гап эмасди, ахир.

Қрим-татарларининг мехрини қозонишни кўнглига туккан ва шу мақсадда уларнинг тил ва удумларини ҳам ўрганишни ният қилган Богдановнинг "яқин ярим-бир йил ичида Қрим равнақи учун ўн йилларда қилинмаган ишларни уддалашга улгуриб қолмоқ керак, илло, замон ақл бовар қилмас суръатда тезлашиб кетмоқда" қабилидаги сўзлари башорат бўлиб чиқди. Чалабижаҳон билан иккиси ўртасида кечган ўша суҳбатдан ярим йил ўтар-ўтмас, декабрь ойи ўрталарида, сўзамол ташвиқотчи Юрий Гавен етакчилигидаги Севастополь матрослари ушбу кадетлар раҳнамосини Қримни ташлаб Болгарияга, ундан нари эса Парижга қочишга мажбур этишди.

Бу орада эса, ўзаро беаёв урушларини бас қилмаётган улкан салтанатлар орасида исканжада қолиб кетган мўъжазгина қрим-татар миллатининг икки етакчиси ҳам – Чалабижаҳон ва Сейдамет ҳам вазият тақозоси билан мағлубият шаробини тотишга мажбур бўлишди...

Учоқлар учмас, поездлар юрмас, уловлар ҳам қатнамас замон келди. Булар дафъатан ҳаракатга келсалар-да, аммо фақат қизиллару оқлар ўртасида кечаётган биродаркушлик уруши эҳтиёжлари учунгина ҳаракатга келаётган эди.

Чалабижаҳон йўлнинг бир қисмини пиёда босиб ўтди, баъзан омади чопиб бирор улов йўлида дуч келиб қолар, шунда ҳам ўз ташвишларию ўз ўйлари билан андармон бегона бу одамлар ораста кийинган янги ҳамроҳнинг кимлиги билан асло қизиқиб кўришмас ҳам эди.

Севастополь томон йўлда бораркан, бир гал хаёлига назмий илҳомдан пайдо, аммо ҳали шеърий мисраларга жойланиб улгурмаган сатрлар келгандек бўлди: "Вақт – улуғ ташаббускор, васвасалари чандон буюк алдоқчию масхарабоздир; қари қизларнинг ваъдалари бисёр жазманию, ушбу телбавор дунёни ислоҳ этмак истаганларни ҳар мақомга йўрғалатгувчи тенгсиз лўттибоздир бу замон..." Бу фикрларни қофияга солишга уриниб кўрди, аммо таассуфки, илҳомнинг чўлтоқ фариштаси этагини йиғиштириб, аллақайга ҳайё-ҳуйт учдию кетди. Аммо шу зумда Петербург дорилфунунида ёд бўлиб кетган Конфуцийнинг мана бу ҳикмати ёдига тушди: "Олийҳиммат киши омма манфаатини фирқагуруҳлар манфаатидан устун кўради; тубанлар эса, билъакс, фирқалар манфаатини омманикидан афзал билади..." Ҳар бир ишда аниқлик ва лўндаликни хуш кўрадиган Нўъмон Чин-Мочинлик файласуф сўзларини ўз ҳолича ислоҳ қилгандек бўлди: "Олийҳиммат киши – тўкис ва тугалдир, тубан кимса – нотўкис ва нотугал..."

Шу онда яна Муҳаммад саллолоҳи алайҳи васаллам ҳадиси хаёлида барқарор бўлди: "Чинда бўлса ҳам илм изла!.."

Севастополни кўзлаб шунча йўл юриб келгани – Кача деган балиқчилар қишлоғи бўлиб чиқдики, Нўъмон бу ҳолни ҳаддидан ошиб ўзанларидан тошаётган вақтнинг навбатдаги ҳийла-найрангига йўйди. Бу қишлоқдан Севастополга фақатгина денгиз орқали етиб олиш мумкин эди...

IX

Атрофлари катта-кичик тўрлар билан ўралган қишлоқ Қора денгиз соҳили бўйлаб сочилиб ётган шу каби балиқчилар манзилгоҳларидан биргинаси эди. Шу дамларда Севастополда жунбушга келган инқилобий жазава-ю эҳтиросли мунозаралар садоси ҳали бу ерларга етиб келмаган бўлса-да, ушбу долғаларни зукколик билан илғаган Ермолай-Ерошка исмли маҳаллий казак ўзини ушбу балиқчилар хўжалиги соҳиби дея эълон қилди. Ҳаммани бир ширкатга бирлаштириб, жаъми овнинг учдан бири тарзида ҳамқишлоқларига ўлпон жорий этиб ҳам улгурди.

Севастополдан ҳарбий бўлинмаларни пайдар-пай ташиётган баржаю катта-кичик кемалар серқатнов бўлиб қолганидан, балиқчилар соҳилдан унча узоқлаб кета олмас, шу сабаб овнинг чўғи ҳам кейинги пайтлар анча сусайиб қолган эди.

Охирги кунлари тўрларга нуқул қорни нотабиий тарзда кўпчиб шишган балиқлар илинар, бундан ҳайрати ошган балиқчилар ўлжа қорнини ёриб кўришса, мис тугмалар, кумуш ва тилла тишлар, баъзан эса бутун ясама жағлару бўшаган гилзалар топилиб қолар эди. Ушбу ғаройиб

денгиз туҳфалари ҳам, табиийки, ширакайф ширкат бошлиғи билан тенг тақсим қилинар эди.

Овлоқ балиқчилар қишлоғида кутилмаганда пайдо бўлган Чалабижаҳонга дастлаб биров эътибор ҳам қилмади. Бу ҳолат бирмунча ғалати эди, негаки, ораста ва пўрим кийинган келгинди қўлига нима тушса ўшанга ўраниб юришни одат қилган маҳаллий аҳолидан кескин фарқ қиларди. Ермолайнинг ўзи татар чўгирмасию кўй пўстинига ўраниб олган кўйи, бирор ўлик зобит оёғидан ечиб олинган хром этигини ғирчиллатиб, уззу-кун қишлоқ оралаб санғигани санғиган эди.

Нам тортиб қолган кумлоқни кечиб, Чалабижаҳон энг чеккадаги кулбага қараб юрди. Кулбанинг кирланган ойнаси ортида бировнинг шарпаси лип этиб кўринди. Бошини сочиқ билан танғиб олган кимса Чалабижаҳонга бир қараб қўйдию, ўзини яна ичкарига олди.

Хиёл ўтмай дераза ортида энди аёл кишининг боши пайдо бўлди, жувон бемаврид бу меҳмонни эслашга астойдил уринаётгандек Нўъмонга синчиклаб тикилар, унинг қиёфаси таниқли кимнидир ёдига солаётган эди.

Эр-хотин ҳар турли ҳужжатлар ва газета қирқимлари жамланган жавонни титкилаб, бир суратни топишди. Бир қўлларидаги суратга, бир эса ҳалиям дераза қаршисида депсиниб турган Нўъмонга қараб, охири ҳайратдан ёқа ушлашди: "Ахир бу муфтий ҳазратлари-ку!"

Уй соҳиби – унинг исми Мердон эди – аслида аҳолини Қурултой сайловига ташвиқ қилган маҳаллий фаоллардан бири эди, аммо шу тобда ҳеч кутилмаган бу ташрифдан каловланиб қолди.

Чалабижаҳон ўз ихтиёри билан истеъфога чиққанию, Сейдамет эса бошқа чора тополмай четга жуфтакни ростлаб қолгани ҳақида яқинда уйларига келган куёвидан эшитиб билгач, Мердоннинг ҳам ҳамма нарсадан кўнгли совиб, балиқ овлашга ҳам чиқмай қўйганди.

Мердон эшикни аста очиб, атрофга аланглаб олди-да, Нўъмонга сас берди:

– Ҳазратим, киринг, азиз меҳмоним бўлинг! – Меҳмонни ичкарига киритиб олгач, ҳаяжони зўридан бидирлади яна: – Сиз ҳеч хавотир олманг, бошингизни ортиқча саволлар билан оғритмайман. Истамасангиз, бу ерларга сизни қай бир ташвишлар ҳайдаб келганини ҳам сўраб ўтирмайман...

Бир дам ўтмай:

– Орзу! – дея хотинини чақирди.

Хўжайини овозига дарров етиб келган жувон столга тездагина дастурхон тузаб, ул-бул егулик билан қаҳва келтириб қўйди.

Нўъмон уй эгаси таклифига кўра столга келиб ўтирди-да, совуқ қотган қўлларида иссиққина қаҳвани тутиб, сукутда қолди. Орзу бўлса меҳмоннинг узун бармоқларига тикилиб, "довруғи оламга кетган одамнинг бармоқлари машшоқникидай намунча нозик бўлмаса!" деган ўйни хаёлидан ўтказди.

Яна бир нафас сукутдан сўнг Чалабижаҳон чўнтагидан соатини чиқариб қараб қўйди-да, ҳамон оғзини пойлаб турган мезбонларга юзланди:

– Мени Севастополга чақиришяпти...

Мердон илк бор Нўъмоннинг юзига ботиниб қаради:

– Севастополга етиб олишнинг ўзи бўладими ҳозир? Ҳамма ёқ алғов-далғов...

Қаҳвадан сўнг Нўъмоннинг ушук еган вужудига иссиқ киргандай бўлди. Сўнг яна бетокатланиб соатига қаради.

– Ҳозир Качадан Севастополга ҳеч нарса қатнамай қўйган, – суҳбатга қўшилди Орзу. – Моторли бир қайиқ юриб турганди, униям матрослар мусодара қилишди. – Шуларни айтиб, эрига маъноли қараб қўйди.

– Ўзим сизни элтиб қўяман, ҳазратим, ташвиш тортманг, – деди Мердон ҳам хотини қарашларидаги "ҳазратга ёрдам берайлик" маъносини уқиб. – Соҳил бўйлаб қайиқда етиб оламиз.

Йўл олдидан дуойи фотиҳа қилиниб, иккиси бирин-кетин кулбадан чиқишди. Мердоннинг кўпдан бери қозиққа боғлаб қўйилган қайиғини итариб сувга туширишди. Балиқ ови билан рўзғорини бут қилишда кўп йиллар беминнат хизмат қилган эски қайиқда икковлон аста сузиб кетишди. Яхшики, денгиз бугун сокин эди, йўқса, алмисоқдан қолган бу тоғорада ҳоллари хароб бўлиши ҳеч гап эмасди.

Манзил томон бир маромда чайқалиб боришар экан, Нўъмоннинг кўз ўнгида намоён бўлган мудҳиш манзаралар дилига қайғу ва ғулу солар, дам-бадам сув бетига қалқиб чиқаётган ит-мушук, катта-кичик балиқлару денгиз қушлари мурдаларидан таралаётган қўланса ҳид Чалабижаҳон димоғига ўрнашиб, кўнглини алағда қилар эди.

Муфтий ҳазрат билан бир қайиқда сузиб бораётганига ҳалиям ишона олмаётган Мердон бўлса Нўъмонга ора-сира қараб қўяр, Қурултойда сўнгги бор кўришганларидан таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини ўзича хаёлидан ўтказиб борарди. Хотирига муҳрланиб қолган Нўъмоннинг тийрак кўзларидаги шижоатли чақинларни бошқа кўролмаётганидан балиқчи мунгли қайғуга чўмар эди.

Бир пайт хаёлларидан чалғиш учунми, эшаётган эшкагига ҳамоҳанг тарзда бир қўшиқ хиргойи қила бошлади Мердон:

Кельды дувурдан вапур, порткъа янашты,
Беклеп тургъан тувгъан – урув, зув-чув джылашты.
Биз вапургъа минген сонъ,копюрди денъиз.
Адымызни унутынъыз муаджир денъиз...

Ўз юртидан қувғин этилган қрим-татарлари асрлар давомида куйлаб келган маъюс бу сатрлар тобора Чалабижаҳоннинг ҳам дилини забт эта бошлади ва у ҳам беихтиёр хиргойига қўшилди.

Бир пайт ёнларидан шалоплаб ўтиб бораётган баржани кўриб, Мердон қўшиғидан тинди. Баржадаги одамлар қўлларида дурбин билан денгиз юзасини синчиклаб кузатишар, алланималарни илгак билан баржага тортиб чиқаришар эди. Навбатдаги ўлжадан ўзларида йўқ хохолаб кулаётган бу ғалати овчиларнинг ҳаракатлари Нўъмонни ҳам қизиқтириб қўйди. У ҳам Мердон каби қизиқсиниб ўрнидан турди. Тузукроқ разм солиб қарадию, кўзларига ишона олмай ҳайратдан донг қотди. Гап шунда эдики, баржадагилар сувга чўкиб кўпчиган одам мурдаларини тунашмоқда, уларнинг ўлжаси денгиз ҳайвонлари эмас, балки бўйнига тош бойланиб чўкдирилган одамлар эди!

Денгиз оқими қирғоқдан тобора узоқлаштириб кетаётган шўринг қургурларни аввало балиқлар обдон тановул қилишар, балиқлардан ортганини эса мана бу разил кимсалар шипшийдон қилишаётган эди. Жасадларнинг тилла тишларию соат ва кўзойнакларини, зобит бўлса – мундирининг мис тугмаси ва зарҳал погонларини юлиб-суғуриб, ўзларининг палид бисотларини қаппайтиришарди бу таловчилар.

Ушбу манфурликка гувоҳ бўлаётган Чалабижаҳон қалбида уйғонган ғалаённи сезиб, Мердон ҳам не қиларини билмай, юзини четга бурди.

Чалабижаҳон хаёлида ўз миллатдошларининг аччиқ қисмати жонланди: Туркиянинг омон-омон соҳилидан паноҳ излаб, ўз юртини ташлаб қочишга мустаҳиқ юртдошларининг қанчаси шу тарзда, денгиз пўртанасида жувонмарг кетган бўлса?..

Нўъмоннинг хаёлидан кечаётган ўйларни уққан каби, Мердон оҳиста сўзланди:

– Бизникилар балиқ овламай қўйишган. Худди ўз биродарларимиз этини егандек бўламиз. Бошимизга кулфат, зарар-заволлар келмасин-да ишқилиб...

X

Чалабижаҳон илк сўроққа доимги расмий либосида келганини кўриб, губерния комиссари Гавен таажжубда қолди. Редингот русумли қора костюм-у соат солишга мўлжалланган чўнтакчали камзул, костюмга мос тушган ингичка оқ ҳошияли шими бу жанобга жуда ярашиб турар, шунча йўл босиб келса ҳам бирор гард юқмаган тик ёқали, оппоқ қадама кўйлаги, капалак шаклли бўйинбоғи ҳам Нўъмоннинг ҳар ишда ҳафсалали эканидан дарак берарди.

Истанбул ва Петербургда таҳсил олган чоғларидан буён айнан шу зайл кийинишга ўрганган Чалабижаҳон бу одатини сира тарк этмаган эди.

Бутун қиёфасидан мағрурлик уфуриб турган бу одамнинг чеҳрасида ҳеч бир кўрқув аломати сезилмагани соқчи-матроснинг жаҳлини қўзғади. “Ҳой татар, қаерда турганингни билмаяпсанми?” деган пўписа билан Нўъмоннинг бошидан қалпоғини уриб туширмоқчи бўлганди, бошлиғи унинг шаштини қайтарди.

“Шахсан Гавеннинг ўзи сўроқ қилмоқчи, нуфузли одам шекилли...” – деб ўйлади матрос.

Латиш наслли Ян Эрнестович Дауман бошқа космополит-большевиклар қатори асил насабини ўзгартириб, Юрий Петрович Гавен деган ғалати исм-шарифни олган эди. Шу тобда Гавен столи тортмасидан Чалабижаҳон устидан йиғилган ҳужжатларни олиб, совуққон тарзда қатъийлик билан сўроқни бошламоқчи бўлди, аммо алғов-далғов замонда ҳам ҳатто кийиниш одатини тарк этмаган қаршисидаги кимсанинг хотиржамлигини кўриб, нима деярини билмай, каловланиб қолди.

Қонли жангларда неча бор мардонавор қатнашган Юрий Петрович ўзига юклатилган вазифаси тақозосига кўра шафқатсиз бўлишга мажбур эди. Устига устак, Землячка унинг ҳар бир қадамини хуфёна кузатиб тургандек бўлар, “Севастополь шаҳар большавойлари етакчиси Гавен инқилобий шижоатини бой бериб қўймадими?” қабилида ғойибона тергаб тургандек туюлар эди.

Землячка Қримга охирги марта ташрифи чоғида ёт унсурлар устидан олиб борилган тергов протоколлари ва чиқарилган ҳукмларни тафтишдан ўтказиб, Гавенни ландовурлик ва буржуазияга хос чиркин бағрикенгликда айблагани, охирида эса уни барча вазифаларидан бўшатиб, фронтга юбориш билан таҳдид қилгани Юрий Петровичнинг ҳали эсидан чиққан эмас. Ҳайриятки, уч ойлик синов муддати билан уни ўз ишида қолдирди. Кетар пайтида "Аблаҳ унсурларга ўқлар исроф этилмасин, ҳаммасини бирваракай денгизга чўктирилсин!" дея қатъий буйруғини эълон этди.

Чалабижаҳонга бермоқчи бўлган дастлабки саволини барибир хаёлида пишита олмаган Гавен, бошқа муҳим ишларини рўкач қилиб, матросга "ушбу жанобни ҳозирча тергов изоляторига жойлаб" туришини буюрди. Ўзи эса "мусулмон муфтийсига озроқ бўлса ҳам ҳурмат кўрсатган маъқул" дея хаёлидан ўтказди.

Чалабижаҳон устидан турли манбалар ёрдамида йиғилган маълумотлар – зимдан кузатув ҳисоботлари, ғанимларининг чақуви ҳамда Қурултой мажлисларида сўзлаган нутқларини ўрганиб, Гавен Қримда зўравонликларга чек қўйиш каби айрим масалаларда иккови якдил эканларини англади.

Тамаки буркситиб хордиқ чиқараётган қизил аскарлар орасидан Чалабижаҳонни ҳибсхонага олиб бораётиб, матрос барибир ўзини тутиб туролмади – маҳбуснинг бошидаги чўгирмани жаҳл билан уриб туширди. Коридор бўйлаб ўтирган аскарларга қилган ишидан мамнун бўлиб қаради. Аммо шу пайт Нўъмоннинг амрона овозидан қалқиб тушди:

– Ҳозироқ ердан ол!

Маҳбусдан бундай журъатни асло кутмаган матрос шошиб қолди, тамаки тутатаётган аскарларга кўмак сўрагандай тикилди.

– Ердан ол, дедим сенга!

– Рудольф! – деб матросга юзланди аскарлар. – Қалпоқни бизга улоқтир, кулдон қилиб ишлатворамиз.

Ёзув машинкасида бир нималарни ёзиб ўтирган Гавеннинг ёрдамчиси коридорга мўралади. Бошлиқнинг хаёлини чалғитяпсанлар, дегандек матросга қараб, зўраки йўталиб қўйди. Ёрдамчининг норози қараши матросни ердаги чўгирмани олишга мажбур қилди, шунда ҳам, паканалиги панд бериб, иккинчи уринишда зўрға қалпоқни олиб Нўъмонга узатди. Бошқа аскарлар олдида калака бўлганидан бу матрос Чалабижаҳон билан бирга унинг қалпоғини ҳам ёмон кўриб қолди, "агар бошида чўгирмаси бўлмаса, лаънати бу татар ўзини бу қадар мағрур тутмас эди" деб ўйлади ўзича...

XI

Қоровулга Чалабижаҳондан зинҳор кўз узмаслигини тайинлаб, Рудольф милтиғини негадир бошқача меҳр билан силаб, ортига қайтди. Қоровул Нўъмонни камерага туртиб киргизди-да, устидан эшикни кулфлади. Ичкарига қадам қўйгани заҳоти Нўъмоннинг димоғига зах кўланса ҳиди урилди.

Қулоч ёйсанг, икки деворига қўл теккулик тор хонада салгина бўлса ҳам исиниб олиш илинжида у ёқдан бу ёққа бориб келар, ўзидан аввал бу ерда қаро қисматини кутиб ётган аллақайси бояқишлар деворларни

тимдалаб, қатра қони билан битган ёзувларни бирма-бир ўқир эди: “Азиз Ватаним учун жон фидо қилмоқдаман”, “Подшо ҳазрати олийлари учун жоним қурбон бўлсин”, “Леокадия Петровна, онаси, мени кечиргин, болаларни асра”, “Маркс-Лениннинг рус қонини қийратган харомзодаси – Землячкадан интиқом олингиз!” Русча бу битиклар орасида қрим-татар тилида ҳам бир ёзув бор эди: “Жисми инсан бир фенердир, Акибет бир кунь сенердир”.

Қонунлар билимдони бўлган Чалабижаҳон “оқловчи беришармикан?”, деб хаёлидан ўтказдию, бу фикрининг бемаънилигини англаб, ўзича кулиб қўйди.

Камера бурчагидаги бир туйнукдан эшитилган шитир-шитир овоздан хаёли бўлинди – дам ўтмай тешикдан бир каламушнинг тумшуғи кўринди. Ўзи каби мўйловдор янги ҳамхонасини калака қилаётгандек каламуш ҳам икки томон диккайган тукларини қимирлатди. Бу каламуш сурбетроқ чиқиб қолди ёки Нўъмонгача ҳам бу ерда хонанишин бўлган одамлар, ўз тақдирига тан бериб, митти бу жониворга озор етказишни ўзларига эп кўрмаганиданми, эҳтимол эса урвоқлар билан сийлаб ўргатиб қўйишганмиди, ҳар тугул каламуш ҳеч бир ҳадиксиз янги қўноқ атрофида айланиб, орқа оёқчаларида турганча ҳавони обдон ҳидлаб кўрди. Ўзи кутган нарса содир бўлавермагач, яъни жониворга биров егулик узатмагач, зиқна бу одамдан ҳафсаласи сўндию, ғижинган кўйи шошилмай инига кириб кетди.

Чалабижаҳон шу заҳоти эгнидаги пиджакни ечиб, тешикни беркитиб қўйди, ичкаридан каламушнинг домангир чийиллагани эшитилди.

Баланддаги панжарали деразадан на ҳовли, на кўча кўринар, ташқи оламнинг на бир товуши қулоққа зинҳор эшитилмас... Дилгир бу гўшада ҳимоянг учун на бир оқловчи, мадори қуриган жисминг учун на бир бурда нону ва на бир қултум сув, ҳориган вужудни уйқу билан сийлашга на бир тўшакдан хомтама бўлинмас. Абгор бу шароитга кўникишдан ўзга чора йўқ эди – Нўъмон муздек ерга узала тушиб ётиб олақолди. Ётган заҳотиёқ толиққан танаси шунчалар оғирлашиб кетдики, худди бу зах ерга бутун борлиғи билан чирмашиб бораётгандай туюлди. Аммо туйнукка қистирилган кийимини талашиб-тортишиб кемиришни бошлаган каламушлар овозидан барибир ухлай олмади. Бу кийимнинг бояги зиқна эгаси ҳали тирикмикан, деган савол шу тобда каламушлар хаёлидан ўтаётган бўлса ажаб эмас.

Кўпдан бери туз тотмаган Нўъмоннинг қорни таталаб кетган бўлса ҳам, эшикни гурсиллатиб егулигу ичгулик зўрашни ғурури зўридан ўйлаб ҳам кўрмади.

Шу тарзда ётаркан, болалигида кечган айрим воқеалар ёди Истанбул бағрида ўтган ёшлик чоғлари хотиралари билан пайдар-пай алмашиниб, хаёлида дам-бадам жонланар эди. Мана, хаёлининг аллақайси олис пучмоқларидан дорилфунун мударриси Али Амир афандининг закий сиймоси сизиб чиқди. Мана, эски китоблар бозорида юраркан, мударрис Маҳмуд Қошғарий қаламига мансуб арабий “Девони луғотут-турк” қўлёзмасига тасодифан дуч келиб қолади. Рисоланинг кўҳна саҳифаларини меҳр ва қизиқиш билан варақлаётган кекса устознинг ёш боладек қувонганини бир кўрсангиз эди!

Али Амир афанди иқтидорли шогирди бўлган айнан Нўъмонга ушбу қўлёзмани усмонли туркчасига баҳамжиҳат ўгиришни таклиф этган, китобни чоп этиш масаласини Рифат Билга исмли арабшунос-ношир билан пишитиб ҳам қўйган эди...

Бу иш охирига етмай қолди, чунки бу дамда Чалабижаҳоннинг бутун хаёли Петербургда, мавжуд тартибларга қарши оёққа қалққан Петербург талабалари билан бирга эди...

Нўъмоннинг хаёли олис Истанбул ва Петербургдан яна тор ва совуқ бу ҳибсхонага қайтди. Маҳбусни бир бурда нону бир қултум сувга зор қилиб, очофат каламушлар билан ёлғиз қолдириш – аслида пухта ўйланган руҳий босим экани, дилгир бундай шароитга дош бера олмаган маҳбуснинг иродаси кўп ўтмай завол топиши тайин экани ҳақида ўйлади. Кўп ошиқма, – деди Нўъмон яна ўзига ўзи, – азоб-укубатлар энди бошланаётир...

XII

Матрос Рудольф Чалабижаҳонни навбатдаги сўроқ-савол учун бошлиқ хонасига олиб кириши билан, маҳбуснинг бутун қиёфасидан алланечук кўринмас тўлқинлар таралаётгандек, Гавен бу гал ҳам қатъиятини йўқотиб, каловланиб қолди.

Уни муттасил хуфя назоратда тутиб тургувчи Розалия Землячканинг доимо уқдирадиган "собиқларнинг барчаси тарих чиқиндисидир, уларга зинҳор раҳм-шафқат раво кўрилмасин" қабилидаги сўзлари ёдига тушиб, Юрий Петрович ўзини дарҳол ростлаб олди.

Борлиғидан ҳамиша қатъият ёғилиб турадиган латиш командири мана бу маҳбус олдида тараддудда қолганини ёрдамчиси ҳам яққол сезди.

Гавен стол устидаги делони варақлай бошлади. "Ўзингни жиддий иш билан машғул кўрсатиб, делони титаверганинг билан – бари беҳуда, – деб хаёлидан кечирди ёрдамчиси ўзича ижирғаниб. – Бу татар барибир тарихнинг яна бир чиқиндиси, холос..."

Гавен Чалабижаҳонга жой кўрсатиб, сўроқни бошлаймиз дегандай ёрдамчисига ишора қилди.

– Исм-шарифингиз?

– Нўъмон Чалабижаҳон.

– Касб-корингиз?

– Қрим, Украина, Литва ва Польша мусулмонлари муфтийсиман, – деди Нўъмон ичидан жўшиб келаётган титроқни сездирмасликка тиришиб.

– Талабалик даврингиздаёқ аксилдавлат фаолиятини бошлагансиз. Жаъфар Сейдамет билан ўзаро тил бириктириб, "Қрим-татар талаба ёшлари жамияти"га асос солгансиз... Дарвоқе, Сейдамет ҳозир қаерда бўлса? Дўсту бародарлар орасида сир бўлмаса керак? Қиёматли дўстингиз қаерга қочиб кетгани сизга маълум-ку, тўғрими?

– Бундан хабарим йўқ, – деди Нўъмон чўрт кесиб. – У қочиб кетганида мен Қримнинг бошқа тарафида эдим.

– Агар буни билсангиз, бизга айтган бўлармидингиз? – муғомбирлик билан савол ташлади Гавен. – Тергов билан ҳамкорлик қилиш айбни енгиллаштириши, баъзи ҳолларда эса бутунлай авф этилишга сабаб бўлиши сизга яхши маълум, деб ўйлайман...

– Бу масалада “агар”, “мабодо” деган нарсалар кетмайди. Агар ерга метеорит қулаганида эди, башарият тарихи мутлақо ўзга ўзандан кетган бўлар эди, деган каби кулгули сизнинг гапларингиз. Шунда турли инқилоб ва қўзғолонларга ҳам ҳожат қолмас эди, демокчи бўляпсиз.

Нўъмоннинг ҳар бир сўзини машинкасида чиққиллатиб ёзиб ўтирган котиб “жудаям ақлли экан, ярамас” дея хаёлидан ўтказиб қўйди.

Гавен навбатдаги саволини ўйлаб, тек туриб қолди.

– Майли, – деди у ниҳоят, – ундай бўлса, ўша қочоқ дўстингизнинг қариошларини танирсиз, ахир? Сейдамет билан оилавий борди-келдингиз бор эди. Яна бир яхшилаб ўйлаб кўринг – биз билан ҳамкорлик қилсангиз, ўзингизга яхши бўлади...

– Тергов билан келишувга бориш даражасида ўзимни айбдор деб билмайман! – кескин сўзланди Нўъмон. – Шу пайтга қадар неки қилган бўлсам, барчасини халқимнинг хоҳиш-иродаси билан амалга оширдим...

Қаршисида ўтирган қайсар Чалабижаҳон билан иккови ўртасидаги бу каби сўроқ-саволдан аслида ҳеч бир маъно ва наф чиқмаслигини Гавен яхши англаб турар, Землячканинг қатъий талаби бўлмаса эди, Нўъмонни аллақачон қўйиб юборган бўларди.

– Дарвоқе, фаолиятингизнинг яна айрим жиҳатларига эътибор қаратайлик, – деди Гавен истамайгина. – Миллатчи Сейдаметга қарши тура олиш мақсадида сиз ўртоқ Фирдавс етакчилигидаги коммунистлар билан ўзаро иттифоқ тузишни ҳам кўзлаган эдингиз. Сиёсий ғўрлигингиз сабабиданми ва ёки беқарор табиатингиз таъсиридами, ҳарқалай, сиз ҳамиша бир лагердан бошқасига сакраб юрдингиз. – Гавен бу сафар Нўъмонга синчиклаб қаради ва у биргина камзулда юпун ўтирганига энди эътибор қилди. Маҳбус қимматли костюмини каламушлар зиёфатига қолдирганидан у бехабар эди. – Сизнинг бўлгинчи-ҳамкорларингиз – Халил Чапчакчи, Амет-афанди Ўзенбошли, Сеит-Жалол Ҳаттотов[1] ва энг муҳими, сиз кўп ардоклаган Али Боданинский ҳам бизнинг сафларимизга келиб қўшилишди. Мен номларини зикр қилиб ўтган ушбу тарихчи олимлар, шоиру маърифатпарварлар, бир сўз билан айтганда, Қрим-татар жамиятининг энг сара намоёндалари фақат ва фақат большевикларгина Қирим учун ёркин келажак барпо эта олишларини, мазлум ва йўқсиллар учун чинакам ҳурлик ва фаровонлик эшикларини айнан ленинчи-коммунистлар очажакларини англаб етдилар...

Гавенни тинглар экан, Қрим тақдирини ҳал этиш учун бу ерга юборилган аввалги амалдорлардан фарқли тарзда, у Қурултой фаоллари исмларини маҳаллий туркий талаффузда бирма-бир тиниқ санаб ўтаётганига эътибор қилди.

Ўз навбатида Нўъмон ҳам комиссарга ичидагини очиқ-ойдин сўзлади:

– Сиз большевиклар Қримга тинчлик ва дўстлик ниятида ташриф буюрасизлар, деб ўйлагандик дастлабида. Аммо, таассуфки, сизлар бегуноҳ қрим-татар, рус, украин ва грекларни қатли ом қилиб, юртимизга у бахтиқаролар жасадлари оша кириб келдингиз. Собиқ маслакдош-дўстларимга келсак, сизлар билан ҳамкорлик қилишга ундаган сабаблар фақат уларнинг ўзига аён. Сиз айтгандек, ҳали ёш ва ғўр бўлишимга қарамай, камина англаб етганимдек, ушбу қарорлар хато эканини улар ҳам тез орада тушуниб олишади.

[1] Тарихчилар В.Зарубин ва А.Зарубина маълумотларига кўра, номлари санаб ўтилганларнинг барчаси 1930 йилларда “Миллий Фирқа” миллатчилик ташкилотига аъзоликда айбланиб, қатл этилганлар.

– Ғўр бўлсам ҳам шоирона савқи табиий ёрдамида англаб етдим буни, демоқчисиз-да? – кесатди Гавен. – Аммо бир масалада бизга барибир ёрдам беришингизга тўғри келади. Сизга хиёнат қилган Жаъфар Сейдаметга тааллуқли масалада...

Шундагина Чалабижаҳонга ҳаммаси ойдинлашди. Ҳали Оқмачитда эканидаёқ Велижон сўзлаб берган Сейдаметнинг ақраболари ҳақида сўз бормоқда эди...

– Сизга бу масалада ҳам ёрдам бера олмайман, – деди Нўъмон бир нафас сукутдан сўнг.

Гавен Нўъмоннинг самимий ва айни пайтда қароридан зинҳор қайтмаслиги англашилиб турган сўзларини тинглаётиб, "Бу жанобни озод қилиб юборсам бўлмасмикан-а?" деб ўйлади. Аммо Чалабижаҳон Землячканинг қора рўйхатида эканини эслаб, хаёлидан кечган фикридан қўрқиб кетди.

– Дунёни ўзгартиришни ният қилганларнинг қисмати не кечиши ҳеч кимга аён эмас, – деди ўзига ўзи сўйлаётган каби Гавен.[1]

Гавен яна нимадир демоқчи эди, аммо эшик ортида соқчиликда турган матрос Рудольфнинг ҳайқириғи уни зумда сергак торттирди: "Бой-баба тачанкада елиб келмоқда!" Аскарлар орасида шу лақаб билан машҳур Землячка ташриф буюрганини англаган Гавеннинг юзларидан қони қочиб, Чалабижаҳоннинг беайб экани ҳақида ҳозиргина ўйлаб турган хатарли фикрларини ҳайдаб солди...

XIII

Камерасига қайтиб келган Чалабижаҳон зах ерга увадаси чиқиб кетган эски матрас ташлаб қўйилганини кўрди. Бутун вужудида яна қайта билинган чарчоқ зўридан матрасга чўзилди-ю, бегона одамларнинг ачиқимтил ҳидидан кўнгли алағда бўлди.

Ҳибсхонанинг дилгир сукунатини девор ортидан эшитилаётган саслар бузди. Аввалига каламушлар яна тўполонини бошладими, деб ўйлади. Тешикка тиқилган пиджакини олиб, диққат билан қулоқ тутди. Афтидан, бошқа маҳбусларни кузатиш билан овора каламушлар оғзи очилган туйнукдан бу томонга чиқиб келишмади. Нариги тарафдан кимдир яна деворни қитирлатди. Қўшни камерадан ўз она тилида узуқ-юлуқ сўзлар эшитилиб турар, аммо Нўъмон гап нима ҳақида эканини илғай олмади. Фақат она алласидай қулоғига хуш ёқаётган ўз забонининг қадрдон талаффузидан дили ёришиб, ухлаб қолганини сезмади.

Камера эшигининг кутилмаганда шараклаб очилишидан уйғониб кетди. Қарашларида нафрат билан нохуш бир қувлик яққол билиниб турган матрос Чалабижаҳонни қўшни хонага етаклади.

Нимқоронғу камерада Гавен билан яна бир аёл бор эди. У ёқдан бу ёққа бориб келаётган бу аёлнинг чўзинчоқ юзлари, орқага силлиқ тараллган сочларию нафрат чақинлари муҳрланган кўзларида аёлларга хос жозиба сезилмас, асабий тарзда қийшайиб қолган лабларидан эса ҳар сонияда энг палид сўзлар отилиб чиқишини кутса бўларди.

[1] Гавеннинг ушбу сўзлари башорат бўлиб чиқди ва унинг ўзи ҳам аксилинқилобий троцкийчилар ташкилотига аъзоликда айбланиб, 1936 йил октябрида отиб ўлдирилди.

– Розалия Самойловна, – деди Гавен аёлга Чалабижаҳонни кўрсатиб, – мана бу маҳбус уларни таниб бера олади.

– Яхши, ажойиб! – деди Землячка Нўъмонга калондимоғ назар ташлаб. – Унда юзлаштирувни бошлаймиз.

Гавен энди Нўъмонга мурожаат қилди:

– Қаршингизда турган мана бу татарларни танияпсизми? Улар Жаъфар Сейдаметнинг қариндошлари, тўғрими?[1] Аввалги айтганларимни яна эслатиб қўймоқчиман – агар биз билан ҳамкорлик қилиб, буларнинг Сейдамет яқинлари эканини тасдиқлаб берсангиз, сизни жазодан озод этишимиз мумкин...

Нўъмон қаршисида титраб-қақшаб турган қария билан унинг қизига тикилиб қолди. Қонталаш юзларию мадорсизликдан базўр оёқда турганларидан аёвсиз қийноққа тутилганлари билиниб турган икков миллатдошининг аҳволини кўриб, ичида бир ғалаён кўзғолди. Ҳа, Нўъмон буларни яхши танийди. Бир пайтлар Сейдаметнинг қишлоғида Хидирлиз[2] байрамини нишонлаш учун барча яқинлари жамулжам бўлган катта давра шу онда хаёлида жонланди. Ўшанда бу икков бояқишни ҳам Нўъмонга таништиришган, булар Жаъфарнинг Буюк Онлар деган қишлоқда яшовчи хешлари эканини айтишганди.

Бир-бирларига унсиз тикилиб қолган миллатдошларнинг бу алфоз туриши негадир Рудольфнинг ғазабини қўзғотди. У чол билан жувон бошидан дўпписини бир уриб туширди-да:

– Мана энди бир-бирини танишлари осонрок бўлади, – деди тиржайиб.

Ҳа, Нўъмон ҳар иккисини танийди, улар Сейдаметнинг акраболари эканини ҳам билади. Аммо мана бу аблаҳларга бу ҳақида зинҳор оғиз очмас!

– Булар сиз ўйлаётган одамлар эмас, Сейдаметга мутлақо бегона, – деди зарда билан.

Бунга жавобан Землячканинг буйруғи янгради:

– Ҳой татар, ундай бўлса, ўнг қўлингни бир оз юқори кўтаргин-чи!

Нўъмон қўлини кўтариши ҳамон Землячка маузеридан ўқ узди.

– Эндиям эсламай кўр-чи!

Ўқ теккан қўлидан бошланган чидамсиз оғриқ зўридан Нўъмон букчайиб қолди. Соқчи-матрос кела солиб, унинг елкасидан даст кўтариб турғазди-да, туртиб-суртиб камерасига олиб кетди.

Ортидан эшик яна шарақлаб ёпилгач, Нўъмон қўйлагини ечиб, мажоли етгунча қўлини маҳкам қисиб боғладию, кўз олди қоронғулашиб, ўрнига чўзилиб қолди. Бир пайт қўшни камера томондан туйнук орқали бояги чолнинг саси эшитилди:

– Ҳазратим, ва-Ллаху ҳойрун ҳафизав ва-ҳувва арҳаму р-роҳимийн![3]

Нўъмон ўрнидан қўзғолиб ўтирди ва девордаги битикларга тикилди. Биринчи кун кўзи тушган ёзув шу тобда азобларда қолган юрагига малҳам бўлиб ўрнашди: "Жисми инсан бир фенердир, Акибет бир кунь сенердир!"

Сиқиб боғланганига қарамасдан ярасидан тинмай оқаётган қон ҳамма ёқни қизилга бўяди. Чалабижаҳон қонталаш бармоғи билан бояги ёзув остига шу онда хаёлида қофиялашган сатрларни бита бошлади:

[1] Жаъфар Сейдамет (1889–1960) Истанбулда вафот этган.

[2] Хидирлиз – қрим-татарларнинг миллий байрами.

[3] "Аллоҳнинг Ўзи энг яхши муҳофазачи ва Унинг Ўзи раҳмлиларнинг энг раҳмлигидир" – Қуръони Карим, Юсуф сураси, 64-оят.

Ант эткенмен, миллетимнинъ ярасыны сармагъа,
Насыл болсун бу заваллы къардашларым чюрюсин?
Онлар ичюн окюнмесем, къайгъурмасам, яшасам,
Юрегимде къара къанлар къайнамасын, къурусын!

Ант эткенмен, шу къарангъы юрткъа шавле серпмеге,
Насыл болсун ики къардаш бир-бирини корьмесин?
Буны корип бувсанмасам, мугъаймасам, янмасам,
Козьлеримден акъкъан яшлар дерья - денъиз къан болсун!

Ант эткенмен, сёз бергенмен миллет ичюн ольмеге,
Билип, корип миллетимнинъ козьяшыны сильмеге.
Бильмий, корьмий бинъ яшасам, Къурултайлы хан болсам,
Йине бир кунь мезарджылар келир мени коммеге.

Қонли сатрлар шу заҳотининг ўзида девор юзасида қотиб қолар, келгуси авлодлар сари йўналган ушбу қасамёд сўзлари миллат ҳурлиги учун шаҳид кетган барча фидойи ойдинларнинг сўнгги ва қатъий аҳди бўлиб мангуга муҳрланар эди.

XIV

Қиш оёқлаб, табиатда баҳорнинг илк дараклари билина бошлаган февраль ойининг 23-куни кутилмаганда қуёш чарақлаб чиқди. Қуёшнинг қийрахон нурлари сийрак булутлар бағрини тилка-пора қилиб ўзига шаҳдам йўл очар, қора кўланкаларни тафти билан беомон эритиб, атрофда ёруғ кунларни батамом барқарор этмоқчи бўлиб тиришар эди. Қора қишнинг зимистон кунларидан руҳи толиқиб, мана энди, ниҳоят, ёруғликка чиқа бошлаган ҳар қандай кимса қалбини шоду хуррам этиши лозим бўлган шукуҳли бу тонг, билъакс, негадир Землячканинг дилига ғулу солиб, миясида чидамсиз оғриқ уйғотган эди. Инқилобий бурчини кундузлари ошиғич адо этиб, айблию айбсиз не-не бандаларнинг ёстиғини қуритишга муккасидан кетган, юз-у кўзларидан аёллик жозибасининг урвоғини ҳам топиш амримаҳол бўлган бу хотин тунлари базўр бир зумгина мизғиб олар, шунда ҳам бедор шуури навбатдаги инқилобий режалар хаёли билан муттасил машғул бўлар эди.

Тунов куни Демьян Бедний имзоси остида газетада чоп этилгану айнан шу ҳонимга аталган мадҳия ашъор ҳам тошбағир Землячка дардларини аритиб, лабларида табассум пайдо қила олмади:

"От канцелярщины и спячки,
Что б оградить себя вполне,
Портрет товарища Землячки повесь,
приятель, на стене...
Бродя потом по кабинету,
Молись, что ты пока узнал
Землячку только по портрету:
Сто раз грозней оригинал...[1]

[1] Р.С.Залкинд-Землячка (1876–1947) – унинг ҳоки ҳам бошқа большевик-жаллодлар қатори Москванинг Кремль деворларига кавшарланган.

Газетани бурчакка улоқтириб, даст ўрнидан туриб кетди. Боя айтганимиздек, аёллик хусусиятларини тамоман йўқотиб бўлган бу кимса кўпдан бери ўзига оро бермас, бошқа ҳамжинслари каби лабларига бўёқ суртиш тугул исми-расмига бўлса ҳам атир-упа ишлатишни мутлақо инкор этарди. Парваришдан мосуво юз-қўллари дағаллашиб қорайган, умр бўйи оғир меҳнатдан бўшамаган қишлоқи жувонларники каби қўллари ҳам чатнаб ёрилиб кетганди.

Сартарошларга ишонмаганидан сочини ҳам ўзи қайчилаб турар, нотекис калталанган сочларини орқага силлиқ тараб юришни одат қилганди. Ҳар қандай бидъатларни инкор этувчи даҳрийлар фирқасининг фаол аъзоси бўлишига қарамасдан, Землячканинг жуда ғалати одати бор эди. Кесилган сочларини у ҳеч қачон улоқтириб юбормас, аксинча, бир кутига авайлаб тахларди-да, комиссар сумкасига солиб, доимо ёнида олиб юрарди. Аслида қарама-қарши икки хил эътиқод унинг қалбига шу тариқа қувват бағишлар, бунинг бири улуғ инқилобнинг поклантирувчи қудрати бўлса, бошқаси – соҳибасини кулфатлардан асрагувчи ўз сочларининг фусункор қуввати.

Ташқарида қўзғолган шамол пулемёт ўрнатилган дераза тавақаларини шитоб билан очиб юборди. Бинонинг ташқарию ичкарисида саф-саф қўриқчилари бўлишига қарамасдан, озгина шовқин эшитилиши билан Землячка дарҳол мана шу пулемётга ошиқар, худди атрофини душманлар қуршаб олаётгандек, бешафқат олишувга бир зумда шайланиб олар эди. Пулемётга энгашиб турган шу ҳолатида бу комиссар хотин ажалэлтар қуролга бутун вужуди билан чирмашиб кетган каби кўринар эди.

Бу сафар кўча тарафдан машина моторининг овози эшитилди. Инқилобчи матросларнинг жанговар кўригида ҳозир бўлиши учун уни олиб кетгани Гавен келаётганини тусмоллади.

Бир оздан сўнг машинага ўтираётиб, Гавенга савол ташлади:

– Татарлар нима бўлди, бир-бирини танишдими охири?

– Йўқ, улардан ҳеч вақо суғуриб ололмадик... – деди Гавен ва комиссар хотиннинг серзарда нигоҳларидан кўзларини олиб қочди.

– Ҳаммасини гумдон қил! Ҳозироқ!

Кўрикдан қайтиб келган Гавен оғир ўйлар исканжасида қолди. "Учовиниям ҳибсдан озод қилиб юборсам нима бўлади?.." деган ўй келди яна хаёлига. Аммо яна нечанчи бор бу фикрни яна ҳайдаб солди: "Унда ўзинг ҳам омон қолмайсан!"

Шу пайт эшик очилиб, Рудольфнинг такаббур башараси кўринди.

– Татарларни гумдон қиламизми? "Бой-баба" буйруқ бердими? – сўради матрос астойдил умидвор бўлиб.

– Ҳа, шундай буйруқ бўлди... – дедию Гавен кўнглида кечаётган ғалаённи сездирмаслик учун дераза томонга юзини бурди.

XV

Чалабижаҳоннинг тайинлаганига қарамасдан, қайиқчи Мердон уч кун унинг йўлини пойлади. Кутувнинг учинчи куни бирин-кетин уч кишини – Нўъмон билан Сейдаметнинг қариндошларини соҳил яқинида турган баржага туртиб-суртиб олиб чиқишаётганини кўрди. Бир матрос (худди

ўша Рудольф) бечораларнинг бўйнига осилган оғир тошларни бирма-бир силтаб текшириб кўрди. Сўнгра баржадан лангар кўтарилиб, очиқ денгиз томон оҳиста сузиб кетди.

Соҳилдан бирор чақирим олислаган кема сузишдан тўхтади. Кўп ўтмай матрос маҳкумларни яна бирин-кетин денгизга улоқтира бошлади...

Дарров денгизга ғарқ бўлмасдан, сув юзасида қалқиб турган Чалабижаҳон ва қария билан қизининг сўнгги нафасда жон талашишлари матроснинг қаҳрини кўзғотди ва у ҳукмни тўла-тўкис ижро этиш ишқида маузерини қўлига олиб, ажал билан олишаётган бечораларни мўлжаллаганча, уч карра ўқ узди. Вазифасини маромига етказиб адо этган Рудольф соҳил томон қайтишга буйруқ берди.

Баржа нари сузиб кетиши билан Мердон ҳам шитоб билан қайиғига ўтириб, жонҳолатда эшкак эша бошлади. Ҳозиргина одамлар чўкдирилган жойга етиб келиб, бирортаси тирик қолдимикан, деган умидда сув тубларига талваса ичра тикилди, тикилаверди. Аммо, не қилфатки, бахтиқаро миллатдошларининг бирортаси омон қолмаган, қон ҳидини туйган ўлаксахўр балиқларгина сув юзасида ғужғон ўйнашар эди.

Қалбини адоқсиз ғам-ғусса чулғаган Мердон ноилож қирғоққа қайтди. Қумлоқ соҳилга бемадор юзтубан қуладию юрагидан, юрагининг туб ичларидан Яратганга илтижо отилиб чиқди:

– Ё Оллоҳим, сендан биргина сўрорим бор. Золимлар дастида завол топган шаҳид бандаларинг жойини жаннат боқчаларингдан айлагил!..

2015 йил

Ояр ВАЦИЕТИС

(1933–1983)

ЭЙНШТЕЙННОМА

Достон

Рус тилидан
Шерназар ҚЎШНАЗАРОВ
таржимаси

1

Уни кимга тенгламоқ мумкин? Галилейгами?
Йўқ.
Гарчи тириклайин қовурганлар
Ҳар икковин ҳам.

Фақат ўз бошидан кечирган билар
ёлғон ва палидлик ўчоғи ичра
фикрларининг
нечоғ бўралиб
жизғанак бўлишлигини.

Уни кимга тенгламоқ мумкин?
Жордано Бруногами?
Йўқ.

Гарчи замонамиз инквизацияси
юз минглаб Эйнштейнларни
ёқиб юборгандир гулханларида.
Унтер-ден-Линденда бўлган эди
бу инквизация.

Уни қиёс этсаммикан юлдуз билан ё?
Йўқ.
Гарчи юлдуз каби суюкли эди у.

Бу оддий севги эмас.
Зотан қай биримизнинг
хотинимиз ё қаллиғимиз – юлдуз?
Йўқ.

Ҳеч қачон юлдуз бўлмаган.
Барибир юлдузларга кўнгил қўямиз.
Ўн саккиз минг олам севгиси билан.

Кимга тенглай?
Бу саволнинг ўзи не учун?
Эйнштейнни фақат Эйштейнга
тенглаш мумкинлигини
ҳар бир ҳужайрамиз билан
сезиб турибмиз.

Инсоният уфқидан
сузиб ўтди момиқ оқ булут.
Эйнштейн пешонаси узра эса
оппоқ сочлар булути.

2

Нечун скрипкасин ёдга оламиз?
Скрипкада қанақа нисбийлик назарияси
яшай олади?

Синдириб кўрсангиз
скрипка шаклидаги ҳаводан бошқа
ҳеч вақо
топмайсиз ундан.

Энди эса
инсоният учун
ядро физикасидан ҳам
мавҳум ва муҳимроқ
алланима бордай унинг ичида.

Руҳан қанча катта бўлса қай одам,
ўзида бошқа бир одам яратмоқ учун
шунчалар жон-жаҳд ила
интилаверар.

Шуҳрат чўққисида бўлса ҳам
Ван-Гог
янги Ван-Гог учун нақадар
аёвсиз талашганини
эслаб кўринг бир.

Агар қай ерда илму-фан
тирикчилик манбаи эмас
ҳақиқий илму-фан бўлса,
у ҳам санъатдир.

Турли галактикалар,
эҳтимолким, санъат,
илм-фан – бошқа-бошқа
галактикаларга мансуб ҳосила.
Эҳтимол, антигалактикаларга
Мансубдир улар.
Аммо
нима бўлганда ҳам
Планеталардир улар.

Портретдаги Эйнштейн
скрипкасин чала бошласа,
ракеталар қалдироғин эшитаман мен,
ўзга оламларга учиб бораётган
инсонни кўраман.

3

Танаффус қиламиз.
Матбуот конференциясига
йиғилинг, одамлар!

Кошкийди,
ақл-идрок ҳам
ҳамнафас бўлса бизга бу ерда.

Танишинг:
Ян Майданек – чех,
Хильда Равенсбрук – олмон аёли,
Хаим Маутхаузен – жуҳуд.
Улардан ташқари
бир неча миллион
ватандошларимиз ҳам шу ерда.

Кўланкалар коллонасида турганларнинг
ҳаммасини бир-бир таништиришнинг
ҳеч имкони йўқ.
Зотан, саволларга улар эмас,
сен жавоб берасан,
эй ақл-идрок!

Не иш билан оворасанки,
ўт ўчирувчиларинг ёнғин тугагандан кейин
култепа устига келгайлар доим?

Кузатув минорангдан туриб
ҳеч нарса кўрмаётган бўлсанг мабодо,
мана сенга
турли даврлардан қолган суяклар,

харобалар ва
тўкилган қонлар.
Ушбу қоришма
қурилиш қилмоқчи бўлсанг,
Ойгача ҳам етади.

Лоркани нишонга олиб,
Моцартни заҳарламоқ бўлишганини
кўрмоқлигинг шарт, англамоғинг шарт.

Нима бўлди,чурқ этмай қолдинг,
эй ақл-идрок?

Нечун Ғарбий фронт гулдуруслари
Роллан овозидан баландроқ бўлиб,
нима учун Фучик нидоларини
эпиграфлар бўғиб ташлади?

Ультратовуш бугунга келиб металл қирқаётир,
сен эса, эй ақл-идрок,
мум тишлаган соқов мисол турибсан!

Тағин жим қолдинг,
бу эса доим
бирор фалокатнинг даракчисидир.

Танаффус тугади,
савол-жавоб ҳам.
Мақсадимиз – яқиндагина Эйнштейн
океан ортида жон сақлаб қолиши мумкинлигини
билдирмоқ эди.
Энди эса ҳеч ерда нажот қолмади унга.

4

Йўқ, самовий нусхалар ҳақдамас гапим.
Қўлларнинг ўрнида қанотлар ўсган,
кўзлари ўрнида чироқлар ёнган Эйнштейнни
тасаввур айланг.

Ҳолбуки, сенинг
икки қўлинг ва
икки кўзинг бор, яъни йиқилсанг
қўлинг синиши ва ёки
сўқир бўлиб қолишинг мумкин.
Жазо – муқаррар.

Буюклик тубанлик билан
ҳақиқат мавҳумот билан тўқнаш келган он:

тергов қиларлар:
– Сенинг ҳам худди биз каби
иккитагина қўлинг борлигига қарамай,
нечун кўп нарсага эришмоққа
журъат этдинг сен?

Маҳкумсан!

Жисман мавжуд бўлганинг,
Синадиган қўлларинг,
кўр бўлиб қолиши мумкин бўлган
кўзларинг учун
такрор ва такрор
кўксингни ўқларга тутасан,
гулханларда ёнасан,
крематорий мўриларидан
буралиб-буралиб
тутунинг кўкка ўрлагай.

Худони рад этдинг, деб ўкирарлар!
Иблисга шериксан, деб ўкирарлар!
Ирқинг паст, деб ўкирарлар!
Аслида эса –
Бруно,
Лорка,
Эйнштейнсан.

Ўзларини қодир ҳақдай биларлар,
Буткул бебошликлар қиларлар.

Буюклик хиёнат саналгай бунда,
Аммо, тақво деганлари шу.

Инсоният
энкайганча милтиқ ўқталиб,
шамшир силкитиб,
ракеталар билан қўрқитиб,
тургунлик –
завол маъбудига,
тошга
сиғинаётир.

5

Сени қачон топамиз,
эй бутун оламнинг
янгича тортишиш қонуни?
Неча ёруғлик йилидир,
сенгача бўлган масофа?

Эйнштейн, айт-чи,
бу қанча бўлади ер вақти билан?

Гўдаклар азоб ичра
таваллуд топиши керакми?
Бу – мумкин эмас.

Аммо бундай уқубат асрлар ўтиб,
бир одатий ҳол бўлиб қолди.

Кўпаймоққа жазм айлаб,
катта хато қилган экан
энг биринчи ҳужайра.
Менимча бўлинмоқни у
ўйин деб билган.
Гапим унга қаттиқ тегдими?
Ўртанаверсин.
Бу бир буюк тарихий ондир!

Мана, неча асрларким ҳар бир кашфиёт
шундай уқубатлар билан туғилаётир.

Катта хато қилган
энг биринчи ҳужайра.
Қабул айла, эй одамизот,
шодлик билан дунёга келган
дастлабки шодлик локомотивини
яралган ҳолича сен шодлик билан.

Қабул айла, эй одамизот,
муборак қўллар яратган
Паганини мусиқасини
худди шундай муборак қўлларинг билан.

Бу – сенинг буюклигинг,
Сенинг илк қадамларинг,
Бу – сенинг умринг...
...шармисорлигингмас.

Телескопим юлдузларга йўналган эди.
Уни бураяпман ўзимга томон.

Кун кечиргум фақат нон билан.
Бармоқларим элар ойнинг нурини,
бироқ, ҳаётимни кўп қадрлайман,
уни тортиб олгайлар
фақатгина мени бурдалаб.

Ҳеч кишига керак бўлмаса умрим,
мен яшамай ўтган эканман.

NASR

Стефан ЦВЕЙГ

(1881–1942)

КРИСТИНА

Роман[1]

Рус тилидан
Абдуҳамид ПАРДАЕВ
таржимаси

Қиз бироз тин олгани холаси ва поччасининг ёнига ўтирди. Аммо шу пайт кимдир столга соя ташлаб ўзига таъзим қилаётганини пайқаб қолди. Баланд бўйли, елкадор, малласоч, соқоли силлиқ олинган, офтобда қорайган чеҳрасидан мардонавор ёғду таралиб турган йигит экан. У пошналарини пруссчасига бир-бирига шақиллатганча уриб, одоб билан, соф шимолий олмон лаҳжасида холадан изн сўради.

– Жоним билан, – жилмайди жиянининг бунчалар тез муваффақият қозонаётганидан ғурурланган хола.

Кристина хижолатга ботиб, тиззаларида енгил титроқ билан ўрнидан турди. Башанг кийинган нотаниш йигит ясаниб олган кўплаб гўзал хонимлар ичидан ўзини танлагани гўё юрагига болғача билан зарб берилгандек қизни шошириб қўйганди.

Рақсдан сўнг йигит – у ўзини гладбахлик муҳандис дея таништирди – Кристинани эҳтиром билан столига кузатди. Столларига яна бир киши келиб қўшилганини қиз илк лаҳзаларда пайқамабди ҳам. Бу генерал Элкинс экан. Мана, у ўрнидан туриб, эҳтиром билан қизга таъзим қилди. Очиғи, бу charming girl[2] билан ўзини таништириб қўйишини холасидан илтимос қилгани келганди у. Генерал аслзода хонимнинг рўпарасида тургандек қоматини тик тутиб, бошини бир томонга хиёл эгиб, жиддий турар, Кристина эса чўчиб, ўзини қўлга олишга уринарди. Худойим-эй, бу ниҳоятда улуғвор ва кибор одам билан нимани гаплаша олади? Холасининг айтишича, унинг сурати барча газеталарда босилган, ҳатто кинода ҳам кўрсатишган экан.

Генерал уни рақсга таклиф этганида Кристина хижолатдан донг қотди. Бир муддат ўтгач эса эҳтиёткорлик билан, оҳиста рақс тушаётиб, ҳеч бир тортинишсиз суҳбатга киришиб кетганига ўзи ҳам ҳайратланди.

Рақсдан сўнг генерал Элкинс уни эртага автомобиль сайрига таклиф этганида қиз қандай рози бўлганини билмай ҳам қолди. Уни яна уч-тўрт

[1] Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

[2] Charming girl (инг.) – мафтункор қиз.

киши билан таништирдилар. Ўн йил ичида ҳам теварагида шунча башанг, назокатли, оққўнгил одамни кўрмаганди. Уни рақсга чорлашар, сигарета ва ликёр[1] билан сийламоқчи бўлишар, тоққа чиқиш ва сайлга таклиф қилардилар.

– Ҳаммани ҳайратда қолдирдинг, болагинам, – деди жияни туфайли юзага келган югур-югурдан ғурурланаётган хола.

* * *

Кристина эртаси куни тонгда туриб ёлғиз ўзи тоғ сайрига чиқиб келди. Нонуштага қайтганида генерал Элкинс ёнига келиб, ваъда қилинган автомобиль сайрига таклиф этди. Генералнинг инглизча русумдаги қимматбаҳо машинасида болаларча ғурурланиб кетаётган қиз, эҳтимол, уловнинг эгаси шу бўлса керак деб, ўзига сал ҳасад билан кўз ташлаётган йўловчиларни пайқади. Генерал Элкинс унга теварак-атрофни кўрсатар, маълумоти бўйича географ бўлганидан ҳар қанақа мутахассис каби беихтиёр тафсилотларга бериларди.

Машина тезлигини оширганча, гилам устида бораётгандек юмшоқ ва шовқинсиз олға интилар, кескин кўтарилишлар пайтида ҳам метин кўксидан тиқ этган товуш чиқмасди. Водий борган сайин қорамтир тус олиб, қоялар яқинлашиб қолди ва ниҳоят, ёруғлик кўзга ташланиб, ҳайдовчи тормозни босди.

– Малои довони, – эълон қилди Элкинс ва ўша-ўша эҳтиром ила Кристинанинг машинадан тушишига кўмаклашди.

Пастликдаги манзара ажойиб, йўл ғалати тарзда буралиб, шалоладек пастга қуюлар эди. Бундаги тоғлар ҳолдан тойиб, янги чўққи ва музликлар бунёд этишга қурби етмай қолгани кўриниб турарди. Қуйига, кўз илғамас водий томон юришди.

– У ёқда, пасттекисликда Италия ҳудуди бошланади, – кўрсатди Элкинс.

– Италия, – ажабланди Кристина, – шунча яқинми, наҳотки шу қадар яқин?

Унинг товушида қизиқувчанлик шу қадар кўп эдики, Элкинс беихтиёр сўради:

– У ерда бўлганмисиз?

– Йўқ, ҳеч қачон! Сиз-чи?

– Мен ўзи қаерда бўлмадим. – Элкинс жиддий, сал қайғули жилмайди. – Дунёни уч марта айланиб чиққанман ва унутманг – мен кекса одамман.

– Қўйсангиз-чи! – чўчиб эътироз билдирди қиз. – Нега бунақа дейсиз!

Унинг эътирози шунчалик сидқидилдан айтилдики, олтмиш саккиз ёшли генералнинг ёноқлари тўсатдан қизариб кетди.

Ортга қайтаётганларида Элкинс камгап бўлиб қолган, хаёлчан, бироз ҳаяжонланаётгандек кўринарди. Меҳмонхонага етиб келганларида эса ҳамроҳига ёрдам бериш учун ҳайдовчини ортда қолдириб, ўзи учун ҳам кутилмаган ғайрат билан машинадан сакраб тушди.

– Ажойиб сайр учун сиздан ғоят миннатдорман, – деди у қиз оғиз очиб, унга ташаккур айтишга улгурмасидан, – кўпдан буён бунчалик роҳатланмагандим.

[1] Ликёр – ўткир, ширин спиртли ичимлик.

Чой устида Кристина генерал қанчалар меҳрибон ва илтифотли эканлигини қайнаб-жўшиб холасига сўзлаб берганда, у хайрихоҳлик билан бош силкиди:

– Уни бироз шамоллатганинг яхши бўлибди. Ҳаётда кўп жафо чеккан, хотини ҳали ёшлигида – Тибетда экспедицияда юрганида вафот этган. Бу ҳақдаги хабар вақтида етиб келмагани боис тўрт ой хат ёзиб турган ва қайтиб келганда ўзи битган бир уюм, очилмаган мактубларни кўрган. Битта-ю битта ўғли ҳалок бўлган – олмонлар унинг самолётини Суассон томонда уриб туширган эканлар. Яна десанг, айнан генералнинг ўзи ярадор бўлган куни. Ҳозирда Ноттингем яқинидаги улкан қасрида танҳо яшайди. Хотиралардан қочиш учун мудом саёҳатда юришини тушунса бўлади. Оиласи ҳақида сўз очишни хаёлингга келтирма – бирдан кўзига ёш олади.

Тушликдан сўнг холаси ва поччаси дам олиш учун хоналарига йўл олишганда қизнинг рўпарасида кечаги ракседаги жуфти, синчков муҳандис-олмон пайдо бўлди ва унга бақувват қўлини узатди:

– Туринг, туринг! Оғайниларим сиз билан танишмоқ истагидалар.

Йигит дабдурустдан ҳамроҳини барчага фройляйн фон Боолен, дея таништирди. Афтидан, поччасининг голландча "ван" ўрнига олмонча "фон" дея талаффуз қилинган исм-шарифи уларда ўзгача ҳурмат уйғотганди. Кристина буни ҳаммаларининг эҳтиром билан ўринларидан туриб қўяётганларидан пайқади. Балки бу иккала сўз оҳанги Германиядаги бойбадавлат Крупп фон Бооленлар оиласи номини беихтиёр хотираларига туширгандир?

Кристина қизариб кетганини пайқади: "Э худо, нималар деяпти у?!" Бироқ йигитнинг хатосини тўғрилашга юраги дов бермади. Ахир нотаниш, назокатли инсонлар қошида улардан бирини ёлғончиликда айблаб: "Йўқ, йўқ, мен фон Боолен эмасман, фамилиям Хофленер", деб бўлмайди-ку! Кристина шу тарзда виждонига қарши бориб, бармоқлари титраса-да, ўзи назарда тутмаган ёлғонга йўл қўйди. Бу ёшларнинг барчаси – мангеймлик қувноқ, ўйноқи қиз, веналик шифокор, аллақандай француз банки директорининг ўғли, исм-шарифини Кристина яхши эшитмаган яна бир нечта киши – унга жуда қизиқиб қолишди. Ҳаммалари фақат унга савол беришар ва фақат у билан суҳбатлашарди.

Илк дақиқаларда Кристина ўнғайсизланиб, ҳар сафар улардан бири "фройляйн фон Боолен" дея мурожаат қилганда игна санчилгандек сесканиб тушаверди. Бироқ бу ёшларнинг шўхлиги ва одамшавандалиги астасекин ўзига ҳам юқди. Тезда уйғонган ўзаро ишончдан у хурсанд эди ва охир-оқибат, ҳангомага сира тортинмай қўшилиб кетди. Ахир ҳаммалари унга дўстона муносабатда бўлса, нимадан қўрксин?

Сўнгроқ холаси келиб, уни яхши қабул қилганларини кўриб қувонди, "фройляйн фон Боолен" дея чақирашаётганларида эса кўз қисиб, оққўнгиллик билан жилмайди. Кейин эри тушликдан кейинги одати бўйича покерга берилиб кетганидан фойдаланиб, қизни сайрга олиб чиқди...

* * *

Шундай бир синоат борки, эврилишнинг сирли қудрати исми-шарифингда яширинган бўлади. Дастлабки пайтлар у тасодифан бармоғингга

тақилган узукдек, сени ҳеч нимага мажбур қилмайдигандек туюлади. Бироқ идрокинг исминг сеҳрини англашидан аввалроқ, у танингга сингиб, тақдирингга таъсир ўтказганча, маънавий борлиғинг билан чамбарчас боғланади. Аввалига Кристина ўзининг янги номига яширинча бир шумлик билан жавоб қайтара бошлади ("Кимлигимни билганингизда эди! Йўқ, била олмайсиз!"). Бу номга енгилтаклик билан, гўё карнавал ниқобидек муносабатда бўлди. Бироқ, тез орада ўзи истамаган сохта исм-шарифи ҳақида унутиб, ўзини-ўзи алдай бошлади ва уни ким деб қабул қилишаётган бўлса, ўшанга айланди-қолди. Агар биринчи кун оқсуяк оилага мансуб бойвучча, дея ном чиқарганидан бир қадар дилхиралик ҳис этиб, эртасига бу нарса ҳатто иззатталаблик пайдо қилган бўлса, кейинги кунлари бунинг бари гўё ўз-ўзидан маълум ҳақиқатдек туюла бошлади. Агарда кимдир исмини сўраса, Кристина (уйда уни Кристль деб аташарди) деган жўн исм оқсуякларга мос эмасдек туюлар ва қиз сурбетларча: "Кристиана!" – деб жавоб қайтарарди. Мана, шундан буён барча столларда ва умуман меҳмонхонада, қизни Кристиана фон Боолен деб атай бошладилар.

У энди почтачи Хофленерга мутлақо ўхшамайди. Унга ўхшаши амримаҳол. Рангпар, кулни эслатувчи териси тоғ офтоби остида қорамағизга айланди, бошини мағрурона тик тута оладиган бўлди. Янги либосларда қадам босиши ҳам ўзгариб, ҳаракатлари мулойим, назокатли бўлиб қолди. Ўзининг қадрига етишни ўргангани қадди-қоматидан ҳам сезилди. Табиат қўйнида мунтазам сайр танини янгилаган бўлса, рақслар эгилувчан қилди ва мана, куч манбаи юз кўрсатди: бехосдан уйғонган ёшлик, юрак гуп-гуп урмоқда, кўксинг баланд. Вужудингда бори қайнайди, тўлқинланиб, кўпиради. Ҳали сен туймаган бетакрор ҳаёт қувончини ҳис этиш учун ўзингни тинмай синовдан ўтказишни истайсан.

Кристина энди бир жойда қозиқдай қоқилиб ўтириш, бирон тинчроқ иш билан машғул бўлишни эмас, ҳар дам қаергадир бориб, шўхлик қилишни хоҳларди. Доимо бирон нимага қизиқиб, ўша қизиқувчанлик таъсирида хонама-хона зир югурар, гоҳ у ер, гоҳ бу ерда кўриниш берарди. Ёшлик қуввати қиздан шунчалик уфуриб турардики, тўлқиндек атрофидагиларга ҳам ўтар ва кимки ўзига яқинлашса, шу ондаёқ ўйин-кулги ва шумлик гирдобига тортарди.

Қизда ҳар доим айтадиган гап бор, доим янги бир саргузашт топади. Унинг учун ҳамма нарса ажойиб, ғаройиб, тасвирлашга сўз ожиз. Кристина ҳамма нарсага мафтун. Мутлақо бегона тингловчига ҳам маълум эдики, ўзгалар билан ўртоқлашмаса, вужудини тўлдирган миннатдорлик ҳиссини бу қиз кўтара олмайди. У билан муомалада бўларкан, ҳар ким беихтиёр қиздан таралаётган меҳр кучи таъсирига тушиб қолади. Ҳатто мудом мудраб ўтирувчи, тили заҳар махфий маслаҳатчи[1] кампир ҳам у томон лорнетини тўғрилаганда нигоҳига илиқлик югуради. Барча, лорд Элкинсдан тортиб, то лифтчи-болакайга қадар фройляйн фон Боолен ёқимтой, фусункор ҳилқат эканлиги ҳақида бир тўхтамга келган эдилар. Кристина ўзига нисбатан бу хайрихоҳликни шу одамлар орасида бўлишга ҳаққи борлигининг исботи дея қабул қилар ва бундан янада бахтиёр бўларди.

Қизнинг шахсига қизиқиш ва очиқдан-очиқ хушомад қилишга мойиллик у бундай муносабатини кутишга асло журъати етмаган киши – гене-

[1] Махфий маслаҳатчи – ўша даврда учинчи даражали унвон.

рал Элкинс томонидан яққол ифода этила бошлади. Унинг костюми ранги очиқроқ, ёшларга хос, галстуги эса ёрқинроқ бўлиб бораётганини ҳатто холаси ҳам пайқади. Балки қиз янглишаётгандир, лекин Элкинснинг чаккасидаги оқ сочлари ҳам бўялгандек туюлди. У турли баҳоналар билан тез-тез уларнинг столига келар, ортиқча эътиборни жалб қилмаслик мақсадида, меҳмонхона хизматчилари воситасида иккала хонимнинг номерларига ҳар куни гул юборарди.

Бир куни эрталаб, ёмғир сабаб барча сайрлар қолдирилганда у Кристина билан холлнинг бир четига ўтириб, уйи, хиёбони, итларининг фотосуратларини кўрсата бошлади. Суратдаги ғаройиб, баланд қаср норманд-лар даврига мансуб бўлса керак. Юмалоқ ҳимоя миноралари деворларига чирмовуқлар чирмашган, ичкарисида атлантлар[1] ва қадимий камини бор кенг-мўл заллар, ромларда оилавий портретлар, кемаларнинг нусхалари. "Менимча, қишда у ерда яшаш зерикарли бўлса керак", ўйлади қиз ва худди унинг фикрини уққандек, генерал овчи итлар галасини кўрсатганча деди:

– Агар мана шулар бўлмаганда, бутунлай ёлғиз қолардим.

Бу – хотини ва ўғли ўлганига илк шама эди. Унинг нигоҳи ўзининг юзи бўйлаб тортинибгина сирғалиб ўтганини пайқаган Кристина титраб кетди ва шу ондаёқ фотосуратларга тикилди. "Нима учун буларни менга кўрсатмоқда ва нега чўчиётгандек ғалати тарзда мана шунақа инглизча уй ёққан бўлармиди, дея сўраяпти? Наҳотки бадавлат, зодагон киши бу билан нимагадир шама қилиб..."

Аммо ўйлаб олишга бу ерда қайдан ҳам вақт бўлсин – бунга имкон берармиди! Холлга киришга улгурмай бебош тўданинг бирон аъзоси қизни шартта тутиб олиб, саёҳатга, суратга тушишга, ўйинга ёки гап сотиб, рақс тушишга судрайди. Гоҳида, оқшомги рақсларда, ёки хилват жойда бирон йигит кўркмай қучоқлаб олганда Кристина қонига ўт тушгандек, танида илиқлик туяди. Бу даврадагилар бир-бирига дўстона хушомад қилишга уста, лекин баъзида хушомадлар янада очиқроқ, дадилроқ, эҳтиослироқ тус олади. Бунақа муносабат уни – ҳали бунга одатланмаган қизни баъзан чўчитади. Мисол учун, машина ичидаги ғира-ширада кимнингдир чайирдек қўли тиззаларини эркалаб силаса, ёки сайр пайтида биров ҳаддан ташқари мулойим қўлтиқлаб олса, Кристина ўнғайсизланади.

"Ахир ким ўзи мен? Бу одамлар менда нимани кўра қолишди?" – кундан-кун ҳайрати ортиб ўзига савол берарди у. Ҳар куни унга қайта-қайта мулозамат қилишади. Уйқудан кўз очар-очмас ходима лорд Элкинсдан гулдаста олиб киради, кеча холаси чарм сумка ва ниҳоятда гўзал тилла соат совға қилди. Унга нотаниш силезлик ер эгалари, эр-хотин Тренквицлар уйларига меҳмонга таклиф этишди. Жиккак америкалик миттигина тилла ўт олдиргични (бу совға Кристинага жуда ёқиб тушди) беркитиқча сумкасига солиб қўйди. Мангеймлик олмон қиз опасидан ҳам меҳрибон: оқшомлари хонасига шоколадли конфетлар олиб келади ва иккиси тун ярмидан оққунча гап сотиб ўтиришади. Муҳандис ундан бошқаси билан рақс тушмай қўйган.

Йиллар мобайнида кўча-кўйда ён-атрофидан ўтган одамлар қизнинг афтига ҳатто қараб ҳам қўймасди. Шунча йил қишлоқда яшаса-да, ҳеч ким ҳеч нима совға қилмаган, унга қизиқмаган. Эҳтимол, бунга сабаб у

[1] Атлантлар – эркаклар қиёфасидаги устун-ҳайкаллар.

ёкда ҳамма камбағалу ғариб эканлигидир. Балки одамлар ғарибликдан толиқишгани боис, бир-бирига шубҳа билан қарашар, ёки қизнинг ўзида илгари бўлган-у, лекин кўринмай турган бирон нарса тўсатдан юз кўрсатдимикин? Балки чиндан ҳам у ўзи ўйлашга журъат қилганидан кўра чиройлироқ, ёқимлироқдир? Фақат бунга ишонишни истамаганмикан? "Кимман, кимман, ахир?"

Кристина баъзи-баъзида танҳо қолганида тинмай ўзига шу саволни берарди. Ғалати, уйда уни эркак зоти қизиқтирмас, ҳарқалай, сира ҳаяжонга солмасди. Аммо бу ердаги йигитлар баъзан унда аллақандай ўзгача қизиқиш ва ҳаяжон уйғота олишини, ҳатто ўзининг кулгиси ҳам қандайдир бошқача янграшини, баъзан ҳадиксираб ортга тисарилаётганини ҳис қиларди. Юзаки қарагандагина дўстона, аслида унчалик хавфсиз ҳам деб бўлмас даврада ўзини аллақандай ноқулай ҳис этар, очиқданочиқ ва астойдил тирғалаётган муҳандис ёнида эса сархушликдан боши хиёл айланарди.

Кимё факультети талабаси, ақлли, муғомбиргина, зинда, эҳтиросли, бироқ энг сўнгги дамларда ўзини тута олувчи мангеймлик зийрак қиз қоп-қора кўзлари билан теварак-атрофда нималар бўлмасин, барини бирданига пайқар эди. Меҳмонхонада кўздан пинҳона бирор нима рўй берса, барини Кристина ундан билиб оларди.

* * *

Яна уч-тўрт кундан сўнг тўс-тўполонли бутун бир ҳафта елдек ўтгач, смокинг кийган Энтони хотини билан ресторанда ўтирганча тўнғиллади:

– Палапартишлиги аллақачон жонимга тегди. Хўп, биринчи марта ҳаммадаям шундай бўлар, аммо, кун бўйи дайдиб, бошқаларни кутишга мажбур қилиш – бу тарбиясизлик. Жин урсин, ўзини ким деб ўйлаяпти у кишим?

Клер уни тинчлантирди:

– Вой, худо, нима ҳам қилардик, ёшлар ҳозир шунақа – урушдан кейинги тарбия-да! Фақат дайдишни, ўйин-кулгини билади.

Энтони санчқини жаҳл билан столга ирғитди.

– Ниҳояси йўқ бу ўйин-кулгини жинлар чалиб кетмайдими менга деса! Мен ҳам ёш бўлганман, мен ҳам шўх эдим. Бироқ одоб доирасидан чиқмаганман – бундай қила олмасдим ҳам. Ҳа, яна бир нимани илтимос қилган бўлардим: ҳар оқшом столимизга ўзининг бутун галасини судраб келишни бас қилишини унга тушунтир. Миясига қуй.

Клер унинг пешонасидаги кўкимтир томирлар бўртиб, ошкора тепа бошлаганини кўриб, эътироз билдирмади. Лекин рост, сўнгги кунлари Кристина ҳар қандай меъёрни унутиб қўйди. Фақат ўзини ва бошни айлантирувчи ҳузур-ҳаловатни ўйлайди, холос. Мисол учун, оқшом пайтлари поччаси мудрай бошлаганини пайқамас ва холаси ҳатто қаттиқ туриб: "Кетдик, кеч бўлиб қолди", – дея бир неча бор такрорлаганда ҳам бир сонияга тинчиб, сўнг: "Ҳа, холажон, албатта, фақат биргина ракс, ваъда қилганман, биргина ракс!" – дея жавоб берарди. Сўнг шу ондаёқ ҳаммасини унутар, поччасининг кайфияти бузилиб, ҳатто хайрли тун тиламай аллақачон ўрнидан турганини ҳам сезмас, жаҳли чиқиши мумкинлиги ҳақида ўйламасди ҳам.

Мана, ҳозир ҳам, безгак тутгандек, пирилдоқ янглиғ жойида чир айланиб, ресторанга ёпирилиб кирди. Қўлқопини йўл-йўлакай, нописандлик билан сидириб ташлаб, бу ерда шу қилиқ кимгадир ёқмаслигини ўйлаб ҳам ўтирмай, америкалик иккита йигитга "хэллоу" дея қичқирди. Кейин бутун зал бўйлаб холаси томон югурди ва уни елкасидан қучиб, юзидан ўпди. Фақат шундан сўнггина болаларча ҳадиксираб ҳайқирди:

– О, аллақачон бошлаб юбордингларми? Узр!.. Қанча чиранмайлик шалоғи чиққан "форд"да қирқ дақиқада меҳмонхонагача етиб бора олмаймиз, деб Перси ва Эдвинга айтавериб оғзим чарчади. Улар эса мен билан баҳслашиб ўтиришибди... Ҳа, официант, буларга етиб олишим учун ҳар иккала таомни бирданига келтиринг... Сизга нима бўлди, поччажон? Озгина кечикканим учун аччиғингиз чиқаяпти, шундайми?.. Онт ичаман, бу менинг айбим билан бўлгани йўқ. Ахир қирқ дақиқада етиб бора олмаслигимизни уларга айтгандим... йўқ, бунда фақат ўзингга ишонишинг керак экан... бўғирсоқларни еб тўймайсан...

Қизнинг валақлаши мушакбозликни эслатарди. Фақат анча вақтдан сўнг, гапираверіб мадори қуригандан кейингина, илҳомланганча сўзлаб бераётган ҳикояси кўпга чўзилган совуқ сукунат билан қарши олинаётганини пайқади. Унинг валақлашидан кўра апельсинлар ўзини кўпроқ қизиқтираётгандек, поччаси қотиб қолган нигоҳ билан мевалар солинган саватчага тикилиб турарди. Холаси эса асабийлашиб, пичоқ ва санчқини ўйнар, биронтаси оғиз очмасди.

– Мендан ранжимаяпсизми, почча? – сўради Кристина.

– Йўқ, – ғўлдиради поччаси, – фақат тезроқ тугатсанг бўлди.

Бу сўзлар шунақа бир зарда билан айтилдики, Кристина калтакланган кучукваччадек бирданига жимиб қолди. Нигоҳини пастга қаратиб, кесилган олмани қўрқа-писа тарелкага қўйди, лаблари титради.

– Мэридан бирон хабар борми? – чалғитувчи савол берди раҳми келган хола. – Уйда ҳаммаси яхшимикан? Кўпдан бери шу ҳақда сўрамоқчи эдим.

Кристинанинг ранги баттар оқарди, вужудини титроқ босди. Худойимэй, бутунлай унутибди-ку! Бир ҳафтадан буён шу ерда юриб, хат олмагани ҳақида сира ўйламабди! Тўғри, баъзан хаёлига келгандек ҳам бўлувди, ёзмоқчи ҳам эди, бироқ яна анавиларга ўралашиб қолди.

Унинг юраги сиқилди.

– Нега уйдан бирон хабар йўқлигига ўзим ҳам тушунолмаяпман. Балки келган хатлар йўқолиб қолаётгандир?

Энди холасининг чеҳраси тундлашди.

– Ғалати, – деди у, – жуда ғалати! Бу, эҳтимол, сени бу ерда фақат мисс ван Боолен деб билганларидандир, Хофленерга келган хатлар эса ҳеч ким сўрамаганидан, эшикоғасида ётгандир? Ундан сўраб кўрмадингми?

– Йўқ, – хўрсинди Кристина тушкун оҳангда.

Уч-тўрт марта сўрашга чоғлагани, бироқ уни қаергадир олиб кетишгани ва бу нарса яна ёдидан кўтарилганини у энди аниқ эслади.

– Хола, авф этинг, бир дақиқага! – сакраб турди у. – Ҳозир билиб оламан.

Энтони газетани туширди, у ҳаммасини тинглаб турганди.

– Марҳамат, кўриб қўй! – қизнинг ортидан ғазабнок қараб қолди у. – Онаси бетоблигини ўзи айтганди, энди эса ҳатто қизиқиб кўрмабди. Кун бўйи капалакдек учгани учган! Ҳақ эканлигимни энди ўзинг кўраяпсанми?

– Ишонгинг келмайди, – хўрсинди холаси, – саккиз кун ичида бир марта ҳам қизиқмабди. Уйида аҳвол қанақа эканлигини биларди-ку. Бошида роса безовталаниб, онасини ёлғиз ташлаб келганидан қанчалик қийналаётганини кўзида ёш билан гапирганди. Бунчалик ўзгариб кетгани ақлга сиғмайди.

Шу пайт Кристина қайтиб келди. Энди у бошқача, майда-майда одим ташлаб, ўзини йўқотган кўйи, хижолатли аҳволда столга яқинлашди ва калтак ейишдан қўрққандек, кенг креслога жунжикибгина чўкди. Ростдан ҳам учта мактуб ва битта открытка эшикоғасида экан. Фукталер кишини таъсирлантирувчи меҳрибонлик билан ҳар куни тўкис маълумот етказиб турган. У эса – эй худо, қандай шармандалик! – хув йўлда келаётганда Челерини деган жойдан бор-йўғи биттагина открыткани қалам билан ёзиб жўнатганди. Оққўнгил, меҳрибон дўст совға қилган, меҳр билан чизилган, чиройли ҳошияланган харитага бирон марта боқмабди, унинг совғасини жомадонидан олмабди ҳам. Беихтиёр ўзининг аввалги "мен"ини унутишга интилиб, Кристина Хофленер ортида турган барча-барчани ёдидан чиқарибди – онаси, опаси, дўсти...

У конвертларни шоша-пиша очди ва санасига ҳам қарамай, кўзлари текис, равон сатрлар бўйлаб кезди. "Бугун, худога шукр, сал-пал яхши", – хабар қиларди Фукталер хатларининг бирида. Бошқасида эса шундай ёзилганди: "Сизга, муҳтарама фройляйн, ҳурматли ойингизнинг аҳволи ҳақида бор гапни очиқ ёзишга қасам ичиб ваъда берганим боис, кеча сал безовта бўлганимизни афсус билан хабар қилмоғим даркор. Кетганингизда ҳаяжонлангани унинг аҳволига ёмон таъсир қилган кўринади..." Қиз безгак тутаётгандек, ўкишни давом этирди: "Уколдан сўнг бирмунча тинчланди ва биз, гарчи хуружнинг қайталаш хавфи бўлса ҳам, аҳволи ўнгланишига умид қиламиз".

– Хўш, – сўради холаси Кристинанинг ҳаяжонини пайқаб, – Мэрининг аҳволи қалай экан?

– Яхши, жудаям яхши, – деди у ўзини йўқотиб, – яъни, ойимнинг аҳволи бироз оғирлашган экан. Бироқ ҳаммаси ортда қолибди, сизларга салом йўллабди. Опам эса қўлингизни ўпиб, миннатдорчилигини изҳор этибди.

Бироқ айтаётган гапларига ўзи ҳам ишонмасди. "Нега ойим ўз қўли билан бирон сатр ёзмабди? – ўйлади у. – Ёки телеграмма жўнатсамми, ё бўлмаса, почтага қўнғироқ қилишга уриниб кўрсаммикин? Ўрнимда қолган қиз ҳаммасини билса керак. Нима бўлганда ҳам ҳозироқ ёзиш керак. Эй худо, қандай шармандалик!"

Холасининг нигоҳидан чўчиб, у кўзларини полдан узмасди.

– Ҳа, уларга барини батафсил ёзишинг керакка ўхшайди, – деди холаси унинг фикрини уққандек. – Аввалambор, ҳар иккимиздан қуюқ салом йўлла. Айтгандек, бугун кечки овқатдан сўнг холлда қолмай, бирданига хонамизга чиқамиз. Ҳар оқшомги бу йиғинлардан Энтони жуда чарчаяпти. Кеча сира ухлай олмади, нима бўлгандаям, бу ерга дам олгани келган-ку.

Яширин таънани пайқаган Кристина қўрқиб кетди ва каловланиб Энтонининг қошига келди.

– Почча, илтимос, мендан ранжиманг. Сизнинг чарчатаётганим хаёлимга ҳам келмабди.

Жаҳли чиқиб турган қария унинг ялинчоқ сўз оҳангидан юмшаб, муроса оҳангида ғўлдиради:

– Э-э-э, нима қилибди, биз қариялар мудом шунақа ёмон ухлаймиз. Сизлар билан бир-икки марта ўйин-кулги қилиш менга қизиқ, албатта. Бироқ ҳар куни эмас-да. Қолаверса, энди сенинг ўз дўстларинг бор. Бизни нима қилардинг.

– Йўқ, йўқ, мен сизлар билан.

Кристина поччасининг қўлидан шунчалик эҳтиёткорлик ва меҳрибонлик билан тутиб лифт томон етакладики, холасининг бироз кўнгли юмшади.

– Тушунгин-да, Кристль, – деди у лифтда, – ҳеч ким сени ўйин-кулгидан мосуво этмоқчи эмас, бироқ ҳеч бўлмаса озроқ ухлаб олиш ўзингга ҳам зарар қилмасди. Йўқса, чарчаб қоласан ва бутун таътилинг ҳавога соврилади. Югур-югурингдан энди дам ол, кам бўлмайсан. Хонангда жимгина ўтир, хат ёз. Очиғини айтсам, доимо ўша одамлар билан юришинг ярамайди. Бунинг устига, ўша дўстларингдан кўнглим тўлмаяпти. Сени анови, қаерданлиги ҳам номаълум, бетайин азаматдан кўра генерал Элкинс билан бирга кўрмоқни афзал билардим. Ишон, бугун уйда бўлганинг маъқул.

– Хўп, хола, ваъда бераман, – рози бўлди Кристина. – Ҳақ эканлигингизни энди ўзим ҳам кўриб турибман. Биласизми, шундай бўлиб қолдики, яъни... нима учунлигини ўзим билмайман, мени ўйин-кулги гирдобдек ўзига тортди. Балки бунга об-ҳаво... ва бошқа нарсалар сабабдир. Аммо бугун ухлай олишимдан хурсандман. Ҳамма нарсани ўйлаб кўраман, хат ёзаман. Ҳозир албатта ўз хонамга бораман. Хайрли тун!

* * *

“Холам ҳақ, – ўйлади Кристина хонаси эшигини очаркан, – у менга фақат яхшилик соғинади. Ростдан, бекорга бунчалик берилиб кетдим. Шошиб нима қилдим, ҳали саккиз-тўққиз кун бор. Жиллакурса, тобим қочиб қолди, дея телеграмма жўнатиб, таътилимни узайтиришларини илтимос қиларман. Рад этишмайди, ахир бирон марта таътилга чиқмай, биронта иш кунини ўтказиб юбормагандим. Бошлиқлар менга ишонишади, ўрнимдаги қиз ҳам фақат хурсанд бўлади.

Муҳандисга эртага бирга сайрга чиқамиз, дегандим. Йўқ, у билан асло ёлғиз чиқиб бўлмайди – фақат у билан эмас! Кейин эртага холам ва поччамнинг ёнида бўлишим керак. Йўқ, ҳеч қачон у билан ёлғиз бормайман... Унда, сайрни бекор қилиш керак, балки тезгина пастга тушиб, беҳуда кутиб ўтирмаслигини айтиш... Бироқ холамга сўз бердим-ку. Йўқ, йўқ, бормайман... Айтганча, эшикоғасига қўнғироқ қилиб, сўзларимни унга етказишини сўраб... ҳа, яхшиси, қўнғироқ қилиш керак. Йўқ, бўлмайди... Касал бўлиб қолдимикин, ёки устидан қулфлаб қўйишдими, дея ўйлашлари мумкин ва ҳаммаси бир бўлиб устимдан кулади. Яхшиси, хат ёзаман, ҳа, шуниси тузук. Эшикоғаси тонг саҳардан почтага топшириши учун хатни ҳам ўшанда жўнатаман... Жин урсин... бу ерда почта қоғози бормикин?.. Пастга билдирмай тушиб, ёзув столидан оламан... Фақат Эдвинга дуч келиб қолмасам бўлди... Холам ҳақ, уни бунчалик ўзимга яқинлаштирмаслигим керак эди... Наҳотки у ўзини бошқалар би-

лан ҳам бугун машинада мен билан бўлгандек тутса... мудом тиззамни силаб ўтирди.

Пастда Элкинс ёки бошқаси кўриб қолса-ю, эртага холамга айтиб берса-чи?.. Хўп, нима қилибди... Эшикоғасига хатни олиб боргандим, дейман... нима ҳам дерди... ахир мен пастда қолмайман-ку, иккитагина хат ёзаман-у, қайтаман..."

– Ҳибсга олиндингиз! – Кристина яширинча пастга тушиб илк мактубни ёзган пайтда елкасига кимнингдир кафти келиб тушди. – Мана қаерга яшириниб олибсиз. Макрингизга гап йўқ. Фройляйн фон Боолен қани, деб ҳаммаёқни титкиладим, ҳаммадан сўрадим. Устимдан кулишни ҳам бошлаб юборишди, сиз эса буталар орасидаги куёндек бунда беркиниб олибсиз. Ўрнингиздан туринг, қани-қани!

Кристина муҳандиснинг жон олувчи чангалини титроқ ичида яна бир бор ҳис этди.

– Йўқ, бугун рақс тушолмайман, бандман. Эрталабки поезд билан жўнатиш учун ҳали мактуб ёзишим керак. Кейин кечқурун ҳеч ёққа чиқмаслик учун холамга сўз берганман. Йўқ, сира иложим йўқ. Агар холлга тушганимни билса, мендан ранжийди.

– Биз ҳозир холангиз ухлаяптими-йўқми, ҳужжатлар асосида аниқлаймиз. Унинг деразаси қаерда эканини биласизми?

– Деразанинг бунга нима даҳли бор?..

– Жуда оддий: агар қоронғи бўлса, демак, хола ухлаяпти. Башарти, у киши ечиниб, тўшагига ётган бўлса, атайин ўрнидан туриб, жиянчаси ўзини қандай тутаётганини текшириб юрмайди... Демак, душман қароргоҳини текширгани олға!

Кристина беихтиёр табассум қилди. Бу ерда ҳар қанаканги муаммо, ҳар қанақа қийинчилик қандай осонлик билан ҳал қилинади! У кутилмаганда шаддод қизлар каби, ҳаддан зиёд қаттиққўл қўриқчиларининг бурнидан ип ўтказишни истаб қолди. Фақат бирдан бўйсунишга шошилма, деди унга ички овоз.

– Бундан ҳеч нарса чиқмайди, пальтомни олмаганман. Совуқда мана шундай чиқиб кета олмайман-ку.

– Бошқаси топилади. Бир дақиқа. – Муҳандис гардероб томон югурди ва у ёқдан ўзининг юмшоққина, пахмоқ пальтоси билан қайтди. – Менимча, тўғри келади, кийинг.

Улар ён томондаги эшикдан чиқиб, холасининг деразасига қарашди.

– Қоп-қоронғи, зулматнинг ўзи. Яшасин! Бир пайса ҳам нур йўқ, ҳаммалари донг қотган. Демак, бўйруғимни тингланг: энг аввало ортга – холлга!

– Ҳечам-да! Агар лорд Элкинс ёки бошқа биров кўриб қолса, эртагаёқ холам ва поччамга етказади. Улар эса шундоқ ҳам мендан хафа. Йўқ, яхшиси хонамга кетаман.

– Унда Санкт-Морицадаги биронта майхонага борамиз. Машинада ўн дақиқалик йўл, бизни у ерда ҳеч ким кўрмайди, демак, ҳеч ким тилига ҳам эрк бера олмайди.

– Нималар деяпсиз?! Жуда ўйлаб топибсиз-ку! Сиз билан машинага ўтирганимни кўришса, бутун меҳмонхона икки ҳафта фақат шуни муҳокама қилади.

– Безовта бўлмай, буни менга қўйиб беринг. Ўрмон ичидан борадиган манави йўл орқали қирқ метрча юринг, ҳув анави ёққа, соя остига. Бир

дақиқадан сўнг машинани ёнингизга ҳайдаб бораман. Ўн беш дақиқадан сўнг эса майхонага етамиз. Бўлди, келишдик.

Бу ерда ҳамма иш шунчалар осон ҳал қилинишидан Кристина яна бир бор ҳайратланди. Унинг қаршилиги сўниб борарди...

Кўрсатилган йўналиш бўйлаб бораркан (нега унга қулоқ солаяпти ўзи?) Кристина бирдан ўйлаб қолди: "Ахир мен... ахир мен..." Хаёлига бошқа ҳеч нима келмади, нима қилиши кераклигини ҳеч эслай олмади.

Мана, машина эшиги очилиб, кимнингдир узатилган қўли киришига кўмаклашди ва эшик қайта ёпилди. Буларнинг бари кинолардагидек одамни ҳайратга солар даражада тез бажарилдики, у ҳали нафасини ростлаб, бирон сўз айтишга улгурмай, машина шитоб билан жойидан жилди ва Кристина беихтиёр ортига силтаниб... муҳандиснинг кучоғига тушди...

Майхонада машинадаги ўпичлардан ёки энди кутилаётган бўсалардан ҳалитдан қизиб кетган лабини совутиш учун қиз аввал битта, сўнг иккинчи коктейлни ичди ва ниҳоят, оломон орасида ўтириш жонига тегди.

– Уйга қайтиш пайти келди, – деди у.

– Хоҳишинг.

Йигит унга илк марта сенсираб мурожаат қилмоқда. Бу қизнинг юрагига ёқимли таъсир қилиб, машина ичига киргач, ўзини унинг кучоғига отди. Бўсалар энди қатъий оҳангда айтилаётган сўзлар билан узилиб турарди. Қиз унинг хонасига бор-йўғи бир соатга кириши керак, ахир улар битта қаватда туришади-ку.

Кристина машинадан тушасолиб хонасига қараб югурди ва йигит унга етишга улгурмай эшикни ичкаридан қулфлаб олди. Қутулди, қутулди! Кристина ҳамон титраганча ўйларди: "Сал бўлмаса кечардим. Қанчалар заиф, ўзимга ишонмайдиган бўлиб қолибман-а! Бундай дақиқаларда ҳар қандай одам мени забт этиши мумкин. Авваллари сира бунақа бўлмасди. Аслини олганда, нимадан қўрқдим ўзи? Йигирма саккизга кирдим ва ҳамон ўзимни асраб келаяпман. Рад қилиб, журъат этмай, бир нималардан чўчийман, кутаман. Нима учун ўзимни асрашим керак экан, ким учун? Хўп, майли, ўша таҳликали йиллар отам, онам, ўзим ҳам ҳамма нарсани авайлардик, қизғанардик, тежардик. Бошқалар эса бу пайтда ҳаётдан лаззатланишган. Мен ҳеч қачон ҳеч нимага журъат этмасдим. Буларнинг бари эвазига нимага эришдим? Мана шунақа сўлиб бораверасан, қартаясан ва ҳеч нимани кўрмай, яшамай ўлиб кетасан. Уйда яна ўша ночор ҳаёт. Бу ерда эса ҳамма нарса муҳайё, уларни олиш керак, холос. Йўқ, энди бунақа тентаклик, қўрқоқлик қилмайман. Ҳаммасини олиш, баридан лаззатланиш керак, ҳаммасидан..."

Кристина қўлларини чўзиб, бўса учун очилгандек лабида табассум билан бу ажойиб оламда сўнгги кун, сўнгги тунни ўтказаётганидан бехабар ухлаб қолди.

* * *

Ким шоду хуррамликдан тўлиб-тошса, сергакликни унутади. Бахтиёр инсонлар – энг ёмон руҳшунослардир. Фақат бошдаги ташвишгина ақлни чархлайди, хавфни пайқашгина кўзни каттароқ очиб, ўткир қилади. Кристина эса бу ерда ўзи ким учундир хавотир ва хавф манбаи бўлиб қолганини кўпдан буён пайқамаётган эди. Дўстона муносабатини Крис-

тина самимий дея, ишонч билан қабул қилган мангеймлик ўша ойимча – тутганини қўймайдиган, ғайратли Карла унинг атрофдагилар орасидаги улкан муваффақиятидан ниҳоятда ғазабланганди. Мана шу америкалик "жиянча"нинг келишига қадар муҳандис у билан ғоятда қизғин муносабатда бўлиб, ҳатто жиддий ниятлари ҳақида шама қилувди. Энди эса йигит фақат Кристина билан рақс тушар ва ҳар оқшом ван Бооленлар ёнида ўтирарди. Шундан сўнг рақиба ўйлаб кўрдики, агар йигитни қўлдан чиқаришни истамаса, тезроқ чора кўрмоқ лозим. Қўшимчасига, кўпни кўрган бу ойимча Кристинанининг завқ-шавқи ортида олий табақали одамларга хос бўлмаган аллақандай ғалати бир нима яшириниб ётганини овчи итлардек дарров сезганди. Бошқалар бу дилбар маҳлиқонинг жозибасига асиру мубтало бўлиб турган пайтда, у ўз гумонларини текшириб кўришга ахд қилди.

Карла суриштира-суриштира ҳаммасини: Кристинанинг оддий қишлоқлик қиз эканини, бу ерга биргина тўқима жомадон билан келганини, барча кўйлак ва ички кийимларини ван Боолен хоним шоша-пиша харид қилгани ёки вақтинчалик бериб турганини билиб олди.

Мангеймлик талаба қиз энг майда икир-чикирлар, ҳаттоки тутқичи мол мўғизидан ясалган соябонгача аниқлади. Бадният кимсага омад ҳар доим кулиб боққанидек, Кристина эшикоғасидан Хофленер номига хатларни сўраётган пайтида у билан ёнма-ён бўлиб қолди ва муғомбирона савол ортидан Кристинанинг исми-шарифи фон Боолен эмаслигини ҳам кутилмаганда фош қилди.

Буниси энди керагидан ортиқ эди. Милтиқ тайёр бўлган, Карла учун тепкини босишгина қолганди. Машҳур жарроҳнинг беваси, лорнет билан "қуролланган" махфий маслаҳатчи Штродтман хоним эрта-ю кеч соқчидек холлда ўтирарди. Унинг ногиронлик аравачаси (кампир фалаж эди) киборларга таалуқли янгиликларнинг умумэътироф этилган маркази, нима мумкину, нима мумкин эмаслиги ҳал қилинувчи сўнгги босқич эди гўё. Меҳмонхонада истиқомат қилувчи барча-барчага қарши махфий урушнинг ушбу "айғоқчилик маркази" кеча-ю кундуз, мутаассибларча аниқлик билан иш юритарди. Айёр талаба қиз долзарб маълумотларни тезда ўртоқлашиш учун шу кампирга мурожаат қилди ва албатта, бу ишни энг олийжаноб ниятлар билан қилаётгандек тутди ўзини: "Фройляйн фон Боолен (бундаги жамоа уни шундай атайди, шекилли?) деганлари жуда латофатли қиз. Ҳа-да, ташқи кўринишига қараб, уни паст табақадан деб сира айтолмайсиз. Ван Боолен хонимни айтмайсизми! Оққўнгиллиги туфайли бу сотувчи қизни – ким билсин, эҳтимол, бошқа ҳунари ҳам бордир – жияним дея таништириб, ўзининг дабдабали кўйлакларини кийдириб, оҳуримизга похол солиб юрибди".

Хуллас, Кристинага зарар етказадиган ғаройиб тафсилотларнинг бари оқизмай-томизмай кампирга етказилди. Ўша тонгдаёқ бу тафсилотлар ҳам ҳар қандай миш-миш сингари турли-туман уйдирмага қориштирилиб илдиз отиб, меҳмонхона бўйлаб ёйила бошлади. Кимдир, америкаликлар тез-тез шундай қилиб туришади, оқсуякларнинг таъбини тирриқ қилиш учун биронта машинистка қиздан ҳам бойвучча-миллионер "тайёрлашади", деди. Бу мавзуда аллақандай спектакль ҳам бор экан. Бошқалар эса қизгина эҳтимол, қария ёки унинг хотинига ўйнаш бўлса керак, деган тўхтамга келди. Хулласи калом, ҳаммаси Карланинг режасига кўра,

рисоладагидек чиқди ва ўша оқшом ҳеч нимадан хабари йўқ Кристина муҳандис йигит билан машинада сайр этиб юрганида, унинг номини бутун меҳмонхона муҳокама қилаётганди.

* * *

Ким ҳақида миш-миш тарқалган бўлса, буни у доимо энг охирида билади. Кристина заҳарханда кимсаларнинг хуфиёна кўз қарашлари остида холл бўйлаб бораётганини сезмасди. Кекса хоним берган маккорона саволлар тагмаъносини пайқамай (қизиқувчан узунқулоқлар ҳамма тарафдан шу ёққа динг қилинганди), сочлари кордек оқ душмани қўлини ҳурмат билан ўпиб, сўнгра, аввалдан келишилганидек, холаси ва поччаси билан сайрга жўнади. Йўл-йўлакай таниш-билишлар билан саломлашаркан, билинар-билинмас илжайишлар сабабини ҳали ҳам пайқамасди: нега энди одамлар хуш кайфиятда бўлмаслиги керак экан?

Ҳақ ва олам эзгулиги билан нур таратувчи, ойдин, осуда, қувонч тўла нигоҳларга макр рўбарў келмоқда эди. Холаси ҳам аввалига ҳеч нимани пайқамади. Тўғри, бугун эрталаб унга баъзи бир нарсалар ёқимсизроқ туюлган, аммо сабабини била олмаганди. Силезлик ер эгалари, фақат олий табақадагилар билан гаплашадиган, феодал қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда қуйи табақани назарига илмайдиган эр-хотин Тренквицлар ҳам меҳмонхонада истиқомат қилишарди. Улар ван Бооленлар жуфтлиги учун истисно қилишганди: биринчидан, улар америкалик (яъни, ўзига хос зодагонлар), қўшимчасига – яҳудий эмас. Яна бир сабаб дея шуни айтиш мумкин эдики, ер-мулки оғир гаровлар остида қолган тўнғич ўғиллари Харро бу ерга эртага етиб келиши керак. Демак, америкалик меросхўр қиз билан танишиб олиш унга ҳечам зарар қилмайди. Улар эрталаб соат ўнда биргаликда сайрга чиқишни ван Бооленлар билан келишиб олишган эди. Аммо махфий маслаҳатчи кампирнинг гапларидан сўнг, соат тўққиз яримда, ҳеч қандай изоҳсиз, кела олмасликларини эшикоғаси орқали афсус билан маълум қилишди. Бироқ анчайин кеч билдирилган раддияни изоҳлаш, жиллақурса, кечирим сўраш ўрнига, тушликка ван Бооленларнинг столи ёнидан ўтаётиб, қуруққина саломлашдилар, холос.

– Қизиқ, – шубҳаланиб пўнғиллади зодагонларга оид муносабатларда ниҳоятда тегманозик ван Боолен хоним. – Нима билан уларни хафа қилибмиз? Нима гап?

Яна бир ғалати ҳолат: тушдан кейин (Энтони мизғигани кетган, Кристина хат ёзмоқда эди) ван Боолен хоним холлда ўтирганида, ёнига ҳеч ким келмади. Ахир одатда, Кинсли ёки бошқа танишлари у билан гап сотгани келишмасдими? Ҳозир эса, худди келишиб олишгандек, ҳамма ўз столи ёнида қолган, у бўлса биронта ҳам таниши кўринмаётганидан ҳайратланганча, ёлғиз ўзи креслода ўтирарди. Бурни танқайган Тренквиц эса узр сўрашни хаёлига ҳам келтирмаётганди.

Ниҳоят, кимдир якинлашди, бироқ бугун у ҳам ҳар доимгидан бошқача: генерал Элкинс. Ўта жиддий, жуда расмий. Кўзларини қизарган, ҳорғин қовоқлари тагига яширади. Ахир одатда унинг нигоҳи тик боқувчи, ошкора эмасмиди? Унга нима бўлди?

У худди расмий учрашувлардагидек бош эгди:

– Ёнингиздан жой олишга рухсат берасизми?

– Албатта, милорд. Бу қанақа савол бўлди?

– Муҳтарама миссис ван Боолен, сиз билан муҳим бир масалада гаплашиб олмоқчиман. Бу ерда ҳеч ким суҳбатимизни эшитмайди. Бироқ очиқчасига гапиришим учун изн бермоғингиз лозим.

– Бемалол.

– Ҳозир сизга айтмоқчи бўлаётган гапларим мисс Кристинага тааллуқли. У қиз чиндан ҳам жиянингизми?

Ван Боолен хоним ўзини худди ҳақоратлангандек ҳис этди.

– Албатта.

– Ван Боолен унинг ҳақиқий исми-шарифими?

Савол ван Боолен хонимни шошириб қўйди.

– Йўқ, йўқ... у жияним, эримнинг эмас, менинг жияним. Венадаги опамнинг қизи... Аммо мени авф этинг, лорд Элкинс. Бизнинг дўстимиз бўлсангиз ҳам... бу саволингизни қандай тушунмоқ керак?

– Биласизми... Бу ерда ниҳоятда ғалати миш-миш тарқалди. Гўё... ва мен гап нимадалигини билишни ўзимнинг дўстона бурчим, дея ҳисобладим. У чиндан ўз жиянингиз эканлигини айтганингиздан сўнг бу савол мен учун энди ёпиқ. Мисс Кристина ёлғон гапира олмаслигига имоним комил эди. Мени фақат... тушунинг, бу ерда анчайин ғалати нарсаларни гапиришмоқда.

Ван Боолен хоним ранги оқариб, тиззаларига титроқ кирганини пайқади.

– Нима... очиғини айтинг... нимани гапиришаяпти?

Трубка аста-секин туташни бошлади шекилли, ўтхонаси ичида қирмизи ҳалқача милтиллади.

– Ўзингиз биласиз, биз ҳам таркибига кирувчи бу ердаги оломон аслини олганда, тасодифан йиғилган бўлса-да, барқарор жамоага қараганда ригоризмга[1] кўпроқ мойил. Анави иккиюзламачи тўнка Тренквиц, мисол учун, зодагонлик унвони ёки пули йўқ одам билан бир стол атрофида ўтиришни ўзига ор деб билади. Менимча, айнан унинг ўзи ва хотини сизнинг шаънингизга ҳаммадан кўп тош отмоқда. Кўрмайсизми, гўё айнан сиз аллақандай деҳқон қизни чиройли либослар билан ясантириб, сохта ном остида хоним дея барчага таништириб, бизнинг устимиздан кулишни ўзингизга эп билибсиз. Ўша тўнка аслзода хоним қандай бўлишини биладигандек! Ўйлашимча, агарда келиб чиқиши чиндан... камбағал тоифадан бўлганда ҳам, мен мисс Кристинага нисбатан ҳис қилаётган чуқур ҳурмат ва улкан, жудаям улкан, самимий эҳтиром асло камаймаслигини таъкидлаб ўтиришим шарт эмасдир... Агар меҳрибонлигингиз туфайли унга кўйлакларингизни тухфа этган экансиз, шахсан мен бунда ҳеч қандай ёмонлик кўрмаяпман. Буларнинг бари қай даражада тўғри эканлигини сўраган бўлсам, фақат жирканч ғийбатнинг олдини олиш учун қилдим.

Қўрқинч ҳисси энди ван Боолен хонимнинг томоғидан бўғиб олган, бамайлихотир жавоб қайтармоққа куч топиш учун уч марта чуқур нафас олишига тўғри келди:

– Кристинанинг келиб чиқишини сиздан яшириш учун менда ҳеч қандай асос йўқ, милорд. Поччам жуда катта савдогар. Венадаги энг обрўли кишилардан бири эди (шу ерда ван Боолен хоним андак ошириб юборди). Бироқ кўпчилик виждонли одамлар сингари, урушда бор би-

[1] Ригоризм – ахлоқий қоидаларга қаттиқ амал қилиш.

сотидан айрилиб, оиласи қийин аҳволга тушиб қолишига қарамай, такаббурлигига бориб, кўмагимизни олишдан кўра меҳнат қилишни афзал билди. Шу боис ҳозирда Кристина давлат хизматида, post office[1]да. Бу иснод эмаслигига умид қилсам бўлар?

Генерал Элкинс жилмайганча нигоҳини кўтариб, қаддини ростлади. Кайфияти кўтарилгани шундоқ кўриниб турарди.

– Давлат хизматига қирқ йил умрини берган одамдан буни сўрашингизни қаранг. Агар бу иснод бўлса, уни жиянингиз билан баҳам кўраман. Очиқ-ойдин гаплашиб олдикми, энди, келинг, нима қилишимиз ҳақида ҳам яхшилаб ўйлаб кўрайлик. Уларнинг хусумат ичида айтаётган гаплари бориб турган бўҳтон эканлигини мен дарҳол пайқагандим. Ахир ёшинг ўтган сайин ким аслида ким эканини дарров сезасан. Кексаликнинг камдан-кам афзалликларидан бири ҳам шу, аслида. Воқеъликка ақл кўзи билан қарайлик. Кўрқаманки, мисс Кристинага бундан кейин осон бўлмайди. Зеро, киборлар жамоасидек кўринишни истовчи бир ҳовуч ғаламисларнинг қасоскорлиги-ю, пасткашлигидан ёмон нарса йўқ. Мен бунинг олдини олган бўлардим... ахир ўзингиз ҳам сезгандирсиз, мисс Кристинани жуда қадрлайман... жуда... мен бу содда қизни кўнгилсизликлардан асраб қола билсам, бахтиёр бўлардим.

Лорд Элкинс жим бўлиб, ўйга чўмди. Чеҳраси яна қаримсиқ ва қайғули тусга кирди.

– Бироқ уни қанча вақт ҳимоя қила оламан... буни ваъда қилиш қийин. Бу... шарт-шароитга боғлиқ. Аммо, шуниси аниққи, уларнинг пулга бориб тақаладиган киборликларидан кўра бу қизни ортиқроқ қадрлашимни калондимоғ жанобларга рўйирост кўрсатиб қўйишни истайман. Унга қўполлик қилган кимса мен билан орани очиқ қилишига тўғри келади. Баъзи бир ҳазилларга тобим йўқ ва токи шу ерда эканман, ўша ҳазилкашлар эҳтиёт бўлиб юрсалар яхши бўларди.

У йигитчасига, ван Боолен хоним ҳеч қачон кўрмаган тарзда дик этиб ўрнидан турди.

– Жиянингизни, – эҳтиром билан сўради у, – ҳозир машинада сайр этмоқ учун таклиф қилишимга изн берсизми?

– Вой, албатта!

Таъзим бажо қилгач, ёзув столи томон йўналган Элкинснинг ёноқлари шамолда қолгандек қизарган, муштлари эса қисилганди. Ван Боолен хоним ҳайрон қолиб, сеҳрлангандек унинг ортидан кузатиб қолди – нима қилмоқчи?

Хат ёзиш билан банд Кристина унинг оёқ товушларини эшитмаганди. Лорд Элкинс стол устига энгашган қизнинг боши, чиройли малла қокиллари, чолнинг аллақачон сўнган эҳтиросини қайта уйғотган чеҳрасини кўриб турарди. “Шўрликкина, – ўйлади у, – бутунлай беғамсан, ҳеч нимани билмайсан. Ахир пайт пойлаб ҳужум қилиб қолишса, ҳеч ким сенга ёрдам бера олмайди-ку”.

У қўлини қизнинг елкасига оҳиста теккизди.

– Ёнингизга бир илтимос билан келгандим, муҳтарама фройляйн Кристина. Бугун негадир мазам йўқ, эрталабдан буён бошим оғрийди, уйқу йўқ, ўкий олмаяпман. Шундан сўнг балки очиқ ҳавода тузук бўлиб қоларман, машинамда қайгадир бориб келсам-чи, агарда менга ҳамроҳ

[1] Post office – почта муассасаси.

бўлсангиз, зўр бўларди, дея ўйладим. Холангиз таклиф қилишимга изн берди. Демак, агарда рози бўлсангиз...

– Жоним билан... бу мен учун шараф-ку...

– Унда кетдик.

У қўлини такаллуф билан қизга узатганида Кристина ҳайрон қолди, бироз хижолат бўлди. Бироқ қандай қилиб бундайин эҳтиромни рад этсин? Лорд Элкинс дадил, ўзига ишонган ҳолда, шошилмай уни бутун холл бўйлаб олиб ўтаркан, дуч келган ҳар бир одамга кўзлари чақнаб, тезгина қараб олар, бутун борлиғи билан очиқдан-очиқ дағдаға қиларди: унга тега кўрманг!

Меҳмонхонадан чиққанларида, эшик рўпарасида уларга Тренквиц рўбарў келди ва шошганидан салом берганини билмай қолди. Лорд Элкинс эса унинг ёнидан атайин сирғалиб ўтаркан, қўлини кўтарди ва лаганбардор официантнинг саломига алик олгандек, шляпасига етмаёқ уни пастга туширдики, бу ҳаракатни қиёси йўқ нафрат, юзга урилган тарсаки билан тенглаштирса бўларди.

Ван Боолен хоним лорд Элкинснинг жуда пардалаб айтган хабаридан чеҳрасида акс этгандан кўра қаттиқроқ қўрққанди. Зеро, лорд ўзи ҳам билмаган ҳолда хонимнинг энг нозик ярасига тегиб кеди. Идрокининг чуқур, нимқоронғи тўрида яширинган нарса ҳақида ўзига ҳам фақат ярмигача иқрор бўлувчи ва унутишни истовчи, аллақачон буржуага айланган Клер ван Боолен хонимнинг кўнгли тубида кўп йиллик, тўғрироғи, ҳеч йўқотиб бўлмас, баъзи-баъзида қўрқинчли тушларидагина жонланган ваҳима – ўтмиши фош бўлиши ваҳимаси яшириниб олганди.

Ўттиз йил илгари Европадан айёрлик билан жўнатиб юборилган манекенчи қиз Клара жаноб ван Бооленни учратиб, унга турмушга чиқмоқчи бўлганида, сеп сифатида тақдим этаётган ўша озгина маблағи қайси шубҳали манбадан олинганини софдил, бироқ фикри тор бу инсонга айтишга журъати етмаганди. Шу боис ўша икки минг доллар бобосидан мерос қолгани ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмай, ёлғон гапирган, соддадил, ошиқу бекарор жаноб ван Боолен эса узоқ йиллик турмушлари мобайнида унинг ростгўйлигига бир сония ҳам шубҳа қилмовди. Эрининг оққўнгиллиги боис буёғига ҳеч нимадан хавфсирамаса ҳам бўларди. Бироқ ижтимоий табақалар "зинасидан" қанчалик кўтарилиб борган бўлса, қандайдир тасодифий нодонлик, кутилмаган учрашув, махфий хат оқибатида кўп йиллар илгари рўй берган воқеа юзага қалқиб чиқади, деган ҳадик Клерни шунчалик чўчитарди. Васвасага айланаёзган шу хавотир сабаб ватандошларига дуч келиб қолишдан кўп йиллар қочиб юрди. Жаноб ван Боолен келиб чиқиши асли Венадан бўлмиш бирон шериги ёки буюртмачи билан таништирмоқчи бўлса, хотини мулоқотдан ўзини тортар, инглизчани бийрон гапира бошлагандан сўнг эса олмончани унутиб қўяётганди. Қариндош-уруғлари билан алоқани узил-кесил узиб, ҳатто энг зарур пайтларда ҳам қисқагина телеграммалар билан чекланди. Бироқ ваҳимаси тарқамас, аксинча, америкаликлар жамиятида мустаҳкам ўрин эгаллаб, уларнинг қатъий амалларига мослашиб борган сайин тасодифий бир сўз унутилган ўтмишини эсга солишидан қаттиқ қўрқарди.

Бугун ақлни шоширувчи маккорлик билан шўрлик жиянининг ўтмишини кавлашни бошлашибдими, нега энди бирваракайига унинг ўзи билан ҳам қизиқишлари ва ўтмишини билиб олишларини тахмин қилиш

мумкин эмас? Қўрқув – ҳар қандай тасодифий, майда нарсани ваҳимали даражада улкан ва кулгили тарзда аниқ-тиниқ акс эттирувчи қийшиқ ойнадан фарқи йўқ унинг.

Клер ҳушини йўқотадигандек кресло суянчиғини чангаллади, аммо шу ондаёқ бор кучини тўплаб, ўрнидан ирғиб турди. Кинслилар столи ёнидан ўтиш ва хушфеъллик билан саломлашиш ниҳоятда оғир кечди. Улар Клер аллақачон ўзлаштириб олган америкача лаҳжадаги саломига шу тарзда жавоб қайтирганига қарамай, хоним билан бошқача, муғомбирона, истеҳзо аралаш, ниманидир хиёнаткорона яшириб сўрашганини ярамас бир шубҳа идрокига сингдирди. Ҳатто лифтчи боланинг нигоҳи ва йўлакда дуч келган ходиманинг у билан мутлақо тасодифан саломлашмай ўтиши ҳам хунук кўринди.

Қалин қор кечиб келгандек ҳолдан тойган Клер ниҳоят хонасининг нажот эшигини очганида чошгоҳдаги уйқудан кейин ҳалигина ўрнидан турган завжи кўзгу қаршисида сочини тарамоқда эди. Ёқавайрон, шимини кўтариб турувчи тасмалар елкаси узра ташлаб қўйилган, ўринда узоқ ётганидан юзи ҳали ҳам бужмайган.

– Энтони, – деди Клер нафас ростларкан, – баъзи бир нарсаларни гаплашиб олишимиз даркор.

– Ҳа, яна нима бўлди? – ажабланди тароқни бриолин билан мойлаб, сочида бир текис фарқ очишга уринаётган Энтони.

– Илтимос, бас қил.

– Хўш? – Энтони тароқни жойига қўйиб, креслога мўмингина чўкди. – Нима гап?

– Жуда ёмон иш бўлди. Балки Кристина эҳтиётсизлик, балки бошқа бир жиннилик қилгандир, қисқаси – ҳаммаси фош бўлган! Бу ҳақда барча-барча гапирмоқда.

– Қизиқ, нима фош бўлибди?

– Нима бўларди – кўйлакларим-да! Менинг кўйлакларимни кийиб юргани, бу ерга гўё оддий сотувчи қиздек келгани, биз эса уни бошдан-оёқ ясантириб, зодагон хоним дея тавсия этаётганимиз... нималар деб вайсашмаяпти дейсан... Тренквицлар биздан нега ўзларини олиб қочаётганини энди тушунаётгандирсан... Албатта, ахир улар ўғиллари билан боғлиқ бир нимага умид қилишганди, энди эса гўё биз алдагандек бўлдик. Шунга қутуришаяпти-да... Энди бутун меҳмонхона олдида ноқулай аҳволга тушиб қолдик. Бу бефаросат қиз нимадир қилиб қўйди! Эй худо, қандай шармандалик!

– Нега энди шармандалик? Барча америкаликларнинг бечораҳол қариндошлари бор. Гугенхаймлар, ёки Роскилар, ёхуд анави ковнолик Розенштокларнинг жиянларини заррабин тагига қўйиб текшириш менинг хаёлимга ҳам келмайди. Гаров боғлайманки, уларнинг асл аҳволи яна ҳам ночор. Тавба, агарда биз уни зўр кийинтирган бўлсак, бунинг нимаси шармандалик?

– Чунки... – асабийлашиб товушини кўтарди Клер, – чунки улар ҳақ, ахир кимдир уларнинг дидига ўтирмаса, уларнинг жамоасидан бўлмаса... қаердандир, кимлигини унутиб, ўзини бошқача тутса... Бу Кристинанинг айби – агарда ўзини ҳаммага бунчалик намойиш қилмаганида, аввалгидек камтар-камсуқум бўлганда эди, ҳеч ким эътибор бермасди... Ҳамма фақат у ҳақда сўзламоқда, бизнинг устимиздан кулмоқда... ёмон гапларни гапиришмоқда.

Энтони шарақлаб кулиб юборди:

– Гапираверсинлар... менга бунинг фарқи йўқ. У ажойиб қиз ва нима бўлганидан қатъий назар, менга ёқади. У ғарибми-бошқами, ҳеч кимнинг иши бўлмасин. Бу ерда мен ҳеч кимдан бир цент ҳам қарздор эмасман ва улар бизни зодагон деб ўйлашадими-йўқми – тупурдим. Агар биз кимгадир ёқмай қолган бўлсак, ўзидан кўрсин.

– Мен учун эса фарқи бор, ҳа, ҳа! – ўзи пайқамаган ҳолда Клер янада қаттиқроқ, чинқириб гапира бошлади. – Гўё мен ҳаммани аҳмоқ қилиб, чўри қизни герцогиня дея таништиргандек ғийбатимни қилишларига чидолмайман. Кетамиз!

– Қанақасига? – оғир, тепса-тебранмас Энтони гўё оёғини босиб олишгандек, креслода ирғиб тушди.

– Ҳа, кетамиз, эртагаёқ, тонгда. Агар мени қаршиларида тавозе қилганча, барига изоҳ беради, кейин эса узр сўрайди, деб ўйлаётган бўлишса, бекорларнинг бештасини айтишибди. Боз устига, бу ерда ўзимни ёмон ҳис этаяпман. Икки минг метр баландликда яшаш менга тўғри келмайди. Асабим ишдан чиқди, тунлари ухлолмаяпман... сен, албатта буларни сезмайсан – ётасану қотасан! Қани эди сенинг асабларинг менда бўлганда. Ҳафта бўйи фақат мириқиб ухлаш ҳақида ўйладим. Уч ҳафтадан буён шу ердамиз – қами қолмади! Қизга келадиган бўлсак, Мэрининг олдидаги бурчимизни керагидан зиёда адо этдик. Қизини таклиф этдик, дам олди ва ўйнаб-кулди, ҳатто ошириб ҳам юборди. Етар! Мен асло ўзимни айбламоқчи эмасман.

– Лекин қаерга... қаерга кетмоқчисан?

– Интерлакенга! У томонлар бунчалик баланд эмас, камига, пароходда вақтни биргаликда жуда хушнуд ўтказганимиз Линсейлар оиласи ҳам ўша ерда. Жуда дилбар одамлар, ростдан ҳам уларни бу ердаги тутуриқсиз кимсалар билан қиёслаб бўлмайди... айтганча, кеча хат олдим, бизни чақиришаяпти. Тонг саҳарда йўлга тушсак, тушликка қолмай улар билан бирга бўламиз.

Энтони тез орада таслим бўлди. У даҳанаки жангни тўхтатиб, Клер телефон орқали эшикоғасига қандай топшириқлар бераётганини сабот билан эшитди. Жомадонларни қай тарзда чиқариб олаётгани ва либосларини ақл бовар қилмас чаққонлик билан тахлаётганини қойил қолиб томоша қилди. Сўнг трубкасини чекиб, карта ўйнагани кетди. Картани чийлаб, тарқатаётганида на жўнаш, на хотини ҳақида ўйлади, Кристина ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўларди.

Меҳмонхонада ҳам бегоналар, ҳам қариндошлари Кристинани ошириб-тошириб муҳокама қилаётган бир пайтда, лорд Элкиснинг кулранг автомобили баланд тоғ водийсининг шамол эсиб турган кўкаламзори бўйлаб елмоқда эди. Шульс-Тараспеда тўхтаб чой ичишди, сўнг хиёбондаги скамейкада ўтиришган пайтида лорд Элкинс анчадан бери кўнглига тугиб юрган ниятини эҳтиёткорлик билан тилига чиқарди. Оксфордда икки нафар жияни бор, ҳар икки қиз таҳминан Кристина қатори, агарда у Англияга боришни истаса, ўша қизлар билан бирга туриши мумкин. Кристинани у ёққа таклиф қилиш ўзи учун мароқли, агар кекса одам билан бир жойда яшаш малол келмаса, Лондонни томоша қилдиришдан бағоят бахтиёр бўларди. Тўғри, Австрияни тарк этишга унинг имкони борми-йўқми, билмайди. Дейлик, қизни уйига боғлаб турувчи бирон ришта йўқми, яъни... кўнгил борасида демоқчи.

Савол тушунарли қилиб, тўғридан-тўғри берилганди. Бироқ завқу шавққа тўлиб турган Кристина уни тушунмади:

– О, нималар деяпсиз, жудаям дунёни кўргим келади. Англияни ҳам – уни жуда мафтункор дейишади, Оксфорд ва ундаги қайиқда сузиш мусобақаси ҳақида кўп эшитганман. Ахир спортни бунчалар севган, навқиронликка интилган миллат яшовчи бундай гўзал мамлакат дунёнинг бошқа ҳеч бир ерида йўқ-ку!

Қариянинг чеҳраси тундлашди. Қиз у ҳақда ҳеч нима демай, фақат ўзи, ўз ёшлиги ҳақида ўйламоқда эди. Дадиллик лорд Элкинсни яна тарк этди. "Йўқ, – ўйлади у, – ҳаёти булоқдек қайнаётган ёшгина хилқатни кўҳна қасрга кекса одам билан қамаб қўйиш – жиноят. Рад қилишларини кутиб ўтирма! Кулгига қолма! Бу орзу-хаёлинг билан видолаш! Ўтган дамларни қайтара олмайсан, фурсат қўлдан кетиб бўлган!"

– Қайтар пайтимиз бўлмадимикин? – деди у бирдан ўзгариб қолган товушда. – Холангиз хавотир олади деб қўрқаман.

* * *

Холасини кечки овқатга таклиф қилиш учун чопқилаган Кристина эшикни очибоқ, ҳайратда қотиб қолди. Инжиқларча саранжом тутилиши билан фарқланувчи бу хонада тартибсизлик ҳукмрон эди. Жомадонлар полда сочилиб ётар, ўриндиқ, каравот, стол устида шляпа, оёқ кийимлари ва турли кийим-кечаклар ташлаб қўйилган, уй халатидаги холаси бўйин бермаётган жомадон қулфини тиззаси билан босганча ёпишга уринарди.

– Нима... нима бўлди? – ҳайратланди Кристина.

Атайин нигоҳини кўтармай, зўриққанидан юзига қон тепиб, жомадонни жон-жаҳди билан босаётган хола пишқирганча, ҳансираб жавоб берди:

– Биз... эҳ, жин ургур... Ёпиласанми-йўқми! Биз жўнаб кетаяпмиз.

– Нима?.. Нега энди? – Кристинанинг оғзи очилиб қолди.

Холаси яна бир марта қаттиқ ургач, қулф ниҳоят беркилди.

– Ҳа, Кристль, шунақа бўлиб қолди, ўзим ҳам афсусдаман, – деди холаси оғир нафас олиб, қаддини ростларкан. – Келганимиздан буён Энтонига жавраганим-жавраган: тоғ ҳавоси унга ёқмайди! Ёши ўтган одамлар учун бу табиий ҳол. Кундузи нафас қисмаси яна бир марта хуруж қилди.

– Вой, худо! – Кристина ҳеч нимадан гумон қилмай, қўшни хонадан хотиржам чиқиб келаётган қария томон шошилиб, қўрқувдан титраганча, меҳрибонлик билан қўлидан тутди. – Аҳволингиз қалай, поччажон? Яхши бўлиб қолдингизми? Эй худо, билганимда эди, ҳеч қаёққа бормасдим! Лекин ҳозир кўринишингиз яхши, чин сўзим… аҳволингиз яхши-а?

Энтони ўзини йўқотиб, қизга қаради.

– Йўғ-э, нималар деяпсан, болагинам, – ғўлдиради у (жин урсин, нега Клер доимо ҳамма нарсани унга тўнкайди?) – ўзинг биласан-ку, Клер доимо шунақа ошириб юборади. Ўзимни жуда яхши ҳис этмоқдаман ва бу нарса менга боғлиқ бўлганда, қолган бўлардик. – Ўзини ноқулай аҳволга солган хотинига нисбатан жаҳлини яшириш мақсадида, қўполларча қўшиб қўйди. – Клер, жомадон билан олишишни бас қилсанг-чи! Жин чалсин шуларингни! Ҳали вақтимиз бор-ку. Кел, меҳрибон қизалоғимиз билан сўнгги оқшом бемалол ўтирайлик.

Клер эса тимирскиланишни бас қилмаса-да, сукут сақларди. Кристина иккисининг орасида оғирлиги тушаётган кераксиз буюмдек, ўзини

йўқотган кўйи турар, нимадир содир бўлганини англай бошлаганди. У сўрашга журъат этмас, ўйлашга қўрқар, бироқ ҳар бир ҳужайраси билан ҳис этиб турардики, қандайдир жуда ёмон воқеа рўй берган. Балки жанжаллашиб қолишгандир? Ёки Нью-Йоркдан ёмон хабар келдимикин? Биржада нимадир бўлиб, банкротга учрашгандир? Ахир бу ҳақда газеталар ҳар куни ёзиб турибди-ку. Ёки поччасида чиндан ҳам хуруж бўлган-у, Кристинани хавотирга солмаслик учун индамаётгандир?

– Бунчалик шошилинч қарор қабул қилганимизга роса ҳайрон қолаётгандирсан, Кристина? – дея ниҳоят бафуржа гап бошлади холаси хонада шошилинч тузалган дастурхон устида. – Бироқ бизнинг Америкада ҳамма иш quick[1] бажарилади, у ёқда ўрганишинг лозим бўлган яхши одатлардан бири ҳам аслида шу. Муҳими, дилингга ўтирмаётган нарсани чўзмаслик. Қайси бир ишинг юришмаяптими – ташлаб, янгисини бошла. Мана бу ер сенга ёқмаяптими – бошқа ёққа кет. Умуман, буни сенга гапириб ўтирмоқчи эмасдим, чунки бу ерда қандай зўр дам олганингни кўриб турибман. Бироқ биз анчадан бери ўзимизни ёмон ҳис этмоқдамиз, мен, мисол учун, сира ухлай олмаяпман. Энтони бўлса... сийрак кислородли бу иқлимни кўтара олмайди. Ҳа, бунинг устига, Интерлакендаги дўстларимиздан бугун шошилинч телеграма келса, де. Хуллас, қарор қилдик: бир неча кунга ўша ёққа кетамиз, сўнг – Экс-ле-Бен томонга. Ҳа, биламан, бу нарсалар сен учун ёввойилик бўлиб кўринади. Бироқ ҳамма иш бизда quick...

Кристина ликоп устига энгашди: нима бўлганда ҳам ҳозир холасининг кўзига қарамаслик керак! Унинг сўз оҳанги, бидирлашидаги нимадир қизнинг ғашига тега бошлаганди. Ҳар бир сўзида аллақандай сохталик, қандайдир нотабиий тетиклик бор. Бунинг ортида нимадир беркинганини Кристина ҳис этиб турарди. Яна нимадир бўлиши керак... ва ўша нарса бўлди ҳам.

– Албатта, сен ҳам биз билан кета олганингда яхши бўларди, – давом этди холаси ликопдаги семизгина товуқнинг қанотини ажратиб оларкан. – Бироқ, ўйлашимча, Интерлакен сенга ёқмайди, у жой ёшларга мос эмас. Яна бир муаммо: таътилингдан қолган икки-уч кун ичида у ёқдан-бу ёққа бориб юришинг ақлданмикин? Бу ерда жуда зўр дам олдинг, тоза ҳаво сенга жуда маъқул келди... ҳа, ёшлар учун баланд тоғдан, яхшиси, йўқ. Элвин ва Дикки ҳам бир мартагина келиб кетишса яхши бўларди. Бироқ кекса, биз каби шарти кетиб, парти қолган, юраги ўз хизматини адо этиб бўлганлар учун Энгадин ярамайди. Ҳа, биз жудаям хурсанд бўлгандик, Энтони ҳам сенга роса боғланиб қолувди, аммо бошқа томондан қаралса, у ёққа етти соат ва орқага қайтиш учун шунча вақт ҳатто сен учун ҳам кўплик қилади. Ахир келгуси йил биз яна шу ерга келамиз-ку... Албатта, агар сен биз билан Интерлакенга боришни истасанг...

– Йўқ, йўқ, – жавоб қайтарди Кристина, тўғрироғи, лаблари қимирлади: шошилганча, худди наркоз остида идрок аллақачон ишдан чиққан-у, бироқ ҳамон овоз чиқариб санаётганларидек.

– Ўйлашимча, тўғри уйингга кетганинг маъқул, бу ердан ниҳоятда қулай битта поезд бор, – эшикоғасидан аниқладим, – эрталаб соат еттиларда жўнайди. Эртага кечқурун Зальцбургда бўласан, индинга эса – уйда.

– Ҳа, ҳа, – Кристинанинг лабларидан тўкилаётган сўзлар эшитилар-эшитилмас янгради. Нега ҳали ҳам ўтирибди? Ахир иккиси ҳам ундан

[1] Quick (инг.) – тезликда, бирданига.

тезроқ қутилишни ошкора истаб туришибди-ку. Бироқ нега? Нимадир рўй берган, рўй бергани аниқ. У ғайришуурий равишда овқатланишни давом эттираркан, ҳар бурда таомда аллақандай аччиқ таъмни туяр ва фақат бир нима ҳақида ўйларди: ҳозир бирон гап айтиши керак. Юраги қонга тўлиб, томоғи аламдан қуруқшаб қолганини сездирмаслик учун шундай бир енгиллик, совуққонлик билан, худди арзимас нарсани гапираётгандек бепарво оҳангда бирор нима дейиш даркор.

Ниҳоят айтиладиган гап топилди:

– Ҳозир кўйлакларингизни олиб келаман, тезда тахлаймиз.

Ўрнидан турган қизни хола бамайлихотир жойига ўтказди.

– Овора бўлма, болагинам, ҳали вақт бор. Айтганча, биласанми, биттасини... ҳалиги қизил кўйлакни... ўзингга олиб қол, менга энди унинг ҳожати йўқ... У сенга қанчалар ярашади... албатта, свитер, ичкийимлар каби майда-чуйдаларни ҳам... бу ўз-ўзидан маълум нарса-ку!

Холаси бидирлашдан бўшамас, зеро, у қийин тўсиқдан аллақачон ўтиб бўлганди. Эртага кетиши кераклиги ҳақида Кристинага одоб билан уқтирилди, энди ҳамма нарса йўлига тушиб, енгилгина, ғилдираб кетади. Клер меҳмонхоналарда сафар пайтлари рўй берган турли хил жанжалли воқеалар ҳақида қувнаб-яшнаб сўзлай бошлади. Америка ҳам четда қолмади. Кристина эса оғир сукут сақлаганча, бу бепарво валдирашга аранг бардош бериб турарди – тезроқ тугай қолсайди.

Ва мана, ўртага тушган қисқа танаффусдан фойдаланиб, у ўрнидан турди.

– Сизни ортиқча банд қилиб турмоқчи эмасман. Поччам ҳам дам олсин, сиз ҳам йўлга тайёргарлик кўриб чарчагансиз. Балки бирон ёрдамим керакдир?

– Йўқ, йўқ. – Холаси ҳам ўрнидан турди. – Арзимаган ишлар қолди, ўзим эплайман. Сен яхшиси бугун эртароқ ёт. Ўйлашимча, соат олтиларда туришингга тўғри келади. Вокзалгача кузатиб қўймасак, умид қиламанки, ранжимассан?

– Йўқ, нималар деяпсиз, нима кераги бор, ҳечам ҳожати йўқ, – полга тикилганча бўғиқ овозда жавоб берди Кристина.

– Мэрининг аҳволи қандай эканлигини менга ёзарсан? Етиб боришинг билан дарҳол ёзиб юбор. Келгуси йили эса худди келишганимиздек, яна кўришамиз.

– Албатта, албатта, – деди Кристина.

Худога шукр, энди кетиш мумкин. У негадир жуда хижолат бўлаётган поччасини яна бир марта ўпди, кейин холасини. Тезроқ кетиш керак, тезликда! У эшик тарафга юрди. Бироқ айни шу пайтда, тутқични ушлаганида, холаси уни қувиб етди ва қўрқув яна бир бор унинг кўксига болғадек зарб билан урилди. Бу энг сўнгги зарба эди.

– Кристль, сен тўғри хонангга борасан, шундайми, асалим? Ётиб, мириқиб ухлаб оласан.

– Ҳа, ҳа, албатта, – эшитилар-эшитилмас жавоб қайтарди Кристина эшикни ёпаркан ва хайрлашаётиб бир оғиз сўз билан бўлса ҳам миннатдорчилик билдирмагани уч-тўрт ҳафта ўтгачгина ёдига тушди.

Ортидан эшик беркилганида матонатининг энг сўнгги қолдиқлари ҳам Кристинани тарк этганди. Ўқ еган жонивор жон таслим қилиш учун ўзини ерга ташлашдан аввал бир неча алпанг-талпанг қадам қўйганидек,

у ҳам деворга суянганча хонасига судралиб борди ва кучдан қолган, тошга айланган қўйи ўзини креслога ташлади. Ўзига нима бўлганини тушуна олмас, маккорона зарб оғриғини деярли фалаж бўлиб қолган идроки билан ҳис этар, бироқ у ким томонидан берилганига ақли етмасди. Нимадир рўй берган, унга қарши нимадир қилинган, уни қувиб солмоқдалар, нима учунлигидан у бехабар.

Нега мени ҳайдашмоқда? Бу ҳақда ўйлашнинг, кўксингдаги бардош бериб бўлмас оғирликка чидашнинг ўзи азоб. Гўё устига мана шу баҳайбат меҳмонхона деворлари, болорлари, улкан томи, унда истиқомат қилувчи тўрт юз нафар одами билан босиб тушгандек. Йўқ, бу ердан тезроқ кочиш керак! Қочиш! Қаёққа?.. У билмасди, бироқ муҳими – бу ердан, бўғиб ташлаётган дахшатли сукунатдан узоқроққа қочиш керак.

Тўсатдан, не исташини ўзи ҳам билмаган ҳолда, ўрнидан ирғиб турганча йўлакка югурганида ланг очиқ қолган эшик Кристинанинг ортидан чайқалар, шиша ва бронзадан ясалган ялтир-юлтир жиҳозлар эса шифтдаги қандиллар ёғдусида бир-бирига қарата бемақсад жилва қиларди.

* * *

У ойпараст кимсадек зинадан пастлади. Ҳаракатларини оқилона бошқарувчи аллақандай боғланиш узилганди. Кристина изоҳлаб бўлмас, ғайритабиий кўрқинч олдига тушиб, ҳеч бир мақсадсиз фақат ва фақат олға босарди. У холл эшиги рўпарасида тўсатдан кескин тўхтади. Идрокида недир уйғониб, бу ерда одамлар рақс тушиши, кулиши, вақтни шодхуррам ўтказишини эслади ва шу заҳоти ўзидан сўради: “Нега? Нима учун бу ерга келдим?” Уни олға бошлаган куч мана шу саволга урилиб чилпарчин бўлгач, энди ҳатто бир қадам қўя олмаслигини ҳис этди. Бироқ тўхташга улгурмай, бехосдан деворлар чайқалиб, оёғи остидаги гилам қайгадир қочди, қандиллар аллақандай ҳалқалар ҳосил қилиб, қутургандек тебрана бошлади.

“Йиқилиб тушаяпман, – шивирларди унга идроки, – йиқилаяпман”. Кристина эшик пардасига ғайришуурий равишда ёпишиб, мувозанатини сақлаб қолди. Бироқ оёқлари унга бўйсунмас, қиз бутун вужуди билан деворга суяниб, кўзини гоҳ очиб, гоҳ юмганча гангиб турар, оғир нафас олиб, жойидан жилолмасди.

Айни шу дамда фотосуратларни олиб, хонимлардан бирига кўрсатиш учун хонаси томон йўл олган муҳандис-олмон деворга суянган, ҳаракатсиз қотиб қолган кўзлари ҳеч нимани кўрмаётган ғалати аёлни пайқади-ю, унинг сиймосида Кристинани бирданига танимади.

– Аҳа, мана қаерда экансиз! – ниҳоят қизни танигач, унинг товушида яна ўша ўйноқи-ҳазиломуз оҳанг янгради. – Нега холлга кирмай ўтирибсиз? Ёки бирон сир ортидан тушганмисиз? – У ҳайратланиб қизга тикилиб қолди. – Тўхтанг-чи, нима бўлди сизга? Мазангиз қочдими?

Кристина чайқалиб кетди, бироқ йигит уни тутиб қолишга улгурганди. Кўз олди қоронғилашган қиз унинг қўлини ҳис этиб, одам тафтини туйиб, бирданига жонланди.

– Сиз билан гаплашиб олишим керак... зудлик билан... фақат бу ерда эмас... бегоналар кўз ўнгида эмас... сиз билан ёлғиз гаплашиб олишим керак.

У йигитга нима дейишни ҳали билмас, лекин ким биландир гаплашиши, бор овозда қичқириши лозим эди.

– Албатта, жоним билан, фройляйн, – деди йигит гўдакка сўзлаётгандек, – лекин бизни биргаликда кўрмаганлари маъқул... кўчага чиқсакмикин... тоза ҳавога... Ўзингизга келиб оласиз... Бу ерни, холлни, жуда иситиб юборишган...

"Аввало тинчлантириш, тинчлантириш керак, – ўйлади йигит ва қизни қўлтиқлаб, иссиғи бор-йўқлигини текшириш учун, худди жўрттага қилаётгандек, билагидаги томир уришини пайпаслаб кўрди. – Йўқ, қўли муздек. Қизиқ, – ўйлади у баттар ажабланиб, – жуда қизиқ".

Меҳмонхона рўпарасидаги юксакликларда ёрқин чироқлар тебранар, чап томонда ўрмон қорайиб кўринарди.

– Бу ер жуда шинам, шундай эмасми? Мана, пальтони елкангизга ташлаб олинг... оҳ-оҳ, қандай гўзал оқшом... юлдузларга бир қаранг... тун бўйи меҳмонхонада ўтказишимиз қандай бемаънилик.

Бироқ титраб турган қиз унинг гапини эшитмасди. Юлдузи нимаси, тун нимаси! У фақат ўзини, йиллар мобайнида саси ўчирилган, топталган, азоб ичра бехосдан исён кўтариб кўксини парчалаётган "мен"ини ҳис этарди. У тўсатдан, мутлақо ғайришуурий тарзда, жонҳолатда йигитнинг билагига тирмашди.

– Биз эртага... жўнаб кетаяпмиз... бутунлай... мен энди ҳеч қачон бу ерга келмайман... эшитаяпсизми, ҳеч қачон... йўқ, бунга бардошим етмайди... ҳеч қачон... Аммо, нега... тушунмаяпман, нега бунчалик тез жўнашим керак?.. Мен билмайдиган бирон нима рўй берганга ўхшайди. Ҳали, кундузи, қанчалар меҳрибон эдилар, бу ҳақда оғиз очишмаганди, оқшом эса... оқшом эса эртага жўнашим кераклигини айтишди... эртага эрталаб... зудлик билан, негалигини эса билмайман... нега бундай тўсатдан ҳайдашяпти, кераксиз буюмни деразадан улоқтираётгандек... тушунмаяпман, ақлим етмаяпти... нима рўй берган бўлиши мумкин?..

"Э, мана гап қаерда экан! – муҳандисга ҳаммаси бирдан равшан бўлди, – бундан сал аввал ван Бооленлар ҳақидаги ғийбатларни унга етказишганди-ку". У кўрқиб кетди: дил изҳори қилишига сал қолганди-я! Холаси ва поччаси кейин ҳам ўзларига ноқулайлик туғдирмаслиги учун шўрликни бу ердан тезроқ гумдон қилаётганини йигит эндигина тушунди. Демак, момоқалдироқ гумбурлабди-да!

– Лекин мен истамайман! – қиз алаҳсираётгандек тутақиб гапиришда давом этарди. – Истамайман... Ҳозир уйимга кета олмайман... у ерда нима ҳам қиламан, у ерда энди яшай олмайман... йўқ... у ерда адо бўламан, ақлдан озаман... Сизга қасам ичишим мумкин – бардошим етмайди... етмайди... етмайди... истамайман... Менга ёрдам бериинг... Ёрдам!

Бу энди чўкаётган одам илтижоси эди. Қулоқни тешиб юборувчи, аллақачон ярмигача бўғилган илтижо. Бехосдан кўзидан ёш тирқираб, товуши хириллай бошлаган Кристина ўзини босолмай ҳўнграб йиғлашга тушди.

– Кераги йўқ, – илтимос қилди йигит идрокига қарши ўлароқ таъсирланиб. – Йиғламанг! Кераги йўқ!

У тинчлантириш учун қизни беихтиёр бағрига тортди. Кристина эса шалвираганча бор оғирлиги билан ўзини йигитнинг кўксига ташлади.

Муҳандис жуда ноқулай аҳволга тушиб қолган эди. У, бутунлай бего-

на эркак, бу ерда, дарахтлар панасида, меҳмонхонадан бор-йўғи йигирма қадам нарида боши кўксига қўйилган, йиғлаб турган қизни қучоғида ушлаб турибди. Ён-атрофдан ўтаётган ҳар қандай одам исталган пайт икковини кўриб қолиши мумкин. Йигитни раҳм-шафқат туйғуси қамраб олди. Эркакнинг қийналаётган аёлга нисбатан шафқати эса, гарчи ғайриихтиёрий бўлса ҳам, доимо суйиб-эркалаш сари етаклайди. "Фақат тинчлантириш, тинчлантириш керак", – деб ичида такрорларди йигит.

У авраётгандек чап қўли билан қизнинг бошини силади. Йиқилиб тушмай деб, Кристина унинг ўнг қўлини ҳамон ушлаб турарди. Сўнг энгашганча сочидан, чаккаларидан ва ниҳоят, титраётган лабидан ўпди. Айнан шу пайт қизнинг бўғзидан узуқ-юлуқ гаплар отилиб чиқа бошлади:

– Мени ўзингиз билан олиб кетинг, олиб кетинг... Бу ердан кетамиз... истаган томонингизга... сен истаган томонга... фақат қайтмасак бўлди... фақат уйга қайтмасам бўлди...

Муҳандис қўрқиб кетди. "Бунга барҳам бериш керак, – фикр юритди кўпни кўрган бу шахс, – дарҳол, зудлик билан барҳам бериш керак. Нима қилиб бўлса ҳам қизни меҳмонхонага олиб бориб қўйиш керак, акс ҳолда, аҳвол таҳликали тус олмоқда".

– Ҳа, азизам, – деди у. – Албатта... фақат шошмаслик керак... албатта, барчасини муҳокама қиламиз. Ўйлаб олишга арталабгача вақт бор ҳали... балки қариндошларингиз ҳам қилган ишларидан афсусланиб, бошқа қарор қабул қилишар... эртага ҳаммаси бизга аник-равшан бўлади.

– Йўқ, эртага эмас, йўқ! – туриб олди қиз. – Эртага кетишим керак, тонг саҳардан, жуда эрта... Улар мени ҳайдаб солишмоқда... почта жўнатмаси сингари зудлик билан даф қилишмоқда... Мени бунақанги тарзда ҳайдаб юборишларига йўл қўймайман... йўл қўймайман... – У йигитга баттар ёпишди. – Мени ўзингиз билан олиб кетинг... ҳозирнинг ўзида... ҳозир... менга ёрдам беринг... мен... менинг ортиқ қурбим етмайди.

"Бас қилиш керак, – фикрлади муҳандис, – ўзингни ҳеч нарсага даҳлсиздек тутсанг бўлди. Унинг ақли жойида эмас, нима деяётганини ўзи ҳам билмайди".

– Ҳа, ҳа, азизам, – қизнинг бошини силади у, – бу ўз-ўзидан маълум нарса-ку, тушуниб турибман... буларнинг барчаси ҳақида биз у ёқда гаплашиб оламиз... бу ерда сизнинг ортиқча туриб қолишингиз мумкин эмас, шамоллаб қоласиз... пальтосиз, юпқа кўйлакда... Юринг, холлда ўтирамиз... – Муҳандис эҳтиёткорлик билан қўлини бўшатиб олди. – Қани, кетдик, азизам.

Кристина унга тикилиб, ҳиқиллашини бирдан бас қилди. Ўзини мавҳ этган тушкунлик аро идроки чалғиб турган бир пайтда нима деяётганини эшитмади, ҳеч нимани тушунмади. Бироқ йигит илиққина қўлини қўрқа-писа тортиб олаётганини бутун вужуди билан ҳис этди. Туйғулар ҳадик ичра эндигина пайқаётган нарсани вужуди дарров ҳис этган, кейин эса онг ҳам идрок эта бошлаганди: бу одам уни тарк этмоқда. Йигит қўрқиб қолган, бу ердагиларнинг барчаси унинг кетишини истаётганидан хавфсираяпти. Сархушлиги тарқаб, қиз ўзига келганди. У нафасини ростлаб, қуруққина ва узуқ-юлуқ қилиб деди:

– Миннатдорман, миннатдорман... Ўзим етиб оларман. Шу, бир дақиқалик заифлик учун авф этинг, холам ҳақ – тоғ ҳавоси менга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Йигит нимадир демоқчи бўлди, аммо Кристина унга орқа ўгириб, кета бошлади. “Ишқилиб, шунинг башарасини кўрмасам бўлди, ҳеч кимни кўрмасам, ҳеч кимни! Жўна, кет бу ердан! Каландимоғ, қўрқоқ, қорни тўқ бу одамлар олдида энди ўзингни ерга урма! Кет, даф бўл, улардан ҳеч нима олма, ҳеч қандай совға, уларнинг қандайлигини билмай алданиб қолма. Ўзингни уларнинг ҳеч бирига, ҳа-ҳа, ҳеч бирига алдатиб қўйма! Жўна, жўна, бундан кўра ўлганинг афзал. Яхшиси, бирон-бир коронғи бурчакда жон берганинг маъқул”.

Кристина ўзига ниҳоятда ёқиб қолган меҳмонхона, севимли холлга кирди ва ясаниб олган эркаклару, афтига бўёқ чаплаган аёлларнинг ёнидан ўтаётиб, фақатгина нафратни ҳис этди. Ўша йигитдан, бу ердаги ҳар бир одамдан, барчадан нафратланди.

* * *

У тун бўйи стол ёнидан кетмади, хаёли эса фақат бир нарса атрофида чир айланарди: барчаси тамом! Қалбини қақшатган оғриқ энди йўқ, фақат аллақандай фалажлик бор. Бироқ унинг ўзида нимадир рўй бермоқда эди: жарроҳлик столида жонсизлантирувчи уколдан кейин баданни кесаётган пичоқнинг дафъатан чўғдек тегишини элас-элас ҳис қилганларидек, у ҳам оғриқни элас-элас пайқади. Зеро, столга кўз тикканча қўзғалмай ўтираркан, фалаж идроки ҳозирча англай олмаётган ўзгариш жисмида рўй бермоқда, бошқа бир қўлбола вужуд – ўша, аслида йўқ, ўйлаб топилган, тўққиз кун эртаклардагидек яшаган фройляйн фон Боолен унинг вужудида ҳозир ўлмоқда эди. Кристина ўзидан ниманидир тортиб олиб қўйишганини тилка-пора қилинган қалби билан ҳис этарди, холос. Бахтиёр қанот қоқаётган қушдан у энди яна ерда судралаётган сўқир куртга айланди. Недир уни четлаб ўтди-ю, ҳеч қайтмас бўлиб кетди.

Ҳаммаси битди – жўнаш керак, нарсаларни йиғиштириб, чиқиб кетиш керак. Аввалгидек Кляйн-Райфлингда почта хизматчиси бўлиш ва нафаси эндиликда бунда бой берилган қимматбаҳо буюмларга гўё шабададек тегиб ўтган ўша, иккинчи Кристинани унутиш пайти келганди.

Тонг отганда у курсидан кўзғалар экан, адоғи йўқ ҳорғинликни ҳис этди. Қўл-оёғи қотиб қолганди. Тўрт одим наридаги шкафгача бориш қиз учун у қитъадан бу қитъага саёҳат қилиш билан баробар бўлди. Анчагина куч сарфлаб унинг эшигини очганда эса қўрқиб кетди. Кляйн-Райфлингдан келтирилган кўримсиз оқ юбка ва бу ерга кийиб келгани – жирканч блузка осилган одамнинг жасадидек чайқалиб турарди. Кристина уни илгичдан олаётиб, худди бир иркит нарсага теккандек титраб кетди. Хофленернинг мана шу ярамас териси ичига яна кириши керак! Нима қилсин, бошқа кийими йўқ бўлса.

Эгнидаги оқшомги кўйлакни зудлик билан ечганда шойи қоғоздек шитирлаб, сонлари узра сирғалиб тушди. Шундан сўнг бошқа кўйлак, свитер, дур маржон сингари ўнга яқин бири-биридан ғаройиб буюмларни четга олиб кўяркан, совға эканлиги билиниб турган, кўримсиз тўқима жомадонга осонгина сиғадиган бир ҳовуч нарсаларнигина олиб қолди.

Пастда, нимқоронғида, ярмигача йиғиштирилган холлда мудраётган эшикоғаси безовталаниб ўрнидан турди: бу нимаси? Аллақандай палапартиш, ночор кийинган, фақирона жомадон тутган қиз қимтиниб, ҳеч

кимни бу ҳақда огоҳлантирмай, яширинча кўчага чиқиб олмоқчими? Бунақаси кетмайди!

У эпчиллик билан қизни қувиб етди ва эшикни тўсди.

– Балки қаёққа шошаётганингизни айтарсиз?

Гап нимада эканини Кристина эндигина тушунди. Эшикоғаси уни фирибгар деб ўйламоқда... Нима ҳам дердик, аслидаям, у ҳақ эмасми? Кристина ранжимади, аксинча, уни, қувиб солинаётган қизни ўлган устига тепган қилиб яна савалаётганларидан, ҳақоратлаётганларидан аллақандай аччиқ роҳат ҳиссини туйди. Кўнгилхираликлар қанча кўп бўлса, дилсиёҳлик қанча мўл бўлса – шунча яхши!

У мутлақо хотиржамлик билан деди:

– Мен Кристина Хофленер. Икки юз саксон биринчи номерда турувчи поччам Энтони ван Боолен ҳисобидан икки юз саксон олтинчи номердан жой олганман.

– Илтимос, бир дақиқа.

Эшикоғаси йўлни бўшатди, бироқ рўйхат битилган китобни варақлаётганда шубҳа остидаги (Кристина буни ҳис этиб турарди) қиз қочиб қолмаслиги учун ундан кўз узмади. Кейин тўсатдан сўз оҳанги ўзгариб, шошилинч таъзим қилганча, ғоят эҳтиром билан деди:

– О, марҳаматли хоним, авф этинг, эндигина кўрдим. Кундузги эшикоғаси кетишингиз ҳақида огоҳлантирилган экан... мен фақат нега бунча эрта кетаётганингиз учунгина... балки хоним жомадонини ўзи элтмас? Чунки, одатда, поезд жўнашига йигирма дақиқа қолганда машина уни вокзалга етказади. Энди эса хоним, марҳамат қилиб ошхонага ўтинг, нонушта қилиш учун вақт етиб-ортади.

– Йўқ, менга бошқа ҳеч нима керак эмас. Хайр!

У ажабланган, бош чайқаганча ўз жойига ўтаётган эшикоғасига қарамай, кўчага чиқди.

Кристина поезд бекатида учинчи тоифадаги кутиш залига яшириниб олди. Бу ерда, умрбод маҳрига тушган, дунёнинг ҳамма жойида бирдек учинчи тоифадаги залда, ёғоч ўриндиқлар ва ғарибона бирхилликда ўзини деярли уйидагидек ҳис этди. Поезд етиб келганда, ташқарига отилди: бу ерда уни ҳеч ким кўрмаслиги, танимаслиги керак.

Бироқ айни шу пайт, бехосдан "Хофленер! Хофленер!" деган овоз қулоғига чалинди. Вагонларни ёнлаб югуриб, унинг номини, нафрат уйғотувчи номини қичқириб айтганча кимдир югуриб келмоқда эди. Қиз титраб кетди, наҳотки хайрлашиш пайтида ҳам устидан кулмоқчи бўлсалар? Товуш яна бир бор аниқ-тиниқ қайтарилгач, Кристина вагон ойнасидан қаради: перронда турган эшикоғаси қўлидаги телеграммани силкитарди. У телеграмма кеча келгани, бироқ қабул қилиб олган эшикоғаси уни кимга беришни билмагани, фройляйн жўнаб кетаётгани эса ўзига ҳозиргина маълум бўлганини айтди ва авф этишини Кристинадан ўтиниб сўради. Шундан сўнг Кристина конвертни очди: "Кутилмаганда аҳволи оғирлашди, зудликда етиб келинг. Фукусталер".

Ниҳоят, поезд жойидан жилди... тамом. Ҳаммаси тугади.

* * *

Поездда телеграммани қайта-қайта ўқиркан, Кристина ўзининг ҳиссиз бўлиб қолганидан ваҳимага тушди. Онаси хаста ётибди, балки аҳволи

жуда оғирдир, акс ҳолда якинлари шошилинч телеграммага пул сарфламаган бўлишарди. Эҳтимол, оламдан ўтгандир ҳам. Бироқ бошига шу ўй келганда ҳам ичида ҳеч нима қилт этмади, кўзидан бир томчи ёш тўкилмади. Ваҳоланки кеча бу хаёл уни ақлдан оздирган бўларди. Кристинанинг руҳи қотиб қолганди ва бу фалажлик гўё қизнинг атрофидаги нарсаларга ҳам таъсир кўрсатарди.

Уйқусизлик боис ҳолдан тойиб Санкт-Пёльтенда вагондан тушганида у томон темир из бўйлаб кимдир шошганча келмоқда эди. Муаллим Фуксталер! Балки тун бўйи кутиб чиққандир. Бир қарашдаёқ Кристина ҳаммасини тушунди: эгнида қора сюртук, бўйнига қора галстук таққан муаллим унинг узатилган қўлини ҳамдардлик билан қисиб, кўзлари кўзойнак ортидан шафқат ва ночорлик билан боқди. Кристина ҳеч нимани сўрамади, муаллимнинг ўзини йўқотиб туришидан барчаси аён. Бироқ – ғалати эмасми – у на қайғу, на ҳаяжонни ҳис этарди. Онаси вафот этибди. Эҳтимол, ўлим ҳам, бир томондан олиб қаралса, яхши нарсадир...

Кляйн-Райфлингга олиб бораётган поездда Фуксталер марҳуманинг сўнгги онлари ҳақида батафсил, айтиладиган сўзларни танлаб-танлаб гапириб берди. Муаллимнинг кўриниши ҳорғин эди. Юзи захил, соқоли ўсиқ, эгнидаги кийими ғижим ва чанг. У ҳар куни (Кристинани деб) учтўрт марталаб онасидан хабар олибди, тунлари (уни деб) навбатчилик қилибди. "Меҳрибон дўст", ўйлади Кристина. "Қани эди саси ўча қолса, тинч қўйса эди. Сидқидилдан, ҳиссиётга берилиб айтаётган сўзларини тинглаш, сап-сариқ, пломбаланган хунук тишларини кўриш жонга тегдику!" Аввалари сал-пал ёқувчи бу шахсга нисбатан деярли жирканиш ҳисси бехосдан Кристинани чулғаб олди. Ўзини бошқара олмаса нима қилсин! Бу оғизда пайдо бўладиган сафронинг ачимсиқ таъмидек нарса.

У Фуксталерни нариги ёқда қолган, унга хуштор бўлган, бақувват, қадди-қомати келишган, офтобда қорайган, эпчил, бели хипча камзулдаги, қўлларига, ўзларига оро берган йигитлар билан беихтиёр таққослади. Муаллимнинг жанозабоп эгни-бошидаги майда-чуйда нарсаларни аллақандай заҳархандали қизиқиш билан кўздан кечирди: астари янгиланган шундоқ кўриниб турган сюртугининг енги сузма бўлиб қолибди. Арзон-гаров эски кўйлак, арзон қора бўйинбоғ. Озғин, қулоқлари диккайиб турувчи, сийрак сочларининг фарқи нотекис очилган, қовоқлари шамоллаган оқиш-мовий кўзига пўлат гардишли кўзойнак тақилган. Қишлоқ муаллимининг сариқ целлулоид ғижим ёқасидан чиқиб турган, тери ва сўнгакдан иборат узун бурунли чеҳраси чидаб бўлмас даражада кулгили кўринди. "У менга... менга... у... Йўқ, – ўйлади Кристина, – ҳеч қачон! Шу одам унинг тақдирими? Ақл бовар қилмайди! Қўллари қалтироқ, ридосини ўзгартирган қуйи рутбадаги мана шу "руҳонийнинг" тортинчоқ, ножоиз эркалашларига ўзини қўйиб берсинми? Ўлсам ҳам қўймайман!"

Шу хаёлнинг ўзиданоқ у қайт қилиб юборай деди.

– Сизга нима бўлди? – сўради Фуксталер қизнинг титраб кетганини пайқаб.

– Ҳеч нима... йўқ... йўқ... Шунчаки, жуда чарчадим. Ҳозир на гапиргим... на эшитгим келади...

Ёмғир челаклаб қуяр, очиқ қабр тепасидаги руҳоний бидирлаганча фотиҳа сураларини ўқимоқда эди. Гўрковлар шилта бўлиб кетган лой ичида оғирликларини дам у-дам бу оёққа ташлаганча сабр қилмоқдалар.

Ёмғир тезлашиб, руҳоний ундан ҳам тез бидирларди. Ниҳоят, ҳаммаси битди ва кампирни қабристонга кузатиб келган ўн тўрт нафар одамнинг барчаси миқ этмай, деярли югурганча қишлоққа қайтди.

Кристина ўз қилган ишидан даҳшатга тушарди – қайғуриш ва куйиниш ўрнига маросим пайтида бутун вақтини турли бўлмағур нарсаларни ўйлаш билан ўтказди. Оёғида ковуши йўқ – ўтган йили сотиб олмоқчи эди, бироқ онаси ўзиникини таклиф қилиб, йўл қўймади. Фукусталернинг ёқасидаги қайрилган жойи титилиб қолибди. Поччаси Франц семириб кетибди, тез юрганда кўксовдек ҳансирайди. Янгасининг соябони эскирибди – тузатишга бериш керакмиди. Дўкондор аёл дафн маросимига гулчамбар эмас, ўз боғчасидан терилиб, сим билан танғилган сўлғин гуллардан иборат гулдастача юборибди. Новвой Гердличканинг дўконида янги лавҳа пайдо бўлибди...

Майитни кузатиб борганлар айвон қошида у билан хўшлашиб, энди ҳеч уялмай, лойни эгни-бошларига сачратганча уй-уйларига югуришди. Фақат опаси, поччаси, акасининг бева қолган хотини ва унинг иккинчи эри – дурадгор ғижирлаётган зина бўйлаб тепага кўтарилдилар. Хонада бор-йўғи тўртта курси бор эди. Бешинчи одам ҳисобланмиш уй бекаси Кристина меҳмонларни ўтиришга таклиф этди. Хона тор, ғариб. Кийимилгичдаги нам пальто ва сув томиб турган соябонлардан зах уфурар, ёмғир деразани дўмбира қилиб чалар, бўшаб қолган каравот бурчакда кўланкадек кўзга ташланарди.

Ҳамма жим.

– Балки қаҳва ичарсизлар? – сўради Кристина хижолатини енгиб.

– Ҳа, Кристль, – деди почча, – бирон иссиқроқ нарса бўлса айни муддао эди. Фақат тез, узоқ кутиб тура олмаймиз – соат бешда поезд бор.

У сигарета тутатиб, енгил тин олди. Ўз-ўзини бошқариш бўлими амалдори лавозимидаги бу қувноқ ва оққўнгил инсон армия озиқ-овқат қисмида фельдфебель бўлиб хизмат қилаётган пайтиданоқ қорин қўйиб олган ва бу қоринча тинчлик даврида шитоб билан дўппайиб бормоқда эди. Уйида, камзулсиз ўтиргандагина ўзини эркин ҳис этувчи поччаси дафн маросимида жиддий кўринган, юзига шунчалик қайғули тус берган эдики, бу унинг учун осон кечмаганди. Энди у нимаси биландир масхарабозни эслатар, мотам сюртугининг тугмаларини бўшатиб, курсига қулайроқ жойлашиб олганди.

– Ҳарна бўлгандаям болаларни олмаганимиз яхши бўпти. Нелли болалар дафн маросимида албатта қатнашиши керак, ахир одатда шунақаку, дейишига қарамай, бундайин қайғули тадбирларни уларга кўрсатиш яхши эмас, буни ҳали тушунишмайди, деб айтдим. Қўшимчасига, ҳар икки томонга йўл юришнинг ўзи фалон пулга тушади, бу эса ҳозирги қимматчилик даврида...

Кристина қаҳва тегирмони қулоғини жон-жаҳди билан айлантира бошлади. У қишлоққа қайтганига ҳали беш соат ўтар-ўтмас, нафрат уйғотувчи, лаънати "жуда қиммат" сўзларини ўн марталаб эшитгандир!

Стол атрофидагилар қаҳвани кутишаркан, ўзаро суҳбатга киришиш учун уринмоқда эдилар. Оттонинг бевасига уйланган фаворитенлик дурадгор (у марҳума билан таниш эмасди) "яримқариндошлари" орасида тумшайиб, қисиниб ўтирибди. Суҳбат қовушавермас, савол-жавоблар гўё йўлдаги тошга урилгандек ҳадеганда қоқилиб кетаверарди. Ниҳоят, қаҳва

тайёр бўлгач, Кристина тўртта финжонни (уйда бори шу эди) стол устига қўйиб, яна дераза ёнига қайтди. Меҳмонларнинг хижолатомуз сукути, ўша – биргина фикрни ҳаммалари тортинганча яшириб турган ғалати сукут Кристинанинг юрагини эзмоқда эди. Уларнинг ҳар бири икки донадан бўш тўрва келтирганини даҳлизда кўрган қиз ҳозир нима рўй беришини билар, энсаси билан ҳис этиб турар ва ижирғаниб томоғи бўғилаётганди.

Ва, мана, поччанинг дўстона товуши янгради:

– Бетайин ҳаво! Нелли эса, албатта, хаёли паришонлигидан соябонни олишни унутган. Кристль, балки ойимникини вақтинчалик бериб турарсан? Ёки ўзингга керакми?

– Йўқ, керак эмас, – титраганча жавоб қайтарди Кристина: “Ана, бошланди! Тезроқ, тезроқ тугата қолишсайди!”

– Умуман олганда, – гап бошлади опаси аввалдан келишиб олишгандек, – менимча, ойимнинг буюмларини бўлишнинг айни пайти. Шундай эмасми? Тўрталамиз яна қачон йиғилишимизни худо билади. Ахир Францнинг хизмат бўйича иши тиқилиб ётибди ва (у дурадгорга мурожаат қилди) сизда ҳам албатта ўша аҳвол бўлса керак. Шуни деб бу ёққа яна бир марта келиш шартмикан, бу ҳам етмагандек, қўшимча йўл харажати. Келинглар, ҳозирнинг ўзида бўлишамиз, Кристль, эътирозинг йўқми?

– Албатта, йўқ, – Кристинанинг товуши кутилмаганда хирқираб чиқди. – Фақат ўтинаман, барчасини ўзаро бўлишинглар! Болаларингиз бор, ойимнинг буюмлари сизга кўпроқ керак, менга ҳеч ниманинг кераги йўқ, ҳеч нима олмайман, ҳаммасини ўзаро бўлишинглар.

У сандиқни очди ва торгина чордоқда бошқа жой йўқлиги боис, кийилган бир неча кўйлакни марҳуманинг кечагина илиқ бўлган каравотига ташлади. Мерос кўп эмасди: уч-тўртта чойшаб, туллаган тулки териси, ямоқ солинган пальто, қалин юнг рўмол, дастаси фил суягидан ясалган асо, Венеция тўғнағичи, никоҳ узуги, занжирли кумуш соат, тасбеҳ ва Мариацель медальони. Яна пайпоқ, қишки оёқ кийимлари, кигиз бошмоқлар, ичкийим, эски елпиғич, ғижимланган шляпа ва кўҳна дуо китоби. Барчасини олди, ҳеч нимани унутмади, бир неча бор гаровга қўйилган ҳамма эски нарсаларни – улар жуда оз эди – сандиқдан чиқариб, шошганча дераза томон юрди.

Унинг ортидаги ҳар икки хотин секингина гапга тушиб, баҳолар, бўлиштирар, опаси ўзиникини ўнгга, собиқ янгаси чап томонга тахлар, марҳуманинг каравоти эса ўрталаридаги кўзга кўринмас чегара бўлиб хизмат қиларди. Кристина ёмғирга тикилганча оғир нафас оларкан, имкони борича секин гапиришаётганига қарамай савдолашаётган аёлларнинг шивир-шивирини эшитар, каравотга орқа ўгириб турган бўлса ҳам иккала хотиннинг буюмларни тимирскилаётган қўлларини аниқ кўриб тургандек эди...

Кейинчалик ортига ўгрилганда ҳамма нарса аллақачон бўлиб олинганди. Опа ва собиқ янга улушларини тўрваларига тиқиб, мана энди марҳумани узил-кесил дафн этишганди.

Ниҳоят, поччанинг ёдига тушиб, Кристинадан сўради:

– Э-э-э, сен ахир Швейцарияда қандай дам олганингни гапириб бермадинг-ку? У ёқ қандай экан?

– Зўр, – деди Кристина минғирлаб.

– Бўлмасам-чи, – хўрсинди Франц, – қани эди ўша ёқларга бир бор-

санг, умуман, дунё кезсанг! Бироқ хотин ва икки бола турганда бу ҳақда орзу ҳам қилиб бўлмайди – жуда қиммат. Унақанги ҳашаматли жойларга боришга йўл бўлсин. Айтганча, у ердаги меҳмонхонада кунига қанча олишаркан?

– Билмайман. – Кристина ирода кучи ўзини тарк этаётганини, ҳозир "портлаб" кетишини ҳис қилиб турарди: "Тезроқ кетишса-чи, тезроқ!"

Хайриятки почча соатига қаради.

– Оҳо, вагонларга чиқиш вақти бўлибди-ку. Кристль, кел, ортиқча сиз-биз қилиб ўтирмайлик: бизни кузатиш шарт эмас. Яна шундай ҳавода. Уйда қолавер, яхшиси, бизни кўргани Венага бирон пайт борарсан. Энди, ойимнинг ўлимидан сўнг бирга бўлишимиз керак!

– Албатта, албатта, – сабрсизлик билан жавоб қайтарди Кристина ҳаммаларини эшиккача кузатиб қўяркан.

Ёғоч зина оғир қадамлардан ғичирлар, ҳаммалари қўли ёки елкасида нимадир олиб кетмоқда эди. Ниҳоят, ортларидан эшик ёпилгач, Кристина югуриб бориб, деразани ланг очди. У тамаки тутуни, нам кийимлар иси, қўрқинч ва хавотирдан, бемор кампирнинг инграшидан, жирканч қашшоқликдан бўғилай дерди. Бу ерда яшаш азобнинг ўзи! Нима учун, ким учун яшайди энди? Қайси бир жойларда ўзгача, ҳақиқий ҳаёт борлигини билатуриб, бу ёқимсиз ҳиддан заҳарлангандек бўғилаётган бўлсанг ҳам нафас олавериш керакми?

У ечинмасдан, ўзини каравотга отиб, ўртагувчи ғазабдан ҳўнграб юбормаслик учун ёстиқни қаттиқ тишлади. Ҳаммадан, мавжуд барча нарсадан нафратланиб кетди – ўзидан, бошқалардан, бойлик ва қашшоқликдан, оғир, чидаб, англаб бўлмас ҳаётдан!

* * *

– Димоғига қурт тушгур макиён курка! Жинни! – Чакана савдо дўкони соҳиби Михаэль Пойнтнер ортидан эшикни қарсиллатиб ёпди. – Буни қандай тушуниш керак, ўзини ким деб ўйлаяпти у сурбет? Худди қора илон-а!

– Бўлди, бўлди, феълинг айнимасин, – жилмайди уни кўчада, почтахона рўпарасида кутиб турган новвой Гердличка. – Сени қайси жин чалди?

– Ҳа, жин чалди. Бундайин сурбет, бундай расво аёлни икки дунёда ҳам кўрмаганман. Ҳар сафар албатта бирон нимага тирғилади. У кишимга гоҳ бу нарса ёқмайди, гоҳ у. Тирғилса, димоғ-фироқ қилса бўлгани унга. Ўтган куни жўнатмага тиркалган хатни сиёҳ билан эмас, сиёҳли қалам билан тўлдирганим ёқмовди. Бугун эса яхши ўралмаган жўнатмани олишга ҳаққи йўқлигидан тутақиб шовқин кўтарди.

Оққўнгил Пойнтнер мутлақо ҳақ эди: почтачи Кристина Хофленерга чиндан ҳам нимадир бўлганди. Бу ҳақда, мана икки ҳафтаки, бутун қишлоқ гап чайнамоқда. Аввалига индашмади. Эй худо, ахир шўрликнинг онаси ўлди-ку. Ҳамма тушунарди: қийин унга, қандай оғир жудолик. Руҳоний унинг уйига икки марта борди, бирон нимага муҳтож эмасмикан деб Фуксталер ҳар куни хабар олиб турди, бутундай ёлғиз қолмасин, дея қўшни аёл оқшомлари унинг ёнида бўлишини айтди. "Олтин буқа"нинг бекаси эса рўзғор ишларига ўралашиб қолмасин, деб уникига – қовоқхонага келиб тамадди қилишни таклиф қилди хатто. Бироқ Кристина бирортасига

жавоб қайтармагач, ҳамма тушунди: у ҳеч ким билан ош-қатиқ бўлмоқчи эмас.

Қиз аввалгидек ҳафтада бир марта хорда қўшиқ айтишга бормай қўйди. Томоғи битиб қолганмиш. Мана, уч ҳафтадирки черковга ҳам қадам босмайди, ҳатто марҳума онаси учун жаноза маросими буюртма қилмади. Фуксталер овоз чиқариб китоб ўқиб бермоқчи бўлса, боши оғриётганини айтади. Сайрга таклиф этса, чарчадим дейди. Қиз энди ҳеч ким билан борди-келди қилмас, дўконга чиққанда эса ўзини поездга кечикаётгандек тутарди. Аввалари иш жойида мулойим ва хизматга шай турган бўлса, эндиликда қўрс ва тирғилувчан бўлиб қолди.

Ўзгариб қолганини Кристинанинг ўзи ҳам тушунарди. Гўё ухлаб ётганида аллаким билдирмай кўзига аччиқ, заҳарли бир нима томизиб кетган-у, энди унга бутун олам мана шундай хунук ва ғаним бўлиб кўринмоқда. Эрталабки соат ҳамма нарсадан нафратланиш билан бошланади, кўзини очганидаёқ нигоҳи чордоқнинг ис босган болорларига тушади. Хонадаги ҳамма нарса – эски каравот, кўрпа, тўкима курси, қўлювгич, дарз кетган хумча, пати тўкилган гилам, ёғоч пол – барча-барчаси бадига уриб кетган.

Идора ҳам энди авваллари бўлгандек, вақт лоқайд-хотиржам, товушсиз ғилдиракларда имиллаб ўтадиган жой эмас. Кристина ҳар сафар калитни бураб, чидаб бўлмас, гўё уни пойлаб тургандек бефарқ-лоқайд, жимжит хонага кирганда доим "Умрбод" номли фильмни эслайди. Айниқса, қамоқ назоратчиси икки нафар полициячи қўриқчилигида маҳбусни камерага олиб кирувчи саҳнани.

Мана, бу сафар ҳам роппа-роса саккизда иш жойига ўтириши билан танида ҳорғинлик ҳис этди. Бажарилган қайсидир иш боис эмас, балки ҳали ўзини кутаётган нарсалар, ўша-ўша башаралар, ўша-ўша саволлар, қилиниши лозим бўлган ўша-ўша вазифалар, ҳатто ўша-ўша пуллар туфайли.

Аммо ишлаш керак, ишлаш... Мана, Париждан мактуб. У кимдан келганини Кристина дарров сезди – бир жанобнинг қизидан. У хоним ҳақида турли гаплар юради. Аввалига, бадавлат, нефть савдоси билан шуғулланувчи аллақандай бир яҳудий билан ўралашиб қолган. Сўнгра аллақаерда жуфтлик рақслари учун ёлланма раққоса бўлиб юрди. Эҳтимол, бошқа ишлар ҳам қилгандир. Ҳозир эса яна кимгадир илакишган. Албатта-да – мактуб "Морис" меҳмонхонасидан, жилвакор қоғоз.

Шу каби мактублар туфайли киборлар ҳаёти ҳақида хаёл суриб турганида уйқусираган кўзлари буқаникидек, тишлари орасига трубка қистирган биронта деҳқон туйнук қаршисида пайдо бўлиб, почта маркаси сўрарди-ю, қиз ҳар сафар чўчиб тушар эди. Айнан шу пайт ўзи ҳам кутмаган ҳолда тутақиб, шошиб қолган шўрлик деҳқонга: "Ўқишни биласизми? Бунда чекиш мумкин эмас!" – дея ўшқира бошлар ёки бирон бошқа қўполлик билан юзига сапчирди.

Бу қизнинг ихтиёрига қарши ўлароқ рўй берарди. Шунчаки, разиллигу, қабиҳликка ботган бутун оламга нисбатан ғазабини дуч келган одамга тўкиб солар, кейин ўзи ҳам бундан уяларди. У содда, оққўнгил одамлар қаршисида калондимоғлик қилиш разиллик ва пасткашлик эканини яхши тушунар, бироқ бир сонияга бўлса ҳам қизишиб, шу билан ўзини юпатарди. Феъл-атворидаги ўзгаришлардан ўзи ваҳимага тушар, бироқ қўлидан ҳеч нима келмасди. Жисмида тошиб бораётган ғазабдан нима қилиб бўлса-да халос бўлиши керак, акс ҳолда бўғилиб ўлади.

Ишдан сўнг Кристина уйига шошилди. Аввалари, бу пайтда, онаси ухлаб ётаркан, вақти-вақти билан ярим соатга бўлса ҳам сайр қилиб турар, дўкончи аёл билан суҳбатлашар, қўшни хотиннинг болалари билан ўйин ташкил қиларди. Энди эса одамларга нисбатан ўзидаги душманлик ҳиссини гўё занжирбанд этганча, қутурган итдек ташланиб қолмай деб, тўрт девор ичида қамалиб ўтиради.

У уйига қамалиб сукут сақлаганча ўтираверар, ҳамма вақт фақат биргина нарса ҳақида хаёл сурарди. Хотираси ҳув нариги ёқда – бош айлантирувчи гирдоб ичида яхшилаб кўра олмаган беҳисоб тафсилотларнинг шаклини қайта-қайта чизарди. Ҳар бир сўз, ҳар битта нигоҳ ёдига тушар, ўзи татиб кўрган ҳар битта таом, шароб, ликёр таъми қайта жонланар, яланғоч елкасидаги енгилгина шоҳи кўйлак ҳамда кордек оппоқ тўшакнинг юмшоқлигини яна ҳис этарди. Бошқа майда-чуйда тафсилотлар ҳам кўз олдида жонланарди: миқтигина америкалик йигит бир марта йўлак бўйлаб изига тушгани, тун бўлганига қарамай эшиги ортида тургани, мангеймлик олмон қиз бармоқлари билан қўлини оҳиста, эркалаганча силагани... У ёқда ўтган ҳар бир кунни соатма-соат хотирасида тиклар экан, аввалдан кўришнинг имкони бўлмаган, адоғига етмай қолган қанчадан-қанча имкониятларни ўша дамлар ўз "бағрида" яшириб турганини фақат ҳозир идрок этмоқда эди.

Оқшомлари шу зайлда, яқин ўтмишга хаёлан қайтганча танҳо ўтирар, энди ўзи унақа эмаслигини англаган ҳолда, ўша пайтлар қандай бўлганини эсларди. Қайтиб ундай бўлолмаслигини билишни истамас, ҳолбуки, билмай қаёққа ҳам борарди. Эшикни тақиллатганларида – Фуксталер нечанчи маротаба ундан хабар олгани киришга уринмоқда – нафас чиқармай, жойидан қимирламас, ғижирлаб турган зинапоя бўйлаб ортга қайтаётган қадам товушини эшитганда, енгил нафас оларди.

Кристинада қолган бирдан-бир юпанч орзулари бўлиб, улардан ажралишни сира истамасди. Орзуларга ҳадеб берилавергани боис ҳолдан тойган қиз тўшакка чўзилар, зах ва совуққа кўникишни унутганидан эти жунжикиб кетарди. Шунчалик совуққотардики, кўрпа устидан ҳам кўйлаги, ҳам пальтосини ташлаб оларди.

Бугун ҳам қўнғироқли соат жиринглайди. Тонгнинг бу бераҳм хабарчиси ҳали зангини чалмай турар экан, қониб ухламаган Кристина қалби бўм-бўш ҳолда ётаверди. Сўнг бадига урган каравотдан туриб, искирт эски кийимларини эгнига илди ва хонумонини куйдираётган кундалик ҳаётга қадам қўйди.

* * *

Кристина хасталикни эслатувчи бу баджаҳллик ва мажбурий танҳоликда нақ бир ой умр кечирди. Бардош тугаб битган, орзулар жоми тўлган, ўша ҳаётнинг ҳар дақиқаси қайтадан яшаб бўлинган ва ўтмиш энди куч бахш этмай қўйганди. Қийналиблар кетган, бошида оғриқ ин қурган қиз ишга борганда вазифасини шуурсиз, ярим мудроқ ҳолда адо этар, кечалари уйқуси келмасди.

Кристина кутилмаганда бир қарорга келди. Шанба куни ишдан сўнг стол тортмасидан поччаси ҳув ўша ёқда қартада ютиб олиб берган икки юз франкли пул, энг яхши кўйлаги, туфлисини олиб, Венагача чипта харид қилгани станцияга жўнади.

Кристина Венага нима учун кетаётганини билмас, не исташи ҳам аниқ эмасди. Фақат шу ердан, қишлоқдан, хизматидан, шу гадойтопмас жойда адо-ю тамом бўлаётган ўзлигидан олисроқ кетса, бас!

Соат еттида Венага етиб келгач, жомадончасини Мариахильферштрасседаги кичикроқ меҳмонхонада қолдириб, ҳали ёпилмасидан сартарошхонага киришга ҳам улгурди. Мўъжизакор қўллар ва бўёқлар кўмагида яна бир марта ҳув ўшанда бўлгандек бошқа одамга айланиш истаги бутун борлиғини қамраб олганди.

У ифорларга чулғанган кўйи ўрнидан турганида, оёқларида яна ўша дадилликни ҳис этди. Энди қиз кўча бўйлаб қаддини тик тутганча, ўз қадрини билган хонимдек одим ташламоқда эдики, мабодо эгнида шу туришига мос кўйлак бўлганда, ўзини аввалги фройляйн фон Боолен дея ҳис этарди. Сентябр оқшоми ҳали ёруғ, кечки салқинда сайр этиш ёқимли эди. Баъзи бировлар қизиқиш билан ўзига қараётганини Кристина мамнуният билан пайқади. "Мен ҳали ҳаётман, – хўрсинди у қувонч билан, – ҳали ҳаётман". У вақти-вақти билан витринадаги мўйналар, либослар, оёқ кийимларни томоша қилгани тўхтар, чарақлаётган кўзи витрина ойнасида акс этарди. "Балки яна ҳаммаси қайтиб келар", ўйлади у тетиклашиб.

Мариахильферштрассе бўйлаб Рингга чиқиб боргач, ҳеч бир ташвишсиз суҳбатлашиб юрган шаҳарликларни кўриб, нигоҳи янада тиниқлашди. "Бу ўшалар, – ўйлади у, – мени улардан бор-йўғи ҳавонинг юпқагина қатлами ажратиб турибди. Қайдадир кўз илғамас бир зинапоя борки, ўшандан кўтарилиб олсам бўлди. Фақат биргина, биттагина одим қўйсам, бас". Опера театри рўпарасида тўхтади. Кўп ўтмай спектакль бошланса керак. Машиналар келиб тўхтамоқда – кўк, яшил, қора... Ойна ва бўёқлари ярақлаб турибди, зар уқали ходим кириш йўлагида уларни кутиб олмоқда.

Йиғилганларни томоша қилиш мақсадида Кристина вестибюлга кирди. Қўнғироқ чалиниб, кечикканлар пальтоларини йўл-йўлакай ечганча гардероб томон шошилдилар ва йўлак бўшаб қолди. Ҳамма у томонда – залда эди. Кўзга кўринмас девор қаршисида яна бир бор қад ростлагач, қиз кўчага чиқди. Фонуслар оппоқ тўлин ойдек бўлиб, осмонда муаллақ туришар, йўлакларда одам янада кўпайганди. Йўловчилар оқими хиёбон томон судраб кетаркан, Кристина аллақандай улкан меҳмонхона қаршисида мисоли оҳанрабо тортгандек тўхтаб қолди. Бу ерга ҳозиргина машина келиб тўхтаганди. Меҳмонхонадан югуриб чиққан ҳаммоллар шарқона кўринишдаги хонимнинг жомадон ва сумкаларини қўлга олиб, айланма эшик ҳаммаларини тезда домига тортиб кетди.

Етиб келган хоним билан ўралашиб қолган эшикоғаси Кристинанинг кирганини пайқамади ва у ҳеч бир тўсиқсиз вестибюлдан ўтиб, йиғилганларни томоша қила бошлади. Хушбичим костюм, смокинг, локланган, жимжимадор туфли кийган жаноблар сигараларини тутатганча креслода суҳбатлашиб ўтиришибди. Пастроқда бутун бир даврa жой олган, уч нафар жувон иккита йигит билан французчасига баланд товушда суҳбатлашмоқда. Дам-бадам кулги янграйди – бемалол, ҳеч кимдан беркитилмаётган кулги, ўз ўзидан роҳатланиш ва беғамлик мусиқаси гўё. Улар ортида мармар устунли кенг-мўл зал – ресторан. Фрак кийган официантлар эшик ёнида шай туришибди. "Кечки овқатга кираверишмумкин, – ўйлади Кристина ва шошилганча сумкасини пайпаслади: иккита

юз франклик қоғоз пул ва етмиш шиллинг солинган ҳамёни шундамикин? Албатта, кириш мумкин, лекин овқати қанчага тушаркин? Сенга хизмат кўрсатишадиган, мафтун бўлишадиган, сени эркалатишадиган мана шунақа залда ўтириш, мусиқа тинглаш-чи? Буни нима билан нархлайсан?"

Ҳа, у ёқдан ростдан ҳам енгил ва сокин мусиқа эшитиларди. Аммо ўша таниш ҳадик унда яна бош кўтарди: қаршисидаги мана шу эшикни очадиган кўйлаги – сеҳрли тумори йўқ! Бир дамлик ўзига ишонч туйғуси шу тарзда ғойиб бўлиб, кўзга кўринмас тўсиқ – ошиб ўтишга кишининг ҳадди сиғмас қўрқув девори ногаҳон яна бўй чўзди. Кристина титраганча, зудликда, кимдир ортидан қуваётгандек шошиб меҳмонхонадан чиқди. Ҳеч ким унга қарамади ҳам, тўхтатмади ҳам ва қиз ҳеч ким пайқамагани боис, бу ерга киргандан кўра ўзини ноқулайроқ ҳис этди.

Яна кўча бўйлаб кета бошлади. Аммо қаёққа борсин? Умуман, қаёққа кетаяпти ўзи? Кўчалар аста-секин бўшаб борар, йўловчилар уни қувиб ўтишарди. Эҳтимол, кечки овқатга шошилишаётгандир. "Ресторанга кираман, – аҳд қилди Кристина, – лекин жуда ҳашаматлисига эмас, мундайроғига, оддий одамлар ўтирувчи, менга ҳеч ким ёмон қараш қилмайдиганига".

У тез орада шунақа жойни топиб, бўш столни банд этди. Ҳа, ҳеч ким унга эътибор қилаётгани йўқ. Официант буюрилган таомларни келтирганида Кристина ғижинганча алланималарни чайнай бошлади. "Бу ерда нима йўқотдим ўзи? Нега бу ерга келдим? Оқ дастурхонга тикилиб ўтириш учунми? Ҳар доим бир нима еб ўтирмай, бошқа нарсалар ҳам буюртма қилиш керакдир. Боз устига, қачон бўлмасин туриш ва кетишга тўғри келади. Бироқ қайга кетади? Соат бор-йўғи тўққиз бўлса..."

Қизнинг столи ёнига газета тарқатувчи келди, мана буни энди янгилик деса бўлади. У оқшомги газеталарни таклиф қилганда Кристина икки-учта газета сотиб олди. Йўқ, ўқиш учун эмас, шунчаки қараб ўтириш, ўзини гўё бирон нима билан банддек, кимнидир кутаётгандек кўрсатиш учун. У янгиликларга бефарқ кўз югуртирди. Ҳукумат кабинетини тузишдаги қийинчиликлар, Берлиндаги қотиллик билан бирга содир этилган талончилик, биржа хабарлари билан унинг нима иши бор? Опера яккахон хонандаси труппада қолиши ёки қолмаслиги, йилда йигирма ёки ўттиз марта саҳнага чиқиши борасидаги сафсаталар унга на даркор? Барибир унинг хонишини ҳеч қачон эшита олмайди. Кристина газетани столга қўяётиб сўнгги саҳифанинг йирик ҳарфлардаги сарлавҳасига кўзи тушди: "Вақтичоғлик – бугун оқшом қаерга бориш керак?" Пастроқда эса театрлар, рақс майхоналари, кабарелар берган эълонлар. У газетани яна қўлига олди: "Рақсбоп мусиқа – "Оксфорд" кафеси", "Опа-сингил Фреддилар – "Карлтон" майхонаси", "Венгер лўлилар капелласи", "Машҳур ҳабашлар жаз гуруҳи тонги соат учгача очиқ", "Венанинг энг таниқли инсонлари билан учрашув!" Балки одамлар ўйин-кулги қилаётган жойга яна бир марта бориш керакдир, рақсга тушиб, кўксини сиқаётган чидаб бўлмас ғам-аламни итқитиш лозимдир? У иккита жой манзилини ёзиб олди – официантнинг айтишича, иккови ҳам бу ердан олис эмас экан.

Кристина пальтосини гардеробга топшириб, жонига тегиб кетган "ғилоф"дан шу асно қутулиб, анча енгил тортди. Пастдан, ярим ертўладан аниқ-тиниқ ўйноқи мусиқа эшитилмоқда эди. Кристина зиналар бўйлаб

пастдаги майхонага тушди. Бироқ уни дилхиралик кутиб турган экан: бу ер ҳали деярли кимсасиз эди.

Яна кўча. Кеч бўлиб қолган, у қайга бораётганини билмай, қадам ташлар, олға интиларди. Кейинроқ меҳмонхона тўшагида анча вақт кўчадан келаётган шовқин, ўткинчи машиналар товушига қулоқ солиб бедор ётди. Албатта, у ёққа энди қайтиб бўлмайди, кўзга кўринмас тўсиқдан ошишнинг имкони йўқ. Унинг уйқуси келмас, негалигини ўзи ҳам билмай, ҳадеб хўрсинаверарди.

Якшанба тонги уйқусиз ўтган тун каби узоқ чўзилди. Кўпчилик дўконлар берк, улардаги кишини ўзига жалб этувчи нарсалар тушириб қўйилган жалюзилар ортида яширинган. Кристина вақтни бир амаллаб ўтказиш мақсадида кафега бориб, газета варақлаб ўтирди. У ўзини ҳеч ким кутмаётган, ўзи ҳеч кимга кераги йўқ Венага жўнаётиб нималарни ният қилгани, нега бу ерга келганини аллақачон унутганди. Фақат опаси ва поччасини бориб кўриши кераклигини эслади – ахир ваъда берган, бормаса уят бўлар. Буни тушдан сўнг амалга оширса тузук, лекин ҳечам бундан эрта эмас, акс ҳолда, худо билади, атайин дастурхон ёзилган пайти келди, деб ўйлашлари мумкин. Болалари туғилгандан бери опаси шунчалик ўзгариб кетдики, бир парча нон устида қалт-қалт титрайди. Майли, ҳали икки-уч соат бор, сайр этиб ўтказиш мумкин.

У суратлар галереясига кираверишда бугун кириш бепул эканлиги ҳақидаги эълонни кўриб қолди. Кирганидан сўнг зал бўйлаб бефарқ айланиб юрди, баркут ўриндиқда ўтирди, одамларни кузатди. Сўнг яна кўча бўйлаб сайр эта бошлаб, аллақайси хиёбонга кирди. Руҳидаги танҳолик туйғуси кучайгандан кучайиб борар эди. Ниҳоят, соат иккида поччасининг уйига етиб келганда ярим кун қор уюми оралаб юрганидан чарчагандек, йиқилай-йиқилай дерди.

Кутилмаганда, шундоқ дарвоза рўпарасида унга бутун оила дуч келиб қолди денг: опаси, поччаси, болалар. Барчалари ясаниб, якшанбага хос кийинишган. Ҳаммалари Кристинани мамнун этиб, келганига чин дилдан хурсанд бўлишди.

– Мана буни кутилмаган совға деса бўлади! Мен ўтган ҳафта хотинимга хат ёзайлик, нега кўринмаяти, деб гапириб ўтирибман. Мана, бўларканку... Нега тушликка келмадинг? Бўпти, биз Шёнбруннга бораётган эдик, болаларга жониворларни кўрсатмоқчимиз. Бир йўла оёкнинг чигилини ёзиб келамиз. Ҳавони айтмайсанми... Юр биз билан.

– Жоним билан, – рози бўлди Кристина.

Қаёққа кетаётганингни билиш қандай яхши. Одамлар билан эканлигинг қандай яхши. Нелли болаларни етаклади, Франц эса Кристинани қўлтиқлаб, турли ғаройиб ҳангомаларни ҳикоя қила бошлади. У тинмай сўйлар, баркашдек юзидан оққўнгиллилик уфурар, четдан қараган одамга унинг ёмон яшамаётгани, ҳаёти ва ўзидан мамнун эканлиги кўриниб турарди. Ҳали трамвай бекатига етмай туриб у Кристинага махфий бир сирни очаётгандек эртага ўзининг туман бюросига сайланишини маълум қилди. Ахир у шунга лойиқ эмасми – уруш тугаши биланоқ фирқа қўмитасининг ишончли вакилига айланди. Ишлар шу тарзда яхши кетаверса, яқин орада бўладиган сайловларда католиклар устидан ғалаба козонишни ҳам уддалашади ва у маҳаллий кенгаш таркибига киради.

Кристина поччасини эҳтиром билан тинглар, умуман, бу тўпори, паст бўйли, киришимли ва ишонувчан инсонга ҳар доим хайрихоҳ бўлиб келганди. Дўстлари уни жон-жон деб камтарона лавозимга сайлашлари сабабини Кристина тушунарди – Франц чиндан ҳам шунга муносиб. Шундай бўлса-да, унга ён томондан нигоҳ ташлар экан, юзлари қип-қизил, бокибеғам, қўш бағбағали ва қорни катта бу киши кўнглида уйғотган қўркув билан опаси ҳақида ўйлади: ахир у қандай қилиб шундай эркак билан... "Шунақа одам баданимга қўл теккизишига асло чидай олмасдим. Бироқ кундузлари, одамлар орасида у билан бирга юриш мароқли".

Ажойибхона панжараси қошида, болалар орасида поччаси ҳам болага айланди-қолди. Кристина эса яширинча ҳасад ичида, амалга ошмас орзуларни деб ўзини қийнайверганидан шу каби оддий нарсалардан хурсанд бўлишни ёдидан чиқарганини ўйлади.

Ниҳоят, соат бешда болаларни эртароқ ётқизиш учун ортга қайтишга қарор қилишди. Якшанба кунги тиқилинч трамвайга аввал болаларни тиқишди, сўнг ўзлари ҳам амаллаб чиқиб олишди. Ғилдиракларнинг ҳар тарафдан эшитилаётган тарақ-туруғи остида беихтиёр Кристинанинг ёдига мунаввар тонг, ярақлаб турган машина, сархуш қилувчи мусаффо ҳаво, пешонаси ва ёноқларини сийпаловчи шабада, юмшоқ ўриндиқ, кўз ўнгидан бирма-бир ўтаётган манзаралар тушди. У трамвай тиқилинчида кўзларини қисиб, вақтни унутган кўйи, олис дунёларга хаёлан парвоз эта бошлади ва фақат поччаси елкасига қўл теккизгачгина ўзига келди.

– Кейингисида тушамиз. Қаҳва ичгани тўғри бизникига кир. Поездга улгурасан. Шошма, аввал мен йўл очай-чи...

У тирсакларини олдинга чиқарганча ўзига йўл оча бошлади. Бақувват, ғўладек бу одам қорни ва орқаси кўмагида босимга аранг ён бераётганлар орасида чиндан ҳам ўзи учун торгина йўлак бурғулай олди. Аммо чиқиш эшигига етай деб қолганида жанжал кўтарилди.

– Секинроқ, тўнка, тирсагинг билан қорнимни тешиб ташладинг! – ёмғирпўш кийган дароз киши ғазабланганча ўшқирди.

– Ким тўнка? – аччиғи чиқди Францнинг. – Ҳамма, ҳамма эшитди-я?.. Ким тўнка?

Ёмғирпўшли киши бир илож қилиб поччасига яқинроқ келди. Одамлар эса даҳанаки жанг бўлишини кутиб, қизиққанча қараб туришарди. Бироқ Францнинг ғазабнок товуши ногаҳон бўғзида қолди.

– Фердинанд, ўзингми?.. Қаранг-я, сал бўлмаса уришиб қолардик... шунақаси ҳам бўларкан-да!

Ёмғирпўш кийган киши ҳам ажабланганча илжайди. Иккиси ҳам қўл сиқишганча бир-биридан кўз уза олмас, нигоҳлар бир-бирига қараб тўймасди.

Чўзилиб кетган учрашувни кўриб кондуктор огоҳлантирди:

– Жаноблар, ким тушиб қолмоқчи бўлса, марҳамат, тезроқ! Вагон кутиб тура олмайди.

– Юр биз билан, шу атрофда яшайман... Қаранг-а!.. Кетдик, кетдик!

Дароз киши жилмайганча қўлини пастаккина Францнинг елкасига қўйди.

– Албатта, Франц, албатта.

Трамвайдан бирга тушишди. Франц ҳаяжонланганидан ҳадеб пишиллар, юзи ёғ сурилгандек ялтирарди.

– Буни қара-я, ҳаёт барибир бизни рўбарў қилди-я – учрашдик! Сени неча марталаб эсга олдим, кел, шунга бир хат ёзай, деб ўйладим. Бироқ ҳар сафар кейинга қолдираверибман-қолдираверибман. Одатда шунақа бўлишини ўзинг биласан-ку. Мана, ниҳоят, учрашдик. Буни қара-я, эй худо, қанчалар хурсандман!

Францнинг таниши ҳам хурсанд эканлиги лаблари титраётганидан кўриниб турарди. Фақат у ёшроқ ва сипороқ экан.

– Бўлди, бўлди, Франц, – дўстининг елкасига уриб қўйди у, – энди мени хонимларга таништир, улардан бири ҳойнаҳой Нелли – хотининг. У ҳақда менга кўп марта сўзлаб берувдинг.

– Албатта, албатта, узр, ўзимни йўқотиб қўйдим... Эй худо, қанчалар хурсандман! – У Нелли томон ўгирилди. – Бу киши Фердинанд Барнер, ҳув ўша, сенга айтиб берганим. Биз икки йилни у ёқда – Сибирдаги баракларда бирга ўтказганмиз. Австрия-Венгрия гуруҳининг ичида бир-галикда асирга тушиб қолганмиз. У ўша ердаги бирдан-бир виждонли, ишонсанг, суҳбатлашсанг бўладиган йигит эди, – ҳа, ҳа, Фердинанд, буни ўзинг ҳам биласан... Буни қара-я!.. Нега турибмиз? Бошингга не тушганини эшитишга сабрим чидамаяпти. Йўқ, ахир шундай бўлиши мумкинми! Бугун мени шунақа хурсандчилик кутиб турганини биров айтса... Йўқ, сен тасаввур қил: агар мен кейинги трамвайга ўтирганимда, ҳаётда қайтиб кўришмаган бўлардик!

Кристина оғир-вазмин поччасининг бундай жўшқин ва илдам ҳаракат қилишини сира кўрмаганди. У зина бўйлаб югургилаганча тепага кўтарилди ва қувончини табассум билан қабул қилаётган қуролдош оғайнисининг қаршисида эшикни ланг очди.

– Камзулингни еч, қулайроқ ўтириб ол, мана бу ерга ўтир, креслога... Нелли, қаҳва, ароқ, сигарета!.. Қани, сени бир томоша қилайин-чи. Ҳа, яшармабсан ва ўлгудек озғинсан. Сени яхшилаб боқиш зиён қилмасди.

Меҳмон оққўнгиллик билан ўзини томоша қилишларига қўйиб берди. Хонадон соҳиби ўзини болаларча тутаётгани унга мойдек ёқмоқда эди. Пешонаси туртиб чиққан, ёноқ суяклари ҳам шу каби бўртган қаҳрли чеҳраси аста-секин мулойим торта бошлади. Кристина унга қараб турарканки, бир испан рассомининг бугун галереяда кўрган портретини эслади. Худди шундай зоҳидий, суяги бузуқ, эти йўқ, лаблари атрофида чуқур ажинлари бор чеҳра...

Меҳмон жилмаяркан, Францнинг қўлига уриб қўйди.

– Гапларинг тўғрига ўхшайди. Биз яна бир бор ўша дамлардагидек консерваларимизни бўлиштирсак ёмон бўлмасди. Озгина ёғини менга оширишинг мумкин, бу сенга зарар қилмайди ва умид қиламанки, бунга Нелли ҳам рози бўлади.

– Майли, дўстим, ҳикоянгни бошла, акс ҳолда қизиқишим мени адо қилади. Ўшанда Қизил Хоч сизларни қаёққа олиб кетди? Мен-ку, биринчи эшелонга тушдим, сен ва яна етмиш нафар киши эртаси куни келишларинг керак эди. Биз Австрия чегарасида икки соат туриб қолдик – кўмир йўқ эди. Сен ана-мана келиб қоласан дея, йигирма марталаб бекат бошлиғи ҳузурига бордик. Телеграф орқали сўров беришни талаб қилдик, бироқ у томонда даҳшатли бир чалкашлик юз бермоқда эди. Умуман, биз учинчи кунигина жойимиздан қўзғалдик ва чехларнинг чегарасидан Венагача ўн етти соат судралиб юрдик. Сизларда нима бўлганди ўзи?

– Сен худди шу аҳволда яна икки йил чегара ёнида кутишинг мумкин эди – бизни роса копток қилиб ўйнашди. Жўнаб кетганингдан сўнг ярим соат ўтгач, телеграмма дегани ёғилиб кетди. Темир йўл чехословак корпуси томонидан портлатилибди. Бизни яна Сибирга қайтаришди. Ҳазиллашаяпти деб ўйламагин-у, лекин биз асло тушкунликка тушмадик. Бир ҳафта, нари борса бир ойга, дея хаёл қилгандик. Бироқ бу икки йилга чўзилиб кетишини ҳеч ким тасаввур ҳам қила олмаганди. Етмиш одамдан ўн бештамиз тирик қолдик. Қизиллар, оқлар, Колчак... уруш тўхтай демас, бизни гоҳ олдинга, гоҳ орқага ташлашарди. Бир коп нўхатдек роса силкитишди. Фақат йигирма биринчи йилдагина Қизил Хоч бизни Финляндия орқали олиб чиқди. Умуман, кўп қийналдик ва кўриб турганингдек, жир боғлашга фурсат бўлмади.

– Мана буни омадсизлик дейдилар! Эшитаяпсанми, Нелли? Бунинг ҳаммаси қандайдир ярим соатни деб! Мен эса буни хаёлимга келтирмабман, шунақа воқеа рўй берганини тасаввур ҳам қила олмабман. Айниқса, сен билан рўй берганини! Сен билан-а! Хўп, шу икки йил нима қилдинг?

– Эҳ, оғайни, агар ҳаммасини айта бошласам, эртагача ҳам тугата олмайман. Эҳтимол, одам нима билан машғул бўла олса, барини қилгандирман. Ўримга ёрдамлашдим, қурилишда ишладим, газета тарқатдим, ёзув машинкасини чиқиллатиб ўтирдим, шаҳримизга яқин келганларида икки ҳафта қизиллар томонида туриб жанг қилдим, кейин қишлоқларни кездим – садақа сўраб... Шуларни эслайман-у, сизлар билан бу ерда сигарета чекиб ўтирганимга ишонгим келмайди.

Франц ҳазилакам ҳаяжонга тушмаганди.

– Йўқ, бу нимаси ахир! Қанчалар омадим келганини мен ҳозиргина тушундим. Нелли, ўйлаб кўргин-а, бу ерда сен болалар билан яна икки йил менсиз... Йўқ, бу нимаси, ахир! Ҳаёт шунчалик қўшқўллаб урса-я, яна сендек ажойиб йигитни-я! Қутулибсан, шунга ҳам шукр, тўрт мучанг бутун, тани-жонинг соғ.

Меҳмон сигаретасини қулдонга қўйиб, кескин ҳаракат билан эзғилади, чеҳраси бирданига тундлашди.

– Албатта, омадим келди дея ҳисоблашим мумкин. Бус-бутун ва деярли бешикаст қайтдим. Лекин, мана, энг сўнгги кун иккита бармоғимни синдиришди. Ҳа, енгилгина қутулдим, омад келди, дейиш мумкин. Бу воқеа кетаётган кунимиз рўй берди: ким тирик қолган бўлса, барисини бекатга йиғишганди. Юк вагонини буғдойдан ўзимиз тозалашимизга тўғри келди – кутиб ўтиришга бардошимиз қолмаганди. Ҳамма тезроқ кетишни истарди ва бизни – етмиш кишини меъёр бўйича кирқ киши сиғадиган вагонга ортишди. Бурилиб бўлмасди, агар кимнингдир ҳожат чиқаргиси келса... йўқ, аёллар олдида айтиладиган гап эмас бу. Лекин, нима бўлганда ҳам кетаётгандик, шунга ҳам раҳмат. Кейинги бекатда устимизга яна йигирма кишини юклашди. Тўғрироғи, милтиқ қўндоқлари билан уриб, бирин-кетин ичкарига тиқишди. Беш ёки олтита одам аллақачон полда чўзилиб ётарди – топтаб ташланганди улар. Мана шундай, бир-биримизга қапишган қўйи етти соат юрдик, ён-атрофингда инграш, бақир-чақир, хириллаш, чидаб бўлмас сассиқ ҳид. Мен юзим билан деворга қапишган ҳолда турардим. Кўкрагимни эзиб ташламасликлари учун бор кучим билан қўлларимни тираб олувдим. Икки бармоғимни синдириб олдим, учинчисининг пайи узилди. Ўпкамнинг ярми билан нафас олиб, олти соат

мана шундай турдим. Кейинги бекатда сал енгиллашди – бешта жасадни вагондан ташқарига улоқтиришди: иккитаси топтаб ташланган, учтаси эса бўғилиб ўлувди. Мана шу аҳволда кечгача йўл босдик... Албатта, омад келди деб ҳисоблаш мумкин – иккита синган бармоқ ва узилган пай... Айтишга арзимайди.

У ўнг қўлини кўрсатди: ростдан ҳам ўрта бармоқ эзилган ва букилмасди.

– Айтишга арзимайди, тўғрими? Жаҳон урушидан сўнг биргина бармоқ ва тўрт йил Сибирь... Бироқ тирик одам учун битта жонсиз бармоқ нимани англатишини айтсам, ишонмайсиз. Меъмор бўлишни истасанг, чиза олмайсан, машинкада ёза олмайсан, оғир иш қила олмайсан. Аллақандай бўлмағур бир томир, лекин шу томирда бутун келажагинг осилиб турибди. Бу иншоот лойиҳасида бир миллиметрга хато қилгандек гап: арзимасдек, иншоот эса қулаб тушади.

Франц соб бўлганди. У: "Йўқ, бу нимаси ахир! Йўқ, бу нимаси ахир!" деган сўзларини ҳадеб қайтараверар ва ҳозир ҳаммасидан ҳам кўра Фердинанднинг қўлини силаб қўйишни истаётгани ҳам эҳтимолдан узоқ эмасди. Аёллар хавотир ва қизиқиш билан меҳмонга қараб туришибди. Франц яна сўроқ қилишга тушди:

– Кейин-чи, келганингдан сўнг нима иш қилдинг?

– Сенга ўшанда нима деган бўлсам, шуни. Техник маълумот олишни давом эттирмоқчи бўлдим, яъни, узилиб кетган таълим ипини яна улаб қўйишни истадим. Ўн тўққизимда тарк этилган партада йигирма бешимда яна ўтирмоқчи бўлдим. Охир-оқибат, чап қўлим билан ёзишни ўргандим. Бироқ бунда яна бир нима халақит берди – у ҳам айтишга арзимайдиган нарса.

– Нима экан? Аниқроқ гапир?

– Биласанми, бу дунё шундай тузилганки, ўқиш ҳам пул, ҳа, талайгина пул туради ва айнан мана шу арзимас нарса менга етмади... Доимо мана шунақа арзимас нарсалар етмайди.

– Тўхта, нима учун ахир? Сизларнинг доимо пулингиз бўлган-ку! Меран деган жойда уйларингиз, ерларингиз, ковоқхонангиз, майда-чуйдалар билан савдо қилувчи дўконингиз, тамаки дўкони. Ўзинг айтиб берувдинг... Ва тағин, ўта тежамкор, ҳар битта тугмани авайлаб-асровчи, қоғоз ва пайрахани қизғангани боис печни ёқмай, муздек хонада ухловчи момонг бор эди. Унинг аҳволи нечук?

– У ажойиб уйда яшайди, теварак-атрофи боғ, мен ҳозир айнан ўша ёқдан келаяпман. Лайнцедаги қариялар уйи, уни ўша ғарибхонага аранг жойладик. Қўшимчасига, унинг бир уюм пули ҳам бор – сандиғи лиқ тўла. Эски минг кронлик пул билан нақ икки юз минг. Кундузлари сандиқда асрайди, тунлари эса каравоти тагида. Шифокорлар устидан кулишади, энагаларга эрмак... Икки юз минг крон... бувим ватанпарвар эди ва ҳамма нарсани сотганди – узумзор, ковоқхона, дўкон – чунки италиялик бўлишни истамаганди. Ҳаммасини чиройли, янгигина, уруш пайти шундайин бир дабдаба билан дунё юзини кўрган мингталик пулларга алмаштирувди. Энди эса уларни каравот остига беркитади. Пулларининг баҳоси яна кўтарилишига ишончи комил – бошқача бўлиши мумкин эмас. Ахир қачонлардир йигирма ёки йигирма беш таноб бўлган ер, тошдан кўтарилган бинойидек уй, қимматбаҳо қадимий мебель ҳамда қирқ ёки

эллик йиллик меҳнат бирданига ҳавога совурилиб кетмайди-ку. Ҳа, етмиш беш яшар бечора кампир буни қандай тушунсин. У ҳамон меҳрибон художони ва у ер юзида ўрнатадиган одилликка ишонади.

Фердинанд чўнтагидан трубкасини чиқариб, тезда тамакига тўлдирди ва бурксита бошлади. Кристина унинг кескин ҳаракатларида ўзига яхши таниш бўлган ўша совуқ, қаҳрли, заҳар уфуриб турадиган ғазабнокликни бирдан пайқай олди. Бу нарса уни йигитга бирмунча яқинлаштирди. Нелли эса жаҳл билан ортига ўгрилиб олганди. Хонада нописандлик билан тутун бурқситиб, эрига мактаб боласи каби беписанд муомала қилаётган келгинди кимса унинг ғашини келтирарди. Эрининг эса тинчгина уйини ғавғога тўлдирган бу жулдурвоқи, асабий, исёнкор одам қаршисида мутелиги аёлнинг ғашини келтирмоқда эди. Франц бошига уриб гаранг қилингандек, кўнгилчанлик ва айни вақтда ҳадик билан ўртоғидан кўз узмас, ҳадеганда ғўлдираб қўярди:

– Ахир бу нимаси! Йўқ, ахир бир ўйлаб кўринг-а! – Бироз ўзини босиб олгач у яна ўша саволни берди. – Кейин-чи, кейин нима қилдинг?

– Ҳамма ишни қилдим, дедим-ку. Аввал ишламоқчи бўлдим – маърузалар ҳақини тўлаш керак эди. Бироқ топган пулим қорин тўйғизишдан ортмади. Ҳа, қадрли Франц, банклар, ҳукумат идоралари ва хусусий фирмалар Сибирь деган жой икки йил ўз бағрида сақлаган эркакларни кутишни ўзларига эп билмабдилар. Яна де, ватанга мажруҳ қўл билан қайтиб келганман. Қаёққа борма: "Афсусдаман, афсусдаман", дейишди. Ҳамма жойни аллақачон бошқалар – қуймичлари лорсиллаган, бармоқлари бус-бутун одамлар эгаллаб олишибди. Қайга бормайин, ўша арзимас камчилигим билан итнинг кейинги оёғи бўлиб қолавердим.

– Аммо... сенда уруш ногирони имтиёзига эга бўлиш ҳуқуқи бор-ку! Сен ишга яроқсиз ёки қисман яроқсизсан-ку. Ёрдам беришлари керак, сенинг бунга ҳаққинг бор.

– Шунақа деб ўйлайсанми? Айтганча, мен ҳам шундай деб ўйлайман. Ва ўйлайманки, агар одам уйи, узумзорлари, иккита бармоғини йўқотган ва ҳаётининг олти йилини уруш ўчириб ташлаган бўлса, қай бир маънода унга кўмак бериш ҳукуматнинг бурчи. Лекин, азизим, Австрияда барча йўллар эгри-бугри. Мен ҳам асосларим етарли эканлигига шубҳа қилмай, ногиронлик бўйича маҳкамага бориб, қаерда, қачон хизмат қилганимни айтдим. Бармоғимни кўрсатдим. Бироқ беҳуда: авваламбор, майибликни урушда орттирганим ёки бунга уруш сабаб бўлгани ҳақида маълумотнома келтириш керак экан. Бу унчалик осон иш эмас, зеро, уруш ўн саккизинчи йилда тугаган, бармоғимни эса йигирма биринчи йил, бу ҳақда қоғоз ёзиб берадиган одамнинг ўзи қолмаган бир пайтда мажруҳ этишди. Э, буниси ҳали ҳолва. Шундан сўнг ўша жаноблар буюк кашфиёт қилдилар – ҳа, Франц, ҳозир кулавериб ўласан – маълум бўлишича, мен Австрия фуқароси эмас эканман. Гувоҳнома бўйича Меран округида туғилганман ва қонунан унинг тасарруфидамишман. Австрия фуқароси бўлиш учун эса ўз вақтида керакли танловни қилишим керак экан.

– Нега... нега танламагандинг?

– Жин урсин, сен ҳам худди ўшалар каби аҳмоқона саволни бермоқдасан. Ўн тўққизинчи йили Сибирь қулбалари ва баракларида биз учун Австрия газеталарини осиб қўйишган деб ўйлайсанми? Биз яшаган ўрмон ичидаги қишлоқда, қадрли Франц, Венанинг Богемия ёки Италияга ўтиб

кетиши ҳақида тушунчанинг ўзи йўқ эди. Аслида буларнинг барига биз тупургандик, бизни фақат бир бурда нон топиш ва битлардан қутулиш ташвишлантирарди. Қўшимчасига бир қути гугурт ёки бир чимдим тамаки деб кўшни қишлоққа бориб келиш ўйлантирарди: беш соат у ёққа, беш соат ортга. Ана ўшандай жойда Австрия фуқаролигини танлаб кўр... Охир-оқибат "бир минг тўққиз юз ўн тўққизинчи йил ўнинчи сентябрдаги Сен-Жермен тинчлик шартномасининг етмиш биринчи ва етмиш тўртинчи, шунингдек, олтмиш бешинчи моддасига мувофиқ, шартли равишда Австрия фуқароси саналишим" ёзилган бир парча қоғоз беришди. Ўша қоғозни бир қути Миср сигаретаси учун сенга ҳадя қилишим мумкин, чунки барча маҳкамаларда унинг кўмагида сариқ чақа ҳам олмадим.

Францга жон кириб, бирданига енгил тортди: мана энди ёрдам бера олади.

– Мен бунинг йўлини топаман, хавотир олма. Буни боплаймиз. Шахсан ўзим ҳарбий хизматинг борасида гувоҳликка ўтишим мумкин, ноиблар эса менинг фирқадошларим. Ким-ким, лекин улар йўлини билишади ва сен магистратдан тавсиянома оласан... Буни қойиллатамиз. Ишончинг комил бўлсин.

– Раҳмат, оғайни! Бироқ мен энди ташвиш чекиб ўтирмоқчи эмасман, жонимга тегди. Қанчалар қоғозбозлик қилганимни хаёлингга ҳам келтира олмайсан. Ҳарбий маҳкамадан, фуқаролик идораларидан, бургомистрдан, Италия элчихонасидан яшаш учун маблағим йўқлиги ҳақида маълумотномалар ва яна алламбалолар тўпладим. Гербли марка ва почта йиғимларига бир йил ичида тиланиб олганимдан кўра кўпроқ пул сарфладим, югур-югур қилганимдан ҳалигача товоним зирқирайди. Давлат идорасида, ҳарбий вазирликда бўлдим, полиция ҳамда магистратга бордим ва у жойларда бирон-бир хона йўққи, мени отанга бор, онангга бор қилишмаган бўлса. Бирон зина йўққи, пастдан тепага, тепадан пастга зир югурмаган бўлсам, бирон тупдон йўққи, ичига тупурмаган бўлсам. Йўқ, биродарим, яна бир марта ўша жойларга боргандан кўра, ўлганим яхши.

Фердинанд гўё уни ёлғон гап устида ушлагандек Франц дўстига эсанкираб қаради, тўкин ҳаётидан уялиб, салкам ўзини гуноҳкор санай бошлади.

– Хўп, энди, бундан кейин нима қилмоқчисан? – сўради у Фердинандга яқинроқ сурилиб.

– Нима тўғри келса шуни. Ҳозирча Флоридсдорфда, қурилишда ўнбоши бўлиб ишлаяпман, шунчаки – ярим меъмор, ярим назоратчи. Тўлаётганларига чидаса бўлади, қурилишни битказгунларича ёки касод бўлмагунларича сақлаб туришади. Кейин эса бирон нима топарман, бу мени ҳозир ташвишлантирмайди. Бироқ ўшанда, Сибирда, сўри устида ётган дамларимизда сенга айтганим – меъмор бўлиш, кўприклар қуриш орзуси бутунлай дафн этилди. Тиканли сим ортида беҳуда ўтган ўша дамларни энди қайтара олмайсан. Маҳкамалар эшиги тақа-тақ берк, уни очишга менда мажол йўқ, уруш қўлимдаги калитни уриб тушириб юборган. У энди Сибирь ботқоғининг тубида. Бўлди, бу ҳақда гапирмайлик... Яхшиси, менга конягингдан қуй. Ичиш ва чекиш – мана бизнинг урушдан ўрганган бирдан-бир ҳунаримиз.

Франц қадаҳчаларни итоаткорона тўлдираркан, қўли дир-дир титрарди.

– Ахир бу нимаси, йўқ, ахир бир ўйлаб кўринг-а! Шундай ақлли, ишчан, виждонли йигит хор бўлиб юрса. Бориб турган шармандалик-ку! Истеъдодинг билан узоққа кетишинг борасида қасам ичишга тайёр эдим. Кимдир шунга муносиб бўлса, бу – сен эдинг. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ахир вақти келиб ҳаммаси изга тушиши керак-ку!

– Керак?! Қайтиб келганимдан кейин, беш йил давомида мен ҳам шунақа ўйловдим. Лекин "керак" деганлари қаттиқ ёнғоққа ўхшайди, уни ҳар ким ҳам чақа олмайди. Ахир ҳаётда ҳамма нарса биз мактабда ўқиганимиз: "То қабрга қадар содиқ ва виждонли бўл..." дейилгандан кўра сал бошқачароқ. Биз узилган думи қайта ўсиб чиқувчи калтакесаклар эмасмиз. Франц, ҳаётимизнинг олти, энг яхши олти йилини – ўн тўққиздан йигирма беш ёшимизга қадар – тортиб олиб қўйишганда, тирик танамиздан кесиб олишганда, гарчи сен уйга соғ-омон қайтишга муваффақ бўлдик деётган бўлсанг-да, ўзингни барибир майиб-мажруҳ ҳис этасан. Билимим ҳар қандай ўспирин ҳунарманд ёки гимназия ўқувчисиникидан ортиқ эмас. Худди шу билим билан ишга ёлланаман, кўринишимга келсак, камида қирқни уриб қўйгандекман. Йўқ, биз жуда оғир замонда дунёга келдик ва ҳеч қандай шифокор бизга кўмак бера олмайди. Умримиздан юлқиб олинган олти йил – ким бунинг ҳиссасини қайтарарди? Ҳукуматми? Шу ўғри ва каззоблар тўдасими? Қирқ нафар вазиримиз орасидан, адлия, ижтимоий кўмак, тинчлик ва уруш даврининг ҳар қандай маъмурияти ичидан адолат тарафини олгувчи лоақал биттасининг номини айта оласанми? Аввалига улар бизни Радецкийнинг марши ва "Тангри, ўзинг асра" садолари остида урушга солдилар, энди эса бутунлай бошқа нағмани чалишмоқда. Ҳа, азизим, ҳолинг танг бўлиб турганда, олам кўзингга мана шундай коронғи кўринаверараркан.

Топтаб-янчилган кўйи ўтирган Франц Неллининг норози нигоҳини пайқамай, хижолат бўлганча дўстини оқлай кетди.

– Сени тинглаб турибман-у, таний олмаяпман... Эҳ, аёллар, унинг урушда қандай бўлганини кўрганларингда эди – ундан ҳам меҳрибон ва иқтидорли одамнинг ўзи йўқ эди. Гуруҳимизда бирдан-бир ор-номусли йигит шу эди. Озғин, ўн тўққиз яшар йигитча – мана шу Фердинандни қай тарзда келтиришгани ёдимда: бошқалар талотўпдан қутулганига шукр қилганидан сал бўлмаса ўйинга тушай деб турибди, фақат ёлғиз у чекиниш пайтида тўғридан-тўғри вагон ичида асирга олингани, охиригача жанг қилиш ва ватан учун жон фидо қилишга имкон бермаганлари боис ғазабдан оқариб кетганди. Эсимда – биринчи оқшомдаёқ тиз чўкканча шундай тиловат қилдики, биз ҳали бунақасини кўрмагандик... Ҳа, урушга худди пастор[1] билан онасининг кучоғидан келиб қолгандек эди. Агарда биров император ёки армиямиз устидан кула бошласа, томоғидан бўғиб олишга тайёр эди. Мана шунақа эди у – энг виждонли аскар! Боз устига, газеталар ёзаётган хабарлар ва полк бўйича чиқаётган буйруқларга ишонарди... энди эса мана нимани сўзлаб ўтирибди.

Фердинанд унга қовоқ солиб қаради.

– Ҳа, мен барчасига мактаб боласидек ишонардим. Бироқ сизлар мени йўлдан урдингиз. Ахир биринчи куниёқ, буларнинг бари алдов, генералларимизнинг ҳаммаси эшак, интендантларнинг[2] барчаси ўғри, ким

[1] Пастор – протестант мазҳабидаги роҳиб.

[2] Интендант – армияда моддий таъминот хизматини бажарувчи ҳарбий ходим.

асир тушмаган бўлса, ўша аҳмоқ деган сизлар эмасми? Энг биринчи тарғиботчи ким эди? Менми ёки сен? Ким жаҳон инқилоби ва жаҳон социализми ҳақида гапирган? Ким биринчи бўлиб қизил байроқни қўлида тутганча, кокардаларини[1] юлқиб олиш мақсадида зобитлар лагерига йўл олган? Қани, қани, эслаб кўр-чи! Ким қизил комиссар билан биргаликда губернатор саройида, асирдаги австрияликлар қаршисида сўзлаган? Улар энди императорнинг ёлланма хизматкорлари эмас, балки жаҳон инқилоби аскарлари, уйларига капиталистик тузумни йиқиб, ўрнига тартиб-интизом ва адолат салтанатини барпо қилиш учун қайтадилар, деган? Хўп, сенга севимли ҳунаринг ва бир кружка пивонгни яна қайтариб берганларидан сўнг нима бўлди? Ўтиниб сўрамоққа рухсат беринг, жаноб обер-социалист! Сизнинг ўша бутунжаҳон инқилобингиз қайда қолди?

Эри уйида бўла туриб бегона бир одам боладек дашном беришига йўл қўяётганидан жаҳли чиққанини яширолмаган Нелли ўрнидан ирғиб туриб, идиш-товоққа уннаб кетди. Опасининг ранжиганини Кристина сезиб турар, бироқ унинг ўзи нечундир хурсанд бўлиб, туман бюросининг бўлғуси раиси бўлмиш поччаси бош эгиб, хижолатга ботиб, узр сўраётганидан ҳатто кулгиси келмоқда эди.

– Биз ахир нима керак бўлса барини қилдик. Ўзинг биласан-ку, дастлабки кундан бошлаб юборгандик инқилобни...

– Инқилобни? Қўйсанг-чи, сен айтган инқилобнинг чақиб ташланган пистачалик қадри йўқ. Императорлик-қироллик қурамасида сиз фақат лавҳани ўзгартирдингиз, ичкарини эса аввалгидек қолдиравердингиз. Мўминлик ва мутелик билан жанобларни юқорига кўтариб, фуқарони эса худди шу тарзда қуйига итқитдингиз. Столга мушт тушириб, ҳаммасини таг-томири билан қуритишга юрагингиз бетламади. Сизда инқилоб эмас, Нестройнинг[2] ҳажвияси бўй кўрсатди, холос.

У ўрнидан туриб, кучли ҳаяжон ичида хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Сўнг бирдан Францнинг қаршисида тўхтади.

– Мени нотўғри тушунма, "қизиллар"дан эмасман! Фуқаролар урушини жуда яқиндан кўрдим ва мабода сўқир бўлиб қолганимда ҳам, буни барибир унутмайман... Битта қишлоқ уч маротаба қизиллардан оқларга ўтди, ниҳоят, қизиллар узил-кесил забт этганда, жасадларни кўмишга бизни мажбур этишди. Куйиб кўмирга айланган, тилка-пора қилинган болакайларни, аёлларни, отларни устма-уст ётқизиб ўз қўлларим билан кўмганман. Бадбўй ҳид, даҳшат... Шундан бери фуқаролар уруши нима эканлигини биламан ва кимдир ҳозир мендан мангу адолатни тангридан шу йўл билан олиб беришни сўраса, қатъиян рад этаман. Энди бу билан менинг ишим йўқ, мен большевиклар тарафида ҳам, уларга қарши ҳам эмасман. На коммунист, на капиталистман, мени фақат биргина инсоннинг – ўзимнинг тақдирим ўйлантиради! Ва мен хизмат қилишни истаган бирдан-бир давлат – иш жойим. Кейинги авлоднинг қай тарзда бахтга эришмоғига эса тупуриб қўйганман! Менинг ғамим – парчаланган ҳаётимни қайта тиклаш ва қайси ишга лаёқатли бўлсам, ўша билан шуғулланиш. Ҳаётимда тартиб ва бир соатгина бўш вақт пайдо бўлса, ўшандагина қандай қилиб бутун дунёда тартиб ўрнатишни ўйлаб кўрарман. Аммо, аввалambор, ўз ўрнимни топишим керак. Бировларнинг иши борасида ташвиш қилишга сизда вақт бор, мен эса ўзимникидан ортмайман.

[1] Кокарда – расмий фуражка ёки телпакка қадаладиган нишон.

[2] Иоганн Нестрой (1801–1862) – австриялик ҳажв устаси.

Франц эътироз билдиришга уриниб кўрди, аммо Фердинанд бунга йўл қўймасди.

– Қўйсанг-чи, сендан гина қилмаяпман. Сен ажойиб йигитсан ва ишонаманки, агар имконинг бўлса, мен учун Миллий банкни ўмариб келтирган бўлардинг ва мени молия вазири этиб тайинлардинг. Меҳрибон инсон эканлигингни биламан, бироқ шунақа меҳрибон, ишонувчан бўлганимиз, биз билан нимани исташса шуни қилганлари – ўзимизнинг айбимиз, гуноҳимиз! Йўқ, оғайни. "Мана, бошқалар бундан баттар, сенинг-ку омадинг келди, оёқ-қўлинг бутун, қўлтиқтаёқсиз чопиб юрибсан", деган ишонтиришлар, қасамлар билан мени бошқа алдай олмайдилар. Йўқ, энди мени алдаб бўлмайди. Энди ҳеч нимага ишонмайман. Яратганга ҳам, давлатга ҳам, ҳаётнинг маъносига ҳам – биронтасига! Ҳуқуқимни ҳимоя қила олганим, яшаш ҳуқуқини қўлга киритганимни ҳис этмагунимга қадар ишонмайман ва агар шуларга эришолмасам, мени алдаганлари ва бор-будумни ўғирлаганларини таъкидлайвераман. Одамга ўхшаб яшаётганимни ҳис этмас эканман, бўш келмайман. Бегоналар чайнаб ташлаган сарқитлар билан овунмайман. Бу сенга тушунарлидир?

– Албатта!

Ҳамма ажабланганча нигоҳини кўтарди. "Албатта" баланд овозда ва эҳтирос билан айтилганди. Қизиқувчан нигоҳлар ўзига тикилиб турганини ҳис этган Кристина қизариб кетди. Ахир гапиришни истамовди, фақат хаёлан, юрак-юрагидан бу "албатта"ни талаффуз қилган, бу сўз ўзидан-ўзи оғзидан отилиб чиққанди. Мана энди ҳамманинг нигоҳи остида хижолат чекиб ўтирибди. Ўртага сукунат чўкди. Шу пайт Нелли ўрнидан ирғиб турди: захрини сочиш учун ахийри баҳона топилди-я.

– Сендан ким сўраяпти? Гўё урушга қандайдир даҳлинг, алоқанг бўлгандек. Бу борада нимани ҳам тушунардинг?

Хонадаги муҳит жунбушга келган, Кристина ҳам ғазабини сочиш имкони туғилганидан мамнун эди:

– Ҳеч нимани тушунмайман! Мутлақо ҳеч нимани! Фақатгина, шу уруш туфайли ҳамма нарсамизни бой берганимизни биламан. Бизнинг акамиз бўлганини унутган кўринасан, отамиз касодга учраганини ҳам, барчасини ер ютганини ҳам унутдинг шекилли... барчасини!

– Сен нолимасанг бўлармиди – яхшигина иш жойинг бор. Шунга хурсанд бўлиш ўрнига...

– Демак, хурсанд бўлишим керак. Қўшимчасига, ўша кавакда адо бўлаётганим учун миннатдор бўлишим ҳам керак, а? Ойимни йилда бир – фақат байрамларда бориб кўрганингдан, у ерда яшаш сенга ҳам ёқмаган кўринади. Жаноб Барнер нима деган бўлса – ҳаммаси тўғри. Бизнинг умримизни ўғирлаб, ўрнига ҳеч нима беришмади. Бир дақиқа хотиржамлик, шодлик йўқ. На таътил, на ҳордиқ...

– На таътил? Ўзи Швейцарияда бўлиб келди – шоҳона меҳмонхонада. Яна нолишини қаранг.

– Ҳеч кимга нолиётганим йўқ, бироқ сенинг нолишларингни бутун уруш бўйи эшитганман. Швейцарияга келсак... Айнан ўша ёқда кўрганларим туфайли айтадиган нарсаларим бор. Бизни нималардан маҳрум қилишганини... фақат эндигина тушунаяпман... умримизни қандай хазон қилганларини... биз нимани...

Кристина меҳмоннинг ўзига тикилиб турганини бехосдан пайқаб, уялиб кетди ва жудаям ошириб юборганини сезиб, гап оҳангини ўзгартирди:

– Жанг қилганлар билан ўзимни тенглаштирмоқчи эмасман, албатта. Барчамиз ҳам тегишли улушимизни олган бўлсак ҳам улар биздан кўра кўпроқ жабр тортган. Мен ҳеч қачон шикоят қилмаганман, минғирламаганман, ҳеч кимга оғирлигим тушгани йўқ. Бироқ сен гапираётиб...

– Болалар, тинчлик сақлансин! Жанжаллашманглар, – аралашди Франц. – Бунинг тарихчалик фойдаси йўқ, тўрталамиз барибир ҳеч нимани ўзгартира олмаймиз. Сиёсатнинг кераги йўқ, у фақатгина низо келтириб чиқаради. Келинглар, бошқа нарсалар ҳақида гаплашайлик ва илтимос, мени лаззатдан маҳрум қилманглар. Дўстимни яна кўриб қолиш мен учун қандай саодат эканлигини тасаввур ҳам қилолмайсизлар. Ҳатто мени уришиб-сўкаётган бўлса ҳам қанчалик бахтиёрман.

Кичиккина даврада яна тинчлик ҳукм сура бошлади. Ҳаммалари бир неча дақиқа бу сукутдан роҳатланишди, кейин Фердинанд ўрнидан турди.

– Мен энди борай. Қани, болаларингни чақир-чи, яна бир марта уларга кўз ташламоқчиман.

Болакайларни келтиришди. Улар меҳмонга қизиқиб ва ажабланиб қараб туришарди.

– Мана буниси Родерих, урушгача туғилгани. У ҳақда биламан. Иккинчи болакай, бошқача қилиб айтганда, "янгигинаси" исми нима?

– Иоахим.

– Иоахим? Франц, менга қара, сен унга бошқача исм қўймоқчи эмасмидинг?

Франц титраб кетди.

– Эй худо, Фердинанд! Унутибман, буткул унутибман. Нелли, ўйлаб кўр-а, бу нарса мутлақо ёдимдан кўтарилибди! Ахир биз агар уйга қайтсак, янги туғилган боламга у, унинг боласига эса мен адаш бўлишимга ваъдалашгандик-ку. Вой, буткул унутибман-а! Хафа бўлдингми, а?

– Қадрдоним Франц, ўйлайманки, бундан буён биз бир-биримиздан асло ранжий олмаймиз. Жанжаллашишимиз учун ўтмишда жуда кўп вақт бўлганди бизда. Биласанми, афсуски, ҳаммамиз ўтмишимизни унутиб қўямиз. Балки бу ҳам яхшиликкадир. – У болакайнинг бошини силади, нигоҳи майинлашди. – Менимча, исмим унга бахт келтирмасди.

Энди у бутунлай хотиржам эди. Болага қўлини теккизгандан сўнг чеҳрасида қандайдир болаларга хос ифода зуҳур бўлди ва омонлик тилагандек, уй бекаси томон юрди.

– Авф этинг мени, бекам... Афсуски, унчалик одобли меҳмон бўла олмадим. Франц билан қандай гаплашганим сизга ёқмаганини пайқадим. Аммо, тушунинг, қаторасига икки йил биз у билан бир товоқдан овқатландик, битларимизни бирга ўлдирдик, бир-биримизнинг соқолимизни олиб қўярдик ва шундан сўнг ҳам ўзаро товон уриштириб саломлашсак ва тизза букиб таъзим бажо келтираверсак, билмадим яна... Эски қадрдонингни учратиб қолганда у билан худди ўша дамлардагидек суҳбатлашасан ва агарда унга ҳозир бироз танбеҳ берган бўлсам, демак, қизишиб кетибман. Бироқ у ҳам, мен ҳам биламиз: биз ҳеч қачон ажралмаймиз. Авф этинг, тушунаман, мени тезроқ кузатиб қўйишни истаб турибсиз. Эҳ, жуда яхши тушунаман!

Фердинанд айнан ўзи ўйлаб турган нарсаларни айтгани боис, Нелли ранжиганини яширди:

– Йўқ, йўқ, истаган пайтингизда кириб туринг, сизни кўрганимдан хурсандман. Францга эса сиз билан ўтириш жуда мароқли. Бирон куни тушлик пайти кириб ўтинг, жуда хурсанд бўлардик.

"Хурсанд" сўзи унчалик ҳам табиий чиқмади, қўл бериш ҳам совуққина, сипо. Фердинанд у билан жимгина хайрлашди. Нелли фақат бир сониягагина унинг нигоҳини пайқади – синовчан, илиқ.

– Дарвозагача кузатиб қўяман, – деди меҳмон эшик сари юрганда ортидан эргашган Франц.

* * *

Улар чиққан заҳоти Нелли деразани ланг очди.

– Тутатиб юборди-я, бўғилиб ўлиш ҳеч гапмас, – деди у лиқ тўла кулдонни деразанинг тунука рафига тарақлатиб ураркан.

Опаси деразани очиб ташлаб, уйга ўзга одам билан кирган барча нарсадан халос бўлишга ошиқаётганини Кристина пайқаб турарди. У худди бегонадек танқидий нигоҳ билан опасини кузатди. Қанчалик бағритош бўлиб қолибди, озиб-тўзиб кетган, ваҳоланки, бир пайтлар қувноқ, дилбар қиз эди. Ҳаммаси қизғанчиқлигидан, эрига пулга ёпишгандек ёпишиб олганидан. Ҳатто унинг дўстига ҳам бир қатра ён бергиси келмади – Франц ўзига бус-бутунлигича тобе бўлиши керак. Тинмай итоаткорона меҳнат қилиши ва Нелли тезроқ раис хоним бўлиши учун пул жамғариши керак. Кристина бир пайтлар ўзига валинеъмат деб билган опаси ҳақида илк бор нафрат ва ижирғаниш билан ўйлади. Зеро, Нелли нимани тушунишни истамаса, ўшани тушунмаётган эди.

Хайриятки шу пайт Франц келиб қолди. Хонада яна бўрон олдидан бўладиган сукунат тушганини ҳис этиб, иккиланибгина, оёғи тагидаги ер ўпирилиб тушадигандек, юмшоққина одимлар билан хотини томон йўналди.

– Келардинг-да! Бўпти, бу "лаззат"ни ҳали кўп татиб кўришимизга тўғри келадими дейман. Мазахўрак бўлади энди – манзилимиз аниқ бўлди-ку.

Франц даҳшатга тушди.

– Нелли... қандай ҳаддинг сиғди! Унинг қандай инсон эканлигини тушунмайсан-да. Бирон нима илтимос қилишни истаганида, аллақачон келган, манзилимни расмий маълумотномадан топиб олган бўларди. Аҳволи ночор бўлгани учунгина келмаётганини наҳотки тушунмаётган бўлсанг? Ахир билади-да: мен унинг учун исталган ишни қилган бўлардим.

– Албатта. Бунақалар учун ҳеч нимангни аямайсан. Марҳамат, учрашиб юравер, қаршилигим йўқ. Фақат уйимизда эмас, мен учун шу сафаргиси ўзи етарли. Кўраяпсанми, дастурхонда қандай тешик очиб қўйди сигаретаси билан. Полнинг аҳволини қара – дўстгинанг ҳатто оёғини артиб киришни лозим топмади... Албатта, супуриб қўя оламан... Бўпти, агар сенга маъқул экан, халақит бермайман.

Кристина муштини сиқди, опаси ва итоаткорона кўринишда хотинига ниманидир тушунтирмоқчи бўлаётган Франц учун номус қилмоқда эди. Вазият чидаб бўлмас даражага етганди. У ўрнидан турди.

– Менинг ҳам кетиш пайтим бўлди, акс ҳолда поездга улгурмайман. Шунча вақтларингни олганим учун жаҳлларинг чиқмасин.

– Нималар деяпсан, – деди опаси, – имкон бўлганда яна кел.

Буни бегона одамга "хайрли кун" ёки "хайрли тун" дегандек гапирди. Опа-сингил ўртасида аллақандай совуқлик пайдо бўлганди. Опа сингилнинг исёнкорона феълини, сингил унинг ўзгармаслигини кўргани кўзи йўқ эди.

Зинадан тушаётганда бехосдан пастда мени Фердинанд Барнер кутиб турган бўлса керак, деб ўйлаган Кристина бу хаёлдан қутулишга уринди. Ахир у одам ўзига қизиқсиниб тез кўз ташлаб олган ва ҳеч нима демаганди. Боз устига, ўша киши билан учрашишни истайдими-йўқми, ўзи ҳам ҳали билмасди. Бироқ зина бўйлаб битта-битта тушиб келаркан, кўнглига келган хаёл деярли ишончга айланди ва ташқарига чиққач, қаршисида аввал шамолда ҳилпираётган ёмғирпўш, сўнг Фердинанднинг ҳаяжонланган чеҳрасини кўрганда ҳайратланмади.

– Сизни кутишга аҳд қилганим учун авф этинг, фройляйн, – деди Фердинанд қандайдир бошқача, аввалги кескин, дадил гап оҳангига сира ўхшамайдиган ҳадиксираган, хижолатли, босиқ товуш билан. – Аммо доимо чўчиб турдим, сизга... опангиз сиздан ранжимадимикин, деб... Франц билан қўпол гаплашганим учун дейман-да... кейин яна, сиз... мени қувватлаганингиз учун... Дўстимга қаттиқ гапирганимдан жуда афсусдаман. Биламан, бировнинг уйида, нотаниш одамлар даврасида ўзингни бундай тутишинг ярамайди. Бироқ онт ичаманки, буни ёмонлик тилаб қилмадим, аксинча... Ахир Франц – ажойиб, оққўнгил йигит, тенги йўқ дўст, жуда, жуда яхши инсон... Ҳали, ногаҳонда учрашиб қолганимизда бўйнидан қучоқлаб, ўпиб олишимга, умуман, хурсандчилигимни жиллақурса, унингдек кўрсатишимга оз қолди... Аммо, биласизми, тортиндим... сиз ва опангиздан тортиндим – ахир ҳиссиётга ҳаддан зиёд берилиш ўзгалар нигоҳида кулгили... ана шу тортинчоқлик боис унга сапчий бошладим... бироқ ҳаммаси ўз-ўзидан, бехосда шундай бўлиб қолганига айбдор эмасман. Дум-думалоқ қорин қўйган, мамнун, граммофон товуши остида қаҳва ичаётган Францни кўриб, елкамга шайтон миниб олгандек бўлди ва ўйладимки, қани, бир жиғига тегиб, озгина қимирлатиб қўяйчи... Франц энг ёркин тарғиботчи эди, эртадан-кечгача фақат инқилоб ҳақида гапирарди: "Ғанимни янчиб ташлаймиз, тартиб ўрнатамиз..." Ва мана, уни шундай дўмбоққина, хонаки, ҳамма нарсадан – аёли, болалари, фирқаси ва айвонида гул ўстирилган уйидан мамнун, мириқиб яшаётган, тирикчиликдан бошқани билмайдиган ҳолда кўрганимда, ўзимни тутиб туролмадим ва бироз чимчиламоқчи бўлдим. Опангиз эса мени фаровон ҳаётимизга ҳасад қилаяпти, деб ўйлади... Бироқ онт ичаман, унинг фаровон яшаётганидан хурсандман ва агар уни чимдиб олган бўлсам, бу бор-йўғи жудаям... Францни қучоқлагим келганидан, елкасига, қорнига шапатилаб қўйишни истаганимдан бўлди, лекин сизлардан тортиндим...

– Мен буни дарҳол тушунгандим, – жилмайди Кристина уни хотиржам қилиш учун. – Ҳа, Франц шодлигини шундайин қизғин намойиш қилганда жуда ноқулай бўлди – сал қолди сизни кўчадаёқ қўлтиқлаб олишига. Бундай пайтда ҳар қандай одам уялиб кетади.

– Ташаккур... мени тушунганингиздан хурсандман. Опангиз эса буни англамади. Тўғрироғи, эри мени кўрган заҳоти ўзгариб кетганини, бошқа одам бўлиб қолганини пайқади, холос... У Франциинг бунақа хислатларидан бехабар. Ахир ўша пайтлари неларни бошдан кечирганимиз ҳақида

унда ҳатто тасаввур ҳам йўқ... Биз битта камерадаги икки маҳбус каби эрталабдан кечгача, тундан тонггача ажралмасдик. Мен у ҳақда шунчалик кўп нарса билиб олдимки, хотини буларни ҳеч қачон била олмайди ва агар истаганимда, у мен учун ҳамма ишни қиларди – мен унинг учун қилганим каби... Гарчи ўзимни худди аччиқланаётгандек ёки унга ҳасад қилаётгандек тутган бўлсам ҳам хотини буни ҳис этди... Эҳтимол, менда қаҳр-ғазаб мўлдир – ҳақни ҳақ демай қаёққа ҳам борардинг... Бироқ ҳасад йўқ, ҳеч кимга нисбатан, ўзингга яхшилигу бошқаларга ёмонлик тилагувчи ҳасаддан йироқман. Мен ҳаммага яхшилик истайман. Фақат, ахир ҳар қандай инсон ўз яқини фаровон, шод-хуррам яшаётганини кўрса, одатда ўзига ўзи шу саволни беради-ку: "Нега энди мен ҳам бундай эмасман?.." деб. Савол мутлақо табиий, бу ерда бировни айблаш ноўрин... Сиз мени тушунаяпсиз... Мен: "Нега унинг ўрнида мен эмас?" – деб сўраётганим йўқ. Асло! Фақатгина: "Нега энди мен ҳам бундай эмасман?" – деяпман.

Кристина беихтиёр тўхтаб қолди: у нимани ўйлаётган бўлса, бу инсон айнан шуларни неча марталаб қайтарган, у ғира-шира ҳис қилувчи нарсани ниҳоятда аниқ-тиниқ баён этганди: "Бировнинг ҳеч нимаси менга керак эмас, бироқ ўзимда ҳам бахтдан улуш олмоққа ҳуқуқ бор. Бошқалар қорни тўқ ва иссиқ жойда яшаб турган бир пайтда нега энди мен ҳар доим оч юришим, дийдирашим керак?"

Уни зериктириб юбордим, энди мендан қутулмоқчи шекилли, деган ўй билан Фердинанд ҳам тўхтаб қолди ва иккиланганча шляпасига қўл теккизди. Кристинанинг ташлаган биргина нигоҳи унинг бу имиллаши, иккиланувчи қўл ҳаракати ва дабдаласи чиққан, товони босиб ташланган туфлиси, ғижимланган, почаси титилиб кетган шимини бирваракайига қамраб олди. Қиз тушундики, фақат камбағаллиги ва ночор эгни-боши туфайлигина бу одам унинг каршисида ўзининг шунчалик хокисор тутмоқда. Айни паллада у ўзини яна Швейцария меҳмонхонасида кўрди ва ўшанда жомадон тутган қўли қандай қалтираганини эслади. Унинг хокисорлиги шу қадар билинмоқдаки, гўё қизнинг ўзи бу одамга айланиб қолгандек. Кристинада шу заҳотиёқ унга – яъни, ўзига-ўзи кўмак бериш истаги туғилди.

– Поездга чиқар вақтим бўлди, – деди унинг қўрқиб кетганини мамнуният билан пайқаб. – Лекин, агар сизда мени кузатиб қўйиш истаги бўлса...

– О, марҳамат, жоним билан!

Кристина унинг товушидаги шодона ҳадиксираш оҳангини илғаб, яна бир бор ёқимли ҳис туйди.

Энди у Кристинани қўлтиқлаб олганча узр сўрашни давом эттирмоқда эди:

– Барибир ўзимни жуда аҳмоқона тутдим. Уҳ, қанчалар алам қилаяпти... Гўё опангизни пайқамагандек, хонада бор-йўқлигини назарда тутмагандек. Ахир бундай қилиш мумкин эмас-ку! У ахир Франциинг хотини, мен эса мутлақо бегона одам. Энг аввал, аёлдан болалари ҳақида сўрашим керак эди, қайси синфда ўқишаяпти, баҳолари қандай ва умуман, фақат эр-хотиннинг ҳар иккисига тааллуқли нарсалар ҳақида гапириш керак эди... Лекин ўзимни тута олмадим... Францни кўрган заҳотим ҳаммасини унутдим, шунчалар хурсанд бўлиб кетдимки... ахир у мени биладиган, ту-

шунадиган бирдан-бир инсон. Аслини олганда, биз ўхшаш ҳам эмасмиз... Биз турли хил шароитларда улғайганмиз ва мен нимага интилаётганим, неларни истаётганим унга аён эмасди... Бироқ мана, ҳаёт бизни яна учраштирди. Икки йил мобайнида биз кимсасиз оролда бўлгандек дунёдан ажралиб қолувдик. Эҳтимол, айтган барча гапларим унга етиб бормагандир, тушунмагандир. Бироқ ички бир ҳиссиёт билан мени бошқалардан кўра яхшироқ англарди. Баъзида, бир-биримизни тушунишимиз учун сўзга ҳам ҳожат йўқ эди. Ва бугун уйига кирган онимдаёқ у ҳақда барини билиб олдим – балки унинг ўзидан ҳам кўпроғини. Франц буни тушунди... мана шунинг учун ҳам гўё уни қандайдир бир айб устида ушлаганимдек, нуқул уялиб ўтирди... Билмадим, нега, балки мешдай қорни учундир, балки ҳаммага ўрнак бюргерга[1] айланиб қолгани учундир... Бироқ ўша ондаёқ у яна ўзига айланиб бўлганди. Хотини, сиз энди унинг учун йўқ эдингиз, биз жон-жон дея фақат иккимиз қолиб, тун бўйи суҳбатлашган бўлардик... Албатта, буни опангиз тушунди... Хўп, нима қилибди? Унинг соғ-омон юрганини энди биламан, қайтганимни у ҳам билади. Иккимиз учун ҳам бу мароқли, мамнун қилувчи ҳолат... Иккимизнинг ҳам ишончимиз комилки, агар биттамизнинг аҳволимиз ёмонлашса, юрак дардини тўккани қаерга боришимизни энди яхши биламиз. Бошқалар эса... йўқ, сиз буни тушунолмайсиз, ўзим ҳам яхшилаб тушунтира олмасам керак. Бу ерга келганимдан бери... менда шундай бир туйғу борки, гўё Ойдан қайтиб тушганман. Мен билан ёнма-ён яшаган кимсалар аллақандай бегоналишиб қолган... Қариндошларим ёки бувим билан ўтирсам, нима ҳақда гапиришни билмайман, нимадан хурсанд эканликларини тушунмайман. Нима қилишмасин, барчаси менга мутлақо тушунарсиз, бемаъниликдек кўринаверади. Гўё... кафеда рақс тушаётганларни кўчадан туриб дераза орқали томоша қилаётганингдек. Ҳаракатларини кўрасан, мусиқа эса эшитилмайди. Ва ҳайратга тушасан: нега улар бунчалар хушнуд чеҳра билан эчкидек ирғишлаб ётибди. Умуман, мен инсонлардаги ниманидир тушунмайдиган бўлиб қолдим. Улар ҳам каминани тушунмай қўйишди ва шу боис ҳасадгўй ёки серзарда деб ҳисоблашлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Худди мен бошқа тилда сўзлаётгандек, улардан қандайдир тушунарсиз нарсани талаб қилаётгандек... Нима бўлганда ҳам, каминани авф этинг, фройляйн. Буларнинг бари бемаънилик, мен шунчаки вайсаяпман, холос. Буларнинг мағзини чақишингиз шарт эмас – арзимайди.

Кристина яна тўхтаб, унинг юзига боқди.

– Адашаяпсиз, – деди у, – сизни жуда яхши тушунаман. Ҳар бир сўзингизни. Яъни, бир йил аввал, тўғрироғи, уч ой илгари, эҳтимол, сизни тушунмаган бўлардим. Бироқ ўша ёқдан... қайтиб келганимдан сўнг... – Унинг хаёли жойига тушиб, бирдан тўхтаб қолди: бегона одамга ҳаммасини айта бошлашига сал қолди-я! У дарров мавзуни ўзгартирди. – Айтганча, мен ҳозир вокзалга эмас, жомадонни олгани меҳмонхонага кетаётирман. Улар ўйлашганидек бугун эрталаб эмас, кеча оқшом келгандим... Опамга буни айтмаганим боиси – уникида эмас, меҳмонхонада тунаганимни эшитиб ранжиган бўларди. Мен эса бировга малол келишни хоҳламайман ва ўтинаман... бу ҳақда... Францга айтманг.

– Албатта, бу ўз-ўзидан маълум нарса-ку.

[1] Бюргер – шаҳарлик одам, мешчан.

Кристина унинг хурсандлигини, ўзига ишонишаётганидан миннатдор эканини ҳис этди. Иккаласи жомадонни олгани боришганда Фердинанд уни қўтармоқчи эди, Кристина рухсат бермади.

– Йўқ, йўқ, ахир сизнинг қўлингиз... ўзингиз айтгансиз...

Ҳамроҳининг бироз ранжиганини пайқаган қиз бу гапни бекор айтганини бирдан фаҳмлаб, шу заҳоти жомадонни узатди.

Вокзалга етиб келишганда поезд жўнашига чорак соат бор эди. Шу боис кутиш залида ўтириб, Франц, почта, Австриядаги сиёсий вазият, турли майда-чуйдалар ҳақида суҳбатлашаркан, Фердинанднинг зукколиги, фикр юритишдаги кузатувчанлиги Кристинада яхши таассурот қолдирди. Мана, вақт ҳам тугаб, у ўрнидан турди.

– Менимча, кетар пайтим бўлди.

Фердинанд ҳам қўрққандек шоша-пиша қўзғалди – суҳбатни узиб қўйиш унга ёқмагани кўриниб турарди. "Бугун оқшом у бутунлай ёлғиз бўлади", – ҳамдардлик билан ўйлади Кристина. Кўнглини олмоқчи бўлаётган одам бехосдан ҳаётида пайдо бўлиши унга хуш ёқмоқда эди. Ўзи сингари ҳеч кимга кераги йўқ, оддийгина почтачи, марка сотиш, телеграмма юбориш ва телефон қўнғироқларига жавоб қайтариш учун яшаб юрган бир инсоннинг ҳам ким учундир қадри борлиги ёқимли эди. Фердинанднинг қайғу чўккан чеҳраси ногаҳон унда раҳм-шафқат туйғусини уйғотди ва тўлқинланганча деди:

– Айтганча, навбатдаги поездда кетсам ҳам бўлади – соат ўн-у йигирмада. Демак, сайр этиш ва бирон яқинроқ жойда кечки овқат қилиш учун ҳали вақт бор... Агарда қарши бўлмасангиз, албатта...

Шу заҳоти Фердинанднинг чеҳраси ёришиб, кўзларида шодлик порлади.

– О, йўқ, заррача ҳам! – хитоб қилди у.

Жомадонни сақлаш камерасига топшириб, кўча ва хиёбонлар бўйлаб сайр этишаркан, сентябрь оқшоми кўкимтир тутундек атрофни қамраб борар, уйлар оралиғида думалоқ чироқлар оқариб кўрина бошлаганди. Иккаласи ёнма-ён, шошилмай, сайр этувчиларга хос одимлар билан юришар, худди шу сайрга хос енгилгина суҳбат қуриб боришарди. Шаҳар четида кичкина ҳовлили, печакгул кўчатларининг жонли девори билан ажратилган столларлари бор, очиқ ҳавода суҳбатлашишга ярайдиган арзон ресторанга дуч келишди. Ўзингни алоҳида ложада ўтиргандек ҳис қиласан, қўшнилар сени кўришади, бироқ ҳар ҳолда, нима деётганингни эшита олишмаса керак. Кристина ва ҳамроҳи бўш "ложа" топганларидан хурсанд бўлишди. Бу ҳовли уйлар билан ўраб олинган бўлиб, қаердандир граммофон саси келмоқда эди. Валс садоси чала-чулпа қулоққа чалинарди. "Ложа"ларнинг бирида кимдир шарақлаб кулди, кимдир эса ёлғиз, тинчгина, ҳиқичоғидан маза қилганча ичиб ўтирибди. Ҳар битта столда шишадан ясалган гулдек, бошига қалпоқ кийдирилган шам, ҳар нимага қизиқувчи ҳашаротлар эса қоп-қора сочма ўқ каби улар атрофида визиллаб учишади. Салқин ҳаво жоннинг ҳузури.

(Давоми келгуси сонда)

ЮНОН ИБОРАЛАРИ ФРАНЦУЗ ТИЛИДА

Юнон адабиёти бошқа халқлар адабиётига суянмасдан, мустақил равишда пайдо бўлган адабиётдир. Ўз даврида юксак тараққий этган бу адабиёт милоддан аввалги III асрда Рим маданиятининг юзага келишида муҳим ўрин тутади. Юнон – рим маданияти Европа халқлари тараққиётининг энг қадимий манбаи ҳисобланади. Юнонлар адабиётида қаҳрамонлик, мардлик, ватанга муҳаббат, инсон қудратини улуғлаб, уларнинг акси бўлган пасткашлик, қўрқоқлик, сотқинлик каби иллатларни қоралаб тасвирлаганлар. Бу халқнинг қадимий адабиёти ҳозир ҳам ўз бадиий-ғоявий қийматини йўқотмаган.

Юнон ёзма адабиётининг энг қадимги намуналари тахминан милоддан аввалги IX–VIII асрларда яшаб ўтган Ҳомернинг "Одиссея" ва "Илиада" достонларидир. Ушбу достонларнинг мавзуси милоддан аввалги XIII-XII асрларда юнонлар ва трояликлар ўртасида бўлиб ўтган уруш ривоятлардан олинган. Мазкур достонлар ва бошқа юнон антик адабиёти намуналарида қўлланилган айрим иборалар француз тилида ҳамон фаол истеъмолда.

Масалан, Гомер достонларида қўлланилган баъзи жумлалар оғиздан-оғизга ўтиб, француз тилида фаол ибора қўлланилади. Масалан, "*Ajax et Hector*", "*Cheval de Troie*" ифодалари унинг "Илиада" достонидан, "*Qui se ressemble, s'assemble*", "*Voyage d'Ulysse*" жумлалари эса "Одиссея" достонидан олинган.

"*Ajax et Hector*" иборасининг қўлланилишига сабаб, достондаги бир воқеага асосланади. Шоҳ Приямнинг ўғли Гектор Троя қўшинлари орасида энг жасур жангчи бўлган. Телемоннинг ўғли Ажакс ҳам ўз қўшинлари орасида энг жасоратли ва шиддатли жангчилардан бўлган. Ажакс Гекторни ўрталарида кечган курашда мажбуран жанг қилганликда айблайди. Бу нотўғри ва Гекторга нисбатан ҳақорат эди. Шунга кўра, ушбу ибора ҳозирги француз тилида "ўринсиз ҳақорат, айблов" маъносида ишлатилади.

"*Cheval de Troie*" бирикмаси ҳам "Илиада"даги бир кўринишга ишора қилади. Юнонлар ичига жангчиларни яширса бўладиган бир улкан ёғоч от ясайдилар ва уни Троя яқинига жойлаштирадилар. Трояликлар уни чекинаётган юнонларнинг оддий бир туҳфаси деб ўйлашади. Руҳоний Лаоконнинг башоратига ҳам қарамасдан, ёғоч отни шаҳар ичига олиб киришади. Юнон жангчилари тунда отнинг ичидан чиқиб, шаҳар дарвозасини очиб юборишади, юнонлар шаҳарга бостириб кириб, уни вайрона қилишади. "*Cheval de Troie*", яъни "*Троя оти*" ифодаси шундан келиб чиқиб, французлар тилида "ҳийла яширинган туҳфа" маъносини билдиради.

"*Qui se ressemble, s'assemble*" ибораси Гомернинг Одиссея достонидан олинган бўлиб, француз адибларининг асарларида ҳам, оғзаки нутқда ҳам

кенг фойдаланилади. Бу ибора маънодорлиги сабабли дунёнинг кўплаб тилларида муқобили бор. Унинг ўзбек тилидаги муқобили "Ўхшатмаса учратмас" мақолидир.

"Voyage d'Ulysse", яъни, "*Улиснинг саёҳати*" иборасини французлар "узоқ муддатли ва толиқтирадиган саёҳат" маъносида қўллашади. Бу ҳам Ҳомернинг достонидан келиб чиққан бўлиб, қаҳрамон Улис Троя жангидан қайтаётиб йигирма йил турли ғаройиб саргузаштларни бошидан кечиради.

Эрамиздан олдинги VII–VI асрларда яшаб ижод этган юнон файласуфи Гесиоднинг асарлари тилидан ҳам французлар унумли фойдаланишади. Масалан, "*Boite de Pandore; Age d'or* " сўзлари шулар жумласидандир. "*Boite de Pandore*" – "*Пандоранинг қутиси*" бирикмаси поэмадаги бир ҳикоятга ишора қилади. Унда келтирилишича, Пандора маъбудлар султони Юпитернинг буйруғи билан яратилади. Темирчилар худоси уни тупроқ ва сувдан ясайди, бошқа маъбудлар унга жон ато этади, яна бири унга либос, бири гўзаллик, яна бири айёрлик, тилёғламалик каби хусусиятларни ҳадя қилишади. Юпитер Пандорага совға сифатида бир қутичани ерга юборади. Пандора қутича офатларга тўла эканлигини билмай, уни очади ва қутичадан бутун офатлар ер юзига сочилиб кетади. Шундан келиб чиқиб, мазкур ибора французлар тилида "бахтсизлик манбаси" маъносини билдиради.

"Age d'or", яъни, "*Олтин давр*" Гесиоднинг башарият тарихи ҳақидаги таълимотидан олинган. Унга мувофиқ инсоният беш авлодга бўлинган: олтин, кумуш, мис даври, баҳодирлар ва темир даври. "Олтин давр"да инсонлар ғам-ташвишсиз, роҳат-фароғатда яшайдилар. Табиатни ўзи уларга ноз-неъматларни инъом этади. Улар ўзаро тотувликда яшайдилар. Ҳозирги кунда ҳам Гесиоднинг мазкур ибораси "бахтиёр ва ташвишсиз давр" маъносида кенг қўлланилади.

Қадимги юнон адабиётининг кўзга кўринган намояндаларидан яна бири эрамиздан олдинги VI асрда яшаб ижод этган масалчи Эзопдир. Унинг масалларидан олинган кўплаб ҳикматли сўзлар французлар нутқида тез-тез кузатилади. Эзоп қўллаган *"Accoucher d'une souris"* иборасини французлар қанча ҳаракат қилса ҳам кутилган натижага эришилмаган ҳолатни тасвирлаш учун қўллайдилар.

"Chant du cygne" жумласининг тарихи ҳам Эзоп ижоди билан боғлиқ. Унда айтилишича, оққуш ўлими олдидан куйлар экан. "*Оққуш қўшиғи*" деган сўз француз тилида "умр сўнггидаги асар ёки иш" маъносини англатади.

"Il ne faut pas juger les gens sur l'apparence" ибораси Эзопнинг "*Le Leopard er le Renard*" масалидан олинган. "Ташқи кўриниш алдаши мумкин" деган маънони англатувчи ушбу ибора французларда кўп қўлланилувчи мақолга айланган.

"Se parer des plumes du paon" жумласи масалдаги товус патлари билан безаниб олган кўк қарғага нисбатан айтилган. Бу кўчма маънода "ўзига тегишли бўлмаган нарса билан ўзини хурсанд қилмоқ" маъносини билдиради.

Эзопнинг яна бир масалида хасис одамнинг олтин тухум қўядиган товуқ ичидаги бор хазинани олиш учун уни ўлдиради. Ўлдиргач, унинг ҳам бошқа товуқлардан фарқланмаслигини кўради. *"Tuer la poule aux*

oeufs d'or" иборасини французлар "фойданинг манбаини куритмоқ" маъносида ишлатишади.

"Vendre la peau de l'ours" жумласи Эзопнинг ҳали ўлмаган айиқнинг терисини шилиб сотишни хаёл қилган кимса ҳақидаги масалига ишора қилади. Ибора ҳали бирор муваффақиятга эришмасдан туриб мақтаниш, яъни, "хомхаёл" маъносини беради.

Эзопнинг "Le Chient qui porte de la viande" масалида *"Lacher sa proie pour l'ombre"* ибораси қўлланилган. Кейинчалик Ла Фонтен масалида кенг тарқалган мазкур ибора "*қулай фурсатни қўлдан чиқармоқ*", деган маънони ифодалайди.

Француз тилида милоддан аввалги V асрда яшаб ўтган антик даврнинг машҳур табиби Гиппократ иборалари ҳам фаол истеъмолда. Масалан, "*Ars longa, vita brevis"* – "*Ҳаёт қисқа, санъат абадий"*; "*Sublata causa, tollitur morbus(effectus)*" – "*Сабабини топсанг, шунда касаллик ҳам ўтиб кетади"*, "*Dissiples d'Hippocrate"*, яъни, *Гиппократ ўқувчилари* каби жумлалар французларда тиббиёт терминининг синоними сифатида қўлланилади. Ҳозирги кунда ҳам ёш шифокорлар Гиппократ қасамёдини қабул қиладилар. Буларнинг барчаси Гиппократнинг тиббиёт ривожидаги хизматларининг беқиёслигидан даракдир.

Милоддан аввалги V–IV асрлар юнон адабиётининг Аттика даври деб номланади. Ушбу давр ижодкорларидан талайгина ҳикматли сўзлар бизгача етиб келган ва фаол қўлланилмоқда. Файласуф Суқрот, Платон, комедиянавис Аристофан ўша даврда яшаб ўтган намояндаларидандир.

"Apprends a te connaitre" Суқротнинг севимли ибораларидан бири бўлган. "*Ўзингни англа"* деган маънони билдирувчи ушбу бирикма ўша даврларда қурилган Делф ибодатхонасининг пештахтасига ўйиб ёзилган. Ибора Плутархнинг "Етти доно базми" асарида, кейинчалик Ла Фонтен асарларда, шунингдек, халқ оғзаки нутқида кенг фойдаланилган.

Суқротнинг яна бир жумласи *"Il faut manger pour vivre er non pas vivre pour manger"* биргина француз тилида эмас, бошқа кўплаб халқлар тилида яшаб, мақолга айланиб кетган. Мазкур жумла ўзбекча: "*Ейиш учун яшаш эмас, яшаш учун ейиш керак"* – деганидир.

Милоддан аввалги 427–347 йилларда яшаб ўтган юнон файласуфи Платонга тегишли қатор иборалардан "*Rйpublique de Platon"* – "*Платон Республикаси"* сўзи Платоннинг "Республика" рисоласидан келиб чиққан. Унда идеал, бекаму кўст, утопик ва жамият аъзолари файласуфлар, соқчилар ва меҳнатқашлардан иборат бўлган давлат тасвирланади. Унда давлатни файласуфлар идора қилишлари, соқчилар уни қўриқлашлари, меҳнатқашлар эса фуқароларни боқишлари ҳақида сўз боради. Платон ўзининг утопик давлатида бутун эътиборини файласуфларга қаратади. Ушбу "хаёлий давлат" маъносини англатувчи ифодага кўплаб француз ёзувчилари ўз асарларида ишора қиладилар.

Платонга мансуб *Post festum* ифодаси француз тилида "кечикиш" маъносида қўлланилади.

Комедиянавис Аристофан *"Etre au septiume ciel"* яъни, "*Еттинчи осмонда бўлмоқ"* – "*жуда хурсанд бўлмоқ*" маъносини билдирувчи ибораси "Булутлар" асарида қўллаган. Унда осмон кетма-кет ёпишиб турган еттита кристал гумбаздан иборат, еттинчи осмон эса энг олий, бахт-саодат осмони деб тушунтирилади.

"Pecher en eau trouble" жумласи эса Аристофаннинг "Суворийлар" асаридан олинган бўлиб, "*алғов-далғов вазиятдан фойдаланиб қолмоқ*" маъносини англатади. Аристофанга мансуб бу каби сўзлар кўплаб ёзувчиларнинг асарларида ва французларнинг оғзаки нутқида ишлатилади.

Юнон файласуфларидан яна бири милоддан аввалги 413–323 йилларда яшаб ижод этган Диоген номи билан боғлиқ *"Lanterne de Diogune", "Tonneau de Diogune"* каби ибораларнинг ҳам ўзига хос тарихи бор.

"Lanterne de Diogune", яъни, "*Диогеннинг фонари*" жумласи файласуфнинг ҳаётидаги бир ҳолатга ишора қилади. Бир куни у кундузи фонар ёқиб кўчада пайдо бўлади. Ундан бунинг сабабини сўраганларида, бир одамни қидираётганлигини айтади. Шундан келиб чиқиб, ушбу ибора "эсини йўқотган" деган маънода қўлланилади.

Манбаларда берилишича, Диоген ғалати ҳаёт кечирар, кулайликлардан нафратланар экан. Қишда ҳам, ёзда ҳам ялангоёқ юрар, учраган жойда тўнига ўраниб ухлар, бочка ичига кириб ўтирадиган одати бор экан. Бу бочка унга исрофгар одамларни, мунофиқ арбобларни, иккиюзламачи руҳонийларни фош қилиш учун минбар вазифасини бажарар экан. Шундан келиб чиқиб, *"Tonneau de Diogune"* – "*Диогеннинг бочкаси*" жумласи "*ҳаётдан узоқлашиш, одамлардан ажралиб қолиш"* маъносида ишлатиладиган бўлган..

Эллинизм даври юнон адабиётининг машҳур вакилларидан бири Менандир милоддан аввалги 343–292 йилларда яшаб ижод этган. У юздан ортиқ комедиялар ёзиб қолдирган. Унинг "Monostique" асарида қўлланган "*La nuit porte conseil"* ибораси мақолга айланиб кетган ва кўплаб тилларда ўз муқобилига эга. Ўзбек тилида "Кечаси ўйла, эрталаб сўйла" тарзида янграйди.

"Eureka! Eureka!" – "*Эврика! Эврика!"*. Ушбу хитоб милоддан аввалги III асрда яшаб ижод этган юнон математиги Архимедга тегишли. Бир куни Нерон шоҳ ўзининг олтин тожини ясаган заргардан унга кумуш ҳам қўшиб юборган, деган гумонга бориб, Архимеддан буни аниқлаб беришини сўрайди. Олим буни ечимини топа олмай узоқ ўйланади ва ушбу топшириқ буюк кашфиётга сабаб бўлади. Кунларнинг бирида у ваннада чўмилаётиб, сувда гавдасининг оғирлиги йўқолишини сезиб қолади. У ваннадан шошилиб чиқиб, яланғочлигича *"Eureka! Eureka!"* деб қичқирганча югуриб кетади. У жисмнинг ҳажмини сувнинг ҳажми билан аниқлаш усулини топган эди. Ушбу ифода француз тилида "j'ai trouvy", яъни, "топдим" деган маънони англатиб, кутилмаганда фикр келганида қўлланади.

Милоддан аввалги II асрда яшаб ўтган тарихчи Плутарх ижодига мансуб "*Le Grand Pan est mort"* ибораси француз тилида бирор буюк шахс вафот этганида ёки асрнинг тугашини ифодалаш учун қўлланилади.

"Les Sept Sages" Плутархнинг "Le festin de Sept Sages" номли рисоласидан олинган. Унда муаллиф исмлари мақолга айланиб кетган еттита доно давлат арбобларини тасвирлаган.

"Ventre affamй n'a point d'oreille" ибораси Плутархнинг "Vies parallelles" асарида қўлланган бўлиб, "оч одамнинг қулоғига гап кирмас"лигини англатади.

"Victoire a la Pyrrhus" – "*Пирруснинг ғалабаси"* жумласи Эпир қироли Пиррусннинг Асколи жангида қадимги римликлар устидан қилган

ғалабасига ишора қилади. Жангда ҳар икки томон катта талофатлар кўради ва қирол Пиррусниng ўзи ҳам жароҳатланади. Ғалаба билан уни қутлаганларида, у: "Агар римликларнинг кейинги мағлубияти бизга шунчага тушадиган бўлса, биз йўқ бўлиб кетамиз", – деб жавоб берган экан. Шундан келиб чиқиб, французларда ушбу ибора "*шубҳали ва қимматга тушган натижа*" маъносини англатади.

"Festin de Lucullus" ибораси Плутархнинг "Лукулуснинг ҳаёти" асаридан олинган. Лукулус Рим қўшинининг генерали бўлган ва дабдабали базмлар уюштирган. Шундан келиб чиқиб, *"Festin de Lucullus"* ибораси "ҳашаматли базм" маъносида қўлланилади.

Ўша даврлардан қолган яна бир ифода "*Faire d'une mouche un ülüphant*" юнонистонлик Лукианга тегишли бўлиб, "*Пашшадан фил ясамоқ"*, яъни, бирор нарсани бўрттириб кўрсатмоқ маъносини англатади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, асрлар оша оғиздан-оғизга ўтиб келаётган юнон адабиётининг сермазмун жумлалари ибора сифатида ҳаётий вазиятлар, фалсафий фикрларни аниқ ва образли етказиб беришга, мураккаб тушунчаларнинг маъносини қисқа ва лўнда ифодалаб беришга хизмат қилмоқда.

Гўзалхон ИСОҚОВА,
Филология фанлари номзоди,
Ўзбекистон давлат санъат
ва маданият институти доценти

НИМА ҲАМ ҚИЛА ОЛАРДИМ

ДАРАХТ УЧИДАГИ ЧОЙДИШ

Подшоҳ бир куни сайрга чиққан экан, йўлда бир оқар сувга дуч келибди. Унда қўлини ювган экан, сув жуда совуқлигини сезибди. Шунда подшоҳ:

– Кимки шу сувда бўйнидан кўмилиб эрталабгача ўтириб чиқса, мукофот бераман, – дебди.

Бир камбағал подшонинг бу сўзларини эшитиб бу ишни қилмоқчи бўлибди. Унинг сувда бўйнидан кўмилиб ўтиришини кузатиш учун қоровул қўйишибди. Камбағал эрталабгача муздек сувда ўтириб чиқибди-да, подшо ваъда қилган мукофотни олиш учун борибди. Подшо қоровулдан камбағал ростдан ҳам совуқ сувда ўтириб чиқдими, ҳеч нарсадан исиниб олмадими, деб суриштирибди. Қоровул камбағалнинг дабдурустдан катта мукофот олишига ҳасад қилибди-да:

– Тўғри, у сувдан чиққани йўқ, аммо узоқ бир тепаликда олов ёниб турган эди, шунга қараб исиниб олди, – дебди. Буни эшитган подшоҳ камбағалга ҳеч нарса бермасдан ҳайдаб юборибди. Буни кўриб турган Бирбал камбағалга юраги ачишибди ва унга қандай ёрдам беришни ўйлабди. Подшо яна овга чиқибди ва дам олиш учун тўхташганда Бирбалга чойдишда чой қайнатишни буюрибди. Шунда Бирбал чойдишни баланд бир дарахтнинг шохига илиб тагидан ўт ёқиб чой қайнатишга тушибди. Подшо буни кўриб ҳайрон бўлиб:

– Ақлинг жойидами ўзи? Шунча жойга осилган чойдишга ўтнинг иссиғи етиб борадими? – деб койибди.

– Сувга тушиб ётган камбағал узоқ тепаликдаги оловдан исиниб олган экан, эҳтимол, шу баландликка ҳам иссиқлик етиб бориб чой қайнар, – дебди Бирбал.

Шунда подшонинг эсига камбағалга қилган муомаласи тушиб, уни чақиртириб, узр сўраб, ваъда қилган мукофотини берибди.

БЕРМАСНИНГ БАҲОНАСИ

Жуҳонинг қўшниси ундан арқон сўраб чиқибди.

– Жоним билан берардиму, аммо арқонимга ун ёйиб қўйган эдим, – деб жавоб қилибди Жуҳо.

– И-е, ҳеч жаҳонда арқонга ҳам ун ёядиларми? – деб сўрабди қўшниси.

– Бермаснинг баҳонаси-да бу, – дебди Жуҳо.

ШИФТНИНГ ШУКРОНАСИ

Жуҳо бир кишиникига меҳмонга борган экан, уйнинг шифти эскилигидан шитир-шитир қилаверибди.

– Нега шифтинг шитирлаяпти? – деб сўрабди у уй эгасидан.

– Яратганга шукрона айтаяпти, – деб жавоб қилибди уй эгаси.

– Шукрона айтса майлига-ю, рукуга кетиб бизни босиб қолмаса бўлгани, – дебди Жуҳо.

ОСТИ ТЕШИК КЎЗАЧА

Даҳо бозорга борибди. Кулолнинг дўконига кирган экан, хумдондан чиқиб, яхшилаб қурисин учун тўнтарилиб қатор териб қўйилган кўзачаларга кўзи тушибди.

– И-е, бу кўзачаларингизнинг оғзи йўқ-ку? – дебди Даҳо. Кейин кўзачани тўнтариб кўрибди-да:

– Ости ҳам тешик экан, бўлмайди, – деб чиқиб кетибди.

ҚАДОҚЛАНГАН БУТУН ЧОЙНАК

Даҳо бозордан битта чинни чойнак сотиб олибди. Бозордан чиқса, кўча бўйида бир неча қадоқчилар синган чойнак, пиёлаларни қадоқлаб тузатиб ўтиришган экан. Шунда Даҳо:

– Мен чойнакни уйга олиб кетсам, мабодо синиб-нетиб қолса қадоқлатиш учун яна олиб келиб юраманми, кел, биратўласи қадоқлатиб кета қолай, – дебди-ю, бутун чойнакни ерга бир уриб синдириб қадоқчи устага:

– Шуни яхшилаб қадоқлаб беринг, – дебди.

ЭҲТИЁТ ЯХШИ-ДА...

Даҳо бозорда давангирдек бир чапани йигитга бехос урилиб кетибди.

– Кўзингга қараб юрсанг бўлмайдими, итвачча! – дебди чапани жаҳл билан.

Даҳо унга жавоб қайтармай индамасдан қишлоғига қараб тезлаб йўлга тушибди. Ҳар бир чақирим юрганда орқасига бир қараб ҳам қўяркан. Ўн-ўн икки чақиримча йўлни тўхтамай босиб, қишлоғига етибди-ю, ҳансираганича уйига кириб, аввал дарвозасини маҳкамлаб, катта тўнгак тираб қўйибди, кейин уйига кириб эшигини қулфлабди, сўнг хона ўртасига уйидаги бор кўрпа-тўшакларни солиб, уларнинг остига кириб, маҳкам ўралган ҳолда:

– Ўзинг итваччасан! – дебди.

“ҚЎЛИМ ҚИЛИЧУ ҚАЛҚОН БИЛАН БАНД ЭДИ-ДА...”

Даҳо яшайдиган жойда уруш бошланибди-ю, уни ҳам аскарликка олишибди. Ҳамма қатори унга ҳам қилич ва қалқон беришиб жангга киритиб юборишибди. Даҳо жанг ичида юриб-юриб бир маҳал қайтиб чиқибди.

– Хўш, жангда нима қилдинг, бирорта душманнинг чорасини кўра олдингми? – деб сўрабди ундан аскарлар бошлиғи.

– Бир қўлим қилич, иккинчи қўлим қалқон билан банд бўлгандан кейин нима ҳам қила олардим? – деб жавоб қилибди Даҳо.

М.ХУДОЙҚУЛОВ
тўплади

МУСАВВИР ДУНЁСИ

Рус авангард санъатининг дастлабки намояндаларидан бири Павел Филонов серғайрат рассом ва санъат назариётчиси сифатида санъат тарихида ном қолдирган. Унинг ижоди XX асрнинг биринчи ярмида яшаган қатор рассом ва адабиётчилар ижодига сезиларли таъсир кўрсатган.

Павел Николаевич Филонов 1882 йили Москвада туғилган. Петербургда рангтасвир устахонасида, 1889 йилдан Рассомликни рағбатлантириш жамияти қошидаги кечки қаламтасвир синфида, 1903 йилдан академик В.Е.Дмитриев-Кавказский (1849–1916) устахонасида сабоқ олади. Рассом ёшлик чоғида Петербург академиясига эркин тингловчи сифатида қабул қилинади, лекин унинг янгича қарашлари академия таълимидан фарқ қилгани боис, 1910 йилда ихтиёрий равишда бу даргоҳни тарк этади. Унинг "Бошлар", "Христиан оиласи", "Аёл ва эркак" каби дастлабки асарлари бир неча ёш рассомлар кўргазмаларига қўйилиб, назарга тушади.

Рассомнинг энг яқин ҳамфикрларидан бири шоир Хлебников бўлган. Хлебников ва Филонов ижодида руҳан яқинлик яққол сезилиб туради. Филонов ўз назарияларида кубизмга қарши ўлароқ, яхлитлик ва умумийликдан деталларга бўлиб ишлаш услубини аниқ белгилаб берган. "Қонунлар ва мезонлар" деб номланган мақоласида кубистларга ўхшаб, табиийликдан уларни узлуксиз тараққиёти даврида, шаклий унсурларни таҳлил қилган ҳолда, уни асл тагзаминини англаб олишга ҳаракат қилади. Филонов ўзининг ана шу қарашлари орқали, санъат оламида шакл ва ранглардан ташқари очиқ кўз билан илғаб бўлмайдиган мўъжизалар ва ҳодисалар борлигини таъкидлаб ўтади. Унинг таъкидлашича, кўз билан кўриб бўлмайдиган нарсаларни билим ва ички ҳиссиётлар ёрдамида билиб олиш мумкин. Мусаввир ушбу ҳодисани воқеликни жисмларсиз англаш деб билади.

1914 йилда П.Филонов, К.Кирилова, Д.Какабадзе, Э.Лассон, Е.Сковитинов каби рангтасвирчи ва қаламтасвирчиларнинг "Ишланган картиналар" деб номланган манифести юзага келади. Ушбу манифест рангтасвирни озод этилишини, яъни, рангтасвирга эркинлик берилишини қўллаб-қувватлайдиган жамиятнинг борлигидан шаҳодат берувчи илк босма декларация эди.

Филонов учун табиат таъсиридаги шакллар муҳим эмас, аксинча, уни ишланиш усули муҳим бўлган. Унинг фикрича, "Моҳир ижодкорлар қайси оқим ва йўналишда ижод қилишларидан қатъий назар, яратилаётган асарларидаги шакллар орасида унчалик катта фарқ йўқ. Улар учун шакл муҳимдир, бошқа восита йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас..."

П.Н.Филоновнинг ижодий қарашлари "Баркамол дунё гуллари", "Петроград йўқсиллари формуласи", "Она", "Шаҳар ғолиби", "Дунё тамаддунига қадам" туркум асарларида юксак ифодасини топган.

1915 йилда ишланган "Баркамол дунё гуллари" полотнолар туркуми деярли предметсиз, яъни, муайян аниқ буюм тасвир объекти бўлмаган асарлардир. Рус авангардида бу услубни Кандинский бошлаб берган, Ларионов, Филоновлар ижодида мустаҳкам қиёфасини топган, дейиш мумкин.

У 1918 йилда Петербургдаги кўргазмада "Дунё тамаддунига қадам" туркум асарлари билан қатнашади. Мусаввир Виктор Шкловский Филонов ижодига юқори баҳо бериб, кенг қамровли улкан ижодкор, деб эътироф этади.

Филоновнинг Петроград рассомлик ва ҳайкалтарошлик академиясини қайта ташкил қилишга киришади. Бироқ, унинг ғоя ва саъйи-ҳаракатлари расмий доирадагилар томонидан қўллаб-қувватланмайди. Рассомнинг асарларидаги ғоя ва назариялари жамоатчилик томонидан ҳаётийликдан йироқ тушунча сифатида қабул қилинади. Ижодий позицияси зиддиятларга сабаб бўлиб, "филоновчилик" фаолияти учун "синфий душман" сифатида қораланиб, вафотидан кейин ҳам то 1980 йилларга қадар асарлари норасмий таъқиқ остида туради. Аммо Филонов ўзининг санъат ҳақидаги назариясини тадбиқ қилишдан тўхтамайди. Бунинг натижаси ўлароқ, унинг "Жаҳон тараққиёти декларацияси" санъат назариётига оид муҳим манба бўлиб тарихда қолади.

У ижодий изланишларини муттасил давом эттириб, 1920 йилда "Назарий санъат усталари жамоаси" деб номланган хусусий мактаб ташкил қилади. Ўша даврда турли ҳажмдаги "Баҳор формуласи", "Тирик бош", "Номсиз" ва "Композиция" асарларини яратади.

"Калевала" эпоси Филоновнинг назарий санъат мезонлари асосида безатилади. Мазкур китобни безаш ишларида Т.Глебова, А.Порет, Г.Борцова, К.Вахрамеева, С.Закликовская, П.Залсман, Н.Иванова, Э.Лесов, М.Макаров, Н.Соболева, Л.Тагринава М.Цибасов каби рассомлар иштирок этишади.

1930 йилларга келиб, рассом ўзининг "назарий санъат" таълимотидан ёшларга сабоқ бера бошлайди. Ўша даврда яратилган "Империализм формуласи", "Нарв дарвозаси", "Ҳайвонлар", "Қиёфалар" каби асарлари унинг сўнгги ижодий ишлари ҳисобланади. Филонов иккинчи жаҳон уруши бошланганда, урушнинг дастлабки йили – 1941 йилда Ленинград қамали пайтида вафот этади.

Ҳозирда Павел Филоновнинг ижодий мероси Россия давлат музейи ва нуфузли Третьяков музейида сақланади.

Бобониёз ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон Бадиий академияси
аъзоси, рассом

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҚИСҚАЧА ҚОМУСИ

ГЕНДЕЛЬ ГЕОРГ ФРИДРИХ – атоқли олмон композитори, бароқко даври Европа мусиқа санъатининг йирик намояндаларидан бири. 1685 йилда Германиянинг Галле шаҳрида таваллуд топган, 1759 йилда Лондонда вафот этган. Гендель ижодий меросини кўплаб опера, оратория ва чолғу концертлари ташкил этади. “Мессия”, “Сув мусиқаси”, “Қироллик фейерверкаси учун мусиқа” каби симфоник асарлари, “Алмира”, “Нерон”, “Дафна”, “Флориндо”, “Родриго”, “Агриппина”, “Ринальдо”, “Содиқ чўпон”, “Амадис”, “Юлий Цезарь”, “Алессандро”, “Орландо”, “Ариодант”, “Альчина” каби қирққа яқин опера, 32 та оратория, қатор черков учун хораллар, вокал ва чолғу куйлари билан жаҳон мусиқаси ривожига улкан ҳисса қўшган.

“ГЕНРИХ V” – улуғ инглиз драматурги Уильям Шекспир трагедияларидан бири. Асар 1599 йилда ёзилган. Унда тарихий шахс, Англия қироли Генрих V (1386–1422) ҳаёти билан боғлиқ воқеалар акс эттирилган бўлиб, манбаларга кўра, Шекспир ушбу пьесани ёзишда инглиз тарихчиси Рафаэл Холеншеднинг “Англия, Шотландия ва Ирландия хроникаси” ва яна бир номаълум муаллифнинг “Генрих V нинг шонли ғалабалари” асарларидан манба сифатида фойдаланган. Ватанпарварлик, қаҳрамонлик мавзусидаги ушбу фожиа муаллифнинг “Ҳамлет”, “Ромео ва Жульетта” каби бошқа трагедиялари каби шуҳрат қозонмаган бўлса-да, даҳосининг намоён бўлишига хизмат қилган ижод маҳсулларидан биридир. Асар 1599 йилда илк бор “Глобус” театрида саҳналаштирилган, бугунги кунга қадар ўндан ортиқ экран ва саҳна талқинлари яратилган.

ГЕРАСИМОВ СЕРГЕЙ – атоқли рус кинорежиссёри, актёр, сценарийнавис. 1906 йилда Россиянинг Оренбург губернасида таваллуд топган, 1985 йилда Москвада вафот этган. Ижодий фаолиятини ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаган. “Маскарад”, “Катта ер”, “Қишлоқ врачи”, “Тинч Дон”, “Одамлар ва ҳайвонлар”, “Журналист”, “Инсонни севиш”, “Қизлар ва оналар”, “Қизил ва қора”, “Петрнинг ёшлиги”, “Лев Толстой” каби фильмлари билан кино санъати тарихида ном қолдирган.

ГЕРМЕНЕВТИКА – матншунослик илми. Атама қадимги юнон афсоналаридаги худоларнинг хоҳиш ва иродасини тушунтириб бериш учун юборилган элчи – Гермес номидан келиб чиққан. Герменевтика фан сифатида матнни тушуниш, тушунтириш, таҳлил этишга асосий диққатни қаратади. Тушуниш масаласи бўйича герменевтика фалсафаси махсус шуғулланади. Замонавий герменевтиканинг етакчи вакили Ф.Шлейермахер (1768–1834) ҳисобланади. У тушуниш масаласини алоҳида категория сифатида ишлаб чиққан. Унинг қарашларига кўра, матнларни грамматик ва психологик шарҳлаш жараёнида уларнинг маъносига етиш – тушунишдир.

ГЕРХАРД ГАУПТМАН – атоқли немис драматурги. 1862 йилда Польшанинг Шавно-Здруй шаҳрида таваллуд топган, 1946 йилда вафот этган. Гауптман Европада санъатнинг кўҳна эстетик тамойилларининг умри тугаган даврида адабиётга кириб келган. У ижодий фаолиятида дастлаб натурализм, символизм ва неоромантизм йўналишларидан ўтиб, чинакам ижодий ўзлигини реализмда намоён қилади. Гауптманнинг илк пьесаси "Тонг олдида"(1889) атоқли режиссёр Отто Брамнинг "Эркин" театрида саҳналаштирилади. "Ғариблар", "Тўқувчилар", "Кундузги пўстин", "Чўкиб кетган қўғирчоқ", "Ҳаёт шоми", "Зулмат" пьесалари, "Ифигения Авлидада", "Ифигения Дельфахда", "Агамемноннинг ўлими", "Электра" тетралогияси Гауптман ижодининг чўққига кўтарган асарларидир. Г.Гауптман ижоди кўп жиҳатдан XIX – XX асрлар орасида немис театр санъатининг ривожланиш тамойилларини белгилаб бергани билан қимматли.

ГЕКЗАМЕТР – антик давр шеърий ўлчови. Атама қадимги юнон тилида "олтилик ўлчов" деган маънони билдиради. Қадимги поэзия намуналари олтилик ўлчовда ёзилиб, унинг беш сатри "дактиллар" ва "спондлар"дан, охирги бир сатр эса "хорей" билан тугаши қатъий белгиланган. Манбаларда келтирилишича, антик даврда кенг тарқалган қаҳрамонлик эпослари гекзаметри милоддан аввалги VIII аср сўнггида юзага келган. Дастлабки гекзаметрик ўлчовдаги асарлар оғзаки шаклда бўлгани боис, сақланиб қолмаган. Бу ўлчовга Аполлон ёки Орфейнинг ихтироси деб қаралиб, муқаддас оят ҳисобланган ва худолар мадҳи қўшиқ шаклида куйланган. Кейинчалик гекзаметр поэзиянинг юксак мезони сифатида юнон ва Рим шоирлари ижодида юқори босқичга кўтарилади. Гекзаметрда ёзилган дастлабки ёзма асарлар буюк Ҳомернинг "Илиада" ва "Одессия" достонлари ва милоддан аввалги XIX–VIII асрларда ижод қилган бошқа шоирлар ижоди эътироф этилади. Бу даврга келиб, гекзаметр поэзиянинг барча шакли, қаҳрамонлик достонларининг олий ўлчовига айланади. Гораций, Феокрит каби юнон шоирлари буколика, сатира, идиллия каби турли жанрлардаги шеърий асарларида ҳам гекзаметрни моҳирона қўллаган. Рим шеъриятига бу ўлчовни қадимги Рим сатиранависи Квинт Энний олиб кирган, деб қаралади. Энний юнон ўлчовини фонетик мураккабликларига қарамай лотин тилида мослаштиради. Мумтоз гекзаметр шунинг учун юнон ва лотин тилларига мослашган бўлиб, кейинчалик бошқа Европа тилларида юзага келган гекзаметр қадимги асл шаклига тақлидан яратилган. Янги давр Ғарбий Европа ва рус гекзаметрини шулар жумласида келтириш мумкин.

ГЕОРГ ВИЛЬГЕЛЬМ ФРИДРИХ ГЕГЕЛЬ – немис файласуфи, илоҳиётшунос. 1770 йилда Вюртенберг князлигининг пойтахти Штутгарт шаҳрида дунёга келган, 1831 йилда вафот этган. Гегель илмий-фалсафий фаолиятининг қимматли маҳсули сифатида "Халқ дини ва насронийлик" (1793), "Фихте ва Шеллинг тизимлари орасидаги тафовут" (1801), "Мантиқ илми" (1812–1816), "Фалсафий илмлар комуси" (1817), "Ҳуқуқ фалсафаси асослари" (1821), "Ҳуқуқ фалсафаси" (1826) каби йирик асарлари ҳамда унинг шогирдлари томонидан йиғилган "Фалсафа тарихига оид маърузалар", "Эстетикага оид маърузалар", "Диний фалсафага оид маърузалар" каби нутқ ва маърузалардан иборат китоблари бизгача етиб келган.

ГЁТЕ ЙОҲАНН ВОЛФГАНГ – атоқли немис ёзувчиси, мутафаккир, шоир, драматург, янги давр немис адабиётининг асосчиси. 1749 йилда Германиянинг Франкфуртмайн шаҳрида туғилган, 1832 йилда Веймарда вафот этган. Гётенинг адабий фаолияти 1770 йиллардан бошланган. "Гетс фон Бенлихген", "Прометей", "Ёш Вертернинг изтироблари" асарлари адиб ижодининг дастлабки намуналари ҳисобланади. Гёте фаолиятининг асосий ва муҳим қисмини "Ифигения Тавридда"(1779–1781), "Эгмонт" (1788), "Торквато Тассо" (1780–1789), "Фауст" (1868–1832), "Шеърият ва ҳақиқат" (1811–1833), "Мағрибу машриқ девони" (1814–1819) сингари асарлари ташкил этади. Гёте фалсафа ва адабиётдан ташқари ҳуқуқшунослик, ботаника, геология соҳалари билан ҳам шуғулланиб, бир қатор асарлар ёзган. Гёте ижоди дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Унинг асарларини ўзбек тилига ўгиришда Чўлпон, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Эркин Воҳидов, Садриддин Салим, Янглиш Эгамова, Мирзаали Акбаров каби олиму ижодкорларнинг хизматлари катта.

ГИПЕРРЕАЛИЗМ – XX асрнинг иккинчи ярми XXI аср бошларида АҚШ ва Европада юзага келган ижодий оқим. Гиперреализм моҳиятан реализмнинг янада юқори, кескин шаклини ифода этиб, адабиёт, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, кинематография, фотография соҳаларига фаол кириб келган. Атама илк бор 1973 йилда франциялик фоторассом Изи Брашо томонидан қўлланилган. Гиперреализмда фотореализмнинг эстетик принципларига асосланиб, кундалик ҳақиқатни батафсил нусхалашга интилмайди, сюрреализмдан фарқли равишда объект ва воқеликка хаёлот нуқтаи назаридан ёндашилади. Яъни, реал объект асосида ишонарли иллюзия яратади. Адабиётда гиперреализмнинг асосий жиҳатлари муаллифни матндан ажратиб олиш, тафсилот ва ахборот унсурларининг устунлигида кўринади. Европа рассомларидан Жак Боден, Педро Кампос, Герард Бурсма, Омар Ортиз, Том Мартин, Эрик Кристенсен кабилар мазкур йўналишда юқори натижаларга эришган.

ГИЛГУД ЖОН – англиялик актёр, театр ва кино режиссёри. 1904 йилда Англиянинг Лондон шаҳрида туғилган, 2000 йилда Уоттон Андервудда вафот этган. Гилгуд 1921 йилдан ижодий фаолиятини "Олд Вик" театрида бошлаган ва Шекспирнинг "Генрих V", "Ричард II", "Ҳамлет", "Қирол Лир" асарларида бош қаҳрамонларни ижро этиб ном қозонган. 1924 йилдан унинг ижодий репертуари Чехов қаҳрамонлари билан бойийди. Турли йилларда Оксфорддаги "Плейхаус" театри ва Қироллик театрида саҳналаштирилган Чехов пьесаларининг етакчи ижрочисига айланади. Хусусан, "Олчазор"да Трофимов, "Чайка"да Треплев, "Уч опа-сингиллар"да Вершинин образларини ижро этади. Гилгуд кўп планли трагик актёр сифатида турли йилларда тасвирга олинган "Юлий Цезарь", "Ромео ва Жульетта", "Ричард III", "Олчазор", "Беккет", "Ҳамлет", "Енгил кавалерия ҳужуми", "Ҳасан", "Шарқий экспресс даги қотиллик", "Галилей", "Калигула", "Сфинкс", "Ганди", "Вагнер", "Шоҳ Эдип", "Камелияли хоним", "Скарлетт", "Биринчи рицарь", "Гулливернинг саёҳатлари", "Елизавета" сингари юзлаб салмоқли фильмларда етакчи ролларни талқин этган. Жон Гилгуд жаҳон санъати тарихида Шекспир ва Чехов қаҳрамонларининг машҳур ижрочиси сифатида ном қолдирган.

Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА
тайёрлади

РЕЗЮМЕ

●●● В рубрике "Уроки Навои" анализируется газель великого узбекского поэта "Покоя лишила царица моя", написанный в стиле "шархи хол". Вместе с текстом оригинала публикуется перевод данной газели на русский и английский языки.

●●● Великий русский писатель Лев Толстой в течение 80-90-х годов XIX века работал над такими характерными для его творчества произведениями, как "Крейцерова соната", "Отец Сергий", "Воскресение" и др. В них глубоко исследуется вопрос, занимавший важное место в религиозно-нравственных поисках автора – прелюбодеяние и его губительное влияние на человеческую судьбу. Повесть "Дьявол" также относится к данному периоду творчества писателя. Она переведена на узбекский язык известным переводчиком Мухиддином Рахимом.

●●● Известный узбекский писатель Темур Пулатов является русскоязычным автором с самобытным стилем, образом мышления и творческим миром. Ряд его произведений переведен на узбекский язык Вахобом Рузиматовым, Шукуром Халмирзаевым, Эркином Насыровым, Тахиром Маликом, Эркином Агзамом и другими мастерами художественного перевода. Писатель в последние годы опубликовал несколько романов и повестей о жизни крымских татар. Одно из таких его произведений переведено на узбекский язык Шарифом Ахмедом под названием "Огорчи смерть".

●●● В статье "Было ли соглашение?", опубликованной под рубрикой "Трибуна редактора", автор обращается к новейшей истории Соединенных Штатов Америки, в частности, рассматривает загадочную жизнь и политическую деятельность известного бизнесмена, филантропа и политика Росса Перо. Автор статьи рассказывает о борьбе между политическими партиями, о напряженных дискуссиях кандидатов в президенты США, процессах выборов и их влиянии на судьбу страны и общества.

●●● В этом году исполняется 90 лет яркому представителю каракалпакской литературы, Герою Узбекистана, народному поэту Узбекистана и Каракалпакстана Ибрагиму Юсупову. Его поэзия выражает искренние личные чувства и философские взгляды на жизнь. Поэзия Юсупова является своеобразной и художественно значимой не только для узбекской и каракалпакской литератур, но может иметь значение и за пределами нашего региона. Цикл стихов каракалпакского автора переведен на узбекский язык поэтом Ачилом Тахиром.

RESUME

•●● The ghazal by Alisher Navoiy written in a special manner named "Rest of Every Soul" is analyzed in rubric "Lessons by Navoiy" in this issue. A comment to the ghazal, the meaning of this work and translation into English and Russian are presented here.

•●● Great Russian writer Leo Tolstoy worked under "The Kreutzer Sonata", "Resurrection", "Father Sergius" and other novels and narratives in 1880-1890. In all these works the author analyzes the theme of lust and its tragic influence to human fate which was very important in religious-cultural views of Tolstoy. The narrative "The Devil" is about this theme too and it was also written in those times. It was translated into Uzbek by well-known scientist and translator Muhiddin Rahim.

•●● Well-known Uzbek writer Temur Pulatov is an author with a special creative world and original style. His works written in Russian were translated into Uzbek by Vahob Ruzimatov, Shukur Kholmirzaev, Erkin Nosirov, Tohir Malik, Erkin Azam and other translators. Temur Pulatov has published several novels and narratives about the life of Crimean Tatars. One of these works named "Outwit the Death" translated by Sharifjon Ahmad is published in this issue.

•●● A recent history of the United States of America became the subject of an article published in a rubric "The Tribune for the Editor". The author wrote about well-known businessman, philanthropist, politician Ross Perot, his interesting, mysterious life path and political career. Political battles between American parties, debates between presidential candidates, a process of elections and its influence to American people and state also became subjects for an analyze.

•●● This year is the 90th anniversary of the Hero of Uzbekistan, People's Poet of Uzbekistan and Karakalpakstan Ibroyim Yusupov. His original, philosophical poetry is an event not only for Uzbek or Karakalpak, but for the world poetry. Some of his works were translated by popular poet Ochil Tohir.

Jahon
ADABIYOTI
Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: Н.ЖЎРАЕВА
Техник муҳаррир: Ғ.ЎНАРОВ
Мусаҳҳиҳ: Ш.НИЁЗМЕТОВА
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829
2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.
"Жаҳон адабиёти" журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Таҳририят манзили:
100066, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудида жойлашган Адиблар хиёбони.
Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.
Сайт: www.jahonadabiyoti.uz
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 02.08.2019 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.
Адади 1994 нусха. 570 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.
"Жаҳон адабиёти" журнали компьютер марказида терилиб, "Sharq" НМАКда чоп этилди.

Босмахона манзили:
100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© Жаҳон адабиёти, 2019 й.

ALSKOM®
SUG'URTA KOMPANIYASI
СТРАХОВАЯ КОМПАНИЯ



ҲУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАР!

Автотранспорт олишда гаров таъминоти муаммо бўлмоқдами?

БУНИ ТЕЗ ҲАЛ ҚИЛИШ МУМКИН.

"ALSKOM" суғурта компанияси (Бош офиси ёки республиканинг барча вилоят шаҳарларида жойлашган) офисларига мурожаат қилинг. Сиз танлаган шартларда гаров таъминоти сифатида полис тақдим этилади.

Тел.: 147 11 00:
Факс.: 147 22 00:

Манзил: Тошкент ш.,
Амир Темур к., 109.

19.016 Таф.



Павел Филонов. *«Қиёфа»*

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Журналнинг обуначиларга етказилишида муаммо пайдо бўлса, қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй. Тел.: (0371) 233-60-78, 233-67-98.

Муковамизда:
Павел Филонов.
«Замонавий чизиқлар»